

*Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*

Тошкент Молия институти

Қосим Яҳёев

*Солиққа тортиш
назарияси ва амалиёти*

Дарслик (қайта ишланган)

Тошкент 2003 йил

Илмий муҳарир: А. Ваҳабов, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: Э. Акрамов, иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ғ. Қудратов, иқтисод фанлар номзоди, доцент,

Б. Тошмуродова, катта ўқитувчи, иқтисод фанлари номзоди.

Қайта ишланган дарслиқда солиқ категориясининг бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқиши, солиқларнинг иқтисодий моҳияти, функциялари, солиққа тортиш асослари ва тамойиллари, солиқлар тизими ва уни гуруҳлаш, солиққа тортишнинг «Ўзбекистон модели» амалиёти ёритилган. Солиқ тўловчилари, солиқ объекти ва ундан имтиёзлар, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш, солиқ ҳисобларини тақдим этиш масалалари атрофлича ёритилган. Дарслиқда тестлар, солиқ соҳасидаги асосий тушунчалар ҳам берилган.

Дарслиқ солиқ, молия ва банк тизими мутахассисликлари, коллежлар ва олий ўқув юртлари талаблари, магистрантлари ва аспирантлари учун мўлжалланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида истиқлол йиллари ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида босқичма — босқич мустақил солиқлар тизими барпо этилди. Бу жараёнда эски бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайдиган солиқлар (оборот солиғи, фойдадан ажартма, ўрмон солиғи, амортизациядан ажратма ва ҳоказо) тугатилди ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган солиқ тизими жорий этилди.

Охирги йилларда жамиятимизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳам ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

И. А. Каримов Идораларо мувофиқлаштириш кенгаши йиғилишида сўзлаган маърузасида: «Мен бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси. У нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир», — деб кўрсатиб ўтдилар (СБХ, 5—сон, 2000 йил, 3—9—бетлар).

Президентимиз Ислом Каримов «2001 йилда Республикани ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларни боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифалар»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек: «Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим» («Ишонч» газетаси, 2002 йил 15 феврал сони).

Президентимизнинг юқорида айтилган нутқида солиқларни моҳиятини, уларнинг иқтисодий зарурлигини яхши тушунтириш лозим деб кўрсатилди.

Юртбошимиз қўйган бу вазифаларни фақат солиқлар тўғрисидаги қонулар ва йўриқномалар билангина тушунтириш етарли бўлмайди.

Солиқларни чуқур ўрганиш ва тушунтириш, уларни такомиллаштириш йўларини билиб олиш учун кўплаб илмий мақолалар, қўлланмалар ва дарсликлар ёзилиши зарур.

Бу соҳада дарслик ёзишда биз илгари Республикада биринчи бўлиб бу ишни қўлга олган эдик. Аммо, уч йил ичида солиқлар соҳасида анча кўп ўзгаришлар бўлди, солиқ соҳасидаги

билимларимиз ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун, уни қайта ишлаб иккинчи нашрини чоп этишни замон тақозо этди. Бу иш солиқ ислоҳатини давом эттириш, солиқ механизмини такомиллаштиришда яна бир қадамдир.

Қуйидаги дарслиқда биз Ўзбекистон Республикаси солиқларини уч бўлимга ажаритиб ўрганишни лозим топдик.

Дарслиқнинг биринчи бўлими солиқлар назариясига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг ягона солиқлар тизими таркиби атрофлича таҳлил қилиниб, бюджетдан ташқари мақсадли фондларга тушадиган тўловлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш борасида ўзининг баъзи фикрларини баён этган. Шу бўлимда, солиқлар тушунчаси, белгилари, иқтисодий моҳияти, функциялари, давлатнинг солиқ сиёсати, ижтимоий кафолатланган бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама баён этилган.

Иккинчи бўлим – юридик шахслар тўлайдиган ҳамма солиқлари ва йиғимлари ҳақида гапирилган. Албатта, кўпроқ улар ичида кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), даромадга солиқ (юридик шахслар) ва даромад солиғи (жисмоний шахслар) атрофлича очиб берилган.

Юридик шахслар солиқлари бюджет даромадлари ичида 78 – 80 фоизни эгаллаганлиги учун уларни ўрганишга кўп эътибор берилган.

Учинчи бўлим эса дарслиқда жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар таркибини кўриб чиқишга қаратилган. Бу бўлимда жисмоний шахсларнинг даромад солиғини чуқур ўрганшига эътибор қаратдик. Ундан ташқари бу бўлимда жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғи, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқаларга ҳам алоҳида тўхталдик.

Охирги икки қисмга (амалиёт қисми) кирувчи ҳар бир солиқ бўйича шартли мисоллар берилиб, дарслиқнинг мазмунини амалиёт билан чамбарчарс боғлашга ҳаракат қилинди. Дарслиқ мавзулари чуқур, ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ҳар бир мавзу бўйича қайтариш саволлари ва асосий тушунчалар берилган. Ушбу дарслиқ солиқчи мутахассисларнинг профессионал билимларини чуқурлаштиришга ва фикрлашни ривжлантиришга мўлжалланган. Бу ерда ҳар бир солиқнинг тушунчаси, тўловчилари, солиқ объекти, ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўлаш (ўтказиш) усуллари ҳамда

солиқларга берилган имтиёзлар атрофлича ёритилган. Дарсликнинг бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрь 455–сон қарори бўйича янгиликлар ва ўзгартиришлар киритилган.

Қайта ишланган ушбу дарслик баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. У камчиликлар кейинги нашрларда эътиборга олиниб дарслик бойитилиб борилади. Дарсликни ўқиган ва камчиликларни рўйи – рост айтганларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

Муаллифдан.

I. Бўлим. СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ.

1–БОБ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

1. Солиқ назарияси фанини ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан муносабати.

Солиқ назарияси фанининг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмет ва вазифалари мавжуд. Бу фанини ўқитишнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти муносабатлари ичида солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади.

Солиқ назарияси фани солиқ воқеъликларини (ҳаракатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий хулосалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ўргатади.

Солиқ назарияси солиқ амалиётидаги энг тўғри, энг мукамал ва энг прогрессив воқеъликларни ўрганиб олиб, амалиёт учун худди бир дастурий амалдай ёритиб боради. Назария воқеъликларни амалиётдан олади ва яна амалиётга энг тўғри, маъқул ва илғор тажрибалар олиниб амалиётга йўл кўрсатиш учун ўргатилади.

Демак, назария амалиёт учун керак ва амалиёт учун компас, барометр, йўл бошловчи вазифасини бажаради. Назариясиз амалиёт йўлдан адашган йўловчидир. Назарияни чуқур билган амалиётчи ҳар қандай ўзгаришларда ҳам ишлаб кета олади ва йўлдан адашмайди.

Солиқ назарияси фанини ўқитишнинг зарурлиги амалиётда йўлдан адашмаслик, кераксиз солиқлар бўйича ўзгартишларга йўл қўймаслик, амалиётда истиқболли қадамлар ташлаш учун ва катта муваффақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқ назарияси фани иқтисодий назария фани билан чамбарчас боғлиқдир, унинг махсус бўлими, яъни чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган бўлиmidир. Чунки солиқ назарияси қонуниятлари умум иқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқиб кета олмайди, уларга асосланади ва ривожлантирилади.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлганлиги боис, солиқ назарияси фани ҳам молия назарияси фани билан чамбарчас боғлиқ. Солиқ назарияси фанининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади.

Солиқ назарияси фани давлат бюджети фани билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Чунки солиқлар охир оқибатда бюджет даромадларини шакллантиради. Солиқлар (даромадлар) бўлмаса бюджет муносабатларининг ўзи бўлмайди. Бу фан чет мамлакатлар солиқлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳуқуқи фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

2. Фаннинг предмети ва вазифалари

Ҳар қандай фан ўзининг предметига, яъни изланиш объектига эга бўлади. Масалан, технология фанининг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик фани учун машиналар механизмини характеристикаси бўлса, солиқ назарияси фанининг предмети солиқ муносабатларини (ҳаракатини) ўрганишдир. Солиққа тортиш фанида эса солиқлар механизмини ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир.

Фаннинг предмети солиқ воқеъликлари пул муносабатларини ўрганишдан иборат бўлади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи (солиқ олувчи) давлат ўртасидаги муносабатлардир. Фаннинг моҳияти шу ўртадаги муносабатни чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлашдир. Тўғри ташкил этиш деганда солиқ муносабатида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборга олиш, мувозанатни сақалаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда томонлар адолатлик ва инсофлик тамойилига амал қилиши зарур.

Тушунарлироқ қилиб айтсак, бюджетга солиқларни олишда солиқ тўловчилар бўйнига ортиқча оғирлик осмаслик, уларни ўз ишлаб чиқаришидан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслик, уларнинг дастурлари ва режаларини тез – тез ўзгартиришга олиб бормаслик ва ҳоказоларга эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади. Фаннинг предметини чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солиқ объектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни, солиқ объектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади.

Демак, солиқ назарияси фанини чуқур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин.

Фаннинг вазифаси солиқ мутахассиси ва бошқа солиқ идоралари ходимларини назарий жиҳатдан қуроллатириш ҳамда

амалиётда адашмаслик учун йўл – йўриқлар кўрса – тишдан ибоатдир. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқиш, уларнинг иш тажрибаларни ўзимизнинг амалиётга мослаб зарур жойларини тадбиқ этишдан иборатдир.

Демак, фаннинг асосий вазифаси юқори малакали солиқ мутахассислари тайёрлашда уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан услубий қўлланмалар билан таъминлашдир.

3. Давлат ва бозор иқтисодиёти – солиқ назарияси фанининг асосидир.

Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳамда ҳозирги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиёти шароитида давлат уни ташкилотчиси эканлигидан солиқ назарияси фани давлатнинг ўта зарур бўлган хилма – хил вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ва уларга асосланади.

Давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш уни тақсимлашнинг қонун – қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тақсимлашдаги муносабат бозор иқтисодиёти шароитида пул орқали амалга оширилганлигидан давлат уни тақсимлашни ҳам пул муносабатлари орқали, яъни солиқ, пул ва кредит орқали амалга оширади. Давлатнинг бундай фаолиятини ўрганиш – солиқ назарияси фанининг диққат – марказида туради.

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти – эркин иқтисодиёт, пулли муносабатлар иқтисодиётидир. Солиқлар ҳам пул муносабатларини ифода этганлиги учун бозор иқтисодиёти таркибига киради, унинг ажралмас қисмидир.

Бозор иқтисодиёти қонунлари – солиқ назарияси фанининг асосини ташкил этади. У қонунларни чуқур англамасдан туриб солиқларни тушуниб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганиб чиқиб, давлат ички ялпи маҳсулот қийматини солиқлар орқали тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Шундай экан, давлат тўғрисидаги таълимот – давлат иқтисодиётни бошқаришда бош роль ўйнаши солиқ назарияси фанининг асоси бўлиб хизмат қилади. Давлат бозор иқтисодиётини бошқаришда етакчилик, бошқарувчилик родини ўйнайди. Давлат солиқларни иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз зиммасига олади.

4. Солиқ назарияси фанининг солиқ хизмати ходимларини тайёрлашдаги роли.

Солиқ хизмати ходимлари ўзларига қонуний ҳужжатларда юкланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун фақат амалий жиҳатдан солиқларни билибгина қолмасдан, солиқларнинг моҳияти, белгилари, уларнинг объектив зарурлиги, давлатнинг солиқ сиёсати, солиқлар тизими, солиққа тортиш тизими, солиқ идоралари тизими ва бошқалар каби назарий масалаларни чуқур билишлари зарур. Бунинг учун эса солиқ назарияси фанини чуқур ўрганиш керак. Шуни назарда тутиш зарурким, Лоенардо Да Винчи айтганидек: «Назария қўмондон, амалиёт аскарлардир». Назария амалиётни тўғри йўлга бошловчи компасдир. Ҳар қандай вазифаларни кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун, улар чуқур назарий билимга ва касб маҳоратига эга бўлишлари зарур.

Фаннинг мазмунини чуқур эгаллаган ҳар қандай мутахассис солиқларни ўрганишда ва уларни ҳаётга тўғри ва тўлиқ тадбиқ этишда адашмайди. Шундай экан бу фан солиқ хизмати ходимлари, солиқ соҳаси вакиллари, илмий ходимлар учун ўзларининг илмий салоҳиятларини оширишда катта роль ўйнайди.

Қайтариш учун саволлар:

1. Солиқ назарияси фанини ўқитиш нима учун зарур?
2. Солиқ назарияси фани нимани ўргатади ва унинг қандай вазифалари бор?
3. Фаннинг назарий асоси нималардан иборат?
4. Солиқ назарияси фанининг солиқ мутахассисларини тайёрлашдаги роли қандай?

2–БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1. Солиқ тушунчаси, унинг белгилари ва иқтисодий моҳияти.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди–сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар

солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот (тўғрироғи, ички миллий маҳсулот) қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Масалан, коммунал хўжалиги фуқаролардан совуқ сув ёки иссиқ сувдан фойдаланаётганлиги учун ҳақ олса у солиқ эмас, балки шу сувни келтиришдаги хизмат ҳаққи ҳисобланади. Бу ҳақ коммунал корхона мулкидир. Ҳуқуқий шахслар ва ишбилармонлар тўғридан – тўғри ер усти ва ер остидан сув олганда сув ресурслардан фойдаланиш солиғини тўлайди, чунки солиқ суммаси давлат бюджетига тушиб давлат мулкига айланади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, қатъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

1. Биринчи белги – мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун кафолатланган.

2. Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага – давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондларига тушади. Борди – ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар – «Умид», «Экосан», «Камолот», «Нуроний» жамғармаларига тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди. Чунки мажбурийлик тамойили йўқ, у тўлов давлат мулкига тушмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чуқур бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади ёки жуда кам ўзгаради.

4. Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади. Лекин, давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма – хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб – интизомни ўрнатish

ва бошқа ижтимоий – зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган (тўлов) ҳақдир. Солиқлар бюджетга ва давлат пул фондларига келиб тушадиган, мажбурий характерга эга бўлган пул тўлови муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ қилиб олиш учун Олий мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очиқ, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта, эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Бу ҳақда кўплаб йирик иқтисодчилар ва давлат арбоблари ўз асарларида кўрсатиб ўтган. Уни давлат, шу билан бирга солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини ҳисобга олиб солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадалари учун етарли молиявий ресурслар тўплаш учун фойдаланилади. Солиқлар моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узоқ муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади. Аниқроқ айтсак бу ерда иқтисодий муносабат яъний пул муносабати мавжуддир.

2. Солиқларнинг объектив зарурлиги.

Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун – қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп ва бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Масалан, маъмурий буйруқбозлик давридаги давлатнинг халқ хўжалигини ҳамма соҳасига аралаштириш вазифаси натижасида корхоналар фаолиятини кўп томонларини бюджет орқали молиялаштириш эди. Ҳозир республикамизда хилма – хил мулк шакллари (хусусий, акционер, коллектив ва б.) пайдо бўлиши давлатнинг улар фаолиятига ҳам аралашувини ёқтирмайди, қабул қилмайди. Чунки, бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт, бу ерда ҳар бир хўжалик субъекти эркин фаолият кўрсатади, бутун фаолиятига ўзи жавоб беради. Давлатнинг улар фаолиятига аралашуви фақат қонун йўли билан, яъний солиқлар орқали бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигида, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Шу ерда давлат кучли социал сиёсат тадбирларини амалга ошириш учун пенсионерлар, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон давлати жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг муҳофаза қилинини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга, техника ва ўқ – дориларга ҳам маблағлар сарфлайди. Қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбур. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни ҳам объектив зарур қилиб қўяди.

Давлатнинг бажарётган функция ва вазифаларини маблағлар билан таъминлашни давлат бюджети харажатлари мисолидан ҳам кўриш мумкин. Жадвалга қаралсин.

Бюджет харажатлари (млн.сўм.)

	2001 йил	Фоииз	2002 йил	Фоииз	2003 йил	%
Жами	1210346	100	1900542	100	2492507	100
Шу жумладан:						
1. Социал маданий тадбирларга	481900	40	765442	40,2	935649	38,3
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга	102800	8,5	142449,5	7,5	195508	7,8
3. Иқтисодий соҳаларга	105375	8,7	165142	8,6	289157	11,6
4. Марказлашган инвес – тицияга	216200	16,2	273000	14,3	313000	12,6
5. Давлат ва суд идоралари бошқарувига	22000	1,8	38604,6	2,3	43557	1,7
6. Маҳаллий бошқарувга	6431	0,5	10303	0,5	12750	0,5
7. Вазирлар Маҳкамасининг резерви	15000	1,2	21000	1,1	33900	1,4
8. Бошқа резервлар, харажатлар	280281	23,1	484601	25,5	650984	26,1
Махсус фондлардан харажатлар – жами	395242	-	630229,8	-	728328	-
Бюджет дефицити	57518	-	122115	-	183506,9	-

Маълумотлар кўрсатишича ҳамма солиқлар бюджетга тўлиқ тўланганда ҳам давлатнинг кўп қиррали ва ижтимоий зарурий тадбирларини молиялаштиришга маблағлари етмайди. Бюджет даромадларининг харажатларига етмаган қисми (дефицит) давлатнинг қимматли қорозлари, Марказий банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан қопланади. 2003 йилдан бошлаб, бюджет дефицитлигини қоплашга банк кредитидан воз кечилди ва ноинфляция манбалардан фойдаланиш белгилаб олинди. Булардан хулоса шуки, солиқ тўловчилар давлат бюджети ва бошқа фондлардан тўлаган тўловларидан кўпроқ маблағлар олар экан. Шунинг ҳам эса тутиш лозимки, давлат туғма ногиронларга, уруш инвалидларига, ёш оналар, кўп болали оналарга давлатга бир сўм даромад бермаса ҳам ўзининг фондларидан пенсиялар, нафақалар бериб туради. Шундай қилиб, бозор шароитида тўланган солиқлар унинг тўловчиларига давлат хизматлари орқали ортиғи билан қайтиб келади. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар алоҳида бир шахсга эмас, балки, жамиятнинг ҳамма аъзоларига қайтиб келади ва эквивалент характерга эга.

Бозор иқтисодиёти эквивалентли иқтисодиёт. Бу ерда ҳамма нарса сотилади: маҳсулот, иш, хизмат, уларнинг қиймати ва объектив зарурлиги бозорда олди — сотди муносабатлари орқали намоён бўлади. Бозор муносабатларида давлат ҳам унинг бошқарувчиси, ҳам асосий иштирокчиси (субъекти) бўлади. Бу ерда давлат иштироки унинг жамият учун ўта зарур бўлган мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб — интизом ўрнатиш, таълим тарбиявий тадбирлар, аҳолини соғлигини таъминлаш, мамлакатни бошқариш, дунё ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳар хил алоқаларни ўрнатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш каби чора тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топади. Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш харажатлари бозор шароитида эркин сотилиш лозим эди. Аммо, уни бозор «кўтармайди». Сабаби иккита. Биринчидан, бу хизматлар мураккаб бўлганлиги бирорта юридик шахс, ҳаттоки энг йириги ҳам бажара олмайди. Иккинчидан, давлат хизматлари харажати алоҳида солиқ тўловчилар учун жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун, давлатнинг бундай хизматларини «ижтимоий товарлар», тўғрироғи ижтимоий хизматлар деб аталади. Шу хизматлар ҳақини олиш давлат учун объектив зарур, чунки у хизматларга маблағ сарфланади. Бу хизматларни эркин сотиш йўқлигидан давлат уни мажбурий унидиришни талаб қилиб Олий Мажлисга мурожаат қилади. Охиргиси давлатнинг бу харажатларини объектив зарурлигини эътиборга олиб, уни солиқ сифатида тасдиқлаб беради. Бу ерда солиқлар ҳуқуқий демократик асосга эга бўлади. Шунинг учун солиқлар тўғрисидаги маълумотлар тўловчилар учун ойдин бўлиши лозим.

3. Солиқларнинг функциялари

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятни кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб, эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолатлар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, категория функцияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеъликни ифодалайди. Шундай услубий ёндошишидан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак. Функция ва вазифани фарқига бориш зарур. Функция — доимийдир, вазифа эса ўткинчдир.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳslashувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик

иқтисодчилар солиқларга фискаль, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади. Профессор Йўлдошев М. ўзининг «Солиқ ҳуқуқи» 2000 й. китобида солиқларга бир қанча функциялар хослигини гапириб ўтган.

Солиқларнинг фискаль (хазина) функциясида ҳақиқатдан ҳам солиқлар хазинага (бюджетга) тушади. Бу воқеълик кўзга яққол кўриниб турганлигидан амалиётчилар шу функцияга тирмашиб олишган, яъни чуқурроқ фикр юритсак, яратилган ички ялпи маҳсулот қиймат ёки корхонадаги даромадларни аввал тақсимламасдан туриб, уларни тўғридан тўғри бюджетга ўтказиб юбориш ҳолати бўлмайди. Аввало ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаб, сўнг даромаддан бир қисмини хазинага олиш зарур. Шунинг учун хазина функциясини тўлиқ ва кенг маънода тақсимлаш функцияси, десак тўғри бўлади. Бу функция бажарилаётганда А. Смит айтганидек солиқ тўловчиларнинг имкониятини ҳам эътиборга олиш зарур.

Энди рағбатлантириш ва бошқариш функциясига келсак. Уларни доимо қатъий бўлмай такрорланиб турмаганлигидан солиқ функцияси эмас, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги вақтинчалик солиқ вазифаси, деб қараш керак. Масалан, 1995 йил Республика Президентининг Фармони билан корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ҳажмини оширса солиқдан 0,3 фоиздан имтиёз олиб рағбатлантириш мўлжалланган эди, йил тугаши билан бу имтиёз ҳам бекор қилинди. Чунки имтиёзларни доимий қилиб белгилаб бўлмайди, акс ҳолда солиқ категорияси путур етказилиб, у йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Солиқларнинг назорат функцияси ҳақиқатдан ҳам доимий ҳаракат қилади. Лекин, бу функция тақсимлаш функцияси билан ёнма — ён туриб даромадларни тўғри тақсимланаётганлиги, солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушаётганлигини назарий жиҳатдан назорат қилади. Назорат функцияси солиқ идоралари ишининг ривожланиш асосидир. Солиқларнинг ҳали Республикамиз иқтисодчилари томонидан ўрганилмаган, тан олинмаган яна бир функцияси мавжуд. Гап шундаки, солиқлар энг демократик тўлов бўлиб, Олий мажлис ноиблари томонидан очиқдан очиқ белгиланади. Эркин иқтисодиётда солиқлар ҳам эркин бўлади. Тўпланган солиқлар албатта харажатлар миқдорини кўрсатиб туради, чунки давлат харажатлари бўлмаса солиқ бўлмас эди.

— 199 —

Шунинг учун солиқларнинг давлат харажати тўғрисида ахборот бериш функцияси бор. Бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқлар давлатнинг қандай ижтимоий – иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарурдир. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

4. Ялпи ички маҳсулотларни тақсимлашда солиқларнинг роли.

Солиқлар ялпи ички маҳсулотни деярли учдан бир қисмини тақсимлаб бюджетга туширади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурурий харажатларини молиялаштиришга йўналтиради. Бу тўғри, охириги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ЯИМ қийматида бир оз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу янги тўғри тенденциядир. Чунки, эгри солиқлар тўғридан тўғри корхоналарнинг инвестицион фаолиятининг сусайишига олиб келмайди. Тўғри солиқлар салмоғи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий техника базасини кенгайтириш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратади.

Кейинги йилларда ресурс солиқларининг салмоғи ҳам анча ошмоқда. Бу солиқ ер, сув, ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Солиқларнинг роли қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

2 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети дармадларини 1991–2002 йиллардаги структураси ялпи ички маҳсулот қиймати (ЯИМ) га нисбатан фоизларда

Даромадлари	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	2000	2001	2002
Тўғри солиқлар	9,1	8,2	10,2	8,7	11,6	12,4	11	11,7	9,1	8,0	11,3
Эгри солиқлар	0,3	18,0	15,2	12,8	14,9	13,5	12,2	13,4	14,7	17,0	25,9
Ресурс солиқлари	-	1,2	1,5	0,9	1,8	2,1	33,1	4,7	3,7	3,2	4
Бошқа даромадлар	39,7	5,2	9,1	6,4	1,9	6,3	3,0	2,0	1,4	0,3	1,8
Жами:	49,1	32,1	36	28,8	30,2	34,3	29,3	32,4	34,0	30,0	43,8

Эслатма: Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚ маълумотларига асосан тузилган ҳамда ҳар йилги бюджет параметрларидан фойдаланилган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 1991 йилга қараганда 2002 йилда ЯИМ таркибида жами бюджетга тушумлар салмоғи камайиши мўлжалланган. Лекин, Тўғри солиқлар 1995 йилга ва 1996 йилга нисбатан камайган ва эгри солиқлар салмоғи анча ошган. 1991 йилларда умуман бўлмаган ресурс тўловлари бўлса, 2002 йилга келиб уларга тушум ЯИМнинг 4 фоизини ташкил қилган.

Солиқ қонунчилигимиз бўйича солиқлар орқали ҳар хил меҳр – шафқат фондларини ташкил қилиш рағбатлантирилади. Корхона ва ташкилотлар «Нуроний», «Умид», «Экосан» ва «Камолот» жамғармаларига ажратмалар ўтказса, фойдага (даромадга) солиқдан катта имтиёзлар олиб, солиқдан тўлиқ ва қисман озод этилади, эркин алмаштириладиган валюталарга экспортга махсулот сотиш рағбатлантирилади, ишлаб чиқаришнинг устувор соҳаларини ривожлантириш ҳам рағбатлантирилади

Қайтариш учун саволлар:

1. Солиқ тушунчаси нима? Унинг қандай белгилари бор ва нима деб таъриф берилади?
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти нима?
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималардан келиб чиқади?
4. Солиқларнинг қандай функциялари бор ва улар тўғрисида қандай баҳслар кетмоқда?
5. ЯИМни тақсимлашда солиқлар қандай роль ўйнайди?

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистонда солиққа тортиш тизими тушунчаси ва мазмуни. Солиқ элементлари.

Аввало солиқлар тизими ва солиққа тортиш тизимининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур. Солиқлар тизими моҳияти жиҳатдан бир хил, ўзаро боғлиқ бўлган ва марказлашган пул фондига ҳамда бошқа давлат фондларига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир. Қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларнинг ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари йиғиндисига

солиққа тортиш тизими деб таталади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ўз ичига олади. У асосан солиқ ундиришни ташкил қилиш масалаларини ўргатади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг социал – иқтисодий тузуми билан аниқланади.

Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва усулларини ўргатади. Солиқ элементларига солиқ субъекти, объекти, манбаи, ставкаси, солиқ бирлиги, солиқ оғирлиги (солиқ юки) каби тушунчалар киради.

Солиқ субъекти – солиқ муносабатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ муносабатларида фақат солиқ тўловчиларгина эмас, солиқ ундирувчи (солиқчи) ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради. Унинг номидан махсус ташкилот қатнашади, яъни бу ишни давлат солиқ хизмати идоралари бажаради. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилган.

Солиқ объекти – солиқ солинадиган даромад, харажат, оборот ёки мулкдир. Унинг фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, жами харажат каби турлари мавжуд. Объект доимо субъект билан боғлиқ, субъектники бўлади. Субъектсиз объект бўлмайди. Масалан, ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)да объект ортилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) оборотидир, даромадга солинган солиқда – даромад (фойда), мол – мулк солиғида мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва бошқалар.

Солиқ манбаи – бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам солиқ объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар хил, манба эса – даромад бўлади. Солиқларнинг шундай қонуни борки, улар ҳеч қачон манба миқдоридан (объектдан) ортиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда манба йўқолади. Тарихда бунга мисоллар бор (1962 йилги ҳайвонларга пул солиғи). Бу солиқ моллар бошини кескин камайтириб юборган. Ҳар қандай солиқ оқибат натижада даромаддан олинади. Бу тўғри солиқларга таалуқлидир.

Солиққа тортиш бирлиги – бу ерда объектнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида кв.метр, сув солиғида куб метр ва бошқалар.

Солиқ ставкаси – объектнинг ҳар бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёридир, яъни давлатнинг объектдаги улуши, ҳиссасидир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Солиқ оғирлиги – тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсда ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ оғирлигини ифодалайди дейилади. Аммо солиқ оғирлиги аниқ тўловчининг даромадига нисбатан жами тўлаган солиқлари ва тўловлари салмоғидир.

Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ оғирлиги мос келади. Лекин баъзи корхоналарда эгри солиқлар бўлиб, унинг ҳуқуқий тўловчилари корхона ҳисоблансада, солиқ оғирлиги истеъмолчи, яъни аҳоли зиммасига тушади. Охирги истеъмол қилувчилар аҳоли ҳисобланади. Бу ерда эгри солиқлар ҳисобига аҳолининг реал даромадларини бироз бўлсада, пасайиш ҳоллари учрайди. Солиқ оғирлигини макродаражада, соҳалар бўйича ва микро даражада аниқлаш мумкин.

Солиқ ставкаларининг турлари. Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва ноли ставкаларига амал қилинмоқда, шунингдек, регрессив ставка ҳам 1995 йилдан бошлаб кучга кирган ва ўша йили тутаб кетган. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг даромадга солиғи, мол – мулк солиғида пропорционал – регрессив ставкалар қўллана бошланди.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича асосий маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) га 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам 20 фоиз, 100 минг бўлса ҳам 20 фоиз, 1 млн. сўм бўлса ҳам 20 фоиз солиқ тўланади ёки экология солиғида тўлиқ таннарх харажати қандай бўлишидан қатъий назар бюджетга бир фоиз солиқ тўланади. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил бўлишини белгилайди, давлатнинг солиқ объектидаги ҳиссаси ўзгармайди.

Прогрессив солиқ ставкасида эса даромад, объект кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида

қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 5 баробарига тенг қисмига 13 фоиз, ундан ошган яна 5 каррали қисмига 22 фоиз, ундан ошган 5 каррали қисмига 32 фоиз солиқ тўланади. Бу ставка қўлланилиши ходимларни кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқтирмайди. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, пулни мустаҳ — камлашни, бюджетга салмоқли даромад тушуришни кўзда тутади.

1998 йилдан бошлаб солиқларни ташкил қилиш амалиётини чет эллардан ўрганиб, ҚҚС бўйича **нолли ставка**, яъни экспортга товарлар юборилганда, қишлоқ хўжалиги учун ёқилғи мойлаш ва минерал ўғитлар ортганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортганда солиққа тортиш нолли ставкада белгиланади, бунда шу маҳсулотлар бўйича тамомила солиқ тўламаслик жорий этилди. Қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди. Бироқ шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетган хом — ашё, ёқилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказиб берувчиларга ҚҚС тўланар эди. Нолли ставкада уларга тўланган ҚҚС суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинadиган ҚҚС суммасидан ҳисоблаб камайтиради. Демак, бу ерда ҚҚС эгри солиқлар сифатида ҳақиқатдан ҳам бетараф (нейтрал) солиқ бўлиб хизмат қилади ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун иложи борича кўплаб нолли ставкаларни қўллаш маъқул бўлур эди.

Регрессив солиқ ставкасида даромад (ёки бошқа объекти) ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, даромад ёки маҳсулот кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилади. Четга экспорт товарлар ишлаб чиқариб, қатъий валюталарда тушумга эришганлар иқтисодий қизиқтирилади, яъни солиқлари камайтирилган ставкада тўланади. 2002 йилдан бошлаб киритилган бу сиёсатни кенгайтириш иқтисодий ривожланишга катта наф келтиради.

2. Солиқ имтиёзлари ва уларни жорий этиш муаммолари.

Солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчиларга солиқ ва йиғимларни тўлашдан қисман, вақтинчалик ва тўлиқ озод этиш ҳамда солиқ базасини камайитириш тушунилади. Имтиёзлар тўғридан тўғри тўланадиган солиқ суммасидан берилиши мумкин. Айтайлик, корхона болалар кийим — кечакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, даромадга (фойдага) солиқдан 20 фоиз ўрнига атиги 10 фоиз солиқ тўлайди. Бу қисман озод қилишга ҳам киради.

имтиёзлар вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, деҳқон (фермер) хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йилга ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Бизнинг солиқ қонунчилигимизда солиқ тўлашдан тўла озод қилиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, фойда (даромадга) солиқ бўйича агар корхонада жами ишловчи ходимлар сонидан 50 фоиздан кўпроғини ногиронлар, меҳнат фахрийлари ташкил этса тамомила солиқдан озод этилади.


Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналарида ва элчихоналарида ишловчи чет эл ходимлари, мутахассислар солиқдан мутлақо озод этилади. Булардан ташқари, солиқ базасини камайтириш орқали бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қисқартириш ҳам имтиёзлар туркумига киради. Масалан, ҳуқуқий шахслар ўз даромадларидан инвестицияга сарфласа ёки унинг учун олган узоқ муддатли кредитларни қайтаришга сарфласа, 30 фоиз солиққа тортиладиган базадан камайтирилади. Умуман олганда имтиёзлар туркумига солиққа тортилмайдиган даромад гуруҳлари ҳам киради. Масалан, фуқароларнинг даромад солиғи бўйича бир қатор солиққа тортилмайдиган даромад мавжуд. Буларга пенсия, нафақа, алимент, қон топширилганда олинадиган даромад гуруҳлари ҳам киради. Имтиёзлар диалектикасига биноан бюджетга солиқ тўлашдаги имтиёзлар меҳнат унумдорлигини ошириб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига бюджетга тушадиган умумий даромадларни, айтайлик, ҚҚС ва акциз солиқлари орқали бўлса кўпайтириши лозим. Лекин бюджет даромади харажатидан орғиқ бўлиб турган даврда (дефицит) солиқлардан имтиёз бериш қандай амалга ошади? Албатта, бир корхонага берилган имтиёз суммаси бошқа корхоналар зимасига юкланади. Демак, бюджет дефицити даврида бериладиган солиқ имтиёзларидан самара катта бўлмайди, чунки солиқ юки бошқаларга тушиб, уларни ишлаб чиқариш натижаларидан кўрадиган манфаатдорлигини сусайтиради. Агар бюджет харажатларини камайтириш ҳисобига солиқлардан имтиёзлар берилса, унда ҳақиқатдан ҳам улар самара бериб, ишлаб чиқаришни ошириб, даромадлар олишни кўпайтириш ҳисобига берилган имтиёзлар бюджетга қайтиб келиши мумкин. Ҳақиқий имтиёз солиқ ставкасини камайтириш бўлиб, у ишлаб чиқариш учун ҳақиқий манфаатдорликни оширади. Солиқ қонунчилиги амалиётида имтиёзлар тури жуда кўп бўлгани билан улардан фойдаланиш анча мураккаб. Баъзан улар чеклаб қўйилади.

Солиқлар базасини камайтиришнинг 8 ҳолатлари мавжуд. Солиқ тўловчилар кўрсатилган ҳамма имтиёзлардан ҳар доим фойдалана олмайди, чунки шартлари кўп.

3. Амир Темур, Артур Лаффер, Адам Смит ва ҳозирги замон иқтисодчилари ишлаб чиққан солиққа тортиш тамойиллари. Ўзбекистон солиқ қонунчилиги тамойиллари.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Тузуқлар»ида солиққа тортишнинг тўрт тамойилини ишлаб чиққан. Профессор Ҳ. Р. Собировнинг фикрича, Амир Темур А. Смит кўрсатиб ўтган тўрт тамойилни ундан тўрт аср аввал айтиб ўтган. Жумладан, амалда ҳосил йиғиб олингандан сўнг солиқ солиниши зарурлиги, бунда суғориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг учдан бир қисми, суғорилмайдиган майдонлардан эса тўртдан бир қисмини ундириш кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, даромадларни ҳаддан ортиқ солиқлар билан қамраб олмаслик хусусида гапириб ўтган.

Кўп иқтисодчилар солиқ тўловчиларнинг даромадини бюджетга олишнинг чегараси борлиги ва солиқ оғирлигини кўпайтириб юбормаслик ҳақида ёзиб ўтганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришни ўсиши ёки пасайишига солиқ ставкаларини ўзгартириш ва бюджет харажатлари орқали таъсир кўрсатади. Америка иқтисодчиси Артур Лаффернинг ҳисобига кўра солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиётнинг ўсиши ва давлат даромадларининг ўсишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизиги деб аталади.



Агар солиқ ставкаси 0 бўлса, давлат ҳеч қандай солиқ тушумига эга бўлмайди. Агар ставка 100 бўлса натижа давлат учун тушум яна шунга тенг бўлади, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамма даромади бюджетга олиб қўйилади. Ишлаб чиқаришга ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди. Солиқ ставкасининг бошқа ҳамма ҳолатларида давлат у ёки бу миқдорда даромадга эга бўлади. ($0 < r < 100\%$). Солиқ ставкаси r^0 тенг бўлганда солиқ тушумлари максимал даражага етади. ($R_0 = r \max$). Хулоса шуки, солиқ фоизи ставкаси маълум даражага етиши (R^0) солиқ тушумларини кўпайтиради, унинг янада оширилиши аксинча солиқ тушумларини камайтиради. Иқтисодий субъектларнинг солиқ ставкасининг динамикасига таъсири бир ондаёқ сезилмайди, балки қандайдир вақт ўтгандан сўнг сезилади. Лаффер эгри чизиғи давлат даромадларининг ўсиши солиқ ставкаларининг камайишига объектив боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Сиёсий иқтисод отаси Адам Смит 1776 йилдаёқ «Миллатларнинг бойлиги» асарида солиққа тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган қуйидаги тўрт оддий тамойилни баён қилган:

1. Солиққа тортишнинг **тенглиги** — солиқ тўловчилар солиқларни ўз имкониятларига, яъни уларнинг давлат паноҳида олинган даромадларига боғлиқ ҳолда тўлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, имкониятдан келиб чиқиб солиқ тўлаши керак. Солиқ тўлашда тўловчи имконияти биринчи мезондир.

2. Солиққа тортишнинг **мақбуллиги** — тўловнинг муддатлари, тури ва суммалари ҳар бир кишига, яъни ҳам солиқ тўловчиларига ҳам солиқ олувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

3. Солиққа тортишнинг қулайлиги — солиқ тўловчилари учун энг қулай бўлган муддатларда ва шаклда ундирилиши лозим.

4. Солиққа тортишнинг арзонлиги — солиқларни ундиришга доир харажатларнинг энг кам миқдорда бўлиши кераклигини аниқлатади.

Кейинчалик олимлардан Жон Стюарт, Б. Йозеф, Э. Штигельц ва бошқалар ўз асарларида асосан юқоридагиларга ўхшаш тамойилларни айтиб ўтишади. Кельн солиқ ҳуқуқи институти доктори, профессор Йохим Ланг солиққа тортишнинг «мумтоз» ва «замонавий» тамойилларини ўрганиб чиқиб ва уларнинг ижобий ва заиф жиҳатларини таққослаб, солиққа тортишнинг беш тамойилини ишлаб чиқди ва солиққа тортиш ҳақидаги Кодекс лойиҳасига киритди. Улар қуйидагилардир:

1. Тенглик ва самарадорлик – иқтисодий фаолият объектларининг тенг миқдорда солиққа тортилишини ва улар учун солиқ юкининг тенг тақсимланишини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тенг ҳуқуқли бўлгани учун уларга солиқ солиниши ва солиқлар юки ҳам тенг бўлиши лозим. Бир шахсни солиққа тортишдан озод қилиниши бюджет даромадларининг тақчиллиги шароитида солиқ юкини бозор мунособатларининг бошқа иштирокчилари зиммасига юклайди. Бу ҳолат ижобий натижага олиб бормайди.

2. Солиққа тортишнинг аниқлиги ва мақбуллиги – солиқдан қарзларга нисбатан талаблар ҳуқуқий давлатчилик мунособатлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бунда солиқ, тўловчилар (шу жумладан, фуқоролар) тўланиши зарур бўлган солиқлар суммасини аниқ билишлари, улар зиммасига солиқлар юкининг солиниши учун асос бўладиган сиёсий қарорлар (тадбирлар) хусусида хабардор қилинган бўлиши зарур. Давлатни амалга ошираётган тадбириларини солиқ тўловчилар яхши тушунса, солиқ тез тўланади ва тўлиқ тўланади.

3. Солиққа тортишнинг арзонлиги – солиқ қонунлари иложи борича содда ифодаланган бўлиши, солиқларни ундириш қоидалари нисбатан арзонлиги билан фарқланиб туриши керак. Бундай тамойил ўз навбатида солиққа тортишнинг шартлари қулайлиги, оддийлигидан келиб чиқади. Ушбу тамойилга кўра, солиқларнинг ундирилиши осон бўлиши лозим. Қонунчилик материалларини тайёрлаш, солиқларни ҳисоблаш, боқимандаларни ундиришнинг ташкил этилиши учун меҳнат ва моддий харажатлар жуда кам сарфланган бўлиши зарур.

4. Солиққа тортишнинг хазина(фискал) самарадорлиги ва қайишқоқлиги – самарадорлиги билан ажралиб туриш ва иқтисодий вазиятларнинг ўзгаришига қонуний чораларсиз тўғри жавоб бериши лозим. Бу ўринда Йохим Ланг солиққа тортишнинг хазина самарадорлигини – иқтисодий юксалишига солиқлар юкининг оғирлиги номунофиқ бўлиши билан боғлиқ, эканлигини огоҳлантириб ўтади. У солиқ юкининг оғир бўлиши иқтисодий ўсиш учун зарардир деб таъкидлайди. Фақат Германия ва Италия сингари иқтисодий жиҳатидан қудратли давлатлар иқтисодий юксалишига тўсқинлик қиладиган солиқлар тизимига амал қилишлари мумкин. Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда олдинига хусусий иқтисодий кучлари ва мулкчиликнинг ривожланиши учун имконият яратиб берилиши

керак бўлади. Бунинг учун ўз навбатида давлат солиққа тортиш масалаларида, айниқса тўғри солиқлар соҳасида тийикликларни намоён этиши зарур. Қатор мамлакатларда фуқороларга даромад солиғи бўйича имитиёзли солиқ солинмайдиган ялпи даромад қисми белгиланади. Бунда энг кам миқдорни белгилашда фуқороларнинг ишчи кучини қайта тиклаш, иш жойига бориш ва қайтишининг транспорт харажатлари учун кетадиган мажбурий чиқимларни албатта ҳисобга олиш керак бўлади. Одатда бундай энг кам миқдор энг кам истеъмол саватига яқин бўлади. Борди — ю, бундай талаб ҳисобга олинмаса, одамлар ўз даромадларини ҳар томонлама яширишга уринадилар, бу эса хазина самарадорлигига эришиш имкониятини бермайди. Бюджетга янада кўп маблағ ундиришга интилиб солиқ тўловчиларга кўнгили равишда олиниши мумкин бўлган маблағлардан ажралиб қолиш ярамайди. Бозор мунособатларига ўтиш шароитида солиққа ториш улуши (квотаси) нинг оширилиши кутилганидек самара бермайди, солиқ тўловчилари бундай шароитда солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг хилма — хил йўларини ўйлаб топишади.

5. Солиққа тортишнинг ижтимоий адолатлиги — ижтимоий давлатларда зарур бўлган қайта тақсимлашнинг амалга оширилишини ва ижтимоий ғоялари, жумладан, атроф муҳитни муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам бериши лозим.

Юқорида айтилган солиққа тортиш тамойиллари солиқларнинг иқтисодий категорияси сифатида олинган қонунларидир. Баъзи иқтисодчилар уларнинг аҳамиятини пасайтириб тамойилларини тартиблар, талаблар деб тушунтирадилар. Тартиб, талаб бошқа, иқтисодий қонун бошқа, улар ўзгариб кетиши мумкин, аммо иқтисодий қонунлар сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексида эса солиққа тортиш тамойиллари ўрнига солиқ қонунчилиги тамойиллари деб аталиб, унинг беш тамойили (4 — модда) белгилаб берилган.

1. Ҳар бир шахс Кодексида белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбурдир, яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади.

2. Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволдан қатъий назардан қонун олдида тенгдирлар.

3. Белигиланган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки пул маблағларини эркин ҳаракатини бевосита ёки билвосита чекламайди ёки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини чеклашга ёки тўсқинлик қилишга йўл қўймайди.

4. Манабаларидан қатъий назар, ҳамма даромадлар мажбурий равишда солиққа тортилади.

5. Белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат тамойилига мос келиши шарт.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга тадбиқ этиш иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Қайтариш учун саволлар.

1. Солиққа тортиш тизими тушунчаси нимани ифодалайди? Тизимнинг қандай элементлари мавжуд?

2. Солиқ ставкаларнинг қандай турлари мавжуд?

3. Солиқ имтиёзлари тушунчаси нимани ифодалайди? Бу масалада қандай муаммолар мавжуд?

4. Амур Темур, Адам Смит ва ҳозирги замон иқтисодчилари солиққа тортишдаги қандай тамойилларни илгари суришган?

5. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида қандай тамойилларга эга?

4–БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИ

1. Солиқ сиёсатини ҳуқуқий асослари ва тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб яратила бошлаган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан буён ўзининг **мустақил молия–солиқ сиёсатини** олиб бориши кўрсатилиб ўтилди. Қолаверса давлатнинг солиқ сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб солиқлар соҳасида ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган эди. Шулардан энг асосийлари 1992 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиғи тўғрисида»ги Қонунлари, уларга киритилган ўзгартиришлар, тўлдиришлар ҳамда қонунлар асосида ишлаб чиқилган йўриқномалар ва таритблар бўлди. Бу икки қонунда саккизта умумдавлат солиқлари кўрсатилган. 1993 йил 7 майда эса «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» деган қонун қабул қилиниши солиқларнинг ҳуқуқий асосини янада мусатаҳкамлади.

Аммо солиқларнинг ҳуқуқий асосини жамлаб кўрсатувчи ҳужжат 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси қабул қилган Солиқ Кодекси бўлди. Бу Кодекснинг қабул қилиниши солиқ сиёсатини давлат томонидан амалга оширишда катта йиғма ҳуқуқий асос бўлди. Шу билан бирга солиқ сиёсатига боғлиқ бошқа қонунлар ҳам қабул қилинди. 1997 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни шулар жумласидандир. Бу қонунда солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни ташкил қилишдаги солиқ идораларининг ҳуқуқ, вазифа ва мадбуриятлари баён этилган. Шундай қилиб, давлатнинг солиқ сиёсатини юритиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик асосда олиб борилади.

Аммо, ҳар қандай тадбир, иш, фаолият фақат ҳуқуқий асос билан чегараланиб қолмасдан, балки илгаридан мўлжалланиб, режалаштирилиб сўнг олиб борилади. Бундай ҳолда давлатнинг солиқ сиёсатини юритишда баъзи бир адашишларга йўл қўйилмайди, тадбиркорларни режалари ва дастурларини ўзгатираборишга чек қўйилади.

Умуман сиёсат деганда давлатнинг илгаридан режалаштирилиб, аниқлаб ва ҳуқуқий меъёрлар асосида амалга оширилган чора тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Солиқ бўйича ишларни ташкил қилиш ҳам шу тўғрисидаги давлат сиёсати билан юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатнинг солиқ сиёсати унинг иқтисодий – молия сиёсатининг ажралмас таркибий қисмидир ва унга боғлиқ ҳолда олиб борилади, чунки солиқ муносабатлари молия муносабатларининг муҳим таркибий қисмидир.

Солиқ сиёсати нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин?

Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижоросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чора – тадбирлар йиғиндисидир. Шундай экан, фақат мустақил давлатгина ўзининг мустақил солиқ сиёсатига эга бўлади ва уни амалга оширади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия – иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлат солиқ сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш, ижтимоий ҳимояланган, эркин бозор иқтисодиётини бошқаришга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Солиқлар пул муносабатларини ифода этиб, иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми, бозор иқтисодиётининг зарурий қисмидир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг учун солиқ муносабатлари чуқур ўрганилиб, ундан илмий хулосалар чиқаришимиз лозим. Бу соҳада Олмониянинг солиқ сиёсати борасидаги тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу ерда ҳар бир янги солиқни жорий этишдан аввал унинг лойиҳасини тайёрлаш учун солиқ соҳасида ишловчи 5та олимларга 5–6 ой муддат берилар экан.

Беш изланувчи олимга ишнинг натижасидан қатғий назар, муаллифлик ҳақи олдиндан тўлаб қўйилар экан. Тайёрланган солиқ лойиҳаларини кўриб чиқиб, ягона лойиҳа танлаш учун беш кишидан иборат экспертлар гуруҳи ишлаб, маъқул бўлган энг яхши лойиҳа парламентга ўтказилади ва у томонидан тасдиқланади. Хулоса шуки, лойиҳанинг илмий асосланганлиги ва тўғрилигига жавобгар шахс бор, керак бўлса, лойиҳа муаллифи ҳамма жойда шу солиқ бўйича маслаҳатлар беради, жавоб беради ҳамда тушунтиришлар олиб боради.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

1. Ҳар хил мўлк шаклларига мосланган қорхона ва ташкилотларнинг хўжалик юригишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;

2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манбалар, маблағлар билан таъминлаш;

3. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий иқтисодий омиларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш.

4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёردа сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

Солиқлардан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга, хўжаликлар ва аҳолини товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришга ва пулнинг қадрсизланиш жараёнини (инфляциясини) жиловлаб туришга имкон беради. Пулнинг қадрсизланишига қарши чоралар кўриш кам сарфлаб, топилган даромадларга солиқ прогрессиясини ошириш билан ҳам амалга оширилади.

2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли ва ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати

Солиқлар давлат фаолиятларининг молиявий манбаи бўлганлигидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг ташкилотчиси ва ижодқори ҳам давлатдир. Бунинг учун давлат ўз қўлидаги бутун кўчини, идораларни жалб қилиб, уни ишлаб чиқади. Аввало бундай ташкилотларга Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси ва бошқа илмий – услубий ташкилотлар киради. Солиқ сиёсати мустаҳкам ва муваффақиятли ишлаб кетиши учун давлат илмий изланиш ташкилотлари тузиб, унинг иш якунларидан ҳам фойдаланади. Ана шундай ташкилот Молия вазирлиги қошидаги илмий текшириш марказидир.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда мавжуд солиқларни ёки янги киритилиши мўлжалланган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти, келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини чуқур

ўрганиши лозим. Айниқса, янги солиқлар чиқарилаётганда улар илмий асосланган бўлиши, йирик амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик ўртасида эркин баҳслашув асосида бирор қарорга келиши зарур. Бу ерда ҳеч қачон бир соҳанинг мутахассислари фикри билангина чегараланиб қолмаслик керак, чунки соҳа мутахассислари ўз манфаатларини кўпроқ кўзлаб, умумдавлат манфаатларини улар кўра олмасликлари ёки била олмасликлари мумкин.

Демак, давлат солиқ сиёсатини тайёрловчи ва уни тўлиқ ҳаётга татбиқ қилишнинг ташкилотчилик ва бошқарувчилик ролини бажаради. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритиш бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш ва унинг муносабатларини ҳар томнлама ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Ҳозирги даврининг солиқ сиёсати асосида Республика Президенти Ислон Каримовнинг республика иқтисодий ривожланишининг беш тамойили, устивор йўналишлари ётади. Республика давлат солиқ сиёсатини ана шу тамойиллардан келиб чиқиб солиқ соҳасидаги чора – тадбирларни амалга оширмақда. Солиқ сиёсатининг икки йўналиши мавжуд.

1. Корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати. Энг аввало, корхона ва ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш. Уларни молиявий мустақиллиги, эркин баҳо белгилашларига тўсқинлик қилмаслик ва бюджетга солиқ тўловлари белгиланаётганда фақат демократик асосда, яъни Олий Мажлис тасдиқлаб берган солиқларни ундиришни ташкил этиш зарурдир. Ҳозирги вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда тақчил, экспортбоп, рақобатга бардош бера оладиган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иккинчи томондан товар баҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки кам меҳнат билан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоғи зарур.

2. Солиқ сиёсатида аҳолининг турли хил гуруҳларига нисбатан хилма – хил ёндашиш зарурдир. Ночор, кам таъминланганларга иложи борича солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб кўп даромад олувчи ёки бошқа ёнгил даромад толувчиларга нисбатан юқори прогрессияли солиқ ставкаларини қўллашдан иборатдир.

Солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқилган бўлиши зарур. Стратегия узоқ йилларга мўлжалланган, солиқ муносабатларидаги муҳим йўналишлар бўйича чора – тадбирларнинг мажмуасини кўрсатувчи узоқ йиллик режадир.

Тактикада эса солиқ стратегиясининг ҳар бир маълум давр (йил, чорак) да амалга оширилши лозим бўлган аниқ тадбири чоралар кўрсатиладиган қисқа муддатли режадир. Тактика стратегиядан келиб чиқиши лозим.

Мустақиллик даврида солиқ сиёсатига эътибор берсак, давлат, **биринчидан**, солиқ тушумларининг умумий суммасида эгри солиқлар салмоғини ошириб бораяпти. У 1991 йил (0,7) фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йил (49,3) фоизни, 2002 йилдан бошлаб (59,2) фоизни ташкил этиши мўлжалланган.

Иккинчидан, ресурслар солиқлари салмоғини ошириб бориш. **Учунчидан** бутун республика солиқ идоралрини юқори даражали компьютерлар билан таъминлади. **Тўртинчидан** солиқ оғирлигини пасайтириб бориш сиёсати. Президент И. Каримов 2002 йилнинг биринчи ярим йиллик Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш юзасидан устувор вазифаларни ҳал этилишига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган (18 июль) маърузасида шундай деганлар:

«Содда қилиб айтганда, хўжалик ва корхоналарга бу масалада енгиллик бериш керак, уларнинг елкасидаги солиқ юкини камайтириш лозим. Бугунги кунда Республика бирлашган бюджетига ана шундай тўловлар улуши ялпи ички махсулот ҳажмида амалда 35% дан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳолбуки, дунё тажрибасида бюджетга тўланадиган солиқ тўловларининг мақбул нормалари алақачон шаклланиб бўлган. Масалан, бундай нормалар Америка Қўшма Штатларида 26,1% ни, Японияда 22,6%ни, Германияда эса 29,2%ни ташкил этади. Иқтисодий ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам шу ҳолни кўриш мумкин.»

Президентимизнинг бу кўрсатмаларидан сўнг 2003 йилнинг Давлат бюджети лойиҳасида давлатимиз юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад фойда солиқларини салмоғини камайтиришнинг аниқ миқдорларини кўрсатиб берилган.

Бешинчидан Давлатимиз солиқ сиёсатида юридик шахсларни экспортга махсулот ишлаб чиқариш ва ЭАВ га сотиши рағбатлантирилади.

Олтинчидан Юридик шахсларнинг меҳр шафқат фондларига харажатлари ва ногиронларни ишга жойлаштиришлари ҳар томонлама рағбатлантирилади.

Еттинчидан. Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ихчамлаштирилган солиқ тизими жорий этилиб уларнинг

фаолиятидан манфаатдор бўлишлик қизиктирилади. Солиқ сиёсатини фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларга эътиборни кўпроқ қаратиш лозим:

1. Солиқ соҳасида давлат йўл қўйган баъзи хатоларни такрорламаслик учун солиқ тарихини пухта ўрганиш лозим.

2. Солиққа тортиш ва уни ундириш ишларини арзонга тушушлигига эришиш.

3. Солиқ объекти аниқ, ихчам, тўловчиларга ва солиқ идоралари ходимларига солиқни ҳисоблаш учун осон ва қулай бўлиши зарур. Солиқ тўғрисидаги маълумотлар ойдин, рост кўрсатилиши солиқ тушумини кўпайтиради.

4. Бюджетга солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида тушушини қизиктириш мақсадида бюджетга кўп, салмоқли солиқ тўловчила – рига солиқдан маълум қисмини қолдириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

5. Солиқларнинг хазинавий самарадорлигини ошириш лозим.

3. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати тарихи

1991 йилдан бошланган республика солиқлар тизимини ислоҳ қилиш каби давлат солиқ сиёсатини уч босқичга бўлиб кўрсатсак бўлади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ. 1991–1994 йиллар – Ўзбекистон солиқ тизимининг ташкил этилиши, бюджетнинг даромад қисмини солиқлар йиғими билан таъминлаш.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонун республика солиқ тизимига асос солган дастлабки қонун бўлди. Бошланғич босқичда солиқ идоралари фискал масалаларни ҳал этиш, яъни бюджетнинг янада мувозанатга эришувини таъминлашга йўналтирилган эди. Аммо ҳаёт солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этаётганлигини кўрсатди.

Солиққа тортиладиган базанинг тараққиётини рағбатлантириш учун қонунларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Шу мақсадда 1991 йил 15 февраль қонунига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Оборот солиғи ва савдодан олинадиган солиқ ўрнига 1992 йилдан бошлаб республикада қўшилган қиймат солиғи амал қилмоқда. У истеъмолчи зиммасига юклатиладиган асосий билвосита солиқ сифатида бюджет даромадларда тушумларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Корхоналардан ундириладиган ўрмондан олинадиган даромад солиғи ва бир қатор бошқа солиқлар бекор қилинди. Даромад (фойда) солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; мол – мулк солиғи; республикадан ташқарига олиб чиқиладиган маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларига солиқ жорий этилди.

1993 йилда ишлаб чиқилган тартибга кўра асосий воситалар ҳисобланган амортизациянинг 30 фоизи бюджетга ўтказилади.

Хазинани тўлдириш, шунингдек ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида 6 фоизли ресурслар солиғи жорий этилди. Шунингдек, 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонунга бир қатор ўзгартишлар киритилди.

1993 йил 7 май куни «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва ушбу қонунда уларга таъриф берилди. Жисмоний шахслар мол – мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, курорт зоналаридаги ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига солинадиган солиқ, реклама солиғи, автотранспорт воситаларни олиб сотганлик учун солиқ, уларнинг эгаларига солинадиган солиқ – жами 19 турдаги ҳар хил солиқлар ва йиғимлар маҳаллий солиқлар гуруҳига киритилди. 1993 йилнинг 7 майида «Корхоналар, бирлашмалар ва такшилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунга қўшимчалар киритилди.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ. 1995–1997 йиллар–иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши.

Халқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этди. Кўплаб корхоналар ва ташкилотларнинг фойда солиғини даромад солиғи тўлашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўртача ставкаси 37 фоиз этиб белгиланди. Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар кўзда тутилади. 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини бирхиллаштириш бошланди. Бир қатор кам самарали солиқлар: республика ташқарисига олиб чиқиладиган хом ашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб ёзилган амортизациядан бюджетга 30 фоиз ундириш ва бошқалар бекор қилинди. Жамоа хўжалиги аъзолари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётганлар учун солиққа тортишнинг ягона тартиби ўрнатилди. Яъни, жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини солиққа тортиш бекор қилинди ва уларга нисбатан фуқаролар даромад

солиғи тўғрисидаги қонунчилик татбиқ этилди. Фуқаролар даромадига солинадиган солиқ шкаласи ўзгартирилди.

Сармоядорлар учун рағбатлантиришлар солиқ тизимининг барқарорлашувига кўмак беради. 1996 йилнинг 1 январигача рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга солиққа тортиш тизимида даромад ёки фойдани солиққа тортишни танлаш ҳуқуқи тақдим этилди, бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар эса даромад солиғига ўтказилган.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ. 1997 йилдан ҳозиргача бўлган давр.

Солиқ тизимининг тараққиёти мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар билан ҳамқадам бораётганлигини айтиб ўтишга ҳожат йўқ.

1997 йил 24 апрелида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тасдиқланиши солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирга қадар амалга оширилаётган учинчи босқичининг бошланиши ифодаси эканлиги тамоман қонуний ҳолдир.

Солиқ кодекси амалга киритилиши билан солиққа тортишнинг барча асос бўлувчи меъёрларини ягона ҳужжатга жамлаш; солиқ имтиёзларини тизимлаштириш; фойда, мол – мулк, қўшилган қиймагга ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг халқаро тизимини жорий этишга имкон яратилди.

Учинчи босқичда юридик шахсларга, биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тўлай бошладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159 – сон қарори билан Кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди.

Ягона солиқнинг солиққа тортиладиган оборотларга нисбатан фоизларда қуйидаги ставкалари белгиланди:

– Савдо (харид, воситачи, улгуржи сотиш, таъминот корхоналари) – 25 фоиз;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари – 5 фоиз;

– халқ хўжалигининг бошқа соҳалари корхоналари – 10 фоиз;

Агар илғари акцизланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар соддалаштирилган солиқ тортиш тизими кирмаган бўлса, 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб улар акциз солиғини тўлаш шarti билан мазкур тизимни қўллашлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 апрелдаги 153 – сон қарори билан тасдиқланган Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тартибига мувофиқ ялпи даромад савдо корхоналари учун ягона солиққа тортиш объекти бўлди.

1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа ишлаб чиқарувчилари Президентнинг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини амалга кiritиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539 – сон қарори асосида ишлаб чиқилган бюджет билан ҳисоб – китоблар механизмига кўра ягона ер солиғи тўловчилари бўлдилар. У амалдаги барча умумдавлат (алкоголли маҳсулотларга акциз солиғидан ташқари) ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жамини тўлаш ўрнига амалга киритилди. Шунингдек, ушбу солиқ турига доир имтиёзлар ҳам белгиланди. Бу қишлоқ меҳнаткашларига ҳисобот ҳужжатларини қисқартириш имконини берувчи солиққа тортишнинг соддалаштирилишига яна бир ёрқин мисолдир.

2002 йилдан бошлаб давлат солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан солиқ оғирлигини янада камайтирабориш, четга қатъий алмаштириладиган валютада маҳсулотларни экспорт қилганларга ҳам даромадга (фойдага) солиқдан, ҳам мол – мулк солиғидан пасайтирилган регрессив солиқ ставкаси қўллаш сиёсатини юргизиш жорий этила бошланди. Солиқлар тизимида тўғри солиқлар салмоғини камайтирабориш ва эгри солиқлар салмоғини оширишга мўлжалланган сиёсат юритиш кўзда тутилган. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаштирила борилди, ҳамма солиқлар бўйича йўриқнома ва низомлар қайтадан ишлаб чиқилди.

2003 йилдан бошлаб самарасиз, бюджетга тушушини қийинлаштирадиган қуйидаги солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Булар: реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи, меъёридан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиги учун 2 фоизли ҳақ, ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлардир. 2003 йилдан бошлаб 2002 йилда жорий этилган чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан ягона солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан ягона солиқ солиш давом эттирилди. Солиқ базалари ва ставкаларига ҳам ўзгартишлар киритилган.

4. Солиқ механизми тушунчаси ва таркиби

Механизм сўзи иқтисодиётга техникадан кириб келган бўлиб, ундан фойдаланиш иқтисодиётда солиқларнинг элементлари, усуллари ва тамойилларидан унумли фойдаланишни ифодалайди. Бу субъектив тушунча бўлганлигидан иқтисодий тамойилларнинг моҳияти билан эмас, балки давлатнинг ҳохиши билан боғлиқ бўлиб қолади. Давлат солиқ элементларининг истаган турини киритиши ёки бекор қилиши мумкин.

Солиқ механизми бюджет механизми таркибига киради. Солиқ механизми деганда солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган солиқларнинг ташкил қилишнинг барча элементлари, усуллар ва тамойиллари йиғиндиси тушунилади. Бундай элементларга солиқ объекти, субъекти, манбаи, солиқ ставкаси, тўлов муддатлари, солиқ ҳуқуқи ва ҳужжатлари киради. Солиқ механизми солиқ тизимини амалиётга тадбиқ этилишини ифодалайди.

Солиқ механизмдан фойдаланиш солиқ элементларининг йиғиндисидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган тушунчадир. Бу механизм таркибида солиқлар ва бошқа тўловлар (ажратма, йиғимлар) каби элементлар борлигини айтиб ўтиш зарур. Шу механизм таркибида солиқлар аксарият узоқ йиллар ҳаракат қилса, уларнинг элементлари (масалан, ставкаси) тез — тез ўзгариб туриши мумкин. Демак, солиқлар солиқ механизмнинг нисбатан мустаҳкам, узоқ йилларга мўлжалланган, кам ўзгартириладиган қисми. Ажратмалар, йиғимлар ва солиқларнинг элементлари тез — тез ўзгариб турадиган, ҳатто бекор бўлиб кетадиган туридир. Масалан, 6 фоизли бюджетга ресурс тўловлари 1993 йилда жорий этилиб, бир йил ўтгач бекор қилинган.

Солиқ механизми ҳамма учун қулай тушунарли тузилган бўлиши зарур. Масалан, Ер солиғи бўйича соҳибқирон Амир Темур тузукларида ерлар икки гуруҳга бўлинган: суғориладиган ва суғорилмайдиган. Мустабид, Совет даврида ҳам суғориладиган ерларнинг ҳар бир сотихига 2 рубль 30 тийин, суғорилмайдиган ерларга 2 рубль 10 тийин қилиб белгиланган эди. Шу ҳолатда солиқ тўловчининг ўзи солиқни ҳисоблаган. Ҳозир эса бизнинг ер солиғимизда бу иш мураккаблаштирилган, яъний ерлар олти гуруҳга суғориладиган ерларнинг ўзи эса 10 класс 100 балга ажратилиб яна ҳар хил тузатиш коэффецентлари қўлланилади. Шунинг учун кўп солиқ тўловчилар бу механизмни тушунмайди. Натижада солиқ қонунчилиги бузувчилар сони кўп бўлиб чиқади.

Солиқ механизмини шундай такомиллаштириш лозимки, бюджетга солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тушсин, улар бир вақтнинг ўзида товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кўплаб даромад олиш имконини берсин, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, қатъий валюталарга эга бўлсин. Ҳозирги вақтнинг солиқ сиёсати солиқ механизмини ана шу йўналишда такомиллаштириб бормоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти талабларига мос тушиб иқтисодиётни барқарорлаштириш имконини бермоқда.

Солиқ механизмининг йўналиши солиқ сиёсатидан келиб чиқади. Шу сабабли солиқ сиёсати йўналиши ўзгарса солиқ механизмининг кераксиз элементлари чиқариб ташланади ва янги элементлар киритилади. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайдиган солиқлар (оборот солиғи, сотиш солиғи) бекор қилиниб янги солиқлар (ҚҚС, акциз ва бошқалар) вужудга келди.

Солиқ механизмига ўзгаришлар киритилиб, такомиллаштирилиб борилади. Унинг тез ўзгартирилишига олиб келадиган қатор омиллар мавжуддир. Буларга пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий ривожланишлар жараёнида янги устивор йўналишларни белгилаш ва бошқа қатор янгиликлар киради.

Қайтариш учун саволлар;

1. Ўзбекистон солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари нима ва солиқ сиёсати тушунчаси таърифи қандай?
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли қандай ва ҳозирги солиқ сиёсатининг қандай босқичлари мавжуд?
3. Ўзбекистон солиқ сиёсати тарихи қандай босқичлардан иборат?
4. Солиқ механизми нимани англатади ва уни таркибига нималар киради?

5–БОБ. СОЛИҚЛАР ТИЗИМИ, ТАРКИБИ.

1. Ўзбекистонда ҳозирги замон солиқлар тизимининг таркиби.

Бир хил моҳиятга эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб марказлашган пул фонддини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига **солиқлар тизими** деб аталади. Бу таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир – бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5 – 8 – моддалрига биноан солиқлар тизими қуйидаги таркибга эга унга кейинги ўзгартиришлар ҳам киритилган.

3–жадвал

Ўзбекистонда солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1. Ҳуқуқий шахслар даромадига (фойдасига) солиқ.	1. Мол – мулк солиғи.
2. Жисмоний шахслар даромадига солиқ.	2. Ер солиғи.
3. Қўшилган қиймат солиғи.	3. Кичик бизнес учун ихчамлаш – тирилган солиқ.
4. Акциз солиғи.	4. Инфратузилмани ривожлан – тириш солиғи.
5. Ер ости бойликларидан фойда – ланиш солиғи.	5. Жисмоний шахсларнинг транс – порт ёқилғиси учун истеъмол солиғи.
6. Экология солиғи.	6. Чакана савдо учун микро – фирмалар ва кичик корхона – ларнинг белгиланган даромадидан ягона солиқ.
7. Сув ресурсларидан фойдалан – ганлик учун солиқ.	
8. Савдо ташкилотларининг ялпи тушумидан ягона солиғи.	

<p>9. Божхона божи. 10. Давлат божи. 11. Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. 12. Бошқа даромадлар. 13. Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб киргандаги ягона божхона тўлови</p>	<p>7. Савдо ҳуқуқ йиғими, шундан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими. 8. Ишбиолармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. 9. Бошқа тўловлар. (Тадбиркорлардан қатъий ставкадаги солиқ).</p>
--	--

Жадвалда кўриниб турибдики, ҳозирги кунда солиқлар кодексда 8 та умумдават (Республика) солиқлари ва 5 та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Ўзгартиришлар билан уларнинг сони йиғимлари ҳам кўшиб кўрсатилган. Солиқ ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижасида улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солиқ ва йиғимларнинг жами йиғиндиси суммаси солиқ оғирлиги тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш.

Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб беш гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинadиган солиқлар
2. Даромаддан олинadиган солиқлар
3. Мол – мулк қийматидан олинadиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинadиган солиқлар.
5. Харажатларга қараб олинadиган солиқлар.

Оборотдан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинadиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотдан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади (ҚҚСда). Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинadиган солиқларга киради.

Даромаддан олинadиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг белгиланган

даромадидан солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга инфраструктурани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол – мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол – мулк солиғи, экология ва бошқалар киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шаахсларнинг ер солиқлари киради. Харажатлардан олинадиган солиқларга эса экология солиғи киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосста бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқаларга ортиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан – тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан – тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари махсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қойилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони Республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегараланган, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг илмий оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси таҳлилсиз оша борса

корхоналар сотиш қийинчилигига учраб фойда олишни ҳам бюджетга тўловларни ҳам камайтириши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб боради. Бироқ бу солиқлар меҳнаткашлар реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товарлар мўл кўллигини таъминлаши керак.

Жаҳон солиқ амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий қийинчиликларни борлигини таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан. АҚШ да тўғри солиқлар салмонининг бюджет даромадида 90% га яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ерости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир—бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

3. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ва уларни фарқи.

Солиқларнинг умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат масштабида жудда катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. Йирик, ҚҚС, акциз ҳуқуқий шахсларнинг даромадидан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди—ю, ажратма

етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Агар келгуси йил маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлари) кўпайиб қолса, республика солиқлардан ажратма беришнинг ҳожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятига эга бўлиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30—40 фоизини қоплайди, холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50—60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу ҳудуднинг бюджетга тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда илгари кўрсатганимиздек ҳудуддан тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади. (масалан, ҚҚС, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш учун 100 фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, маҳаллий ҳукуматларни ўз ҳудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 фоизгача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Субвенция ёки субсидия услублари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боқибеғамлик фазилатини кучайтиради. Маҳаллий ҳукуматлар ўз хохишларича солиқ ва йиғимлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Солиқ Кодексида кўрсатилган солиқларнинг ўз ҳудудларида қўллаш ёки қўлламаслик ҳуқуқи бор. Ундан ташқари маҳаллий солиқлар (мол — мулк ва ер

солиғидан ташқари) ва йиғимлардан бюджетга тушган сумма атрофида солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

3. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар.

Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи тушум солиғи, ер солиғи, мол – мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол – мулк солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджет даромадларининг ҳал қилувчи қисмини (70 – 75 фоизи) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол – мулк солиқлари, ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайитюб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқаролар жами даромадига солиқдир. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

4. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар.

Республикамизда Халқаро «Экосан», «Устоз», «Нуроний», «Камолот» ва бошқа хилма хил жамғармалар ташкил этилган. Бу жамғармалар ихтиёрий равишда тузилади. Лекин шундай жамғармалар борки улар давлатнинг иштироки билан мажбурий

равишда ҳар хил ажратма ва бадаллар ҳисобига тузилади. Бу жамғармаларга мабала бермасликнинг иложи йўқ. Чунки булар ҳам қонун ва қонун ости ҳужжатлари ва солиқлар сингари мажбурийлик асосида ташкил топади. Бундай жамғармаларга пенсион жамғармага ажратма (меҳнат ҳақи жамғармаси ҳисобидан 35 фоиз, сотилган маҳсулот ҳажмидан 0,7 фоиз), бандлик фонди (МХЖдан 1,5 фоиз), касаба уюшмалар федерацияси (МХЖдан 0,7 фоиз) миқдорида ҳуқуқий шахслар тўлайди. Бу жамғармаларга Давлат мулк қўмитасига, йўл жамғармасига ажратмалар ҳам киради. Бу жамғармаларни бюджетдан ташқари жамғармалар деб ҳам аталади. Бюджетга солиқлар тушиши ва жамғармаларга ажратмалар тўлаш моҳияти жиҳатдан ягонадир, яъни мажбурий тўловлар ҳисобланиб, айнан бу тўловларни ҳам солиқли тўловлар таркибига киртиш тўғри келади.

Юқоридаги жамғармаларни бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан ихтиёрий асосида ўтказилса ҳуқуқий шахслар учун солиқ оғирлиги анча камайиб, уларнинг иқтисодиёти анча ривожланиб бориши мумкин.

Қайтариш учун саволлар:

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига нималар киради?
2. Солиқлар объекти ва иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
3. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
4. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
5. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар ва уларнинг солиқларга қандай алоқаси бор?

II Бўлим. ЮРИДИК ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИ

I. Юридик шахслар тушунчаси ва улар солиқларининг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизимида солиқ тўловчиларни икки гуруҳга бўлинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар, Иқтисодий моҳиятига қараб: тўғри солиқлар ва эгри солиқларга. Бюджет звеноларига тушишига қараб: умумдават солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида (13 – модда) хилма – хил мулк шаклидаги бирлашмалар, кохоналар ва ташкилотлар қисқача юридик шахслар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста секин ижтимоий ҳимояланган эркин бозор иқтисодиётига ўта бориши республикада ўрта ва кичик бизнес фаолиятига қулай шароитлар яратилаётганлиги хилма – хил мулк шаклидаги: хусусий, кооператив, ширкат, акционер ва қўшма корхоналар орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит яратилмоқда. Бунинг ҳаммаси солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар сонини кўпайишига олиб келмоқда. 2001 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб 24,5 фоизни ташкил этди. Жами 250 мингдан ортиқ юридик шахслар мавжуд, шу жумладан 200 мингдан ортиғи кичик корхоналар ва фирмалардир.

Юридик шахс деб ўзининг ихтиёрида, қарамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ҳамда банкда ҳисоб счётига эга бўлган шахсларга айтилади. Юридик шахсларнинг статистика органларида ўз фаолият кодлари кўрсатилган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва йиғимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бошқа тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар Республика (умумдават) бюджетига қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлайдилар:

- Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;

- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Савдо ташкилотларининг ялпи тушумдан ягона солиғи;
- Божхона божи;
- Давлат божи;
- Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;
- ДАН йиғими;
- Жарималар;
- Бошқа тўловлар;

Юридик шахслар маҳаллий бюджетларга қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлайдилар:

- Кичик бизнеснинг ягона солиғи;
- Мол – мулк солиғи;
- Инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- Савдо ҳуқуқини олиш йиғими;
- Алоҳида товарларни сотиш учун лицензия йиғими;
- Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгилан даромадига ягона солиқ:

– Тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;

– Деҳқон бозорида бир йўла йиғим;

– Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи;

– Ноқишлоқ хўжалик ташкилотлари учун ер солиғи;

– Бошқа тўловлар.

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт. Ҳар бир юридик шахсга идентификацион рақам берилади.

Юридик шахс бўлиб мулкка эга бўлишлик, бордию солиқдан ёки бошқа субъектлардан қарздор бўлиб қолса бошқа чоралар кўрилганда етарли бўлмаса, ана шу мулкларини сотиб (суд қарорига асосан) солиқдан қутулиш имконияти яратилади.

2. Юридик шахслар солиқларини бюджет даромадларини шакллантириш ва пул муомаласини мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

Илгари айтганимиздек юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқлар даромад (фойда) солиқлари ва ресурслар солиқларидан ташкил топади. Эгри солиқлар эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу солиқлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этиши қуйидаги жадвал маълумотларида кўринади.

Бюджет даромадлари жамига нисбатан юридик шахслар солиқлари салмоғи (%)

Жадвал 4

Солиқлар номи	1996 й	1997 й	1998 й	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й
1. Юридик шахслар даромадига (фой – дасига) солиқ	25,8	23,9	21,8	13,5	10,5	9,3	8,6
2. Кичик бизнеснинг ягона солиғи	–	–	–	–	2,2	2,2	3
3. Мол – мулк солиғи	1,5	2,3	3,0	2,8	3,0	3,1	2,3
4. Ер солиғи	3,5	3,6	4,0	4,0	3,9	2,8	2,6
5. Ер ости бойлик – лари учун солиқ	0,6	1,3	2,1	1,2	1,0	0,9	1
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	–	–	–	–	0,4	0,4	0,3
7. Қўшилган қиймат солиғи	17,7	25,1	25,3	29,7	24,6	28,6	27,9
8. Акциз солиғи	20,0	14,4	13,4	18,6	24,5	26,9	26,4
9. Божхона божи	1,6	1,5	2,1	1,3	1,6	1,7	1,9
10. Бошқа солиқ – лар ва йиғимлар (инфраструктура солиғи)	–	–	–	–	–	–	2
Жами	80	81	83	75	75	75,5	76

Эслатма: маълумотлар тўлиқ эмас.

Юқоридаги маълумотлар кўрсатадими, юридик шахслар солиқлари ичида эгри солиқлар салмоғи ортиб бориши тенденциясига эга, тўғри солиқлар салмоғи эса пасайиб бориш йўналишидадир. Бундай ҳолат махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссасига тушадиган солиқ юкни камайтириб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради. Шу билан бирга тўғри ва эгри солиқлар бюджетнинг мустаҳкам манбасига айланиб унинг ўта ижтимоий зарур бўлган харажатларини ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштириш имконини яратади. Буларнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Бу солиқларсиз бюджетларни режали молиялаштириш иложи йўқ.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мўлжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлиб, баҳо ҳисобига муомаладаги ортиқча пулларни муомаладан олади. Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

3. Юридик шахслар солиқларини бюджетга тўлаш тартиби.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тўлаш жавобгарлигини олганлар.

Уларнинг тўлайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счётларидан маблағни ўчириб, республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширади. Қоида бўйича ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар. Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш ҳужжатлари бўлмиш тўлов топшириғи, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириқлари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солиқ идоралари ўзларининг инкассо – тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар.

Ҳар бир ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан 0,07 фоиз пеня ҳисобланиб солиққа қўшимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня суммасининг кўпайиши корхонанинг молиявий ҳолатига салибий таъсир кўрсатади. Пеня корхона учун қўшимча солиқдир.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тўлаб боришлари шарт. Бунда айниқса бўнак (аванс) тўловларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим, чунки ҚҚС, даромадга (фойдага) солиқ ва бошқаларда бўнак тўловлар сони кўп бўлганлигидан боқиманданинг кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунда бу боқиманда билан кураш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тўланади. Бироқ, айрим йиғимлар (давлат ва божхона бождари) нақд пулли бўлиши мумкин.

Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тўланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Қандай шахслар юридик шахс деб аталади?
2. Қайси солиқлар ва йиғимлар юридик шахслар тўлайдиган Республика солиқлари таркибига киради?
3. Қайси солиқлар ва йиғимлар юридик шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлари таркибига киради?
4. Юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг қандай аҳамиятлари бор?
5. Юридик шахслар солиқлари қандай тартибда бюджетга тўланади?

1–БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА (ФОЙДАСИГА) СОЛИҚ

1. Даромадга (фойдага) солиқ тушунчаси ва солиқ тўловчилар

Юридик шахсларнинг тўлайдиган солиқлари ичида уларнинг даромади (фойдаси)га солиқ бюджет даромадлари таркибида катта ўрин эгаллайди. Бу солиқ тўғри солиқ бўлганлиги учун хўжалик субъектларининг тўғридан – тўғри молиявий аҳволи билан боғлиқ, унга таъсир этади. Шунинг учун бу солиқ салмоғини давлат йилдан – йилга камайтириш сиёсатини олиб бормоқда. Масалан, 1996 – 1998 йилларда 21 – 25 фоизларни ташкил этган бўлса, 2002 йилдан бошлаб 8 – 9 фоизни ташкил этмоқда.

Юридик шахсларнинг даромад (фойда)сига солиқ – бу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси)нинг бир қисмини бюджетга мажбурий тўлов муносабатини билдиради.

Солиқ кодекси бўйича даромад (фойдага) эга бўлган юридик шахсларгина бу солиқни тўловчилари бўлади. Аммо, жами даромад, улардан чегириб ташланадиган чиқимлар солиқ кодексига киритилган бўлса ҳам, уларни аниқлашни Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1999 йил 5 феврал 54 – сон қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоботи» тўғрисидаги Низомни қабул қилган. Жами даромад ва солиққа тортиладиган даромад ҳам шу низом билан белгиланади.

Даромад (фойда)га солиқ тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Молия йили бизнинг республикамизда календарь йилига мос тушади. Аммо ҳамма юридик шахслар ҳам бу солиқни тўлайвермайди. Кичик корхоналар, савдо ташкилотлари, грампластинкалар ишлаб чиқиб сотувчи ташкилотлар, ягона солиқ тўловчи чакана савдо корхоналари (кичик ва микрофирмалар), ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тўламайдилар. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг фақат алоҳида турларига қатъий ставкада солиқ тўловчилар ҳам бу солиқни тўламайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида даромад (фойдага) солиқ тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси

Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Рўйхатдан ўтган юридик шахсларга идентификацион номер берилади. Унинг мазмуни тартиб рақамига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги фаолиятдан олган даромадларидан даромад (фойда) солиғига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўрсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада ўткинчи ёки вақтинчалик характерга эга.

Даромадга (фойда)га солиқ тўловчиларни тўлиқ тушуниш учун уларни иқтисодиёт соҳалари бўйича ҳам солиқ тўловчилар бўлишлигини инобатга олиш зарур. Масалан, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги ва бошқалар киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ тўловчилари бўлиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- 1) бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад (фойда) олиши;
- 2) ўзининг мулкига эга бўлиши;
- 3) мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- 4) банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши;
- 5) идентификацион рақамга эга бўлиши.
- 6) Ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Умумий тартиб бўйича юридик шахслар шу шартларга жавоб берсагина даромадга (фойдага) солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

2. Даромадга (фойдага) солиқ объекти ва солиққа тортиладиган даромадларни ҳисоблаш тартиби

Юридик шахсларнинг даромадга (фойдага) солиғи бўйича солиқни тўлиқ, тўғри аниқлаш (ҳисоблаш) учун уларнинг жами даромадларига нималар киришини мукамал ўрганиш зарур бўлади.

Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олинishi лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул

(пулсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Демак, олинган кредитлар жами даромадга кирмайди.

Жами даромадга қуйидагилар киради:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум. Унга ортилган маҳсулот қийматини тўлаш учун ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган сумма; буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилан суммалар; кўрсатилган хизматни бажарилганлигини тасдиқловчи суммалар киради. Воситачилик фаолиятидан (комиссион тақдирлаш) даромад олувчи ташкилотлар учун тушум ҳамма битимлар бўйича комиссион тақдирлаш (процентлар) суммалари ҳисобланади.

2. Асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотишдан даромадлар киради.

Солиққа тортиш мақсадида асосий фондлар ва бошқа мулкларни сотишдан даромадни аниқлашда шу фондлар мулкларни сотиш баҳоси ва қолдиқ суммаси ўртасидаги фарқ (ошиши) ҳисобга олинади. Бу ерда қолдиқ қиймат ҳамма асосий фондлар, моддий активлар, кам қийматли ва тез бузиладиган предметларга ҳам қўлланилади. Асосий фондлар бепул берилганда бераётган шахснинг активлар қиймати ўша вақтдаги ташкил топган харажатлар билан, мулкларни олувчининг даромади эса кирим қилинган қолдиқ қиймат билан, лекин берган шахснинг таннарх қийматидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

3. Фоизлар ва дивидендлар турида олинган даромадлар;

4. Бепул олинган мулклар. Лекин бепул олиш бир тизим ичига кирувчи корхоналар томонидан бўлса даромад бўлмайди. Тизим дейилганда вазирликлар, концернлар, трестлар ва б. ичидаги ҳаракатлар тушунилади;

5. Мулкларни ижарага беришдан даромадлар. Аммо амортизация қилинадиган асосий воситалар лизинг шартномаси бўйича ижарага берилса, солиққа тортиш мақсадида мулкни сотиб олган ҳисобланади;

6. Роялти – интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқидан даромадлар, муаллифлик ҳақлари, патентлари, чизмалар товар белгилари, янги моделлардан даромадлар;

7. Бепул молиявий ёрдам (бюджет маблағларидан ташқари);

8. Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, агар сўров муддати тутаган бўлса. Умумий сўров муддати юридик шахслар учун 3 йил қилиб белгиланган;

9. Илгари чегирма қилинган қарзлар, зарарлар ва умидсиз қарзларни тушишидан олинган суммалар;

10. Валюта смети бўйича ижобий курс фарқлари;

11. Фавқулодда даромадлар;

12. Ҳар хил даромадлар;

13. Товар моддий бойликларни қайта баҳолашдан қўшимча суммалар солиқ тортиладиган даромадга шу товарлар (ишлар, хизматлар) сотиши билан қўшиб берилади.

Корхоналар (ташкilotлар) маҳсулотларини ҳақиқий таннарх баҳосидан паст сотгандаги зарарлар солиққа тортиладиган даромадни камайтирмайди.

Ички бозордан паст баҳода ўз маҳсулот (иш, хизмат)ларни эркин алмаштириладиган валютада сотувчи корхоалар учун солиққа тортиладиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб ҳисобга олинади.

Умумий вазифаларни ҳал қилиш учун Устав фондига бадаллар, пайлар ва бошқа мақсадли қуйилмалар юридик шахснинг даромадига кирмайди ва солиққа тортилмайди.

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ҳам умумий даромадларга қўшилиб солиққа тртилади. Бунда чет эл валютасида олинган даромад ўша кундаги Марказий банк белгилаган курс билан даромадга олинади.

Юқорида айтилган даромадлар таркиби "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шаклантириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан аниқланади ва қўйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

– маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

$ЯФ = ССТ - ИТ$, яъни ЯФ – ялпи фойда, ССТ – сотишдан олинган соф тушум, ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

– асосий фаолиятдан олинган фойда.

$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$, бунда АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ – давр харажатлари, БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

– умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар).

$УФ = АФФ + МД - МХ$, бунда УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда; МД – молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ – молиявий фаолият харажатлари;

– солиқ тўлангунча олинган фойда.

$СТФ = УФ + ФП - ФЗ$, бунда СТФ – солиқ тўлагунча олинган фойда; ФП – фавқулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ – фавқулодда вазиятдан кўрилган зарар.

– Йилнинг соф фойдаси, у корхона даромадга солиқ тўлангандан сўнг қолади. У ўзида соф даромаддан ижтимоий инфратузилма солиғини тўлагандан сўнг корхонанинг ўзида қолади.

Демак, солиққа тортиладиган даромад СТФ га Низом бўйича унинг 1 – чи ва 2 – чи иловалардаги харажатларни қайта қўшиш билан аниқланади.

Жами даромаддан чегирмаларга қуйидагилар киради ва солиққа тортиладиган даромаддан чегирилади:

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол – мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, божхона бождари суммалари;

– банкларнинг ва бошқа молия – кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;

– ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар ва бошқа омавий томоша ташкилотлари бундан мустасно).

– Белгиланган тартибда киритилган рента тўловлари суммаси;

– Ижара ҳақи (лизинг тўлови);

– Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

– Чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматлари қиймати;

– Мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақиға ҳисобланган суммалар;

– Маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификациялаш ишларига ҳақ тўлаш суммалари;

– Нормалар бўйича хизмат сафари, вакиллик мақсадлари, реклама, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари суммалари;

– Маҳаллий ҳокимият тасдиқлаган нормада солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногриронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълим муассасалари, уй – жой фондини сақлашга

харажатлар суммалари, юқоридаги мақсадларга улуш қўшиб қилинган харажатлар камайтиради;

– қонун бўйича бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланади.

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган Низом бўйича уларнинг жами даромадларидан жами харажатларини (чегирмаларини) чиқариб ташлаб шу Низомда белгиланган даромадга қайта қўшиладиган харажатларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Банклар ва суғурта ташкилотларида Низомдаги чегирмалардан ташқари жами даромаддан қуйидагилар чегирилади:

1. Банклар бўйича:

– кредит ресурслари учун тўловлар;

– операцион харажатлар;

– пул маблағлари ва бойликларни ташиш ва сақлаш харажатлари;

– миқдорларнинг сметлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар, шу жумладан жисмоний шахсларга;

– хавф – хатар операциялари захираси ҳисоботидан чиқарилган умидсиз ссудалар.

2. Суғурта ташкилотлари бўйича:

– қайта суғурталаш шартномаси бўйича берилган тўловлар суммаси;

– ҳисобот даврининг охирига ҳаракати тўхтатилмаган суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномаси бўйича тўловлар;

– суғурталаш ва қайта суғурталаш мажбуриятлари бўйича ҳисобланган ва тўланган суммалар;

– сўров муддати атрофида суғурта ҳолат бўйича тугалланмаган тўловлар суммаси;

– зарар миқдори кўрсатилмаган, суғурта ҳолат кирим тўғрисида хабар берилган шартнома бўйича тўловлар суммаси;

– суғурта ҳолат олдини олиш тадбирларига йўналтирилган маблағлар;

– суғурта ташкилотининг захира фондига 20 фоизгача бўлган миқдорда ажратма, лекин шу фондлар миқдори уларнинг устав фонднинг 25 фоизига еткунча ажратмалар.

Солиқ тўловчилар (банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) сўров муддати тамом бўлиши билан умидсиз қарзларни

чегириш ҳуқуқига эга, агар улар товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш билан боғлиқ бўлиб илгари жами даромадга олинган бўлса.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммаси жами даромаддан чегирилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан отиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганда вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегирилади.

Қимматли қоғозлар реализация қилинганда вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегирилмайди.

Иш ҳайвонлари ва кўп йиллик дарахтлардан фойдала — нганда вужудга келган зарарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида Солиқ кодексида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

Номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда уларнинг бошланғич қиймати асосида ҳисобланган нормалар бўйича чегирилади.

Геологик тадқиқотлар ва шунга ўхшаш харажатлар амортизация нормаси бўйича 15 фоиз миқдорида чегирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар жами даромаддан чегирилмайди.

3. Юридик шахсларнинг даромад (фойда)га солиқ ставкалари ва солиқни бюджетга тўлаш тартиби

Юридик шахсларнинг даромад (фойда)га солиғи ставкалари ҳар йили Олий Мажлис томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги йилга бюджет параметрларини кўриб чиққанда тасдиқланади.

У ставкаларни юқори чегара ставкаси 1998 йилда 36 фоиздан 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилдан бошлаб 20 % қилиб белгиланган.

2003 йилнинг юридик шахслар даромадига (фойдасига)
солиқ ставкалари

№	Тўловчилар	Солиқ тортиладиган даромадга, %
1	Юридик шахслар (2 – 4 пунктлардагидан ташқари)	20
2	Лотарей уйинлари ўтказиш, аукционлар ва ўйин уйлари, оммавий – томоша тадбирлари, гастрол – концерт фаолиятига лицензияси борларнинг олган даромадлари бўйича юридик шахслар, норези – дентларни ҳам қўшиб	35
3	Устав фондида 50 фоиз ва ундан кўп ҳиссаси бор чет эл инвестицияси билан бирга ишловчи ишлаб чиқариш корхоналари устав фонднинг миқдори қуйидаги эквивалентга мос келса: 1 млн. АҚШ доллари ва ошиғи	16
4	Болалар ассортименти товарлари, аёллар гигие – наси маҳсулотлари, бадий ҳунармандчилик буюмлари ва болалар қўғирчоқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10
5	Эркин алмаштириладиган валютада ўзининг товар (иш, хизмати) экспорт қилиш ҳиссаси экс – порт қилувчи корхоналар учун қуйидагича бўлса: Сотиш ҳажмининг 15 фоиздан 30 фоизгача 30 фоиз ва ундан юқори	Ставка 30% га пасайтирилади Ставка 2 марта пасайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрь 390 – сон қарори билан:

– истеъмол товарларни ишлаб чиқарувчилар учун шу товарларни ишлаб чиқаришдан олган даромаддан фойдага солиқ ставкасини 20 фоиз камайтириб тўлайди, (16 фоиз).

– Болалар ассартименти товарлари ишлаб чиқарувчилар, шу товарлар ишлаб чиқариб олган даромадларидан 7 фоиз ставкада солиқ тўлайдилар.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмини оширишдан олган даромадлар солиқ тўлашдан озод этилади.

Ўз фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган солиқ тўловчи – норезидент Ўзбекистонда олган даромадларидан солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг солиқ тўлаш тартиби умумий қоидага тушади.

Норезидент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10 фоиз миқдорида даромадга (фойдага) солиқ ундирилади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қуйдаги ставкаларда солиққа тортилади:

	Фоиз
Дивидентлар ва фоизлардан	15
Суғурта мукофотлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш хавф – хатари тўловлари	10
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади)	6
Роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар	20

Юридик шахсларга тўланадиган дивидентлар ва фоизлар тўлов манбаида 15 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Солиққа тортиш мақсадида дивидент деб акциялардан ва бошқа хўжаликлар – субъектларининг устав капитали – даги қатнашиш улушидан олган даромадлар тушунилади.

Фоизларга эса депозит омонатлар, қарздор мажбуриятлар ва бошқа қимматли қоғозлардан олган даромадлар киради.

Манбаида солиққа тортилган ва дивидент, фоиз олган норезидент жами даромадидан тегишли тартибда ҳужжатлар тақдим этса чегирма олиш ҳуқуқига эга.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидентлар ва фоизлар солиқ солишдан озод этилган.

Резидентлар бўлиш банклар ва бошқа молия кредит ташкилотларига тўланадиган фоизлардан тўлов манбаида солиққа тортилмайди, балки банклар ва молия ташкилотларида солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июнь фармонида биноан 2000 йил 1 июлдан бошлаб ҳар хил мулк

шаклидаги экспортерларнинг экспортдан олган даромади ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) эркин алмаштириладиган валютага сотилса даромад (фойда) солиғидан озод этилган.

4. Даромадга (фойдага) солиқдан тўлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари.

Даромадга (фойдага) солиқдан бериладиган имтиёзларни 3 гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Тўлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;
2. Вақтинча озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;
3. Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадиларининг камайтирилиши. Солиқ ҳисобида имтиёз деб кўрсатилади.

Даромадга (фойдага) солиқдан қуйидаги юридик шахсларни тўлиқ озод этиш мумкин:

1) протез – ортопедия маҳсулотлари, инвентарлар ҳамда ногиронлар учун хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар – асосий фаолият тури бўйича;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Чернобилчилар асосиацияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот – сотиш ва тайёрлов билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари);

3) даволаш муассасалари қошидаги даволаш – ишлаб чиқариш устaxonалари;

4) жазони ижро этувчи муассасалар;

5) нотижорат юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан ташқари. Кейинги даромадлар умумий асосда солиққа тортилади.

Нотижорат ташкилотларига қуйидагилар киради:

– фақатгина бюджет маблағи ҳисобидан молиялаш – тириладиган, харажатларни қоплаш учун бюджетдан дотация оладиган корxonалар, муассасалар ва ташкилотлар;

– хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

а) тадбиркорлик фаолиятдан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий – хайрия ва бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

б) молиявий ва бошқа маблағларни ходимларнинг шахсий манфаатлари, таъсисчилар ва шу ташкилот аъзолари манфаатига тегишли бўлмаган мақсадларга тақсимловчи ва маблағ йўналтирувчи юридик шахслар киради (меҳнатга ҳақ тўлаш бундан мустасно).

б) шаҳар йўловчи транспорти (такси, маршрутли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича;

7) Юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромад (фойда)лари бўйича;

8) юридик шахслар умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуриш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар)и бўйича;

5. Даромад (фойда)га солиқдан вақтинчалик озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари.

Вақтинчалик даромадага (фойдага) солиқдан қуйидаги юридик шахсларни озод қилиш кўзда тутилган:

1) янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромад (фойда)си бўйича рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан 2 йил муддатга;

2) Чет эл инвесторлари иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар:

– агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлардан иборат бўлса; ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;

– агар чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпни ташкил этса. Ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга озод этилади;

3) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан дастлабки 7 йилга озод этилади;

4) Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари) халқ истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб – ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ – овқат саноати учун машиналар ва асбоб – ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом – ашё ва маиший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устав фондидаги чет эл капитали 30 фоиздан ортиқ бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар – рўйхатдан ўтган даврдан эътиборан икки йил давомида;

5) қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида янги тузилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлаган пайдан эътиборан 3 йилга озод этилади. Кейинги йилларда солиқ ставкаси икки марта камайтирилади. Ишлаб чиқариш техника аҳамиятига эга бўлган ва қурилиш материаллари, маиший коммунал хизматлари ишлаб чиқарса имтиёз кичик ва ўрта бизнесга ҳам тегишлидир.

6) янги тузилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминлов ва тайёрлов ташкилотларидан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан эътиборан биринчи йили 25%, иккинчи йили 50% белгиланган ставкадан камайтирилган солиқ тўлайдилар. Кейинги йиллар белгиланган ставкада тўлиқ тўлайдилар;

7) Ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари;

8) Қишлоқ жойларида янги ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушган бошлаб 3 йил муддатга. Бу муддат ўтгандан сўнг кейинги икки йил мобайнида мазкур қўшма корхоналар учун солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдоридан белгиланади;

9) гастрол – концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бор юридик шахслар;

10) дивиденд тариқасида олинган даромад, дивиденд тўлаган корхонанинг устав капиталига йўналтирилса солиқдан озод этилади;

янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар (қўшма корхоналардан ташқари) аввалдан ишлаб турган корхоналар,

уларнинг филиаллари негизида ташкил қилинса, корхоналардан олган асбоб — ускуналарни ишлатаётган бўлса берилмайди.

Янги ташкил этилаётган корхоналарга берилган имтиёزلардан улар бир йил ичида тутатилса, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиққа тортиш мақсадида дивиденд деб акциялардан ва субъектларнинг устав капиталига ҳиссаи қатнашишдан олган даромад тушунилади. Процент (фоиз) деб депозит омонатлардан, қарзли мажбуриятлардан ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромад тушунилади.

Давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивиденд ва процентлар солиқдан озод этилади.

6. Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадини камайтирилиши

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадининг камайтирилиши солиқ ҳисоби шаклида имтиёзлар деб аталиб, махсус ҳисоблар билан иловада берилиши керак. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромад (фойда)си қуйидаги суммаларга камайтирилади:

1) Экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг бир фоиздан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

2) Инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва қайта таъмирлаш), шунингдек, инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан (амортизация) тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг 30% дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

3) Диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари) хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромад (фойда)сидан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажатмалар суммасига;

4) Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг 30% суммасига;

5) Футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий – техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 5% гача миқдорда белгиланади.

6) «Умид» жамғармаси дастури бўйича молиялаш – тиришга йўналтирилган маблағлар.

7) Ихтиёрий суғурта бўйича сарф харажатлари қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган базадан чегириб ташланди.

8) Ишловчилар умумий сонининг уч фоиздан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади. Масалан,

Ходимларнинг умумий сони	25 киши
Шу жумладан ногиронлар	7 киши
Ногиронларнинг умум ходимлар сонигаги фоизи	28
Ногиронларни меҳнатга жалб қилиш нормаси	3
Белгиланган нормадан ортиғи	25
Ҳисобланган солиқ суммаси	100 м.сўм
Имтиёз ҳисобга олинган солиқ суммаси $(100 \times 25 : 100) = 25$	75 м.сўм

Демак, корхона нормадан ортиқ 25 фоиз ногиронларни ишга жойлаштиргани учун 25 минг сўм солиқ суммаси камайтирилган. Демак, корхона 100 м.сўм ўрнига имтиёз ҳисобга олганда 75м.сўм солиқ тўласа бўлгани.

7. Даромад (фойда) солиғининг ҳисоблаб чиқарилиши (солиқ ҳисоби), солиқ идораларига тақдим этиш ва тўланиши

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ортиб борувчи яқун билан чиқарилган даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ ҳисобини, солиқ рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекцияларига йил чорақларига оид ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларида топширадидлар.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ ҳисобини

тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиб олиши мумкин. Хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, солиқ ҳисоби қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар, ҳисоб – китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғини даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида тўлайдилар.

Масалан, 1 чорак учун ҳисоботлар 12 апрелгача топшириш керак, демак солиқ ҳисоби ҳам 12 апрелгача топширилади. Солиқни тўлаш 17 апрелгача амалга оширилади. Қўшма корхоналар чорақдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар ҳисобланган солиқни тўлашлари шарт.

Йилнинг ҳисобот чорағида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан кўпроқ миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 15 – кунларида йилнинг чорағи бўйича даромад (фойда) солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлайди. Масалан, апрел ойи 2003 йил энг кам иш ҳақи 4535 сўм. Бир чорақда 970 м. сўм кўп даромад олган бўлиши керак. Шундай корхоналар аванс тўловларини ҳар ойда бир марта, чорақда уч марта тўлайди.

Юридик шахслар аванс тўловлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун йилнинг жорий чорағи биринчи ойининг 5 – кунигача солиқ рўйхатидан ўтган жойдаги солиқ органига йилнинг тегишли чорағида олиши мўлжалланган даромад (фойда) ҳамда белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси асосида маълумотнома тақдим этадилар. У қўйидаги шаклда бўлади.

Кўрсаткичлар номи	Минг сўм
1. Кутилаётган даромад (фойда)	920
2. Солиқ ставкаси	20
3. Бюджетта тўлаши лозим бўлган	184
2 – чорак учун солиқ суммаси	

«А» хусусий корхонанинг 2003 йил 2 чораги учун кутилаётган даромад (фойда)дан бюджетга жорий тўловлар тўғрисида малумотномаси

Ҳар ойнинг 15 санасига 61,3 м. сўмдан (184:3) солиқдан жорий сумма корхонанинг шахсий счётига ёзиб қўйилади.

Йил мобайнида тўланган даромад (фойда) солиғи жорий (бўнак) суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Жорий тўловлар белгиланган муддатларгача тўланмаса уларга нисбатан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,07 фоиз миқдориди пеня молиявий жазо қўлланилади.

Солиқ тўловчилар маълумотномада бюджетга тўловлар суммасини илгариги йил ёки чоракларга нисбатан камайтирганларида солиқ хизмати идоралари томонидан аниқликлар киритилади.

Ҳисобот даврида маҳсулот (иш,хизмат) реализа – циясидан олган даромади 200 каррали минимал иш ҳақидан кам бўлган корхоналар чоракда бир марта тўлов тўлайдилар. Аввалги чоракларда тўлаган солиқлари ҳисобга олиб борилади.

Солиқ тўловчилар биринчи чорак, ярим йил ва йил ўтиши билан йил бошидан ҳисобланган якун билан солиқни ҳақиқий олинган даромаддан келиб чиқиб даромадга солиқни мустақил ўзлари ҳисоблаб чиқадилар. Йил мобайнида тўлаган солиқлари ҳисобот йилидаги ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинади. Солиқ ҳисобини тузиш мисолига қаранг.

Даромадга (фойдага) солиқ бўйича 2003 йил 1 чорак учун солиқ ҳисоби.

Кўрсаткичлар	қаторлар №	Сумма м.с
Фойдага солиқ тўлангунгача бўлган, молиявий якун (2 шакл «молиявий якунлар тўғрисидаги ҳисоботнинг» 170 сатри)	010	2000
«Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низом бўйича солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (Илова №1)	020	200
Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан камайтирилмайдиган сарфлар (Илова №2)	030	—
Солиққа тортиладиган базадан камайтириладиган илгариги қилинган харажатлар (махсус балансдан ташқари 010 сўтдан қилинган ҳисоб)	040	—
Солиққа тортиладиган базага киритилмайдиган сарфлар (030 қатор – 040 қатор)	050	—
Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан дивидентлар (процентлар)	060	100
Солиққа тортиладиган даромад (фойда) (қаторлар 010 + 020 – 050 – 060)	070	2100
Солиқдан имтиёз (ҳисоби бўйича)	080	200
Имтиёзи ҳисобга олинган даромад (фойда) (070 – 080)	090	1900
Белгиланган солиқ ставкаси	100	20
Ўзгартирилган қилинган солиқ ставкаси	110	20
Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (қатор 090*110:100%)	120	380
Ҳисобот даврида ҳисобланган жорий тўлови суммаси	130	360
Қўшимча ҳисобланади	140	20
Камайтирилади	150	—

Корхона раҳбари

Бош ҳисобчи

қабул қилдим

Даромад (фойда)га солиқ бўйича солиқ ҳисобининг ҳолатлари (вариантлари).

Масала шартлари.

«А» корхона ишлаб чиқарган товарлари ичида болалар асортименти 20% дан кам ҳиссани ташкил этади. «Б» корхона эса

хорижий инвестиция билан тузилган ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб Устав фондида хорижий капитал ҳиссаси 50% дан ортиқни (устав фонди 1200 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ҳамма корхоналари шартли равишда ҳисобот йилида солиққа тортилгунча олган фойдаси 5600 м.сўм. солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (1 – илова) – 700 м.сўм; имтиёз берилган (солиқ ҳисобига киритиладиган илова) – 200 м.сўм. «В» корхона маҳсулотлари ичида 55 фоизи экспортга эркин алмаштириладиган қатъий валютага сотган. Ҳужжатлар мавжуд.

Бунак ҳисобланган 900 м.сўмдан. бўлган. Солиқ ҳисоби кўйидагича тузилади.

Корхонанинг 2003 йил учун даромадга солиқ ҳисоби.

№	Кўрсаткич	қатор №	А кор	Б кор	В кор
1.	Фойдага солиқ тўлагунча олган фойда (м.х – 170 сатр)	010	5600	5600	5600
2.	Солиққа тортиладиган базага қўйиладиган харажатлар (Ни – зомнинг 1 – иловасига асосан)	020	700	700	700
3.	Солиққа тортиладиган даромад	070	6300	6300	6300
4.	Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши (маҳсус ҳисоб асосида)	080	200	200	200
5.	Имтиёзни ҳисобга олган солиққа тортиладиган даромад	090	6100	6100	6100
6.	Белгиланган солиқ ставкаси	100	20	20	20
7.	Солиқнинг ўзгартирилган став – каси	110	20	16	10
8.	Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ сўм	120	1220	976	610
9.	Ҳисобот даврида бюджетга ҳисобланган бўнак суммалар	130	900	900	900
10.	Қўшимча бюджетга ҳисобланади	140	320	76	–
11.	Ҳисобланган сумма камайти – риди	150	–	–	290

Ошиқча тўланган солиқ суммаси келгуси тўловларга ётқизилади ёки солиқ тўловчига бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи бўлмаса ундан ёзма ариза олган кундан бошлаб бир ой ичида корхонага қайтарилади.

Бюджетга солиқларни ўз вақтида тушириш мақсадида корхоналар солиқни тўлов муддати келгунга қадар тегишли банк муассасаларига тўлов топшириғини топшириб қўйишлари лозим. Кўрсатилган тўлов топшириқлари банк муассасалари томонидан ижарага тўловчининг счётида маблағ бор ёки йўқлигидан қатъий назар қабул қилинади.

Даромадга (фойдага) солиқни ўз манбаида ушлаб қолиш ҳоллари мавжуд. Қўйидаги даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқларни манбаида ушлайдилар:

- Юридик шахсларга дивидент ва процент тўловчилар;
- Доимий муассасаси бўлмаган юридик шахс норезидентларга тўловлар тўловчилар;

даромад (фойда)га солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлиги даромадлардан солиқ тўлашни амалга оширувчи юридик шахслар зиммасига тушади. Даромаддан солиқ тўловчи юридик шахс солиқ суммасини ушламаган тақдирда бюджетга ушланмаган солиқ суммаси ва у билан боғлиқ бўлган жарима ва пеняни ҳам тўлайди.

Дивидент ва процент тўловчи юридик шахслар қўйидаги шаклда солиқ ҳисобини топширадилар ва тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 куни ичида солиқ суммасини бюджетга ўтказди.

Дивиденд ва процентларга солиқдан солиқ ҳисоби. 2003 йил январь ойи учун.

Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти	Солиқ инспектори маъсулияти
Ҳисобланган дивидендлар ва процентлар	1500	1500
Солиқ ставкаси	15	15
Бюджетга тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси – жами	225	225

Корхона раҳбари

Бош ҳисобчи

қабул қилдим...

Даромадларни манбаида тўловчи юридик шахслар молия йили туташни билан 30 кун ичида давлат солиқ хизмати идораларига ҳамда даромад олган юридик шахсларга уларнинг талаблари бўйича далолатнома топширадилар. Унда шу шахсларнинг рўйхати номерлари, номлари, умумий олинган даромад ва жами тўланган солиқ суммаси ҳисобот йили учун кўрсатилган бўлади.

Солиқ ҳисобланганда 68 счёт кредитланади субсчёт «даромад (фойда)га солиқ» 81 счёт билан муносабатда бўлади (дебетланади) «ҳисобланган ва тўланган даромад (фойда)га солиқ» Солиқ ўтказилганда 68 счёт дебетланади 51 счёт «ҳисоб счети» кредитланади.

Корхонанинг тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда солиқ идораси ёзма билдириш ёзиб ҳисобот ва солиқ ҳисобини тезроқ ва қачон топшириш тўғрисида талаб қилиши мумкин.

Ликвидацион комиссия корхонанинг тугатилиши тўғрисида 15 кун ичида солиқ идорасига ёзма хабар беради. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан 15 кун ўтиши билан солиқ тўловчи солиқ идораларига ҳисобот ва солиқ ҳисобини топширишлари шарт. Улар қонунда белгиланган шаклда берилади.

8. Икки ёқлама солиқ тўлашни тугатиш.

Юридик шахсларнинг чет элда олган даромади (фойдаси) суммаси уларнинг Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиладиган ҳамма даромадлари (фойдаси) суммасига қўшилади ва солиқ миқдорини аниқлашда эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромадлар (фойда) корхонанинг бухгалтерия балансига тўлиқ миқдорда қўшилади; харажатларни, шу жумладан Ўзбекистондан ташқарида тўланган солиқларни чиқармасдан.

Корхонанинг солиққа тортиладиган даромадини аниқлашда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қилинган харажатлари Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартиб ва миқдорда чегириб ташланади.

Халқаро битимларда бошқача қилиб белгиланмаган бўлса Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олган даромадидан тўланган корхона солиғи Ўзбекистонда даромадга солиқ тўлаётганда чегириб ташланади. Бунда чегириладиган солиқ суммаси чет элда олинган даромаддан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Бюджетга тўлаши лозим бўлган солиқ суммасидан чет элда тўланадиган солиқ суммасини чегиришнинг асоси бўлиб чет эл давлатининг солиқ идораси тасдиқлаган хабарнома ёки бошқа чет элда солиқ тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатдир.

Икки томонлама солиқ тўлашни тугатишга қўйидаги мисолларни келтирамиз.

Ўзбекистонда тузилган қўшма корхонада чет эл сармоясининг салмоғи 30% дан ортиқ бўлиб ўзининг доимий ваколатхонаси орқали Францияда тижорат фаолияти олиб боради.

Ҳисобот йилида қўшма корхона Ўзбекистондаги фаолиятдан 800 м.сўм ва Франциядаги фаолиятдан 100 м.сўм ялпи даромад олди. (Марказий банк белгиланган курс билан).

Франция қонунчилиги бўйича Францияда фаол фаолият олиб бориб борувчи чет эл юридик шахсларининг даромади миллий компаниялари сингари 15% ли корпарацион солиққа тортилади.

Франция қонунчилиги бўйича солиққа тортиладиган даромад бу ерда 60 м.сўмни (100 – 40 м.сўм ишлаб чиқариш харажатлари) ташкил этади.

Францияда тўланган даромадга солиқ $60000 \cdot 15\% = 9000$ сўмни ташкил этади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича берилиши мумкин бўлган чегирма суммасининг чегараси аниқланади. Солиққа тортиладиган даромад 95 минг сўмни (100 – 5 м.сўм Ўзбекистон қонунчилиги бўйича Францияда қилинган харажат ҳисобига олинади.)

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича даромадга солиқ ставкасида солиқ ҳисобланади $95000 \cdot 10\% = 9500$ сўм. Шундай қилиб чегирма чегараси 9500 сўм, Францияда тўланган солиқ суммаси 9000 сўм, қўшма корхонанинг ялпи даромади 900 м.сўм, солиққа тортиладиган даромади Ўзбекистон қонунчилиги бўйича 400 м.сўм (900 – 500 қилинган харажатлар шу ж. 5000 сўм Францияда қилинган харажат) Солиқ 10% ставка билан 40 м.сўмни ташкил этади. ($400 \cdot 10\%$). Францияда тўлаган 9000 сўм солиғи чегирилади (ҳисобга олинади). қўшма корхонанинг даромадига солиғи суммаси 31 м.сўм (40 – 9) бюджетга ўтказилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар ўзларининг тижорат ва молия муносабатларида мустақил юридик шахслардагига нисбатан фарқ қиладиган баҳоларни қабул қилсалар солиқ тўловчиларнинг даромади солиқ идоралари томонидан пайдо бўлган фарқ миқдорига тартибга солинади. Ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар деб қўйидагилар тушунилади:

1) чет эл давлатларининг юридик шахслари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган уларнинг кичик (бола) корхоналари;

2) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва республикадан ташқарида жойлашган уларнинг кичик корхоналари;

3) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва чет эл юридик шахслари таъсисчиси бўлиб шу юридик шахсларнинг ўзлари ҳисобланса ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар деб аталади.

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республика – сининг ҳудудида Ўзбекистон қонунчилиги (йўриқнома) бўйича солиққа тортиладилар ва Ўзбекистон Республика – сининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятлар эътиборга олинади.

Қўшма корхоналар ёки чет эл юридик шахслари Ўзбекистон билан тузилган халқаро шартномалар бўйича солиқдан тўлиқ ва қисман озод бўлиши мумкин. Бунинг учун улар ўзларининг доимий турар жойлари билан Ўзбекистон ўртасида халқаро (давлатлараро) солиқ масалаларида шартнома мавжудлиги тўғрисида расмий ҳужжат тақдим этишлари керак. Бу ҳужжат солиқ идораларига солиқ тўлагунга қадар ва солиқ тўлангандан сўнг бир йил ичида тақдим этилиши шарт. Солиқ идоралари уларнинг аризаларини кўриб чиқиб солиқни қайтариш тўғрисида маҳаллий молия идораларига топшириқ беради.

Қайтариш учун саволлар.

1. Юридик шахслар даромадига солиқ нима?
2. Юридик шахслар даромади таркиби қандай ҳужжатда кўрсатилган?
3. Даромадга (фойдага) солиқни тўловчилар кимлар? Резидент ва норезидент нима?
4. Солиқ объекти ва солиққа тортиладиган даромадларга нималар киради?
5. Даромадга (фойдага) солиқ ставкалари қандай бўлади?
6. Даромадга солиқдан тўлиқ озод этиладиган қандай юридик шахслар мавжуд?
7. Қандай юридик шахслар даромадга солиқдан вақтинчалик озод этилади?
8. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтирилади?
9. Солиқ ҳисобини тузиш ва солиқни тўлаш тартиби қандай?
10. Икки ёқлама солиқ тўлаш қандай тугатилади?

2 БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ.

1. Қўшилган қиймат солиғи тушунчаси ва Европа амалиётида уни ҳисоблаш усуллари.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ва Ўзбекистон ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратиш (СК 65 м.)ни билдиради. Аммо бу умумий ҳолдир. Амалиётда бизда шундай ҳоллар бўладики ҚҚС қўшилган қийматни эмас, балки бутун қийматдан (оборотдан) олинади. Масалан, ҚҚСни тўламайдиган бўлсалар: қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўлашга ўтган, чакана савдо ташкилотлари, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар. Бундай ҳолларда ҚҚС оборот солиғининг ўзи бўлиб қолади. У республика солиғи бўлиб республика бюджетига тушади. ҚҚСда юридик шахслар бир вақтнинг ўзида солиқ йиғувчи – ўзлари товар (ишлар, хизматлар) сотганда, солиқни маҳсулот етказувчига тўловчи – товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олганда ва ниҳоят бюджетга солиқ тўловчи бўлади.

Моҳияти жиҳатидан ҚҚС эгри солиқ бўлганлиги учун корхонанинг молиявий яқунига (фойдасига) нисбатан бетараф (нейтрал) бўлади. Бу умумий қоида. Аммо солиққа тортиш амалиётида шундай ҳоллар учрайдики ҚҚС тўғридан тўғри корхонанинг маҳсулот қийматига таъсир қилади. Масалан, корхона ишлаб чиқарган товарлари (ишлар, хизматлар) бўйича солиқ тўлашдан озод этилган бўлса маҳсулот етказувчига тўлаган ҚҚС суммаси тўлиқ шу сотиб олинган маҳсулот қийматига ёки хизмат харажатларига киритилади. Демак, ҚҚС суммасига фойда камаяди. Европа амалиётида ҚҚС ҳисоблашнинг учта услуби мавжуддир.

Чегириш усули. Бу усулда сотилган товарлар қийматидан сотиб олинган товарлар ёки хизматлар қийматини чегириб ташлаб солиқ объекти аниқланади. Шу объектга солиқ ставкасини қўллаб солиқ суммаси топилади.

Мисол: Сотилган товарлар қиймати	500 м.сўм.
Сотиб олинган товарлар қиймати	200 м.сўм.
Қўшилган қиймат	300 м.сўм
20%ли ҚҚС бюджетга ўтқазилади	60 м.сўм

Ҳисобга олиш усули (ёки счёта фактура усули).

Корхоналар бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқни сотилган товарлар бўйича олинган солиқ суммасидан счёта –

фактура бўйича маҳсулот етказувчига тўланган ҚҚС суммасини фарқи суммасида аниқлайдилар. Масалан:

Сотилган товарлар қиймати 500 м.сўм.

Сотилган товарлардан ҳисобланган ҚҚС суммаси 20% ли ставкада 100 м.сўм.

Сотиб олинган товарлар қиймати 200 м.сўм.

Сотиб олинган товарлар бўйича 20% ли ставкада тўланган ҚҚС суммаси 40 м.сўм

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 60 м.сўм

Европа мамлакатлари ва баъзи бошқа мамлакатлар шу усулни қўллайдилар. Бизнинг республикамизда ҳам ўзига хос қилиб шу усулда ҚҚС ҳисобланади. Хусусияти шундаки, бизда ҳар доим ҳам маҳсулот етказувчига тўланган счёт фактура бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди, фақат солиқ тортиладиган оборотга тегишлиси ҳисобга олинади.

Қўшиш усули. Бу усулда бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун қўшилган қиймат таркибига кирувчи харажатларни қўшиб чиқиб ундан солиқ ҳисоблайди. Масалан: иш хақи 200 м.сўм.

Ижара хақи 50 м.сўм.

Амортизация 10 м.сўм.

Фоизлар 15 м.сўм.

Фойда 25 м.сўм. Жами 300 м.сўм. ҚҚС суммаси 20% ли ставкада 60 м.сўмни ташкил этади.

2. ҚҚС ни тўловчилар ва солиқ объекти.

ҚҚС тўловчилари бўлиб (СК 66 м) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, товарлар импорти бўйича юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Солиқ тўловчи деб ўз маҳсулотига ҚҚС Солиқ ҳисобловчилар тушунилади. Бошқа корхоналарга тўланган солиқ бўйича солиқ тўловчи ҳисобланмайди.

Бу қоидадан ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ташкилотлари, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар истиснодир. ҚҚС тўловчиларни халқ хўжалиги соҳаларига қараб саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва бошқаларга бўлиш мумкин. Фаолият турларига қараб ишлаб чиқариш, тайёрлов, воситачилик, биржа, банк хизматлари ва бошқа

турларга бўлиш мумкин. ҚҚС тўловчилар учун қўйидаги мезонлар бўлиши шарт:

- тадбиркорлик фаолияти
- юридик шахс мақоми олиб рўйхатдан ўтган ёки рўйхатга киритилган
- мустақил бухгалтерия баланси ва банкда ҳисоб счёти бўлиши шарт;

ҚҚС объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ва импорт товарлар обороти ҳисобланади, ҚҚС дан озод бўлганлар ва маҳсулотлардан ўз ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланишдан ташқари. Товарлар (ишлар, хизматлар) обороти деб маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни юклаш (ортиш) тушунилади. Уч хил сотиш тури мавжуд: товарлар, ишлар ва хизматлар. Товарлар сотишда солиқ объекти бўлиб ўзи ишлаб чиқарган, четдан сотиб олган ҳамма товарлар сотиш обороти тушунилади. Солиққа тртиш мақсадида истеъмол белгиланишига ва қийматга эга бўлган ҳамма нарса (товар, маҳсулот, кўчмас мулк, иморатлар ва иншоотлар қўшилиб, электроэнергия ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва бошқалар) ҳисобланади. ишлар сотишда солиқ объекти бўлиб бажарилган қурилиш – монтаж, таъмирлаш, илмий текшириш, тажриба – конструкторлик, технологик, проект – излов, рестоврация ва б. ишлар қиймати ҳисобланади. Хизмат сотишда солиқ объекти бўлиб хизматлар қиймати ҳисобланади.

– Йўловчи ва юк транспорти хизмати қиймати, шу жумладан, газ, нефтни йўналтириш (ташиш), электр, иссиқлик энергия узатиш, товарларни ортиш, тушириш, қайта ортиш ва сақлаш хизматлари киради.

– мулкларни ва кўчмас мулкларни ижарага бериш хизмати қиймати

- воситачилик қиймати;
- алоқа, маиший, уй – жой коммунал хизмати;
- реклама хизмати;
- маълумотларни саралаш ва информацион таъминлаш хизмати;
- бошқа хизматлар.

Булардан ташқари солиққа тортиладиган оборотларга қўйидагилар киради:

– корхонанинг ишбилармонлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ўз истеъмоли учун корхона ичидаги товарлар ва хизматлар сотиш обороти, шу жумладан ўз ходимларига;

– бошқа корхоналарга ёки жисмоний шахсларга шу жумладан ўз ходимларига бекорга ёки қисман тўлаш ҳуқуқи билан бериладиган оборотлар;

– буюмларни гаровга сотиш обороти ўз ичига гаровда таъминлашни бажармагандаги оборотларни қўшиб киради.

3. Солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш.

Солиққа тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси ҚҚСни қўшмасдан товарлар (ишлар, хизматлар)га қўлланиладиган баҳоси ва таърифи қиймати билан аниқланади. Аммо, акцизостии товарлари бўйича солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда унга акциз суммаси ҳам қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни қўлдан қўлга бепул берилганда солиққа тортиладиган оборот суммаси корхонада қарор топган баҳо ва таъриф (ҚҚСсиз) даражасида аниқланади, бироқ товарларнинг ишлаб чиқариш (сотиб олиш) харажатидан кам бўлмаган миқдорда, асосий воситалар бўйича ҳақиқий сотиш баҳоси билан уларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ миқдориди аниқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) текинга берилаётганда ҚҚС тўловчиси бўлиб уларни бериб юбораётган корхоналари ҳисобланади. асосий воситалар корхоналар тизимининг ичида текинга берилса солиққа тортиладиган оборотга қўшилмайди, яъни юқори ташкилотнинг буйруғи билан тақсимланса.

Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ҳақиқий таннарх баҳосидан паст сотувчи корхоналарда солиққа тортиш мақсадида маҳсулот сотилаётганда қарор топган баҳо қабул қилинади, лекин шу товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш (сотиб олиш) ҳақиқий харажатидан кам бўлмаслиги шарт.

Товарларни натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига таннарх баҳосидан паст қилиб сотилганда солиққа тортиладиган оборот товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Ўзи ишлаб чиққан товарлар корхона ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларга фойдаланилса солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш учун уларнинг ҳақиқий таннархи олинади.

Хом – ашё ва материаллар эгасининг товарини ишлаб берганда солиққа тортиладиган оборот бўлиб, уларнинг қайта ишлов қиймати (харажатлар ва фойда қўшилиб, акцизостии товарлар бўлса акциз

суммаси ҳам қўшилиб) ҳисобланади. Узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар учун (қурилиш, қурилиш – монтаж, таъмирлаш – қурилиш, проект – қидирув ва илмий – текшириш) солиққа тортиладиган оборот бўлиб ҳисоблашиш ҳужжатларида тўлаш учун кўрсатилган, ва буюртмачилар томонидан тасдиқланган қиймат ҳисобланади. Бу ерда ишларни бажариш жараёнида баҳоларнинг транспорт ва бошқа хизматларнинг таърифини ошиши ёки камайишини ҳисобга олиб тузилган шартнома баҳосидан келиб чиқилади.

Ўз кучи билан ўз мақсади учун бажарилган қурилиш – монтаж ишлари солиққа тортилмайди.

Моддий ресурслар, ёқилғи, иш бўйича тўланган ҚҚС суммаси қурилиш объектига киритилади. Товарлар олди ва сотдиси билан шуғулланувчи тайёрлов, таъмирлов – сотув ташкилотлари даромадларни баҳолар, устама ва қўшимча тарзида олувчилар учун солиққа тортиладиган оборот товар истеъмолчиларга сотилган товарлар қиймати асосида улар ўртасида қўлланилган баҳолар билан аниқланади, ҚҚС суммаси қўшилмайди. Банклар учун солиққа тортиладиган оборот бўлиб хизматлар қиймати ҳисобланади.

Солиққа тортилмайдиган оборот ҳам мавжуд. Бундай оборотга қуйидагилар киради:

1. Корхонанинг бир шоҳобчаларидан иккинчи шоҳобчаларига саноат ишлаб чиқариш мақсадлари учун ярим фабрикат, бажарилган ишлар ва хизматлар обороти сотилганда (завод ичи обороти).

Бу шоҳобчалар ҳисоб счётига эга бўлмайди ва бош корхонанинг балансида туради.

2. Кооператив , хўжалик жамиятлари ва ўртоқликлари, корхонанинг бошқа таъсисчилари ўртасида корхонани тугатилиши муносабати билан улар ўртасида мулклар тақсимлангандаги оборотлар. Бу ҳолат тугатилаётган корхонанинг мулки бошқа шахсларга сотилганда тааллуқли бўлмайди.

Ҳисоблашиш ҳужжатлари тўлангандан сўнг товарлар қайтарилса ҚҚС суммасига ўзгартиришлар киритилади, шу шарт биланки бир йил ичида сўров талаби муддатига риоя қилинган бўлса.

4. Солиқ ставкалари ва уларни қўллаш тартиби.

2000 йилдан ҚҚСдан солиқ ставкаси Солиқ кодексида кўрсатилган 20 фоиздир.

2000 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида бюджет ташкилотларининг буюртмаси ва маблағи ҳисобига келтириладиган асбоб – ускуналар товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚСдан озод этилган.

Белгиланган солиқ ставкасига қараб ҚҚС суммаси икки усулда аниқланади:

1. $\text{Ист.ҚҚС} = \text{СО} \cdot \text{Н} : 100$ бу ерда: Ист.ҚҚС – истасмолчилардан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи, СО – солиққа тортиладиган оборот, Н – солиқ ставкаси. Бу тартиб деярли ҳамма маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига қўлланилади.

2. Ўз ичига ҚҚС суммаси қўшилган баҳо ва таърифларда сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганда солиқ қуйидаги шаклда аниқланади: $\text{Ист.ҚҚС} = \text{ТҚҚҚС} \cdot \text{Н} : (\text{НҚ}100)$. Бу ҳолат асосан асосий воситаларни ва номоддий активларни сотганда қўлланилади.

ТҚҚҚС – ҚҚСни ўз ичига олувчи товар қиймати. ҚҚСдан озод бўлган корхоналар ёки товарлар бўйича ҚҚСдан озод бўлган юридик шахслар эркин (шартномавий) баҳо ва таърифларга ҚҚС суммасини қўшмайдилар.

Шундай ҳолат ягона солиқ тўловчи кичик корхоналарга, яъни тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ташкилотларига ва ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга ҳам тааллуқлидир.

Иккинчи гуруҳ ставка – ноли ставкадир. Ноли ставкада қуйидагилар солиққа тортилади:

1. Мустақил ҳамдўстлик давлатларини ўз ичига олиб экспортга эркин алмаштириладиган валюталарда товарлар (ишлар, хизматлар) сотилса, агар ҳукуматлараро тузилган шартномаларда бошқача шартлар белгиланмаган бўлса:

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаб чиқариш мақсадларига минерал уғитлар ва ёғ – мойлаш материаллари ортилса;

3. Чет эл дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланишга товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганда, шу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий – техник ходимларининг шахсий истемоли учун, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг ҳам қўшиб (агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса) улар Ўзбекистонда доимо яшамаса чет эл мамлакати ҳам шундай принцип қўлласа ноли ставка қўлланилади.

Нолли ставкада солиққа тортиладиган корхоналар ҚҚСни «0» ставкада ҳисоблайди ва материал ресурсларини сотиб олиб ишлаб чиқаришда фойдаланган ҚҚС суммасини ҳисобга олади. (заҷёт).

Яъни бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҚҚСни маҳсулот етказувчига ҳам, бюджетга ҳам тўламайдилар чунки «0» ставкада сотадилар. Демак, нолли ставка дегани ҚҚСдан тамомила озод этилган демақдир. Ана шу ҳолат билан нолли ставка сотиб олган материалларини ишлаб чиқариш харажатларига қўшувчи ҚҚСдан имтиёз олувчи корхоналардан фарқ қилади.

5. ҚҚСдан имтиёзлар. ҚҚС тўлашдан имтиёзлар тури қўйидагилардир:

Солиқ тўлашдан ўзи ҳисоблаган ҚҚС бўйича

1. Тўлиқ озод бўладиган юридик шахслар
2. Озод этиладиган товарлар.
3. Озод этиладиган ишлар ва хизматлар.

Солиқ тўлашдан тўлиқ озод этиладиган юридик шахсларга:

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи ягона ер солиғи тўловчилар;

2. Ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар;

3. Ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ташкилотлари.

4. Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчи чакана савдо билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Солиқдан озод бўладиган товарлар ва маҳсулотларга қўйидагилар киради:

1. Протез – ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар маҳсулоти, ногиронлар учун инвентарлар ва уларга ортопедия – протез хизматлари кўрсатиш, даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устaxonаларининг маҳсулотлари;

2. Қўриқлаш бўйича давлат ваколатчиси томонидан сотиладиган нодир металллар обороти;

3. Нашриёт, газета ва журналларнинг матбаа корхоналарининг асосий фаолияти маҳсулотлари ва хизматлари;

4. Республикада ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари якка тартибдаги қурувчиларга сотилганда;

5. Хусусийлаштирилган мулклар қиймати, табиий офат, қуроли тўқнашувлар, бахтсиз ҳодисалар рўй берганда ёрдам кўрсатиш тариқасида олиб келинган мулклар, гуманитар ёрдам кўрсатишга мўлжаллаб келтирилган товарлар;

Солиқдан озод этиладиган ишлар ва хизматларга қўйидагилар киради:

1. Суғурта воситачилари ва агентлари хизматчилари томонидан амалга ошириладиган операцияларни қўшиб, суғурталаш ва қайта суғурталаш операциялари хизмати;

2. Ссуда олиш ва бериш;

3. Пул омонатлари, жорий счётлар, тўловлар, ўтқазма – лар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозлар операциялари;

4. Нумизматик мақсадлардан ташқари қонуний тўлов воситаси бўлмиш чет эл валютаси ва пул муомаласи операциялари;

Пул операцияси деб пул маблағларига мулк ҳуқуқини ўтиш билан боғлиқ бўлган операциялар тушунилади;

5. Тайёрлов ва сақлов операцияларидан ташқари қимматли қоғозлар муомаласи операциялари;

Бундай операцияларга қимматли қоғозларни олиш – сотиш ҳамда қимматбаҳо қоғозлар эгасини ўзгариши билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ҳаракатлар киради.

6. Давлат божи, йиғими олинадиган ваколатли идоралар томонидан қилинадиган ҳаракатлар;

7. Мактабгача болалар муассасалари хизмати, касаллар ва қарияларга қараб туриш хизматлари;

8. Кўмиш бюрolari ва мазорларнинг маросим хизматлари;

9. Интеллектуал мулк ҳуқуқи олиш учун тўланган патент божи, рўйхатдан ўтказиш йиғими ва лицензион йиғимлар;

10. Почта маркаларини сотиш, конвертлар сотиш;

11. Пенсия ва нафақа тўлаш бўйича алоқа ташки – лотлари хизмати;

12. Фан ва техника Давлат қўмитаси контракти бўйича бажариладиган илмий – текшириш ва инновация ишлари;

13. Шаҳар йўловчи транспорти хизмати (такси, маршрутли таксидан ташқари) ҳамда йўловчиларнинг темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортининг шаҳар атрофи қатнови хизматлари;

14. Уй – жой коммунал ва эксплуатацион хизматлар. Бундай хизматларга водапровод – канализация, иссиқлик, газ, электроэнергия хўжалиги, санитария тозалик, лифт хўжалиги, умумий фойдаланишдаги антенналар қўйиш, техник инвентаризация бюрolari, уй – жой фондиди эксплуатацияси ва сақлашлар тўғридан – тўғри аҳоли томонидан тўлангандаги хизматлар ҳақи киради.

15. Ўқув ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган халқ маорифи хизматлари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқитиш ҳақлари; ушбу имтиёз ўқув юртлари томонидан тайёрланган ва сотилган товар ва хизматларга ҳам таалуққидир;

16. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар томонидан ўтказиладиган урф – одатлар ва маросимлар хизмати;

17. Тиббиёт, санитария – курорт ва соғломлаштириш, туристик – экскурсион хизматлар; жисмоний маданият ва спорт, болалар дам олиш лагерлари хизматлари; Ветинария хизматлари тиббиёт хизматига кирмайди;

18. Гидрометеорология ва аэрология хизматлари;

19. Геология ва топография ишлари;

20. Ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилган экологик экспертиза хизматлари;

21. Давлат тилини ўқитиш ва давлат тилида иш юритиш хизматлари;

22. Экспорт товарларини жўнатиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш хизматлари ҳамда чет эл юкларини Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши (транзит қилиш) хизматлари;

23. Ички ишлар идораларининг қўриқлов бўлими хизматлари;

24. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоцияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонининг 50%ини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар ишлаб чиқараётган ва реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар. Савдо, воситачилик, таъминот – сотиш ва тайёрлов фаолияти билан боғлиқ ишлар ва хизматлар имтиёзга эга эмас. ҚҚСдан озод бўлган корхоналар бошқа фаолият билан шуғуллансалар шу фаолият турлари бўйича алоҳида харажатлар ва фаолият натижаларини ҳисоботини олиб боради.

25. Гастроль – концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар ҳам ҚҚСдан озод этилади.

6. Бюджетга тўланадиган ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш тартиби.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси солиққа тортиладиган оборотлар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисобга олинган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ тариқасида аниқланади.

Ҳисобга олинган ҚҚС суммаси бўлиб ҳисобот даврида олинган счёт – фактуралар билан ҳақиқий келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар) шу жумладан импорт қилинган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобланади. бу товарлар (ишлар, хизматлар) маҳсулот етказувчидан келиб тушади, шунинг учун ҚҚС ни ҳам уларга тўланади, кейинчалик бу тўланган солиқ суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган суммадан камайтирилади.

Ўз мақсадлари учун сотиб олинган асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҚҚС суммаси бюджетга тўлашда ҳисобга олинмайди (камайтирилмайди).

7. Счёт–фактураларнинг тўлғазилуш тартиби.

Товарлар сотувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи корхоналар солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган бўлишдан қатъий назар ҳамда солиқдан имтиёз олувчилар кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилувчиларга счёт – фактуралар ёзиб беришга мажбурдирлар. Улар товар – ортиш хужжатларига қўшиб берилади. Уларни ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ташкилотлари, чакана савдо билан шуғулланувчи белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳам ёзадилар. Лекин бу корхоналар ҚҚС суммасини счёт – фактурада кўрсатмайдилар ва «ҚҚСсиз» деб ёзиб қўядилар.

Счёт – фактурани товарни ортган, ишларни бажарган ва хизматларни кўрсатган кундан кечиктирмай ёзадилар.

Счёт – фактура маҳсулот етказувчи (пудратчи, бажарувчи) корхона томонидан сотиб олувчи (буюртмачи) корхона номига камида икки нусхада ёзилади. Бир нусхаси маҳсулот етказувчи томонидан маҳсулот олувчига товарни (ишни, хизматни) ортган кундан кечиктирмай берилади ва у маҳсулот олувчига ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Счёт – фактуранинг иккинчи нусхаси маҳсулот етказувчида қолади.

Счёт – фактуралар албатта тушган ва чиққан счётларни ҳисобга олиш китобида ҳисобга олиб борилади. Солиқ кодексининг 135 моддасига биноан товарлар (ишлар, хизматлар) счёт – фактурани белгиланган тартибни бузиб тўлғазилса, маҳсулот етказувчидан сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматидан 10% миқдориди

жарима олинади, агар бу қонунбузарлик ҚҚСолиқ суммасини тушмаслигига олиб келган бўлса. ҚҚСолиқ тўловчиси бўлмаган махсулот етказиб берувчилар счёти фактурани ҚҚСолиқ суммасини акс эттириган тарзда тўлдирсалар махсулот етказиб берувчидан счёти фактурада кўрсатилган ҚҚСолиқ суммаси ва шу сумма миқдорида жарима ундирилади. Счёти фактурани расмийлаштирмаганлик ёки белгиланмаган шаклда расмийлаштирганлик учун (ИНН ва бошқа реквизитлар кўрсатилмаганлиги ёки нотўғри кўрсатилганлиги) ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида жарима ундирилади. Импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича счёти — фактура бўлиб божхона юк декларацияси (бажарилган ишлар, хизматлар, далолатномаси) ва ҚҚС ҳақиқий тўлаганлигини кўрсатувчи тўлов ҳужжатлари ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни аҳолига сотилганда счёти — фактура бўлиб касса чеки ёки хизматни (ишни) ҳақиқий бажарганлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Тўхтовсиз махсулот етказиб берувчи корхоналарда счёти — фактура камида ойига бир марта ёзилади.

8. ҚҚСни тўлаш ва ҳисобини тақдим этиш муддатлари.

Корхоналар ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ инспекцияларига ҚҚС ҳисобини ҳар ойда ҳисоботдан сўнги ойнинг 15 санасига қадар, йилликда йиллик молиявий ҳисоботлар топширган муддатда топширадилар. Солиқ ҳисоби (шартли) кейинги бетда берилади.

Корхоналар ҚҚСни солиқ ҳисоби топширган кундан кечиктирмай тегишли даврдаги (ой) ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайдилар.

Корхонанинг ўтган ойда тўланган ҚҚС суммаси 50 каррали минимал иш ҳақидан ошган тақдирда охириги ойлик ҳисобидаги солиқ суммасининг иккига бўлиб (ҳисобот ойининг 20 — гача ва ҳисоботдан кейинги ойнинг бешинчи санасигача) бунак тўловларни тўлайдилар. Кейинчалик ойнинг 15 санасига қайта ҳисобни ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб амалга оширилади. 2001 йилдан бошлаб қурилиш ташкилотлари ҚҚСни ҳисоботдан сўнги ойнинг 15 санасига 1 марта ҳақиқий оборотдан тўлашлиги 2003 йилда ҳам сақланиб қолинди.

«А» корхонанинг 2003 йил январь оyi учун ҚҚС ҳисоби.
(шартли)

	Кўрсаткичлар	Оборот	ҚҚС солиқ ставкаси	ҚҚС сумм.
1	Сотиб олинган хомашё, материаллар, комплект буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматлар қиймати, шу жумладан импорт қилинган товарлар.	500	20	100
2	Ортиб юборилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати	800	—	140
3	Шу жумладан ҚҚСга тортилмай — диган оборот	—	—	—
4	Ноли ставка бўйича солиққа тортиш	100	0	0
5	ҚҚСда 20%ли ставкада ҳисоби	700	20	140
6	Ҳисоб бўйича ҳисобланган ҚҚС суммаси (2 – 1)	—	—	40
7	Ҳисобот даврида тўланган бўнак тўловлар			24
8	Аввалги ҳисоб бўйича ҳисобланган ҚҚС суммаси (аввалги ҳисобнинг 3 қатори)			—
9	ҚҚС солиқ суммаси			
10	Қўшимча ҳисобланди			16
11	Камайтиришга тегишли			

Агар ҳисоб бўйича чиққан солиқ суммаси ўн беш кунликлар бўйича тўланган суммадан кам чиқса фарқи келгуси ойлар тўловига ётқизилади.

Агар корхоналарнинг бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи бўлмаган тақдирда, солиқ ва йиғимларни кўп тўлаб юборган бўлса корхонанинг ёзма аризасига биноан унга 30 кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ётқизилади.

Янги тузилган корхоналар ёки илгари солиқ тўламаган корхоналар солиқни биринчи ойда ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайдилар. Кейинги ойларда солиқ умум тартиб бўйича тўланади.

Агар корхона бир текис маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқармаса ёки кейинги ойда солиққа тортиладиган обороти бўлмаса биринчи ўн беш кунлик ҳисобланган тўловларга қадар давлат солиқ инспекцияларига ёзма хабар бериб қўйишлари керак.

Кутилаётган оборот кейинги ҳисобот даврида камайса аризада кўрсатилган оборотдан келиб чиқиб ва кутилаётган солиқ суммасидан ҳисобланади.

9.Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган ишлар ва хизматларга ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган ишлар ва хизматларга ҚҚС тўловчилари бўлиб уларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Солиқ объекти бўлиб тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ республика ҳудудига импорт қилинган ишлар ва хизматлар қиймат ҳисобланади.

Бу қиймат ишлар ва хизматлар бажаралиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ва б.) асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ҚҚС Солиқ суммаси} = C \times H : 100$$

$$\text{ҚҚС} = \text{ҚҚС суммаси};$$

C – далолатнома, маълумотномага кўра тасдиқланган импорт қилинган ишлар, хизматлар қиймати;

H – ҚҚС ставкаси.

Солиқ ставкаси 20 фоиздир.

Имтиёзлар:

а) Халқаро шартномалар ва ҳукуматга қарашли хорижий молиявий ташкилотлар берган қарзлар ва грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган ишлар, хизматлар;

б) Бюджет ташкилотлари буюртмалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобига киритилган ишлар, хизматлар;

с) Солиқ Кодексининг 71 моддасига мувофиқ импорт қилинадиган ишлар, хизматлар озод этилган.

Монтаж қилиш, ишга тушириш, созлаш, маслаҳатлар, ўқитиш ва б. ишлар, хизматларга доир импорт қилинадиган ишлар, хизматларга ҚҚС бўйича тузилган шартномалар қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Импорт қилинган ишлар, хизматлар бўйича ҚҚС тўлови ана шу ишлар, хизматларни импорт қилувчи шахс ёзиб берган «импорт қилинган ишлар, хизматлар бўйича ҚҚС суммаси тўлови» деган ёзув битилган тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Солиқ суммаси амалда ишлар, хизматлар бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичида бюджетга тўланади.

Солиқ ҳисоби ишлар, хизматлар амалга оширилган ҳисобот ойдан сўнгги ойнинг 15 – санасига рўйхатдан ўтган солиқ идорасига топирилади.

2003 йил июль ойи учун қилинган ишлар,
хизматларга ҚҚС ҳисоби

(м.сўм)

Кўрсаткичлар	Оборот	ҚҚС ставкаси	Суммаси
Импорт қилинган ишлар, хизматлар қиймати	500	20	100

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга ҚҚС ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Импорт қилинадиган товарларга ҚҚСни тўловчилар бўлиб ушбу товарларни импорт қиладиган юридик шахслар ҳисобланади. Жисмоний шахслар 2002 йил 1 – июндан бошлаб ҚҚС, божхона тўловлари ҳамда жисмоний шахслар келтирадиган товарларга йиғим ўрнига ягона бож тўловини тўлайдилар (ЎРВМнинг 6 май 2002 йил қарори, «Народное слово» №95, 7 май сони).

ҚҚС объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинадиган товарлар (шу жумладан МДҲ мамлакат – ларидан) ҳисобланади.

Солиқни ҳисоблаш асоси божхона қийматидир. Товарлар тушунчасига истеъмолга мўлжалланган ҳамма нарса (ускуналар, маҳсулотлар, хомашё, материаллар, электр, иссиқлик ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, товар – моддий бойликлар) тушунилади.

Товарлар бўйича ҚҚС қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ҚҚС солиқ суммаси} = (\text{СбхА}) \times \text{С} : 100$$

Сб – импорт қилинган товарларнинг божхона қиймати:

А – акциз солиғи суммаси:

С – солиқ ставкаси

ҚҚС танланган божхона режимига мувофиқ, тасдиқланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва тўланади.

Товарлар Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинишида ҚҚС божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда тўланади.

ҚҚСнинг тўланган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисоб варақаларига кирим қилиниб, кейин улар Республика бюджетининг даромадига қайд этилиши керак.

Божхона органлари уч кун давомида ундирилган ҚҚС суммаларини республика бюджети даромадига ўтказади.

Товарлар импорт бўйича имтиёзлар «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада атрофлича берилган (йўриқнома Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилган №1124.).

11. ҚҚСни БЮДда ифода этиш тартиби ва илгари тўланган солиқни қайтариш тартиби.

ҚҚС албатта божхона юк декларациясида (БЮД) 47 графасида кўрсатилган бўлади:

– Биринчи устунда (колонка) «тўлов коди»да «29» ёзилиш ҚҚСни ифода этади.

– «ҳисоблаш асоси» деган устунда солиққа тортиладиган оборот кўрсатилади.

– Учунчи устунда «ставка» деганда солиқ ставкаси миқдори кўрсатилади.

– Тўртинчи устунда «сумма» деган жойда бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси кўрсатилади.

– Бешинчи устунда «ТУ» (СП) тўлаш услуби:

а) «бн» – банка орқали нақд пулсиз

б) «КТ» – тўловни божхона кассаси орқали нақд пулда ўтказиш кўрсатилади.

Саккизинчи устунда «В» – «ҳисоблаш аниқлиги» да ҚҚС тўлашнинг тўлов ҳужжатининг номери ва вақти кўрсатилади. БЮДнинг 36 устунда «Преференция» да озод қилиш коди 000000 ифодаланади. Бу ерда биринчи иккитаси божлар, иккинчиси акциз, учунчиси ҚҚС билдириб шу ерларга «FF» белгиси қўйилса солиқлардан озод этишни ифода этади. Ҳамма ҳолатларда солиқдан озод этиш бўлмаса «00» қўйилади.

ҚҚС ошиқча ундирилган ёки тўланган сумма қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ётқизилади.

Божхона идоралари қўйидаги ҳолларда ҚҚСни ошиқча ундирилган ёки тўланган суммасини қайтаради:

– Солиқ нотўғри ҳисобланган бўлса, шу жумладан божхона қиймати қайта ҳисобланганда.

– Илгари божхона идоралари томонидан ундирилган суммалар божхона режимини ўзгартирган ҳолларда.

Солиқ тўловчилар ошиқча тўланган тўловларни қайтариш тўғрисида талабни тўлов тўлагандан бошлаб 1 йил ичида қўйишлари мумкин.

ҚҚСни қайтариш учун божхона идораларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Тўланган ҚҚСни қайтариш тўғрисида ариза.

2. тўловларни ҳисобланганлиги ва тўланганлиги тўғрисида тўлдирилган БЮД.

ҚҚС кўп тўлаб юборилган бўлса келгуси тўловларга ўтказилади ёки бошқа солиқ ва йиғимлардан юридик шахснинг қарзи бўлмаса аризасига биноан 30 кун ичида қайтарилади.

Қайтариш учун саволлар.

1. Қўйилган қиймат солиғи қандай тушунчани билдиради?

2. Европа давлатлари амалиётида ҚҚСни ҳисоблашни қандай усуллари мавжуд?

3. ҚҚСни қандай шахслар тўлайди ва солиқ объекти нимани билдиради?

4. Солиққа тортиладиган оборот қандай аниқланади?

5. Солиққа тортимайдиган оборотлар ҳам мавжудми?

6. ҚҚС ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай бўлади?

7. ҚҚСдан озод этиладиган қандай юридик шахслар мавжуд?

8. Қандай товарлар ва маҳсулотлар ҚҚСдан озод этилади?

9. Қандай ишлар ва хизматлар ҚҚСдан озод бўлади?

10. Счёт – фактуралар қандай тўлғазилади ва унда ҚҚС қайси пунктларда кўрсатилади?

11. Бюжетга тўланадиган ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш тартиби қандай?

12. ҚҚСни тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби қандай?

13. Импорт товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича солиқ тўловчилар кимлар?

14. Импорт товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича қандай солиқ ставкалари мавжуд ва солиқни тўлаш тартиби, муддати қачон амалга оширилади?

15. ҚҚС суммасининг БЮДда ифода этиш тартиби ва тўланган солиқни қайтариш тартиби қандай?

3–БОБ. АКЦИЗ СОЛИФИ.

1. Акциз солиғи тушунчаси ва солиқ тўловчиларни гуруҳлаш.

Акциз солиғи йўриқномада кўрсатилишича (1106 – сон 11 март 2002 йилда адлия вазирлиги тасдиқлаган) эгри солиқ сифатида соф даромаднинг бир қисмидир ва у баҳо ичида ҳамда ҚҚС базасида ҳисобланади дейилган. Бу тушунча бизнинг фикримизча унча тўлиқ эмас, чунки у бутун маҳсулотларнинг сотиш (ортиш) обороти суммасидан ҳисобланади ва бюджетга мажбуран ўтказилади. Бу солиқ ҳам республика бюджети даромадлари таркибига киради. Тўғри айтилган бу эгри солиқдир ва унинг ҳақиқий оғирлиги истеъмолчилар устига тушади. Маҳсулот ишлаб чиқариб сотувчилар эса акциз солиғини йиғиб бюджетга тўловчилар бўлиб чиқади. Акциз солиғи фақат алоҳида товар турлари бўйича ҳисобланади холос ва товарлар (ишлар, хизматлар) қийматига ҳисобланадиган ҚҚС солиқ дан тупдан фарқ қилади. Акциз солиғи объекти маълум товарлар турлари билан чекланган. Бу солиқ товарлар сотилиши билан бирга бюджетга тушганлиги учун бюджетни тез – тез маблағ билан тўлдиришда катта аҳамиятга эга. Ундан ташқари бу солиқ муомуладаги пулларни олиб таклифни оширади талабни пасайтиради. Натижада пул муомаласини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради.

Акциз ости товарлари бўйича солиқ ставкаси ва товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб Солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларга етказилади. Масалан: 2003 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455 – сон қарори билан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган олти турдаги спирт ичимликларига акциз солиғи ставкаси бир ўлчов бирлигига (м) литирига сўмларда белгиланган, қолган йигирма тур маҳсулотларига акциз солиғини ўз ичига олган сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда белгиланган. (илова 11 – 1)

Четдан келтирилган 96 гуруҳ товарларга солиқ ставкалари божхона қийматига нисбатан фоизларда ёки АҚШ доллорида, баъзи товарларга акциз солиғини ўз ичига олган божхона қийматида ҳисобланади. (илова 11 – 2)

Бензин, дизель ёқилғиси ва авиокеросинга акциз солиғини ҳисоблашда нефть ва газ конденсати бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси ҳисобга олинмайди.

Алкоғолли махсулотларга акциз солиғини ҳисоблашда «Ўзмевасабзавотузумсаноат – холдинг» ХК корхоналари ишлаб чиқарган спирт бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ҳисобга олинмайди.

Акциз солиғи тўловчиларни ва солиқ ставкаларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарган товарлар бўйича акциз солиғи тўловчилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келтирилган (импорт) товарлар бўйича акциз солиғи тўловчилари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан баъзи бир товарларни чиқариб кетгандаги акциз солиғи тўловчилари.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғи тўловчилар бўлиб акциз ости товарларни ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Демак акциз солиғи тўловчи бўлиш учун тўрт шарт мавжуддир:

Акциз ости товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахс бўлишлиғи;

Бухгалтерия балансига эга бўлиши

Банқда ҳисоб рақамига (счётига) эга бўлиши,

Ҳокимиятдан солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтиши зарур Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлашда жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Солиқ ставкалари ўзгариб туради ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги йил бюджет кўрсаткичларида уларнинг рўйхати бериб борилади.

Импорт товарлар бўйича акциз солиғи тўловчилар Республиканинг давлат чегараларидан чет элда ишлаб чиқилган товарларни олиб кирувчи, юридик ва жисмоний шахслардир. Улар шу товарлар бўйича сифат сертификатига эга бўлишлари керак.

2. Акциз солиғини солиққа тортиш объекти ва ҳисоблаш тартиби.

Акциз ости товарлари учун солиққа тортиш объекти бўлиб шартномавий (эркин) баҳоларда (ўз ичига акциз солиғи қўшилган) ҚҚСсиз ортилган товарлар қиймати ҳисобланади. Шу жумладан махсулот етказувчининг хом ашёси ҳисобга ишлаб чиқарилган товарлар киради.

Акциз ости товарларини натурал ҳақ сифатида ёки бепул бериш ҳам солиққа тортиш обороти ҳисобланади.

Бу ерда солиққа тортиш объекти бўлиб солиқ тўловчида товарни бераётганда ташкил топган ҳисобли баҳодаги қиймат, лекин ушбу акциз ости товарни қиймати ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатидан кам бўлмаслиги керак. Ўсимлик ёғи ва алкоголь маҳсулотларни қадоқлаш ва ташқи кўринишини кўрсатиш қийматлари солиқ объектига киритилмайди.

Акциз солиғини ҳисоблаш қуйидаги шакл билан амалга оширилади:

$O^*A:100$, яъни O – ўз ичига акциз солиғини олган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) баҳо. A – акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғини ҳисоблаш учун зарур бўлган шартномавий (эркин) баҳо (акциз қўшилган) қуйидагича амалга оширилади:

$$O = (C \cdot 100) : 100 - A;$$

Бу ерда:

O – ўз ичига акциз солиғини олган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) баҳо;

C – корхонанинг ҳисобли баҳоси (меъёрий сарфиётлари ва фойда меъёри);

A – акциз солиғи ставкаси.

Мисол:

Маҳсулот бирлиги сўмда

1. Ҳисобли баҳо 45 – 50

2. Акциз солиғи ставкаси % 65

3. Акциз солиғини ҳисобга олиб

ҚҚСсиз шартномавий (эркин) баҳо, сўмда

$(45 - 50 \cdot 100) : (100 - 65)$ 130

4. Акциз солиғи суммаси

$O^*A:100$ ёки (3қат – 1қат) 84 – 50

Буюртмачининг хомашёси ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади. Буюртмачи хомашёсидан маҳсулот ишлаб чиқилганда акциз солиғи учун акциз солиғига тортиладиган маҳсулот обороти шу товарларни ишлаб чиқариш ишининг қиймати ва берилган буюртмачи хомашёси қиймати билан аниқланади. Акциз солиғидан имтиёзлар:

а) Товарлар экспортга ортилса ва қатъий эркин алмаштирадиган валютада пул тушса;

б) Четдан олиб кўрилган товарлар гуманитар мақсадларга қаратилган бўлса.

с) «Ўзкимёсаноат» уюшмаси корхоналари томонидан алкогольли маҳсулот ишлаб чиқариш учун «Ўзмевасабза – вотузумсаноат –

холдинг» ХК ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига спирт сотилса.

д) вино ишлаб чиқариш учун «Ўзмевасабзавот – узумсаноат – холдинг» ХК ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарга винобоб материаллар сотилса.

е) ноозиқ – овқат истеъмол товарлари (тамаки, заргарлик буюмлари, бензин, кир совунидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар бўш қолган маблағларни ишлаб чиқаришни ўстириш, ассартиментини кенгайтиришга сарфласа акциз солиғи тўлашдан озод этилади. (Ўзбекистон Республикаси. ВМ. 2002 йил 13 ноябрь 390 – сон қарори).

2000 йилдан бошлаб акциз ости товарлари таркибидан алкохолсиз ичимликлар чиқарилган.

3. Акциз солиғини ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

Акциз солиғини алкохол маҳсулотлари сотилганда «Узплодовошвинпром – холдинг» ва бензин ҳамда дизель ёқилғисига ҳисобланган солиқ нефть ва газ конденсати бўйича ҳисобга олинмайди.

Акциз солиғи тўловчилар ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ идорасига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 – санасига қадар акциз солиғи ҳисобини солиққа тортилмайдиган оборотни суммасини алоҳида қилиб тақдим этадилар.

Солиқ ҳисоби шакли қуйидагича:

Спирт заводининг 2002 йил январь ойи учун акциз солиғи ҳисоби

	Товарлар номи	Шартномавий эркин баҳода (ҚҚСсиз) сотилган товарлар қиймати		Акцизлар		Жами акцизлар		Қолдиқ қиймат – тўлашга тегишли +
		Жами	Солиқ – қаторг.об.	% ларда	Бюдж. ҳисоб – ланда	Декада бўйича тўлашган	Ҳисобга олинган тегишли сумма	
I декада	Ароқ 0,5 л	700,0	700,0	82	574	560	14,0	–
II декада	—	700,0	700,0	82	574	560	14,0	–
III декада	—	700,0	700,0	82	574	530	44,0	+
Жами		2100,0	2100,0		1722	1650	72	+ 72

Жорий тўловлар бўйича ўтган ойнинг ҳақиқий сотиш ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

Жорий ойнинг 13 – санасигача – 1 ўн кунлик учун.

Жорий ойнинг 23 – санасигача – жорий ойнинг 2 ўн кунлиги учун.

Келгуси ойнинг 3 – санасигача – ҳисобот ойининг охириги кунлари учун.

Сотиш куни деб маҳсулотни ортганлигини кўрсатувчи товар жўнатиш ҳужжатларида кўрсатилган кун ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғи тушган сумма солиқ инспекцияларида юртилувчи солиқ тўловчининг шахсий счётларида бир вақтнинг ўзида «ҳисобланди» ва «тўланди» графаларида кўрсатилади.

Ҳисобот даврида ўн кунлик тўловлар бўйича тўланган акциз солиғи суммаси тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ ҳисобида ҳисобга олинади (зачет).

Ортиқча тўланган сумма келгуси тўловларга ётқизилади ёки тўловлардан бюджетга қарзи бўлмаса ёзма аризасига биноан 30 кун ичида қайтарилади.

4. Акциз солиғини ҳисобга олиш (зачет).

Акциз ости товарлари ишлаб чиқилганда унинг хомашёси учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи тўланган бўлса у ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилмайди, балки тайёр маҳсулот бўйича акциз солиғи ҳисобланганда ҳисобга (зачёт) олиб борилади. Мисол учун вино тайёрловчи вино маҳсулоти сотиб олган:

1	Акциз ости маҳсулотини ишлаб чиқариш иши (хизмати) қиймати (сўм)	60
2	Вино маҳсулоти қиймати (акциз солиғисиз) (сўм)	170
3	Маҳсулотни қайта ишловчи корхонанинг ҳисобли баҳоси (1 + 2) (сўм)	230
4	Акциз солиғи ставкаси винога %	40
5	Маҳсулот сотиш обороти (акциз солиғи билан) ҚҚСсиз $(230 \cdot 100) : (100 - 40)$ (сўм, тийин)	383,30
6	Шу маҳсулот бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси $(383 - 30 \cdot 40) : 100$ (сўм, тийин)	153,30
7	Вино хом ашёси бўйича тўланган акциз солиғи (20 %) ҳисобга олинади. $(170 \cdot 100) : (100 - 20) \cdot 212 - 50 \cdot 20 : 100$ (сўм, тийин)	42,50
8	Бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси	110,80

Худди шунга ўхшаш акциз ости тайёр маҳсулотни истеъмол идишларига қуйилганда ҳам акциз солиғи ҳисобга олинади. Масалан, корхона пахта ёғини истеъмол идишларига қуйилганда ҳам акциз солиғи хомашёга маҳсулот етказувчи корхоналар товар — жўнагув ҳужжатларида бюджетга тўлаш лозим бўлган акциз солиғини алоҳида кўрсатишлари шарт. Акс ҳолда тайёр маҳсулот бўйича акциз солиғидан ҳисобга олиш (зачёт) ҳолати бўлишга рухсат этилмайди.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган акциз солиғи суммаси алоҳида аналитик счётада олиб борилади ва маҳсулотни ишлаб чиқаришга олиб бориш билан 68 — счётнинг дебетига тегишли сумма ёзилиб борилади.

Акциз солиғи 68 — счётнинг «Акциз солиғи бўйича ҳисоб — китоблар» субсчётида юритилади. Ҳисобланган солиқ 46 — счётада дебет ва 68 — счётада кредитга ёзилади. Солиқ тўланса эса 68 — счёт дебет ва 51 счётада кредитланади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Акциз солиғи нимани ифода этади?
2. Акциз солиғи тўловчилар қандай шахслар?
3. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
4. Акциз солиғини ҳисобга олиш (зачёт) тартиби қандай?
5. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

5. Республикага олиб келинадиган ва чиқариб кетиладиган товарларга акциз солиғи тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикасига юридик ва жисмоний шахслар томонидан алоҳида товарларни олиб кирилганда акциз солиғи тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Божхона Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб 1999 йил 23 августда 821 сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган шу номдаги йўриқнома билан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонга олиб кириладиган ва ундан олиб чиқиладиган баъзи товарларга акциз солиғи билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган акциз ости товарлари тортилади.

Масалан, 2003 йил учун ВМнинг 30 декабр 2002 йил 455 – сон қарори билан Ўзбекистонга киритиладиган акцизланадиган товарлар рўйхати ва солиқ ставкаси қарор иловасининг II – 2 қисмида кўрсатилган.

Демак, акциз солиғи объекти бўлиб тўланадиган импорт товарлар учун божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган божхона қиймати ҳисобланади. Бу ерда ҳисоблаш божхона қийматига фоизларда ёки АҚШ доллорида амлга оширилади.

Акциз солиғи келтириладиётган ва чиқариладиётган товарлар бўйича божхонада расмийлаштириладиётгандан аввал ёки шу вақтда тўланади. Солиқни божхона хизмати олади ва ҳар 5 кунда Республика бюджетига ўтказилади.

Солиқ тўловчилари бўлиб акциз ости товарлари олиб кирувчи (чиқариб кетувчи) мулк шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслардир.

Бу ерда акциз солиғидан қуйидагилар озод этилади:

1. Жисмоний шахслар томонидан акциз ости товарларни белгиланган нормасида олиб кирилса;

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўзи ёки уларнинг дилерлари томонидан экспортга ЭАВга маҳсулот сотилса;

3. Автомобиль ва қурилиш материалларидан ташқари ҳар бир жисмоний шахс бир товар турини чиқариб кетса;

4. Чиқариб кетаётган товар бир жисмоний шахсга алкоголь ичимликлари 2 литргача, алкогольсиз ичимликлар 2 литргача, сувлар (маъданлиси билан) 6 литргача; сигаретлар 10 пачкагача, папирослар 10 пачкагача;

5. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиётган акциз ости товарлари бюджет ташкилотларининг маблағи ҳисобидан ўз мақсадларига келтирилса озод этилади.

Солиқни ҳисоблаш. Агар алкоголь ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғи ҳисоблаш керак бўлса қуйидаги шаклдан фойдаланамиз:

Акциз суммасиқ $B_k \times A : 100$.

Бу ерда B_k – божхона қиймати. A – акциз солиғи ставкаси.

Масалан, тамаки маҳсулотлари олиб кирилгандаги акциз солиғи ҳисоби:

Товар номи	Маҳсулот бирлиги баҳоси (долл.)	1000000 донасига боғж. қийм	Ставкаси ва акциз суммаси		
			Оборот	Ставка	Сумма
Фильтрли сигарет	0,02	25 минг долл.			
Курс 1:110		2750 минг сўм	6875 минг сўм	60 %	4125 минг сўм

Бошқа товарларга, масалан: спирт ичимликларга акциз солиғини ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

Акциз солиғи суммаси = боғжона қиймати x 100 : 100 – акциз ставкаси

Қайтариш учун саволлар:

1. Республикага келтириладиган ва чиқариладиган товарларга акциз солиғи объекти ва ставкаси ким томонидан белгиланади?
2. Акциз солиғини ким ундириб олади ва бюджетга тўлайди?
3. Акциз солиғини бу ерда ҳисоблаш тартиби қандай?

4-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАР МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ (Асос: Адлия вазирлиги томонидан 1107-сон 11 март 2002 йилда тасдиқланган йўриқнома)

1. Юридик шахслар мол-мулк солиғини тўловчилар ва солиққа тортиш объекти

Мол – мулк солиғини тўловчилар бўлиб солиқ солинадиган ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, микрофирмалар мол – мулк солиғини тўламайдилар.

Корхона балансида бўлган ўртача йиллик асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда муддагида ишга туширилмаган мулкларнинг қолдиқ баланс қиймати солиққа тортиш объекти бўлади.

Корхона мулкларининг ўртача қийматларининг йил боши ва охиридаги қийматларинг ярим ва йил ичидаги ҳар бир ойнинг бошига бўлган қийматларни қўшиб 12 га бўлиш билан аниқланади.

Ўртача йиллик қолдиқ қиймат

$$= \frac{1_{январь} + 1_{февраль} + 1_{март} + \dots + 1_{январь}}{12}$$

Агар корхона мулки ойнаинг биринчи ярмида ишга туширилса ўртача йиллик қодик қиймати белгиланаётганда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мулк ойнаинг иккинчи ярмида ишга туширилса унинг қолдиқ қиймати кейинги ойнаинг бошига бўлган мулкларнинг қийматига қўшилиб ўртача йиллик қолдиқ қиймат аниқланади.

Масалан, корхона 2003 йил 20 октябрда ишга туширилди. Корхона 2003 йил учун ўртача мулкларни қолдиқ қиймати ҳисоби:

Баланс моддалар сони	Баланс сумма	Қатор коди	Баланс сумма			
			01,01	01,11	01,12	01,01
Асосий воситалар	01,03	010		845	845	835
Номоддий активлар	04	—	—	—	—	—
Асосий воситалар эскириши				100	100	100
Солиққа тортиладиган қиймат				745	745	735

Ўртача қолдиқ қиймат $(745:2 + 745 + 735:2)/12 = 122.08$

Ҳисобот давр учун мулкнинг ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш лозим бўлса (чорак, ярим йиллик, 9 ойлик) ҳисобот давридаги ой боши ва ҳисобот даврининг охиридаги қийматларни иккига бўлиб, ҳар ой бошидаги қийматни қўшиб ўн иккига бўлиш билан аниқланади.

Масалан, I чорак учун мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати $(1 \text{ янв}/2 + 1 \text{ фев} + 1 \text{ март} + 1 \text{ апр}/2)/12$

Корхона 13 мартдан солиқ тўловчи бўлса, ўртача қиймат шу даврга қуйидагича аниқланади:

$(1 \text{ март}/2 + 1 \text{ апр}/2)/12$

солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун бухгалтерия балансининг активидан эскиришга тегишли қуйидаги счётлар олинади.

01 – асосий воситалар,

03 – «узоқ муддатли ижара»га берилган мулклар

04 – номоддий активлар

2. Юридик шахсларнинг мол–мулк солиғи ставкаси ва солиқдан имтиёзлар

Юридик шахслар мол–мулк солиғи ставкасини ҳар йили янги бюджет тасдиқланаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгила–нади. 2003 йил учун бу ставка 3 фоиз қилиб белгиланган.

Юридик шахсларнинг асосий воситалари ва номоддий активлардан яхши фойдаланиш мақсадида ҳар йили уларни қайта баҳолаб бориш ва балансдаги қолдиқ қийматдан солиқ ҳисоблаш тартиби 2002 йил биринчи январдан бошлаб жорий этилди. Бу тартиб 2003 йилда ҳам сақланиб қолинди.

Юридик шахсларнинг мол – мулк солиғи ставкалари

№	Тўловчилар	Солиққа тортиладиган базага нисбатан фоизларда
1.	Юридик шахслар	3
2.	Экспортёр корхоналарнинг ўзи ишлаб чиққан товар (хизмат, иш)ини эркин валютада сотиш ҳиссасига қараб, сотиш ҳажмидан	
3.	15 фоиздан 25 фоизгача бўлса	Ставка 30 фоиз камайтирилади
4.	25 фоиздан 50 фоизгача бўлса	Ставка 50 фоиз камайтирилади
5.	50 фоиз ва ундан ортиқ бўлса	Солиқ олинмайди

2003 – 2005 йилларда истеъмол товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар асбоб ускуналарни кредитга сотиб олган бўлса уларнинг қиймати солиқ солинадиган қийматдан камайтирилган ҳолда ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 13 ноябрь 2002 йил 390 – қарори, "Халқ сўзи" газетаси 14 ноябрь 2002 йил).

Демак, 2002 йилдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга чиқариш бу солиқ ставкалари орқали ҳам рағбатлантирилади.

Белгиланган муддатларда ишга туширилмаган ва фойдаланилмаган асбоб – ускуналар учун мол – мулк солиғини ставкасини икки баробар кўпайтириб тўлайдилар.

Қурилишдаги тасдиқланган қорхонани қуриш муддати меъёри ҳар бир объект бўйича технологик ва бошқа асбоб – ускуналарни ишга тушириш ва монтаж қилиш графиги бўлиши шарт. Шунга қараб ўз вақтида ишга туширилмаган мулклар аниқланади.

Ўзимизнинг ва импорт қилинган асбоб – ускуналарнинг етказиб бериш ва монтаж қилиш графиги қуйидаги ишга тушириш муддатларини эътиборга олади:

1. Номли рўйхат ва етказиб бериш графиги бўйича режа бўйича монтаж қилишга қадар йирик технологик ва электрэнергия асбоб – ускуналари.

2. 6 ойдан ортиқ бўлмасдан технологик линиялар, бошқа умумзавад асбоб – ускуналари;

3. Бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда режали ишга туширишга қараб комплект импорт асбоб – ускуналарни монтаж қилиш;

4. Тарқоқ импорт асбоб – ускуналар ва кабель маҳсулотлари режали муддатда, лекин 6 ойдан ошиқ бўлмаган даврга монтаж қилиниши керак.

Монтаж қилиш меъёри ва графиги йўқ бўлса асбоб – ускуналар учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

– Ишлаб чиқариш объектлари белгиланишига қараб ўзимизнинг ва импорт қилинган асбоб – ускуналар ишга туши – рилмаса сотиб олинган ойдан сўнг бир йил муддат ўтиши билан.

– Ноишлаб чиқариш белгиланишига қараб объектлар бўйича сотиб олинган кундан эътиборан 6 ой ўтса;

– Монтаж қилиш талаб этувчи хўжалик инвентарлари ва асбоб – ускуналар бўйича сотиб олган кундан бошланади.

– Ана шу муддатлардан сўнг асбоб – ускуналар монтаж қилинмаса, ёки фойдаланилмаса ставкаси икки марта кўпайтирилиб солиқ тўланади.

Мол – мулк солиғи бўйича имтиёзларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади:

1. Солиқдан тўлиқ озод бўладиган юридик шахслар.

2. Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши.

Биринчи гуруҳ имтиёзларига қуйидагилар киради:

а) Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланувчи мулклардан ташқари, нотижорат ташкилотлар учун;

б) Халқ маорифи ва маданияти муассасалари мақсади учун фойдаланиладиган мулклар;

в) Уй – жой – коммунал хўжалиғи ва бошқа умумфу – қаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мулкларига;

г) қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига

д) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг мол – мулкига, ташкил этилгандан фойда олгунга қадар, лекин улар рўйхатдан ўтгандан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга. Юридик шахслар имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунга қадар тугатилса солиқ суммаси бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда унидирилади.

е) Янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол – мулкига, рўйхатдан ўтган пайдан эътиборан 2 йилга. Мазкур имтиёз тугатилган корхоналар (қайта ташкил этилган), уларнинг филиаллари ва бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондалари негизда ташкил этилган, ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб – ускуналарда ишлаётган бўлса қўлланилмайди.

ж) Чет эл кредити ҳисобига олинган асбоб – ускуна – лар – кредитни қайтаргунча, 5 йилдан ошмаган муддатга;

з) Маҳсулотни экспортга чиқарувчи ва мустақил сотувчи ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари, экспортнинг салмоғи 50 фоиз ва ундан отиқ бўлса;

и) Мактабгача таълим нодавлат муассасаларининг мол – мулкига рўйхатдан ўтган пайдан эътиборан уч йил муддатга, уларга бўшатиб олинган маблағларни моддий – техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб – ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар олишга сарфласа озод этилади;

Солиқ солинаётган база қуйидаги мулклар қийматига камайтиради:

1. Солиқ тўловчининг балансида бўлган уй – жой – коммунал ва ижтимоий – маданий соҳа объектлари;

2. Табиатни муҳофаза қилиш, санитария – тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объекларнинг;

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланадиган объекларнинг;

4. Маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумлдана автомобиль йўллари) алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондарининг;

6. Шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда

йўловчи ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг;

7. Йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

8. Давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланила — диган транспорт воситаларининг;

9. Спутник алоқаси.

3. Мол – мулк солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш.

Солиқ ҳисобини солиқ тўловчилар тузадилар ва солиқ идоралига ҳисоботлар ва баланслар топшириш кунда топширадилар.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаши билан солиқ тўловчилар ҳисобот давридаги мулкларнинг ҳақиқий ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб йил бошидан ошиб борувчи ҳисоботни тузадилар.

Шартли мисол:

Корхонанинг 2003 йил 1 – чорак учун мол – мулк солиғи ҳисоби
26 апрель 2003 йил.

№	Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти бўйича
1.	Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган мулкларнинг ўртача қолдиқ қиймати (м.сўм)	200
2.	Солиқ ставкаси	3
3.	Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган солиқ (м. сўм)	6
4.	Ҳисоботлар даврида ҳисобланган бўнак (м.сўм)	3
5.	Қўшимча ҳисобланган	3
6.	Камайтирилди	—

Солиқ ҳисоботига албатта мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисоби ва солиққа тортилмайдиган мулклар қолдиқ қиймати рўйхати илова қилинади.

Мулк солиғига тортилмайдиган мулклар рўйхати.

№	Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат
1.	Уй – жой, коммунал ва ижтимоий – маданий сфера	1
2.	Табиатни муҳофаза қилиш, санитария – тозалаш ва ўт ўчириш хавфсизлиги	0,5
3.	Йўллар (автомобиль ҳам), алоқа линиялари, энергия узатиш ва иншоотлар	1
4.	Чет эл кредит ҳисобиға олинган	0,5
5.	Вазирлар Маҳкамаси музлатган фондлар	
6.	Шаҳар пассажир транспорти	
7.	Автомобиль йўларини сақлаш ва таъмирлаш хўжалиги транспорт воситалари	
8.	Спутник алоқаси	
9.	Мудофаа учун кадрлар тайёрлаш транспорт воситалари	–
	Жами	3

Корхонлар жорий тўловлар суммасини мустақил равишда ўзлари ҳисобот даврининг мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва солиқ ставкасига қараб белгилайдилар ва 10-январгача солиқ идораларига топширадилар. Солиқ суммаси давр харажати суммаси таркибига киради.

Бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳар ойнинг 20 – санасидан кечиктирмай йиллик сумманинг 12 бир қисми сифатида тўланади.

Ортиқча тўланган сумма келгуси давр тўловларига ётқизилади ёки бошқа тўловлардан қарзи бўлмаса корхонанинг ёзма аризаси билан 30 кун ичида унга қайтарилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Юридик шахсларнинг мол – мулк солиғини тўловчиларга кимлар киради?
2. Мулкларнинг ўртача йиллик (чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик) қийматини қандай тартибда ҳисобланади?
3. Юридик шахслар мол – мулк солиғи ставкасини ким белгилайди ва бу солиқдан қандай имтиёзлар мавжуд?
4. Мол – мулк солиғини ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

5. БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ

1. Солиқларни ихчамлаштириш ва ягона ер солиғи тўловчилар, солиқ объекти ва ставкалар.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539 – сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджетга тўловлари ихчамлаштирилди ва ягона ер солиғи тўлаш улар учун жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши билан улар қуйидаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан озод этилади:

- Даромад (фойдага) солиғи:
- қўшилган қиймат солиғи:
- алкогольсиз ичимликлар ва мева шарбатларга акциз солиғи:
- экология солиғи:
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:
- ер солиғи:
- ер остидан фойдаланганлик учун солиқ:
- мол – мулк солиғи:
- ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи:
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун бож тўлов, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек, алкогольли маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг меҳнатнинг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг солиқ тизимини соддалаштиришдир.

Ушбу тадбирнинг ишга солиниши хўжаликларни ёрдамчи касб – корлар ва ишлаб чиқишларни ривожлантиришга ундаши керак, чунки бундай фаолият натижасида олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Ягона ер солиғи тўлаш тартиби қуйидагиларга тегишли бўлмайди:

1. ўрмончилик, овчилик хўжаликларига:

2. илмий – тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, эксперименти ва ўқув тажриба хўжаликларига:

3. мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига:

4. деҳқон хўжаликларига:

Ягона ер солиғини тўловчилар бўлиб қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бу юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишдан қатъи назар, ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солиғини тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерлари майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер – кадастр ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўловчилар қаторига шакли ва ихтисослашувига кўра кўп сонли юридик шахс ҳуқуқига эга хўжаликлар;

Акциядорлик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкатлари уюшмалари, парандачилик хўжаликлари, турли тизимдаги бўрдоқчилик хўжаликлари, ипакчилик ва асаларичилик хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс бўлган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиғи муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффицентлари ЎРВМ томонидан тасдиқланган.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган хўжаликлар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади, яъни улар

олдингидек барча белгиланган солиқларни, шу жумладан ер солиғини тўлашади. Улар учун ер солиғининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 30 декабрдаги 455—сонли қароридagi солиқ ставкалари тасдиқланган. Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғуллансалар, шу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобот юритадилар ва улар учун қонунларда белгиланган ҳамма солиқларни тўлайдилар.

2. Ягона ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар.

Бу солиқдан имтиёзлар ҳам икки турли бўлади:

А) солиқ солинмайдиган ер участкалари;

Б) солиқ тўлашдан озод этилган юридик шахслар;

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига :

1. Қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Булар аҳоли пунктлари ҳудудидаги майдонлар, кўчалар, ўтиш йўллари, йўллар, суғориш тармоғи ва шу каби объектлар, шунингдек, хўжалиқдаги қабристонлар;

2. Ихота дарахтлари экилган майдонлар;

3. Спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия – соғломлаштириш мажмуалари ҳамда халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд қилган ерлар;

4. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суғориладаган ерлар, лойиҳада назарда тутилган муддатда, лекин ишлар бошлангандан эътиборан беш йилга;

5. Янги ўтқазилган боғлар ва тоқзорлар банд қилган майдонлар, улар мева бера бошлайдиган муддатгача, уларнинг майдонлари ана шу боғлар ва тоқзорлар ўтқазилган ойдан бошлаб солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

6. Янгидан тут дарахтлари ўтқазилган майдонлар, уларнинг майдонлари тутлар ўтқазилган ойдан бошлаб уч йиллик муддатга солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Солиқ тўлашдан озод этиладиган юридик шахсларга қуйидагилар киради:

1. Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

1. Даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

3. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Ягона ер солиғи унинг тўловчилари томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставқалари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Қишлоқ хўжалик аҳамиятга эга ерлардаги ер майдонлари ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўтказиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ерларни махсус асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиғи суммаси қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$H = S_{зу} \cdot C_{б} \cdot K_{п}$ бунда H — ягона ер солиғининг суммаси, сўмларда; $S_{зу}$ — ер участкасининг майдони, га да; $C_{б}$ — 1 гектар учун солиқнинг базавий ставкаси, сўмларда; $K_{п}$ — тузатиш коэффициенти.

Ерларнинг ҳар бири (суғориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва б) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, улар УР Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади. Солиқни ҳисоблаш 2003 йилда ҳам сақланган, солиқ ставкаси 1,2 фоизга оширилган.

Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалми ерлар, пичанзорлар ва яйловлар бўйича базавий ставкалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ижтимоий иморатлар, сув хавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида

фойдаланмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳарларнинг суғориладиган ерлари бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), хақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тарзда солиқнинг ундирилиши ер участкаси тортиб олинган (камайтирилган), хақи тўлаб қайтиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб тўламайдилар.

Имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилганда, бундай ҳуқуқ тўхтатилгандан кейинги ойдан бошлаб ер солиғи тўлашга бошлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи суммасини Вазирлар Маҳкамаси белгиланган ставкаларда ҳисоблаб чиқадилар ва ўзлари жойлашган солиқ инспекцияларига (аксарият) солиқ ҳисобини жорий йилнинг 1 февралига қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиғи бир йилда уч марта тўланадиган бўлди.

– 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи миқдорида

– 1 сентябргача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи миқдорида

– 1 декабригача қолган солиқ суммаси тўланади.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси корхонанинг давр харажатларига киритилади.

Ҳисобланган солиқ 68 сўтнинг «Ер солиғи ҳисоб вароғи» кредитида ва 26 сўтнинг «Давр харажати» дебитида кўрсатилади. Солиқ бютжетга ўтказилганда 68 сўт дебетланади ва 51 «Ҳисоб – китоб вароғи» кредитланади.

Базавий ставкаларни ва тузатиғ коэффициентларини қўллаган ҳолда ягона ер солиғи суммасини ҳисоблаб чиқиш учун мисол тариқасида Жиззах вилояти Жиззах тумани хўжаликларидан бири мисолида кўриб чиқамиз.

№	Ер турлари	Мий- лон	Базавий ставка	Туза- иш ккккк	Солиқ суммаси
1.	Суғориладиган ерлар				
	4 класс (31 – 40 балл)	16	12001.8	3.29	63262
	5 класс (41 – 50 балл)	180.7	12001.8	4.67	1014161
	7 каласс (61 – 70 балл)	145	12001.8	9.0	1568349
	8 каласс (71 – 80 балл)	443	12001.8	11.68	6218402
	9 каласс (81 – 90 балл)	100	12001.8	14.55	1746619
	Жами	2516			10610793
2.	Лалми, бўз ерлар ва суғо- рилмайдиган кўп йиллик да- рахтзорлар (текислик зонаси)	234	153,6	1.19	42 772
3.	Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар «Чўл минтақасида»	82	31.6	-	2591
4.	Сув хавзалари, каналлар кол- лекторлар, йўллар остидаги ерлар	316	12001.8	0.004	15 19
5.	Жамоат иморатлари ва ҳов- лилари	98	12001.8	20.44	2 407350
6.	Бошқа ерлар (фойдаланил- майдиган)	483	12001.8	0.004	2322
	Жами	3 408			13 067 347
	Тўлаш муддатлари:				
	1 июлгача 20%				2613470
	1 сентябргача 30%				3 920 204
	1 декбргача 50%				6533673

Ягона ер солигини кўрсатилган муддатларда тўлаб борган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳар қандай молиявий жазолардан ҳоли бўлади.

Белгилаб берилган майдондан ортиқча ери бўлган юридик шахслар 2 коффициентга кўпайтириб ер солиғи тўлайдилар.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар.

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи тўловчилари кимлар ва солиқ объекти нимани ўз ичига олади?

2. Ягона ер солиғидан қандай имтиёзлар мавжуд?

3. Ягона ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

6. БОБ.ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ.

1. Ер солиғини тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.

Ер солиғини жорий этилиши ерлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва энг муҳими бюджетга молиявий ресурслар туширишдир.

Ер солиғини тўловчилар бўлиб ўзининг мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар, савдо ташкилотлари ер солиғи тўловчилар бўлмайдилар. Қатъий ставкада солиқ тўловчи юридик шахслар ҳам бу солиқни тўламайди.

Юридик шахслар Ўз. Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий ҳокимият идораларининг қарори билан ижарага олинган ерлар учун ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи томонларнинг келишуви асосида ер солиғининг бир ставкасидан кам бўлмаган, уч ставкадан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ерни ижарага олганлар ҳисоби, ижара тўлови ҳисобини тақдим қилиш, ижара тўловини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи бўйича белгиланган тартиб билан амалга оширилади.

Юридик шахсларга ажратиб берилган ерлар учун ер солиғи ердан фойдаланиш ва фойдаланилмаганидан қатъий назар солиқ тўлайдилар.

Юридик шахслар учун ер солиғи объекти бўлиб қуйидаги ер участкалари ҳисобланади:

1. Қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб олинган ер участкалари;

2. Ўрмон хўжалиги учун эгалик қилишга берилган ерлар;

3. Корхона қуришга, иморатлар, иншоатлар қуришга ёки бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлар учун фойдаланишга берилган ерлар;

4. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи корхонага, иморат ва иншоатларга мулкчилик ҳуқуқи ўтиши билан олинган ерлар;

Юридик шахслар учун фойдаланилмаган ер участкалари учун ер солиғи ставкаси 2 коэффицентини қўлаб ундирилади.

2. Ер солиғи ставкалари ва юридик шахсларга ер солиғидан имтиёзлар

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, солиқ қўмитаси ва молия

вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларига етказилади. 2003 йилдан бошлаб ер солиғи ҳисоблаш механизми сақланиб қолинди солиқ ставкаси эса 1,2 марта оширилди.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ёмонлашса (бонитет пасайса), ер участкасининг эгасининг айби билан ер солиғи ернинг сифати пасайганидан аввалги ер солиғи ставкасида солиқ солинади.

Шаҳар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегарасида жойлашган қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган солиқ ставкасининг икки карра миқдорида тўланади.

Давлат органлари томонидан белгиланган майдондан ортиқ ер эгалаган юридик шахслар имтиёзли ерларни ҳам қўшиб иккига кўпайтирилган коэффициент билан солиқ тўлайди. Ортиқча фойдаланилган ерлар учун солиқ тўланмаса солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ кодексида белгиланган молиявий жазо қўлланилади.

Истеъмом товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 2003–2005 йилларда ер солиғини шаҳар ва қўрғонларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкаларда тўлайдилар ("Халқ сўзи" газетаси 14 ноябрь 2002 йил. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 ноябрь 390 –сон қарори.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан ер участкаларининг жойлашган жойига қараб қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган ставкага ўсиб боровчи коэффициентлар қўйидагича қабул қилинади;

– Радиуси 20 км. даги Тошкент шаҳри атрофида – 1.3;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маркази атрофида радиуси 15 км. гача бўлса – 1.2 ва

– туман марказлари атрофида радиуси 10 км. гача бўлса – 1.15 ва бошқа шаҳарлар атрофида радиуси 5 км. гача бўлса – 1.1 коэффициент қўлланилади.

Ер участкаларининг узоқлиги шаҳар ва туман марказларининг автомобил йўллари ўтган маъмурий чегараларигача белгиланади. Ер майдони икки шаҳар ўртасида жойлашган бўлса юқори функционал белгиланишга эга бўлган шаҳарнинг энг катта коэффициенти олинади.

Шаҳар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган рудниклар ва карьерлар бино қилган ер майдонлари учун ер солиғи шаҳар ва шаҳар қўрғонлари жойларида юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0.1 коэффициент қўллаб ундирилади.

Ер солиғидан имтиёзлар икки хил бўлади:

1. Ер участкалари озод этилади.
2. Юридик шахслар озод этилади.

Қуйидаги ер участкалари ер солиғидан озод этилади:

1. Шаҳарлар, шаҳар қўрғонлари, қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар ўтиш жойлари, йўллар, ариқ ёқалари, ариқлар, мозорлар ва бошқалар)

2. Коллектив боғдорчилик, узумчилик, экинчилик, коллектив гаражлар учун умумий фойдаланишга берилган ерлар (кириш йўллари, сугориш шахобчалари, коллекторлар ва бошқа умумий фойдаланиш ерлари)

3. Табиатни муҳофазалашга мўлжалланган ерлар(давлат қўриқхоналари, миллий ва дендропарклар, ботаника боғлари, табиат эсдаликлари, қўриқлов ўрмон дарахтзорлари).

4. Тарихий – маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар(меъморал парклар, кўмиш жойлари, археологик эсдаликлар, тарихий ва маданият ёдгорликлари).

5. Сув фонди ерлари(дарёлар, кўллар, сув сақлаш омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоатлари)

6. Электр узатувчи линиялар, подстанциялар, ва умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоатлари жойлашган ерлар.

7. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари ва уларнинг иншоатлари жойлашган ерлар.

8. Темир йўл умумий тармоқлари ва уларнинг иншоатлари эгаллаган ерлар. Саноат ва бошқа корхоналарнинг темир йўл излари киритилган жойлар учун ер солиғи умумий тартиб бўйича тўланади.

9. Шаҳар умумий фойдаланишдаги электр транспорти ва метрополитен линиялари ва уларнинг иншоатлари жойлашган ерлар.

10. Спорт иншоатлари, стадионлар, спорт майдонлари, бассейнлар, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш жойлари, санатория – курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув – машғулот базалари.

11. Магистрал сув йўналтириш, магистрал канали – зацион коллекторлар ва уларнинг иншоотлари, сув йиғув ва сув тозалов иншоотлари ва бошқалар эгаллаган ерлар.

12. Магистрал газ йўналтириш ва нефть йўналтириш ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

13. Самолётларнинг учиш – тушиш полосалари, бошқариш йўллари ва туриш жойлари, радионавигацион ва электр ёруғ бериш асбоб – ускуналари жойлашган фуқаро авиацияси аэропорти эгаллаган ерлар.

14. Ишлаб чиқариш объектлари қуриш учун ажратилган ва ҳукумат қарори билан музлатилган иншоотлар эгаллаган ерлар, ҳукуматнинг инвестпрограммасига биноан амалга ошириладиган қурилишлар жойлашган ерлар.

15. Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ва постлар эгаллаган ерлар.

16. Тўғридан – тўғри илмий ёки ўқув мақсадларига ажратилган ўрмон хўжалиги илмий ташкилотлари, тажриба, экспериментал ва ўқув тажрибавий ва қишлоқ – ўрмон хўжалиги ўқув юртлари фойдаланишидаги ерлар.

17. Янги ишга тушириладиган ва мелеоратив ҳолатини яхшилаш муддатига илгариги суғориладиган ерлар лойиҳада кўрсатилган муддати, лекин иш бошлангандан сўнг 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга фойдаланилмаган ерлар.

18. Заҳира ерлар.

19. Рекреацион белгиланишига эга бўлган ерлар (аҳолининг фаол дам олиши ва туризм учун; ўрмон парклари, парклар, бульварлар, хиёбонлар, пляжлар ва б.).

20. Соғломлаштиришга қаратилган ерлар (кишиларни соғломлаштириш ва даволашга мўлжаллаштирилган ерлар)

21. Инавацион қурилиш ва шахсий томорқа хўжалиги учун белгиланган меъёردа ажратиб берилган ерлар икки йил муддатга озод этилган ерлар.

22. Ўрмон хўжалиги ташкилотларининг ҳимоя ўсимликларини, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари, ҳамда спорт иншоотлари ерлари.

23. Янги ўтказилган боғлар ва узумзорлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари ҳосил бериш даврига киргунга қадар озод этилади.

24. Янги тутзорлар 3 йилгача солиқдан озод этилади. Ерлар тўғри белгиланишига қараб фойдаланилмаса юқорида белгиланган имтиёзлар берилмайди.

25. Фуқаро Мудофааси учун ажратилган солиқ тўловчиларнинг балансида бўлган ерлар.

Ер солиғидан озод этилувчи юридик шахслар.

1. Нотижорат ташкилотлари, тижорат мақсадида фойдаланган ерлардан ташқари.

2. Маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасалари, уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун ажратилган ерлар. Тадбиркорлик қилиб даромад топишни кўзламаса озод этилади.

3. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғуланувчи қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

4. Ишловчиларнинг умумий сони 50% дан кам бўлмаган қисмини ногиронлар жамияти аъзолари, "Нуроний" фонди ва Ўзбекистон чернобильчилари ассосацияси мулкидаги корхоналарнинг ходимлари ташкил этса.

5. Деҳқон хўжаликлари икки йилгача рўйхатдан ўтгандан бошлаб озод этилади. Деҳқон хўжаликлари ва қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил ичида бекитиб юборилса ҳисобланган солиқ тўлиқ ундирилади.

6. Марказий банк, Халқ банки ва уларнинг муассасалари;

3. Юридик шахслар томонидан ер солиғини ҳисоблаш тартиби.

Ер солиғи тўловчилар томонидан мустақил равишда ҳар йили 1 январ ҳолатига ҳисоблаб чиқилади ва ер солиғи ҳисоби ер участкаси жойлашган солиқ инспекциясига жорий йилнинг биринчи февралига қадар топширилади. Ноқишлоқ хўжалигига алоҳида ва қишлоқ хўжалик ерлари учун алоҳида солиқ ҳисоби топширилади.

Ноқишлоқ хўжалик белгиланишига эга бўлган ерлар учун ер солиғи ҳисоби қўйидагича тузилади. Масалан: Чилонзор Давлат солиқ инспекцияга "А" хусусий корхона идентификацион номери жавобгар шахснинг

Тўловчининг манзили _____
_____ банкнинг № ҳисоб рақами.

2003 йил 1 январ ҳолатига ноқишлоқ хўжалик ерлари учун ер солиғи ҳисоби.

Кўрсаткичлар.	Ер участкаси – нинг жой – лашган жойи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
Шаҳар ҳокимининг қарори. Ҳужжатга асосан берилган ер участкаси.	6 зона Тошкент шаҳри	Га	0.5
Ҳақиқий фойдаланишдаги ер участкаси аниқланган		Га	0.5
Солиққа тортиладиган майдон		Га	0.5
1 га ер солиғи ставкаси			3708667
Солиқнинг умумий суммаси			1859334
Тўлов муддатлари:			
1 – чорак учун – 15 – февралгача			464834
2 – чорак учун – 15 – майгача			464834
3 – чорак учун – 15 – августгача			464833
4 – чорак учун – 15 – ноябргача			464833

Раҳбар:

Қабул қилдим:

Бош ҳисобчи:

Солиқ инспектори:

Агар ер сотилса, олиб қўйилса (камайса) солиқни ундириш ер олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади. (камайтирилади) Масалан корхонадан ер участкасининг бир қисми тегишли давлат ҳокимияти идоралари томонидан 25 августдан бошлаб олиб қўйилди, унда корхона шу ер учун солиқни 1 августидан тўламайди.

Ер солиғидан имтиёз белгиланганда улар шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўламайдилар. Ер солиғидан имтиёз тўхтатилган ҳолларда шу имтиёз тўхтатилган ойдан сўнги ойдан бошлаб ер солиғи тўланади.

Ер майдони бир қанча юридик шахсларнинг мулкида бўлган қурилишига тегишли бўлса, ҳар бир мулкдор умумий майдонидаги ҳиссасига қараб ер солиғи тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар турар жойининг умумий майдонидан эгаллаган қисми учун солиқ тўлайди ёки шу юридик шахс фойдаланаётган ишлаб чиқариш иморатнинг фойдаланиши ҳиссасига қараб солиқ тўлайди.

Солиққа тортиш мақсадида ўрмон ва овчилик корхоналари ҳамда машина – трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Солиқдан олган имтиёзларни маълум мақсадларга фойдаланувчи юридик шахслар ҳам ер солиғининг ҳисобини солиқ тўловчиларга белгиланган муддатда ва шаклда топширадилар.

Ер солиғини ҳисоблаш ҳақиқий эгалланган ер майдонига қараб амалга оширилади. Умумий майдондаги ер участкалари маълумотлари шаҳар ва туман ижроя ҳокимиятлари томонидан эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқи борлиги давлат ҳужжати билан тасдиқланиши керак. Ердан фойдаланишга давлат ҳужжатлари берилгунга қадар ваколатли ҳокимият идораларининг қарорлари, ер баланси маълумоти, қурилишнинг бош режаси ёки бошқа ҳужжатлар (текширув далолатномаси, ер инвентаризацияси) ер тузилиши ҳизмати ёки архитектура идоралари хизмати билан келишилган бўлса хизмат қилади.

Йил мобайнида ердан фойдаланишда ўзгаришлар содир бўлса (кўпайиши, камайиши) юридик шахслар солиқ инспекциясига бир ойда кечиктирмасдан ўзгарган солиқ ҳисобини тақдим этишлари шарт.

Ер участкаси йил ичида ажратилиб берилса, ер участкаси ажратилган сўнги ойдан бошлаб ер солиғи тўлайди. Масалан, корхонага ер тегишли идораларнинг қарори асосида 15 августдан барилди яъни солиқни корхона 1 сентябрдан бошлаб тўлайди.

4. Юридик шахслар томонидан ер солиғини тўлаш ва уни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) ер солиғини ҳар чорақда иккинчи ойнинг 15 санасига қадар тўлаб борадилар. (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр).

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чорағи учун солиқ тўлаш муддатидан сўнг олсалар, унга ер солиғини тўлаш муддати бўлиб келгуси чоракнинг солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Бошқа солиқ ва йиғимлардан қарзи бўлмаган ҳолда юридик шахслар солиқни кўп тўлаб юборган бўлсалар, бу сумма солиқ тўловчиларга уларнинг аризаларига биноан ўттиз кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловларга ўтказилади.

Солиқ ер майдони қайси туманда жойлашган бўлса шу туман маҳаллий бюджетига ўтказилади.

Солиқ ҳисоби ҳисобланганда 68 сўётнинг кредити ва 26 сўётнинг "Давр харажати" дебитида олиб борилади.

Солиқ бюджетга ўтказилганда 68 сўёт дебитланади субсўёт "Ер солиғи", 51 "Ҳисоб сўёт" кредитланади.

Ер солиғи тўловчилари солиқ идоралари вазифадош шахслари ҳаракати бўйича юқори солиқ идораларига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Мавзу такрорлаш учун саволлар:

1. Ер солиғини тўловчиларга қандай юридик шахслар киради?
2. Ер солиғи объектига қандай ерлар киради?
3. Ер солиғи ставкалари ким томонидан белгиланади ва ер солиғидан юридик шахслар қандай имтиёзларга эга?
4. Ер солиғини юридик шахслар қандай ҳисоблай – дилар?
5. Ер солиғини юридик шахслар қандай муддатларда тўлайдилар?

7–БОБ. ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДА ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

1. «Ер ости» тушунчаси, солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.

Солиққа тортиш мақсадида «ер ости» тушунчасига ер қаърининг тупроқ қисмидан паста жойлашган қисми тушунилади. Ер қаъри бўлмаган жойларда сув юзасидан паст қисми ва геологик изланув ёки эгаллаш имкониятига эга бўлган сув ҳавзалари ёки оқимларининг таги(туби) ҳисобланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар(105 м). Бу солиқни ягона солиқ тўловчи кичик бизнес корхоналари, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо, умумий овқатланиш ва грампластинкалар, кассетлар ва дискетлар сотувчи корхоналар ва қатъий ставкада солиқ тўловчи юридик шахслар ҳам тўламайдилар.

Агар таркибида рангли, нодир, қора металллар ва бошқа минерал хомашёни қазиб олувчи корхона уни қайта ишлашга иккинчи корхонага берса, солиқ тўловчи бўлиб тайёр маҳсулотни сотувчи корхона ҳисобланади. Масалан, мис қазиб олчи корхона рудани Олмалиқ кон – металлургия комбинатига берди. Комбинат тайёр маҳсулот қилиб сотади. Бу ерда комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади. Агар қазиб олинган рудани Республикадан ташқарига ортса солиқ тўловчи бўлиб руда қазиб олган корхона ҳисобланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ объектига қўйидагилар киради:

– фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми

– техноген ҳосилаларнинг (минерал хомашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларнинг) ҳажми

– тўпланган рангли тошлар, полеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материалларини ҳисобга олинган қийматидир. Булар ичида асосийси фойдали қазилмалар бўлиб энергия берувчилар (газ, нефть, кўмир ва б.) рангли ва ноёб металллар, нодир металллар (олтин, кумуш), темир, тоғ – химия маҳсулотлари ва бошқалар киради.

2. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, солиқдан имтиёзлар.

Солиқ объектларининг турлари ва солиқ ставкаларини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги йил бюджетини тасдиқлаётганда белгилаб Олий Мажлис муҳокамасидан ўтказади.

2003 йил учун белгиланган солиқ ставкалари:

1) фойдали қазилмалар ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланган. Албатта бу ерда ҳажм қиймати чиқарилади. 2003 йилдан бошлаб фойдали қазилмалар таркибига хомашё ишлаб чиқариш учун қўлланадиган базальт киритилди.

2) Техноген ҳосилаларидан фойдаланганлик ҳуқуқи учун эса асосий қазилма бойлик ставкасига нисбатан 30 фоиз қилиб белгиланган.

3) рангли тошлар, полеонтология қолдиқлари йиғиш учун эса уларнинг ҳисобланган қийматидан 5 фоиз қилиб белгиланган.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан қўйидагилар озод этилади:

1. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар.

2. Геология, минерология ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар.

3. Кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун белгиланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.

4. Юридик шахслар балансида бўлган ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларга ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солинмайди.

3. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобини тузиш ва тўлаш тартиби.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ ҳисобини ўсиб борувчи якун билан мустақил ҳисоблайдилар ва ўзлари жойлашган ҳудуддаги солиқ идораларига молиявий ҳисоботлар топшириш белгиланган муддатда топширадилар.

Солиқ ҳисоби фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун йилнинг ҳар чораги ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай солиқ ҳисобини тақдим этадилар ва тўлайдилар.

Солиқни тўлаш муддатлари:

1. Фойдали қазилмалар қазиб олиш ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 кунигача тўлайдилар.

2. қолган ҳолатларда йилнинг ҳар чорагида чораклик ва йиллик ҳисоботлар топшириш муддатида тўланади.

Чораклик ва йиллик муддатлар тугаши билан солиқ ҳисоби тузилади.

2003 йилда ҳам ер остидан фойдаланилганлик учун солигини ҳисоблаш ва тўлаш механизми, ҳамда солиқ ставкаси 2002 йил даражасида сақланиб қолинди.

Мисол учун «А» корхонанинг 2003 й. 1 – чорак учун ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоби

Ер остидан фойдаланиш турлари	қазиб олиш ҳажми т.м ³		қий – мати м.сўм	Солиқ став – каси %,сўм	Солиқ сум – маси м.сўм		Бўнак тўлови суммаси	Тўла – ниши керак м.сўм
	Йил бошидан	Ҳисобот чораги учун			Йил бошидан	Ҳисобот чораги учун		
Нефть	600	600	60000	12,3	7380	7380	7000	380
Кўмир	500	500	50000	3,8	1900	1900	1500	400
Жами					9280	9280	8500	780

Қайтариш учун саволлар

1. «Ер ости» тушунчаси нимани билдиради ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар кимлар?
2. Солиққа тортиш объектига нималар киради?
3. Солиқ ставкасини ким белгилайди ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қандай имтиёзлар бор?
4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

8–БОБ. ЭКОЛОГИЯ СОЛИФИ

1. Экология солиғи тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва солиқдан имтиёзлар

Экология солиғи тўловчилари бўлиб товарлар ишлаб чиқарувчи, хизматлар кўрсатувчи ишлар бажарувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, ягона солиқ тўловчи кичик бизнес ва савдо, умумий овқатланиш ҳамда грампластинкалар (видеокассеталар, лазер дисклари) ишлаб чиқарувчи корхоналар бу солиқни тўламайдилар. Қатъий ставкада солиқ тўлаш белгиланган фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳам тўламайдилар.

Экология солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи (муомила харажатлари, давр харажатлари) ҳисобланади. Банклар ва суғурта идораларида эса жами харажатлар солиққа тортиш мақсадида ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Муомила харажатлари солиққа тортиш объекти бўлиб воситачилик, таъминлов, тайёрлов ташкилотларида ишлатилади.

Солиққа тортиш мақсадида муомила харажатларига қуйидагилар киради:

А) сотиш харажатлари (мулк солиғи, Республика йўл фондига ажратма ва 0,7 фоиз пенсия фондига ажратмалардан ташқари)

Б) маъмурий бошқарув харажатлари.

В) бошқа операцион харажатлар киради

Бу харажатлар 26 – сўёт – “Давр харажатлари” да олиб борилади.

Солиққа тортиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўлиқ таннархи тушунчасига хўжалик ички абороитдан ташқари ишлаб чиқариш сарфиётлари ҳисобини олиб борувчи сўётлар (“Асосий

ишлаб чиқариш" 23 – счётнинг четга хизмат кўрсатиш қисми)да ҳисобга олинувчи ялпи сарфиётлар суммаси олинади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари экология солиғини объектини кўрсатилган хизматларнинг ялпи харажатлари бўйича ҳисоблайдилар.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган «Тижорат банклари счёт режаларидаги сметанинг 5 – бўлими», «Ғоиз ҳаражатлари». 1996 йил, 13 ноябр, 290 сонли хати)

Экология солиғи ишлаб чиқариш таннархи ва муомала харажатлари ҳамда давр харажатларига нисбатан 1 ғоизда белгиланади. Бу ерда объектдан бюджетга солиқ тўловлари, давлат мақсадли фондларига ажратмалар суммаси чегириб ташланади.

Солиқдан қуйидагилар озод этилади:

1. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассосацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг 50 ғоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар. Савдо, воситачилик, таъминот – сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғуланувчи юридик шахсларга бу имтиёз тегишли эмас.

2. Мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий – техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб – ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ва адабиёт олишга сарфласа;

3. Гастроль – концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

2. Экология солиғини ҳисоблаш, солиқ ҳисобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар экология солиғини солиқ объекти ва ставкасидан келиб чиқиб мустақил ҳисоблаб чиқадилар.

Экология солиғи бўйича солиқ ҳисоби йил чораклари ва йилга ўсиб борувчи яқун билан тузилади ва шу даврлардаги молиявий ҳисоботлар тақдим этилган пайтдан кечиктирмай солиқ идораларига топширилади.

Мисол учун 2003 йил "А" корхонанинг 2 – чорак учун экология солиғи ҳисобини кўрсатамиз.

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Сумма
1	Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳисобот давридаги ҳақиқий ишлаб чиқариш (муомала ҳаражат – лари ва давр ҳаражатларига)	М. Сўм	500
2	Солиқ ставкаси	%	1
3	Солиқ суммаси	м. сўм	5.
4	Утган даврдаги (1 чор.) ҳисобланган солиқ суммаси	м. сўм	2.
5	Ҳисобот давридаги бюджетга тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси	м. сўм	3.

Ҳисобланган солиқ суммаси солиқ ҳисоби тақдим этилган кундан кечиктирмай ҳар чорақда тўланади.

Корхоналар ҳар хил турдаги фаолиятлар, яъни ишлаб чиқариш, савдо ва умумий овқатланиш, таъминлов, воситачилик, тайёрлов билан шуғулланишлар, ҳамма турдаги фаолиятдан солиқ тўлайдилар.

Улар фаолият турлари бўйича алоҳида ҳаражатлар ҳисобини олиб боришлари шарт. Корхона бўйича умумий ҳаражатлар фаолият турларига қараб пропорционал равишда тақсимланади.

Экология солиғи давр ҳаражатларида ҳисобот ойида олиб ҳисобга олиб борилади.

Солиққа тортиш объекти муомула ҳаражатлари бўлган корхоналарда ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммасини ҳисобот даврдан кейинги ойнинг давр ҳаражатларига киритадилар ва у солиққа тортиладиган базага киритилмайди.

Ҳисобланган солиқ суммаси 68 счётнинг кредитида «экология солиғи ҳисоби» ва 26 счёт «давр ҳаражати» дебети счётида олиб борилади. Бюджетга солиқ ўтказилганда 68 счёт дебетланади ва 51 – «Ҳисоб счёт» кредитланади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Экология солиғини кимлар тўлайди ва солиқ объекти нима?
2. Экология солиғидан қандай имтиёзлар бор?
3. Экология солиғини ҳисоблашни ким ва қандай амалга оширади?
4. Экология солиғини тўлаш муддатлари қандай?

9–БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ СОЛИФИ.

1. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини тўловчилар, солиқ объекти ва ставкаси

Сув мамлакатнинг катта бойлиги, ундан самарали фойдаланиш ҳақида президентимиз ўз нутқларида бир неча бор такрорлаганлар. Айниқса 2001 йил якунига бағишланган маърузаларида Президентимиз бу ҳақда яна такрорлаб ўтдилар.

Сувдан фойдаланишда тежамкорликка эришиш мақсадида сув солиғи киритилган.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи тўловчилари бўлиб, ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Сув манбаъларининг қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, солиқ идораларида рўйхатдан ўтган жойдаги сувдан фойдаланувчилар тўғридан – тўғри солиқ тўлайдилар. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам бу солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланади. 2003 йилдан бошлаб бу солиқни деҳқон хўжаликлари ҳам тўлайдилар.

Кичик бизнес, микрофирмалар, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтган савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, қатъий ставкада солиқ тўловчи юридик шахслар бу солиқни тўламайдилар.

Аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув берувчи корхоналар фақат ўз фаолиятида фойдаланган сув учун солиқ тўлайдилар.

Ер ости ва ер усти манбаларидан ишлаб чиқариш ва техника – вий мақсадларга фойдаланишга олинган сув ресурслари ҳажми (куб.м), яъни юридик шахслар томонидан фойдаланилган сув ресурсларининг жами ҳажми, истеъмол характери ва мақсадла – ридан қатъий назар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Ер усти манбаларига: дарёлар, кўллар, сув омборлари, ариқлар ва бошқа ер усти манбалари киради.

Ер ости манбаларига: артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари киради.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи куб. метрига ставкаси тийинларда белгиланиб, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар йили ўзгартирилиб турилади.

Сувдан фойдаланиш турларига қараб солиқ ставкаси ер усти ва ер ости манбаларига алоҳида – алоҳида белгиланган. Масалан,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 декабр 2002 йил 455–сон. қарори билан 2003 йил учун қўйидаги ставкалар белгиланган.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи ставкаси

	1 куб. метрига (тийин)	
	Ер устки манбаларидан	Ер остки манбаларидан
1. Иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари учун (пастдагилардан ташқари)	326.9	420.5
2. Электростанциялар	93.6	139.7
3. Коммунал хизмат корхоналари	180.0	233.3
4. Ягона ер солиғига ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжа – ликлари ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун.	15.8	20.2

2. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғидан имтиёзлар

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинадилар:

1. Тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, тадбиркорлик билан шуғулланиб сув ресурсларидан фойдаланувчилар солиқни тўлайверади.

2. Ер ости маъданли сувларидан даволаш мақсадида фойдаланувчи соғлиқни сақлаш муассасалари, сувни савдо орқали сотса солиқни тўлайверади.

3. Фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ва сувдан дори воситалари тайёрлаш учун фойдаланувчи юридик шахслар.

4. Атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида ер ости сувларини чиқариб олаётган юридик шахслар – ана шу сувни ишлаб чиқариш ва техника мақсадлари учун фойдаланаётган юридик шахслар.

5. Сув учун бюджетга ҳақ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар.

6. Фойдали қазилмалар қазиб олиш ва шахтадан сувларни қочириш вақтида ер ости сувларини чиқариб олган юридик шахслар. Ана шу сувларни ишлаб чиқариш ва техника мақсадларда фойдаланса солиқ тўлайверади.

7. Гидростанциялар – агрегатларни ишлатишда сувдан фойдаланганлик учун.

8. Бирламчи тарзда фойдаланганлик учун ҳақи тўланган сувдан иккиламчи тарзда фойдаланувчи юридик шахслар.

9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи юридик шахслар – шўрланган ерларни ювиш мақсадида сувдан фойдаланганлик учун. Бу имтиёз ёрдамчи қишлоқ хўжалигига ҳам тегишли.

10. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонидан 50 фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар. Савдо, воситачилик, таъминот – сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилар бундан мустасно.

11. Мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан 3 йилга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий – техника негизини мстаҳкамлашга, асбоб – ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олишга сарфласа солиқдан озод бўладилар.

3. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахслар томонидан ҳақиқий олинган сув ҳажмига қараб ҳисоблаб чиқилади. Солиқ ҳисоби ўсиб борувчи якун билан юридик шахслар жойлашган туман солиқ инспекциясига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар топширган муддатда тақдим этилади. Жисмоний шахслар тадбиркорликда фойдаланилаётган сув учун ҳар чорақда бир марта ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи санасига тўлаб боради.

Чет эл инвестицияси билан тузилган корхоналар солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи ҳисобини бир йилда бир марта йиллик молиявий ҳисобот топширган муддатда тақдим этадилар.

Солиқ ҳисоби қуйидаги шаклда тузилади: масалан, «А» корхонанинг (саноат) 2003 й 1 – ярим йиллик учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоби.

	Ўлчов бирлиги	Ҳажми		
		Ер устки манба – ларидан	Ер устки манба – ларидан	Жами
1. Ҳисобот даврида олинган умумий сув ҳажми	Куб.м	460000	200000	660000
2. Солиқдан озод этилган сув ҳажми	Куб.м	10000	–	10000
3. Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган сув ҳажми	Куб.м	45000	200000	650000
4. Солиқ ставкаси	Тийин	326,9	420,5	X
5. Ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган солиқ	Сўм	1471150	841000	9881150
6. Ҳисобот давридан илгари ҳисобланган солиқ	Сўм	600000	400000	1000000
7. Ҳисобот даври учун қў – шимча ҳисобланди	Сўм	871150	8010000	8881150

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини тўлаш муддатлари:

1. Солиқ тўловчилар солиқни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 – санасига қадар ҳар ойда олинган ҳақиқий сув ҳажмидан келиб чиқиб тўлайдилар.

2. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси корхоналарда чорак учун 50 минимал иш ҳақидан кам бўлган суммани ташкил этса, чорақда бир марта чораклик молия ҳисоботлари топширган муддатда тўлайдилар.

Солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтган солиқ инспекцияларига жорий йилнинг 15 январига қадар сув олиш шартномаси ёки белгиланган лимитга биноан солиқ тўлаш тўғрисида билдириш топширадилар.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари солиқни 1 марта йилига ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайдилар.

Йил тугаши билан ҳамма солиқ тўловчилар йиллик молиявий ҳисобот топшириш муддатида солиқ идорасига солиқ суммаси ҳисобини топширадилар. Иморатларни (жойларни) ижарага олган юридик шахслар ўзлари сув бериш тўғрисида шартнома тузган бўлсалар солиқни ўзлари тўлайдилар.

Солиқ кам тўланган бўлса, солиқ ҳисоби топширилган кундан сўнг 5 кун ичида кам тўланган солиқ суммасини бюджетга тўлашлари шарт. Солиқ кўп тўланган бўлса, бошқа солиқ ва йиғимлардан қарзи бўлмаса 30 кун ичида унинг ёзма аризасига

биноан қайтарилади ёки келгуси тўловларга ўтказилади. Ҳисобланган солиқ суммаси 68 – счёт «Сувдан фойдаланиш солиғи» счётида кредитланади, 26 – счётнинг субсчётида дебетланади. Солиқ бюджетга ўтказилганда 68 – счёт дебетланади, 51 – счёт кредитланади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини кимлар тўлайди ва солиқ объекти нима?
2. Солиқ ставкасини ким белгилайди ва нималарга қараб гуруҳланади?
3. Солиқдан қандай имтиёзлар олинади?
4. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини ҳисоблаш тартиби қандай ва тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?

10–БОБ. КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ ИХЧАМЛАШТИРИЛГАН СОЛИҒИ

1. Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор иқтисодий – ижтимоий масалаларни ечишда, шу жумладан бозорларни товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳолини иш билан бандлигини ташкил этишда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёсдир. Ҳозирга келиб кичик корхоналар ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини бермоқдалар.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг катта қафолатлари ва ёрдами туфайли иқтисодиётда катта имкониятларни ишга солиш мумкин. уларга давлат ёрдамини бериш, қафолатлардан ташқари ихчамлашган солиқ тизимига ўтишга рухсат беришлик уларни ташкил қилиш ва молия хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ихчамлашган солиқ тизимининг аҳамияти каттадир. Булар биринчидан, бозорни тезда товарлар ва хизматлар билан бойитиш имконини беради.

Иккинчидан, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари очишга ёрдам беради.

Учинчидан, улар фаолиятини ташкил қилишни ихчамлаштиради.

Тўртинчидан, солиқ ҳисоблари ва ҳисоботлари сонини камайтиради, солиқ ҳисоблаш ходимлари ишини осонлаштиради, чунки илгари кўп солиқ ҳисоблари ва далолатномалари ўрнига ягона солиқ (акциз ости товарлари бўлса акциз) солиқ тўлайди. Кўп мартали бўнак тўловлар умуман бўлмайди. Демак боқиманда ҳам бўлмаслиги лозим

Агар кичик корхоналар акциз ости товарлари ишлаб чиқарсалар, унда акциз солиғини ҳам тўлайдилар.

Солиқ ҳисоби оддий бўлиб, атиги 6 кўрсаткичдан иборат.

Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашга ўтишлик ихтиёрийдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш» тўғрисидаги қароридан келиб чиқилади. (1998 йил 15 апрель 159 – сон)

Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар учун қуйидаги тўловларни тўлаш тартиби сақаланиб қолган:

– Акциз солиғи;

– Божхона тўловлари;

– Давлат божи;

– Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар: пенсия фонди, бандлик, йўл фондлари ва б.

– Биржа битимлари йиғими;

– Махсус товарларни сотиш ҳуқуқи олиш лицензия йиғими;

– Савдо қилиш ҳуқуқини олиш йиғими;

Кичик бизнес корхоналари қаторига ўтишнинг ягона мезони бор. У ҳам бўлса улардаги ишловчилар сонидир. 2002 йилдан бошлаб, филиал ва бўлинмаларда ишловчилар ҳам ишловчилар сонига қўшиладиган бўлди.

Кичик бизнес мақомини олишнинг қуйидаги меъёрлари белгиланган:

Микрофирмаларда:

– Ишлаб чиқариш соҳалари учун – 10 кишигача;

– Харид қилиш, таъминлаш сотиш корхоналари, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳалари учун – 5 кишигача;

Кичик корхоналарда:

– Саноатда – 40 кишигача;

– Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;

– фан, илмий хизмат қилиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 10 кишигача ишловчиси бўлиши шарт.

2. Ягона солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва ставкалари

Ягона солиқ тўловчилари бўлиб, корхонада ишловчилар сони чекланган меъёрдан ошмаган юридик шахслар ҳисобланади. Бунга ҳамма соҳаларда фаолият кўрсатувчи ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар киради. Демак, кичик корхона меъёри фақат ишловчилар сонигагина қаралиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва даромад олиш даражаси эътиборга олинмаган. Шу ердан кўриниб турибдики, давлат кўп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи кичик корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантиришни мўлжаллайди. Фаолият тури хилма – хил бўлса ҳам ягона солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловчи корхоналар сотиб олинган товарлар ва хом – ашёлар таркибида тўланган ҚҚС суммасини шу товарлар ва хом – ашё таркибига киритади (консигнацион товарлар бўйича давр харажатига олиб боради). Маҳсулот етказувчиларга иш ва хизмат билан бирга тўланган ҚҚС суммаси шу ишлар, хизматлар қийматига киритилади.

Ягона солиқ тўловчилар, бордию асосий востилар ва номоддий активларини ижарага берсалар, унда шу активлар қийматидан мол – мулк солиғини умумий тартибда тўлайдилар.

Корхонада ишловчилар сонига шартнома бўйича ишловчилар, фуқаро – ҳукукий шартномалар бўйича ишловчилар, ҳамда юридик шахс мақомини олмаган филиал ва ваколатхоналарида ишловчилар сони ҳам қўшилади.

Рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишни қарор қилган янги корхоналар рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекциясига ёзма ариза берадилар. Бу ерда ихчамлаштирилган солиққа ўтишга рухсат олиш керак бўлмайди.

Корхонада ишловчилар сонидан 50 фоизини 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, инвалидлар бирлашмаси «Нуроний» ва Ўзбекистон Чернобилчилар ассаияцияси мулкида бўлган ногиронлар ташкил этса ягона солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390 – сон қарорига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар тушуми:

– истеъмом товарлари ишлаб чиқаришдан олинса солиқ ставкаси йигирма беш фоиз камайтирилади,

– истеъмом товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсиш ҳисобига олинса ягона солиқдан озод этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини олдиндан тўлаб борадилар.

Ягона солиқ объекти икки турдан иборат:

1. харид қилувчи, воситачилик, улгуржи таъминлов, таъминлов) учун – ялпи даромад;

2. иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун – ялпи тушум ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган тушум суммаси;

2. Бошқа сотишлардан даромадлар;

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар. Бу ерда баланснинг валюта моддалари даромадига ижобий ва салбий курс фарқи қолдиғи киради. Солиқ ҳисоблаётганда бордию салбий курс фарқ чиқса ошган суммаси солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

4. Солиқ Кодексида белгиланган бошқа даромадлар.

Ялпи даромад таркибига эса қуйидагилар киради:

1. Товарларни сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги фарқ.

2. Молиявий фаолиятдан даромадлар. Бу ерда баланснинг валюта моддалари даромадига ижобий ва салбий курс фарқи қолдиғи киради. Солиқ ҳисоблаётганда бордию салбий курс фарқ чиқса ошган суммаси солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

3. Бошқа сотишдан даромадлар.

4. Солиқ Кодексида белгиланган бошқа даромадлар.

Ягона солиқ объектига қуйидагилар киритилмайди:

– Давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғоларидан даромадлар;

– Солиқни манбаида тўлаганлиги тўғрисида ҳужжати бўлса дивидендлар ва фоиз даромадлар.

Ягона солиқ тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2003 йил учун микрофирмалар ва кичик корхоналарга қуйидаги ягона солиқ ставкалари белгиланган:

Кўрсаткичлар	Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмига нисбатан фоизларда 30 (ялпи даромаддан)
1. Харид, таъминот – сотув корхоналари, брокерлик фирмалари – ялпи даромаддан	30
2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи, нотариуслар – ялпи тушумдан	50
3. Гатрол – концерт билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий тоғаша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи корхоналар.	35
4. Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари.	6
5. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар ¹⁾	12
6. Лотериялар, тотализаторлар ва таваккал – чиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этувчи юридик шахслар.	20 % ялпи тушумдан

1) Лизинг компаниялари лизинг берувчининг даромадига (маржасига) нисбатан фоизда солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўлашга ўтишни истаган корхоналар чорак бошланишидан бир ой олдин рўйхатдан ўтган солиқ идораларига ёзма равишда ариза беришлари керак.

Корхоналарни ягона солиққа ўтказиш тўғрисида ёки асосланган тарзда уни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ идоралари томонидан ариза берилган кундан эътиборан 15 кун ичида амалга оширилади. Янги тузилган корхоналар учун рухсат олиш талаб этилмайди.

3. Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Кичик корхоналарнинг ягона солиғи юридик шахслар томонидан ҳар чорақда қуйидаги оддий шаклда тузилади.

Масалан, 2003 йил I ва II чорақ солиқ ҳисоби:

Кўрсаткичлар	Ялпи тушум	
	II чорак	II чорак
Ялпи тушум жами (м.сўм)	900	1400
Ягона солиқ ставкаси (%)	12	12
Ягона солиқ суммаси (м.сўм)	108	164
Илгариги давр учун ҳисобланган (м.сўм)	–	108
Қўшимча ҳисобланди	108	56
Камайтиришга тегишли	–	–

Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиғи ҳар чоракда чораклик молиявий ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатда тўланади. Бўнак тўловлар бўлмайди.

Солиқ тўловчилар ягона солиқни тўғри, тўлиқ ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлигини солиқ қонунчилиги бўйича оладилар.

Ялпи даромадни ёки тушумни камайтириш солиқ объектини яшириш (камайтириш) деб қаралади ва тегишли молиявий жазоларга тортилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Ягона солиққа ўтишнинг аҳамиятлари қандай? Қандай корхоналар ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин?
2. Қандай корхоналар ягона солиқ тўловчилари бўла олади? Солиққа тортиш объекти нималардан иборат?
3. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ? Солиқ қайси бюджетга тушади?
4. Ягона солиқни ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак? Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
5. Ягона солиқ қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

11. БОБ. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИ СОЛИҚЛАРИ.

1. Солиқ тўловчилар, солиқлар тури ва солиқ ставкалари.

“Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ – 3076 – сон Фармони билан 2002 йил 1 июльдан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқ тўловчилари ва солиқлар тури 3 гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ: чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромадидан ягона солиқ олинадиган бўлди. Бу солиқнинг мезони умумий фойдаланадиган майдон (турғун шахобчалар орқали савдо қилганда) ва савдо ташкилотининг жойлашган жойи (Тош.шаҳар, вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар, қишлоқ жойлари).

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат статистик органларида ўз коди белгиланган, руйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилади.

Солиқ ставкаси ҳар 1 кв. метрга 0,5 базавий ставка ва базавий ставкага ўзгарувчан коэффецентлар белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари базавий ставкага ўзгарувчан коэффецентлар ўрнатиш ҳуқуқига эга, яъни солиқ ставкасини камайтириш ва кўпайтириш ҳуқуқига эга. Базавий ставкага ўзгарувчан коэффецент яна 9 гуруҳ товарлар турига қараб ҳам олиб борилади.

Иккинчи гуруҳ: улгуржи ва чакана савдо корхоналари (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) умумий овқатланиш корхоналари учун ялли тушгумдан (товарлар айланиши ҳажмидан) ягона солиқ олинадиган бўлди. Бу солиқнинг мезони фаолият тури ва савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг жойлашган жойи (шаҳар ва қишлоқ, узоқ ва тоғли туманлар).

Учинчи гуруҳ: савдо ва умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар базавий даромади даражаси ва фойдаланган майдон ҳажмидан келиб фаолият турларига қараб базавий ставкалар ва уларга қўлланиладиган ўзгарувчан коэффецентлар ҳамда фуқороларнинг савдо қилиш жойларига қараб (Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлар, шу жумладан қишлоқлар) солиқ ставкаси ўзгариб боради.

ЧАКАНА САВДО СОҶАСИДА МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ДАРОМАДДАН ЯГОНА СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

(Асос шу иш тўғрисидаги ВМ қарори

(2 июль 2002 йил 249–сон) асосланган Низом)

1. Умумий тартиб, солиқ тўловчилари ва солиқ объекти.

Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналарга белгиланган тартибда аҳолига бензин, дизел ёғи, газни автомобил воситалар учун сотувга авто ёғи қўйиш станцияларига ҳамда ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчилари савдо ташкилотларига таалуқли бўлмайди.

Белгиланган даромаддан ягона (солиқ белгиланган даромаднинг солиқ тўловчининг олиш мумкин бўлган ялпи даромади) физик кўсаткичлар бирлигига қараб ҳисобланган қатъий суммадан иборатдир.

Бу солиқ савдодаги ягона солиқ ўрнига – ягона солиқ тўловчиларига ҳамда ялпи даромаддан солиқ ва мол – мулк солиғи тўловчи, ягона солиқ тўлашга ўтмаганлар – ўрнига киритилган.

Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчилари учун қуйидаги тўловларни тўлаш тартиби сақланиб қолган.

1. Бож тўловлари (божхона божи ва йиғимлар, товарлар импорт қилингандаги акциз солиғи ва ҚҚС солиқ)

2. Давлат божлари.

3. Савдо ҳуқуқи учун йиғим (алоҳида товарларни сотиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими)

4. Давлат мақсадли фондларга ажратмалар.

Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўлашга ўтганларга солиққа тортишнинг бошқа тизимига ўтишга ҳуқуқ берилмайди. Бу солиқни тўлашга ўтганлар солиқ қонунчилиги бўйича талаб қилинадиган бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни юритиш ва солиқ идораларига топшириш мажбуриятидан озод этилмайди.

Ягона солиқ тўлашга ўтганлар асосий фаолиятидан (чакана савдо) ташқари фаолиятлар билан шуғуллансалар ҳар бир фаолият турига қараб ҳисоб китоб юритиш ва солиқ тўлашлари лозим. Ялпи тушумдан (улгуржи савдо, умумий овқатланиш ёки микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ).

Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчилари бўлиб чакана савдо соҳасида фаолият олиб борувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисобланади.

Микрофирмаларда ўртача йиллик ишловчилар сони 5 кишидан кичик корхоналарда 10 кишидан ошмаслиги шарт.

Ягона солиқ тўловчиларнинг асосий мезони юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтган гувоҳномасида кўрсатилган коддир.

Солиқ объекти бўлиб умумий эгаллаган майдон, шу жумладан ижарага берилган ва ижарага олинган майдонлар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида умумий майдон тушунчасига қуйидагилар киради:

1. Харидорларга хизмат қиладиган ва тўғридан тўғри товарлар сотиладиган савдо зали.

2. Харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиладиган бинолар (кўрғазмалар ўтказиш заллари, устахоналар товарларни кредитга беришни расмийлаштирадиган бинолар ва бошқалар).

3. Омборхоналар бинолар (товарларни қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш бинолари)

2. Белгиланган даромадга ягона солиқни ҳисоблаш тартиби ва солиқ ставкалари

Ягона солиқ суммасининг миқдори 3 та ҳолатга боғлиқ.

1. Эгалланган майдоннинг умумий миқдорига

2. Базавий ставкага

3. Жойлашган жойи ва товарлар турларига қараб белгиланадиган ўзгарувчи коэффецентларга.

Ставкалар (базавий ва ўзгарувчи) ВМ томонидан белгиланади.

Чакана савдо ягона солиқнинг базавий ставкаси ва тузатувчи коэффецентлари.

Фаолият тури	Солиққа тортилади – ган баъза	Бир ойлик солиқнинг базавий ставкаси	Тузатиш коэффецентлари		
			Тошкент. Шаҳри	Вилоят. Шаҳар	Туман – лар
Ходимлари сони ўн кишигача бўлган тур – гун савдо нуқталарида амалга оши – риладиган чакана савдо	Эгаллаган майдон	Ҳар бир квадрат метр учун 0,5 энг кам иш ҳақи	0,7 – 2	0,5 – 1,5	0,2 – 1

Товарлар турларига қараб ягона солиқнинг белгиланган ставкасига қўйиладиган тузатувчи коэффициентлари.

N	Товарлар тури	
1.	Тамаки ва алкагол махсулотлари.	1,5
2.	Автомобиллар, улар учун эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар.	2,0
3.	Чарм ва жундан қилинган буюмлар, кийим ва пойафзал.	1,2
4.	Қурилиш, пардозлаш материаллари ва қурилиш асбоб ускуналари. инструментлар.	1,2
5.	Маиший техника, ёритиш асбоблари, алоқа воситалари, кино ва фототехника, ҳамда уларга керакли буюмлар.	1,5
6.	Мебеллар, гилам ва гилам буюмлари	1,5
7.	Ювелир буюмлар, нодир металлдан қилинган буюмлар.	1,5
8.	Чинни ва хрусталдан бўлган идишлар.	1,2
9.	Бошқа товарлар, озиқ – овқат товарларини қушиб.	1,0

Бордию савдода бир неча ассортиментдаги товарлар сотилса алоҳида товарлар турига қўйилганлардан максимал миқдордаги базавий коэффициент қўлланилади.

Кичик корхонада ёки микрофирмада бир неча савдо шаҳобчалари бўлса ҳар бир шахаобчаси алоҳида белгиланган даромадга ягона солиқ ставкаси ва тегишли базавий ва ўзгарувчи коэффициентлар билан солиқ ҳисоби тузилади.

Ягона солиқнинг аниқ ставкаси ҚҚ Республикаси кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари белгилаган базавий ва тузатиш коэффициентлари орқали белгиланади:

$$C = B \times K_n$$

C – ягона солиқнинг аниқ ставкаси.

B – ВМ томонидан белгиланган базавий ставка.

K_m – савдо корхонасининг жойлашган жойига қараб белгиланган тузатиш коэффициентлари.

Ягона солиқ ставкасининг аниқ миқдорини белгилашда қуйидагиларга эътибор берилади.

1. Савдо фаолиятини амалга ошириладиган аҳоли жойлашган жойининг тури.

2. Аҳоли жойлашган жойи ичида савдонинг амалга ошириш жойи (марказ, чекка, транспортга боғлиқлиги ва бошқалар.

3. Аҳоли яшов жойидан ташқарида савдо фаолияти амалга

оширилатган бўлса жойнинг таснифи (автомобил магистралининг типи ва бошқалар)

4. Савдо корхонасининг савдо базалари ва улгуржи бозорлардан узоқлиги.

Белгиланган даромадга ягона солиқ қуйидаги шакл билан аниқланади.

$$N = P \times C \times Kp.$$

N – белгиланган даромадга ягона солиқ суммаси

P – эгалланган умумий майдон

C – белгиланган даромадга ягона солиқнинг аниқ ставкаси маҳаллий ҳокимиятлар белгилаган.

Kp – товар турлари қараб белгиладиган ўзгарувчи коэффициент.

Масалан: гилам сотувчи кичик корхонанинг белгилаган даромадга ягона солиғи ҳисоби. (август ойи учун)

N	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
1.	Эгаллаган умумий майдон	Кв.метр	50
2.	1m ² учун ойига маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланган ставканинг аниқ миқдори	Минимал иш ҳақи	0,5
3.	Ҳисобот ойдаги минимал иш ҳақи	сум	4535
4.	Сотиладиган товарлар турига қараб солиқ ставкасига қўйилган тузатувчи коэффициент		1,5
5.	Белгиланган даромадга ягона солиқ суммаси.	сум	170062,5

Солиқ суммасиқ $50 \times 0,5 \times 4535 \times 1,5 = 170062,5$ сум.

3. Белгиланган даромадга ягона солиқни ҳисобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби.

Чакана савдо билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳар ойда ҳисоботдан, сўнгги ойнинг 15 – санасидан кечиктирмай ўзлари жойлашган солиқ идораларига солиқ ҳисобини топширадилар.

Солиқ идоралари микрофирмалар ва кичик корхоналардан олган ягона солиқ тўловчилари рўйхатга туриш тўғрисида аризаси ва солиқ ҳисобини бир кун ичида текшириб чиқадилар.

Бордию микрофирмалар ва кичик корхоналарда бир неча савдо шахобчалари бўлса, ҳар бир савдо шахобчаси бўйича алоҳида солиқ ҳисоби талаб этилади. Бу ерда ҳар бир савдо шахобчаси юридик шахс бўлмасдан рўйхатга олинганлиги тўғрисида солиқ ҳисобининг нусхасига эга бўлиши керак.

Солиқ ҳисобида майдон ёки минимал иш ҳақи ўзгарган тақдирда ўзгартирилган солиқ ҳисобини солиқ идораларига топширишлари керак.

Белгиланган даромадга ягона солиқ ҳар ойда (солиқ ҳисоби топширилган кундан кечиктирмай) 15 – санагача тўлаб борилади. Солиқ маҳаллий бюджетга тўланади.

Бухгалтерия ҳисоботида бюджет билан муносабат ягона солиқ бўйича қуйидагича юритилади.

Солиқ ҳисобланганда:

Дебет давр харажатлари счёти

Кредит бюджетга қарзларни ҳисобга олиш счёти

Солиқ бюджетга ўтказилганда:

Дебет бюджетга қарзларни ҳисобга олиш счёти

Кредит пул маблағларни ҳисобга олиш счёти.

Қайтариш учун саволлар:

Белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчилар кимлар, солиқ объекти бўлиб нима ҳисобланади?

Белгиланган даромаддан ягона солиқни ҳисоблаш тартиби қандай ва солиқ ставкаларини кимлар белгилайди?

Ягона солиқ ҳисоби қандай давр учун тузилади ва солиқ бюджетга қандай давр учун, қачон ўтказилади?

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯЛПИ ТУШУМИДАН ЯГОНА СОЛИҒИ.

1. Умумий тартиб, солиқ тўловчилари, солиқ объекти ва уни ҳисоблаш.

Ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари илгариги ялпи даромадга солиқ, мол – мулк солиғи ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлашга ўтдилар (1 июл 2002 йилдан бошлаб). Бундай солиқ тўлаш белгиланган

даромаддан ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга таалуқли эмас.

Ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчилари учун қуйидаги тўловларни тўлаш тартиби сақланиб қолган.

1. Божхона тўловлари (божхона божи ва йиғимлари, импорт товарларига акциз солиғи ва ҚҚСолиқ).

2. Давлат божлари:

3. Савдо ҳуқуқи йиғими, шу жумладан алоҳида товарлар турларини сотиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими:

4. Давлат мақсадли фондларига ажратмалар.

Савдо ташкилотлари ВМ томонидан маҳаллий ҳокимликлар қарори асосида ижарага олинган ерлар учун ижара ҳақи тўлашдан озод этилади.

Ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчилар бўлиб савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналари ҳисобланилади. Ягона солиқ тўловчи бўлишнинг ягона мезони юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасида белгиланган фаолият кодидир.

Агар корхоналар ўзларининг асосий фаолиятларидан ташқари яна савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғуллансалар улар бундай фаолият бўйича ҳисоб – китоб юритишлари керак ва ялпи тушумдан ягона солиқ тўлашлари зарур бўлади.

Ягона солиқ объекти бўлиб савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг ялпи тушуми ҳисобланади. Ялпи тушум таркибида: товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушум: хархил сотишлардан тушум(мулкни сотишдан ва бошқа активлар). Солиқ кодексида белгиланган бошқа даромадлар. Бу ерда валюта счётиларини қайта баҳолаш бўйича даромад бўлиб мусбат ва манфий курс фарқлари қолдиғи ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида ялпи тушумдан қуйидаги – лар чегирилади:

– манбаида тўланган солиқ дивидентлари ва фоизлар – дан олган даромадлар

– давлат облигациялари ва давлат қимматли қоғозлари бўйича диведент ва фоиз тарзидаги даромадлар.

2. Ялпи тушумдан ягона солиқ ставкаси солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

Ягона солиқ ставкаси ВМ томонидан белгиланган бўлиб икки кўрсаткич асосида ишлаб чиқилган:

1. Корхоналарнинг фаолияти турлари (улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш).

2. Корхонанинг жойлашган жойи (шаҳар, қишлоқ, узоқ ва тоғли туманлар)

Ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари.

Товарлар	Корхоналар жойлашган жойига қараб (ялпи тушумга нисбатан) %	
	Шаҳар ва қишлоқ жойлари	узоқ ва тоғли туманлар
Улгуржи, савдо корхоналари	5	3
Жумладан, Республикада ишлаб чиқилган истеъмол товарлари	2	1
Чакана савдо корхоналари (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)	5	3
Умумий овқатланиш корхоналари	10	7
Умумий таълим мактаблари, Мактаб – интернатлар, ўрта таълим ўқув юртлиари	5	5

Солиқ қуйидаги шаклда ҳисобланади

$$N = V \times C$$

N – ялпи тушумдан ягона солиқ суммаси

V – ҳисобот ойидаги ялпи тушум

C – Ягона солиқ ставкаси.

Корхонанинг август ойи учун ялпи тушумдан ягона солиқ ҳисоби.

N	Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Вариант 1	Вариант 2
1.	Ҳисобот ойидаги ҳақиқий олинган тушум	М.сўм	25000	22000
2.	Белгиланган солиқ ставкаси	%	5	5
3.	Ялпи тушумдан ягона солиқ суммаси	М.сўм	1250	1100

Янги тузилган корхоналар солиқни биринчи чорак давомида ҳисобот ойда олинган ҳақиқий ялпи тушум миқдоридан келиб чиқиб тўлайдилар. Солиқ ҳисоби тўловчилар томонидан ўзлари жойлашган солиқ идораларига ҳар ойда ҳисобот ойдан сўнгги ойнинг 15 – санасидан кечиктирмай топширилади. Ягона солиқ тўловчилар ялпи тушумдан солиқни ҳар ойда солиқ ҳисоби топширилган кундан кечиктирмай тўлашлари шарт.

Бухгалтерия ҳисоби (солиқ турларига қараб) ҳисобланган солиқ суммаси: дебетда фойдадан солиқлар ва йиғимлар тўлашга фойдаланиш счётида, кредитда бюджетга қарзлар бўйича ҳисоб – китоб счётида олиб борилади.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммаси: дебетда бюджетга қарзлар бўйича ҳисоб – китоб счётида кредитда пул маблағлари ҳисоб – китоби счётида олиб борилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчилар кимлар ва солиқ объектига нималар киради.

2. Ялпи тушумдан ягона солиқ ставкаси нимага қараб белгиланади, солиқ қандай ҳисобланади ва қайси муддатларда тўланади.

12–БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ.

1. Даромадга (фойдага) солиқ тўловчи – норезидент чет эл юридик шахслари.

Даромадга (фойдага) солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад (фойда) олувчи норезидент – юридик шахслардир.

Солиқ тўловчи норезидент – юридик шахс доимий муассасаси орқали Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб, шу ердаги манбалардан олган фойда (даромад)дан солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган норезидент даромад (фойдаси) Ўзбекистон Республикасида бўлса тўлов манбаида солиққа тортилади.

Чет эл юридик шахсларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатларини тўлашни солиқ тўловчилар четэл юридик шахслари билан тузилган шартномаларга қўшиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Даромадга (фойдага) солиқ тўловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси манбаларидан доимий муассасаси орқали даромад олиб тадбиркорлик билан шуғулланаётган, чет эл давлатлари қонунчилиги асосида тузилган чет эл юридик шахслари ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида доимий муассаса тушунчасига Ўзбекистон ҳудудида даромад олиш мақсадида фаолият кўрсатилаётган ҳар қандай жой, ҳамда ҳар қандай ташкилот ёки ваколатли функцияни бажараётган жисмоний шахс ҳисобланади.

«Доимий муассаса» ўз ичига: бошқарув ўрни, билим, офис, идора, фабрика, устахона, шахта, нефть ёки газқувури, тош кесиш ёки ҳар қандай фойдали қазилмалар қазиб олувчи жойларни олади.

Бу тушунчага яна қурилиш майдонлари, қурилиш, монтаж ва йиғиш объектлари ёки техника надзори бўйича фаолиятлар ҳам киради.

Чет эл инвестицияси билан тузилган корхонанинг таъсисчисидан бири бўлган чет эл юридик шахси ўз ўзидан юридик шахснинг доимий муассасасини ташкил этмайди.

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган корхоналар филиаллари (бола корхоналари) юридик шахснинг доимий муассасаси ҳисобланмайди, балки, мустақил солиқ тўловчидир.

Чет эл юридик шахси ўз филиалига ваколатли вазифа юкласа у филиал ҳам мустақил солиқ тўловчи ҳам доимий муассаса ҳисобланади.

Нотижорат мақсадларида ўзбекистон ҳудудидаги чет эл юридик шахснинг ўрни «доимий муассаса» деб қабул қилинмайди.

2. Чет эл юридик шахсларнинг доимий муассасаларни давлат солиқ идораларида ҳисобга олиш

Чет эл юридик шахсларнинг доимий муассасаси Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро Битим (шартнома) бўйича солиққа тортилиш ва тортилмасликдан қатъий назар давлат солиқ идораларидан ҳисобдан ўтишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахснинг бир қанча доимий муассасаси бўлса, ҳар бири ўзи жойлашган солиқ идораларида ҳисобдан ўтадилар.

Чет эл юридик шахснинг ҳар бир муассасасига солиқ идораларидан ҳисобга олинганда солиқ тўловчига биттадан рўйхат (идентификацион) рақам берилади.

Доимий муассасани солиқ идорасида ҳисобга олишдан бош тортган чет эл юридик шахсига унинг доимий вакили, яъни доимий муассасаси орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тегишли жарима жазолари қўлланилади.

Доимий муассасалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига биноан олинаётган жами даромад ва тегишли чегирмаларни ҳисобга олиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

Чет эл валюталарида амалга оширилган хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг операциялари амалга ошган пайтдаги курси билан «сўм»га қайта ҳисобланиб чиқилади.

Ҳамма бухгалтерия ёзувлари тегишли ҳужжатлар шу жумладан чет эл фирмасининг Ўзбекистон Республикаси контрагентлари билан контрактлари доимий муассаса ишгирида, банк счётидан кўчирмалар ва бошқа биринчи ҳужжатлар, счётлар ва ҳисоб шакллари орасида аниқ оддий алоқа бўлиши зарур.

Нақд пулли тўловлар ҳам тегишли бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши зарур.

Бош офисдан доимий муассасага берилган мулклар кейингиси томонидан транспорт харажатлари, ўрнатиш, бож тўловлари ва бошқа срафиётларни бош офисдан мулк қиймати билан ҳисобга олиниши зарур.

Доимий муассасанинг ҳисоб маълумотлари ўзида асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган амортизация, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати кўрсатилган ахборотларни акс этган бўлиши керак.

3. Ўзбекистон ҳудудида олинган чет эл юридик шахснинг солиққа тортиладиган базасини ҳисоблаш тартиби.

Солиққа тортиладиган базани белгилаш икки усул билан олиб борилади: тўғри усул ва ҳисобли усул.

Тўғри усулда солиққа тортиладиган даромад (фойда) доимий муассасанинг Ўзбекистонда олган жами даромади билан чет эл юридик шахснинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ бўлган

чегирмалари, шу жумладан Ўзбекистон ва чет элда амалга оширилган бошқарув ва маъмурий харажатларни қўшиб фарқи сифатида белгиланади.

Иккинчи ҳисоб усулида солиқ базаси аниқлаш қийин бўлганда шу даромад олишдаги харажатлар салмоғига нисбатан қилиб ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Солиққа тортиладиган даромад (фойда)ни ҳисоблаш услубини ҳисобот йили учун солиқ тўловчи томонидан ўзларининг солиқ идораларига топшириладиган даромадлар ва харажатлар декларацияси билан солиқ идораларига хабар берилади.

4. Чет эл юридик шахсининг доимий муассасасини даромадга (фойдага) солиғи ҳисоби ва тўлов муддати.

Доимий муассаса орқали Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл юридик шахс йиллик бухгалтерия ҳисоботида белгиланган муддатда доимий муассаса жойлашган жойдаги солиқ идорасига топширади ва Ўзбекистондаги фаолияти характери ҳақида ҳисобот ва даромадлар ва харажатлар тўғрисида декларация топширади.

Бу декларацияда умумий олган даромадлар суммаси шу жумладан фаолият турлари бўйича ва умумий харажатлар, шу жумладан фаолият турлари бўйича харажатлар кўрсатилган бўлади. Шу ерда солиққа тортиладиган сумма даромадлар ва харажатлар фарқи сифатида аниқланади.

Календар йили тугагунга қадар фаолият тўхтатилаётган бўлса шу даврдан бир ой олдин юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

Даромадлар ва харажатлар тўғрисида солиқ декларацияси қабул қилингандан бошлаб 10 кун ичида солиқ идораси чет эл юридик шахсининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблайди ва тўлов хабарномасини ёзиб юборади. Унда солиқни тўлаш муддати тўлов хабарномасини ёзган кундан бошлаб бир ой ичида ҳисобланади.

Тўлов хабарномасининг корешоги шахсий счётлар карточкаларни юритиш асоси бўлади.

Даромадага (фойдага) солиқ солиқ идоралари томонидан «сўм»да ҳисобланиб, юридик шахсининг доимий муассасаси томонидан ёки чет эл юридик шахсининг ўзи томонидан тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатда тўланади. Солиқ тўловчининг хоҳиши билан солиқни чет эл валютасида ҳам тўлаши мумкин. Бунда чет эл валютасини Марказий Банкнинг шу кундаги курси билан тўловни амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) 20 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Ҳисобланган ва тўлаш лозим бўлган чет эл юридик шахсининг даромадга солиққа қўшимча чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси ҳар бир даромад суммасидан чет элга ўтказилаётганда қўшимча 10 фоиз ўтказилаётган суммадан солиқ тўланади.

Ўзбекистон резиденти томонидан чет элга экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) учун маблағ ўтказилса 10 фоизли миқдорда юридик шахсининг доимий муассасаси солиқ тўламайди.

Даромадга (фойдага) солиқ суммаси ҳисоб – китоб қилинаётганда чет эл юридик шахсининг чет элда тўлаган солиғи Ўзбекистонда ҳисобга олинмайди.

5. Манбаи Ўзбекистон Республикасида бўлган доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган чет эл юридик шахсларини даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш

Чет эл юридик шахсининг (норезидент) доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромади (фойдаси) тўлов манбаида жами даромадлар бўйича солиққа тортилади ва ҳеч қандай чегирамалар берилмайди.

Кўрсаткичлар	Солиқ ставкаси (%)
Дивидендлар ва процентлар	15
Суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича суғурта муносабатлари учун	10
Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида халқаро алоқалар телекоммуникация ва транспорт хизматлари (фрахтадан бошқа)	6
Роялти, ижара бўйича даромадлар, хизмат кўрсатишдан даромадлар, инвестиция бериш ва бошқа даромадлар	20

Чет эл юридик шахсининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадидан солиқ даромад (фойда) тўловчи корхона томонидан ушланади ва бюджетга тўланган валютада ўтказилади.

Даромадга солиқни тўғри ушлаш ва бюджет даромадига ўтказиш жавобгарлиги даромад (фойда) тўловчи юридик шахс зиммасидадир. Даромад солиғи тўловчи юридик шахс солиқ

суммасини ушлаб қолмаган бўлса ушланмаган солиқ суммаси ва у билан бирга жарима ва пеняни тўлайди. Чет эл юридик шахсларига даромад (фойда) тўловчи юридик шахс: тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 куни ичида солиқни бюджетга ўтказиши, молия йили тугаши билан рўйхатдан ўтган солиқ идорасига, ҳамда даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига биноан далолатнома тақдим этиши, шу далолатномада шахсларнинг рўйхат номери, номи, ҳисобот йилида жами даромадлар суммаси ва жами ушланган солиқ суммаси кўрсатилган тарзда беришга жавобгардирлар.

Халқаро битим (шартнома) асосида солиқдан имтиёзга эга бўлган чет эл юридик шахси солиқ идораларига уни тасдиқловчи расмий тасдиқнома тақдим этиши керак.

Солиқ суммасини камайтириш ёки ундан озод қилиш тўғрисидаги ариза солиқ идораларига солиқ тўлашдан олдин тақдим этилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Қандай чет эл норезидент юридик шахслари даромад (фойда)га солиқ тўловчилар бўла олади?

2. Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини солиқ идоралари қандай ҳисобга оладилар?

3. Чет эл юридик шахсларининг солиққа тортиладиган базаси қандай аниқланади?

4. Чет эл юридик шахслари доимий муассасаси даромадига солиғи ҳисобот ва тўлов муддати қандай?

5. Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган чет эл юридик шахслари норезидентларни солиққа тортиш тартиби қандай?

III–Бўлим. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИ.

1. Жисмоний шахслар солиқларининг таркиби ва тузилмаси.

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқоролари, фуқоролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқоролари киради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик шахслар ва жисмоний

шахсларга бўлинган. Дарсликнинг иккинчи бўлимида қайд қилинганидек, давлат бюджети даромадларининг 75 фоизидан ортигини юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ ва йиғимлар эса қарайиб бюджет даромадининг 25 фоизини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан – тўғри ўз даромадидан олинади. Солиқлар ва йиғимлар асосан бюджетга нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади, айниқса тадбиркорлик фаолиятидан қатъий ставкали солиқ олдиндан тўлаб қўйилади.

Шундай экан бу ерда солиқ тўловчи жисмоний шахс билан солиқ ундирувчи ўртасида тўғридан – тўғри пул муносабатлари мавжуд.

Шунинг учун жисмоний шахслар солиқларини ундирувчи инспекторлар ўта маданиятли, ширин сўз бўлиши билан бирга жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш ундириш тартиб – қоидаларини, солиқ қонунчилигини чуқур билиши керак. Шу шартлар бажарилган тақдирда бюджетга жисмоний шахслардан меъёридаги солиқ ва йиғимлар тўлиқ тушишлиги таъминланади. Уларни солиқ қонунчилигини тўлиқ тушинтираолмаслиги, нопоклиги бюджетга мўлжалланган солиқларни тўлиқ келиб тушмаслигига олиб келиши мумкин.

Жисмоний шахслар солиқлари таркиби ва тузилмасини қуйидаги маълумотлар билан изоҳлаш мумкин.

	2001 йил		2002 йил		2003 йил	
	Млрд сўм	Жамига нисбатан %	Млрд сўм	Жамига нисбатан %	Млрд сўм	Жамига нисбатан %
1. Жисмоний шахслар даромадига солиқ	144,0	65	214,8	59,6	303,3	64,7
2. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жис – моний шахсларнинг даромадига қатъий ставкадаги солиғи	26,0	11,7	40,5	11,2	46,4	9,0

3.Товарлар киритганлиги учун жисмоний шахслардан йиғим	12,2	5,5	34,8	9,6	30,0	6,5
4. Мол – мулк солиғи	17,0	7,6	27,0	7,4	26,5	5,6
5. Ер солиғи	22,0	9,9	23,0	6,4	28,0	6
6. Автотранспорт ёқилгилар учун жисмоний шахслардан истеъмол солиғи	–	–	–	–	39,0	8,0
Бошқалар (сув ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи)	–	–	–	–	–	–
Жами:	221,2	100	360,7	100	467,0	100

Маълумотлар кўрсатадики, жисмоний шахсларнинг солиқлари таркиби ортиб бормоқда. Уларнинг солиқли тўловлари ичида жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ салмоғи жиҳатидан биринчи ўринни, тадбиркорларнинг даромадига солиқ – иккинчи, товар киритилганлиги учун ягона божхона тўлови учунчи ўринни эгаллаган. Бошқа солиқ турларининг аниқ маълумотлари ажратилмаган. Сув ресурсларидан табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ, импорт товарларга акциз солиғини жисмоний шахслар тадбиркорлар ҳам тўлайди. Улар тўғрисида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. Юқоридагилардан ташқари жисмоний шахслар икки ярим фоиз иш ҳақидан саиал суғурга тўловлари тўлайдилар.

2002 йил 1 июндан бошлаб жисмоний шахслар тадбиркорлик мақсадида четдан товар олиб кирсалар илгариги импорт товарларига ҚҚСолиқ, божхона божи, жисмоний шахслар товар келтирилганлиги учун йиғим ўрнига ягона божхона тўлови жорий этилди.

Ягона божхона тўлови ставкалари 2003 йилдан бошлаб қуйидагича белгиланди:

- озиқ – овқат махсулотларига (ундан ташқари) – 40 %
- ноозиқовқат махсулотларига – 70 %
- ун махсулотларига ноли ставка қўлланадиган бўлди.

Ягона божхона тўловини ҳисоблаш учун божхона қийматига тўлов ставкалари кўпайтирилади. Юридик шахс бўлмасдан якка тартибда тадбиркорликни амалга оширувчи жисмоний шахслар:

1. Ҳокимиятдан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши,
2. Экспорт импорт операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши,
3. Четдан товар олиб кирганлиги тўғрисида божхона идораларидан ҳужжат бўлиши,
4. Касса машиналарига эга бўлиши шарт.

2. Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаб чиқариш асосан икки йўл билан олиб борилади.

1. Жисмоний шахсларга даромадлар тўловчи юридик шахслар ўзларида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида уларнинг солиқларини ҳисоблайдилар.

2. Юридик ва жисмоний шахслар тақдим қилинган маълумотнома ва хабарномалар асосида солиқ хизмати идоралари томонидан ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга хўжалик меҳнат шартномаси, фуқоролик – ҳуқуқий шартномалари бўйича иш ҳақи мукофот ва бошқа қатор даромадлар тўловчи корхона, ташкилот, муассаса солиқларини тўлиқ тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиб бериш жавобгарлигини ўз зиммаларига оладилар. Фуқороларнинг олган даромадлари тўғрисида солиқ идораларига ҳамда фуқорога билдириш ва маълумотнома ёзиб бериш вазифасини ҳам юридик шахсларга юклатилган.

Жисмоний шахслар асосий иш жойдан ташқарида қўшимча даромад олганда, четдан Ўзбекистон ҳудудига товарлар олиб кирганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда олинган даромадлар ва харажатлар қилинганда солиқ декларацияларини солиқ ҳисоблаш учун солиқ идораларига тақдим этадилар.

Юқоридаги ҳужжатлар ва ўзларидаги йиғилган маълумотлар, текширув далолатномалари асосида солиқ идоралари жисмоний шахслар учун солиқ ҳисобини тузиб, уларга солиқ суммаси ва тўлов муддатлари кўрсатилган хабарномаларни юборадилар. Булардан ташқари, юридик шахс мақомини олмасдан

тадбиркорликнинг айрим турлари билан шуғуланувчилар қатъий ставкасида даромад солиғини тўлайдилар.

Ер солиғи, мол – мулк солиқларини ҳам солиқ идоралари қайта ҳар йили ҳисоблаб чиқиб, жисмоний шахсларга хабарнома орқали етказадилар. Хабарнома олган жисмоний шахслар кўрсатилган муддатда барча солиқ ва йиғимлар суммасини ўз вақтида тўлашга мажбурдирлар. Шу ерда фуқоролардан олинishi лозим бўлган бирор бир солиқ тўланмай қолса солиқ идоралари жавоб беради.

Шундай ҳолатда ер солиғи, мол – мулк солиғи уч йил тўланмаган бўлса уни пеняя ҳисобланмасдан ундирилади.

Солиқлар ва йиғимлар ўз вақтида тўланмаганда «боқиманда» деб аталади. Унинг мазмуни муддатида тўланмаган тўловлардир. Ана шу боқиманда суммасига ҳар бир тўланмаган кун учун 0,07 фоиз пеняя солиқ суммасига қўшимча ҳисобланиб ундириб олинади. Аввало солиқ суммаси сўнг пеня, сўнг жарималар ундирилади. Боқиманда узоқ муддатга тўланмаса фуқоронинг мулки рўйхат қилиниб халқ судига берилади. Чет элда эса солиқлар тўлаб боришини оғзаки ва ёзма огоҳлантиришлари, қарзларни комиссияда кўриб чиқиш тажрибалари мавжуд.

Қайтариш учун саволлар.

1. Жисмоний шахслар тушунчасига кимлар киради?
2. Жисмоний шахслар қандай солиқлар ва йиғимлар тўлайдилар?
3. Жисмоний шахслар солиқларини кимлар ҳисоблайди ва бюджетга ўтказади?
4. Жисмоний шахслар солиқлари бўйича қандай молиявий жазолар қўлланилади?

1 – БОБ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ.

1. Жисмоний шахслар даромадига солиғини тўловчилар, солиқ объекти ва жами даромад таркиби.

Жисмоний шахслар даромадига солиқ тўловчилари бўлиб молия йилида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромади жами йиллик даромадга солиққа тортилмайдиган даромадларни киритмасдан (58 м), даромадига солиқдан озод этиладиганларни чиқариб ташлаб аниқланади.

Солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахслар даро – мади резидентлар ва норезидентлар даромадига бўлинади.

Бошланаётган ёки тугаётган молия йилида 12 ойгача бўлган исталган даврда Ўзбекистон ҳудудида 183 кун ва ундан ортиқ яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси резиденти деб аталади. Шу кўрсатилган муддатдан кам яшаган жисмоний шахсларга норезидент деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқаридаги манбаалардан олган даромадлари бўйича даромадга солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти фақат Ўзбекистон ҳудудидан олган даромадидан солиқ тўлайди.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида резидент шахслар томонидан тўланган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро қонунларга биноан ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинаётган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган солиқ ставкасида ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромадига солиғи суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Солиқ объекти бўлиб Солиқ Кодексига мувофиқ белгиланадиган жами йиллик даромад ҳисобланади.

Бу ерда энг муҳим нарса жисмоний шахснинг жами йиллик даромадига қандай даромадлар кириши, қандай даромадлар кирмаслиги ва қандай имтиёзлар (59) олиш мумкинлиги аниқ белгилашдир.

2. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркибига солиқ тўловчи олиши мумкин бўлган ёки текинга олган пул ёғуд буюм шаклида олган пул маблағлар киради.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби 3 гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат ҳақи тариқасида олинган даромадлар (энг асосий даромадлар):
2. Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари:
3. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари.

Юқоридаги даромадларнинг ҳар бирини таркибини аниқ билиб олиш зарур бўлади.

Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳаққи тариқасида олган даромадлари таркибига меҳнат шартномаси бўйича фаолиятдан ва фуқоролик – ҳуқуқий шартномалар бўйича олинган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадларга қуйидагилар киради:

1) Ходимларга сотиладиган товарлар(ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни(ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ.

2) Иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар:

3) Ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг ҳисобидан чиқарилган қарз суммалари:

4) Иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлигини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилинган харажатлар:

5) Иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши лозим бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммалари:

6) Иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари:

Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган нормалари доирасида бериладиган хизмат сафари тўловларнинг суммаси жами йиллик даромадга кирмайди. Аммо, нормадан ортиқ харажатлар жами йиллик даромад таркибига киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига фоизлар, дивидентлар бўйича олинган даромадлар ва мол – мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Дивидент ва фоиз даромадлар асосан қимматли қоғозлардан (оддий ва имтиёзли акциялар, аккредетивлар ва бошқалар) ҳамда ширкатларда шерикчиликдан олган даромадлардир.

Мулкларни ижарага бериш тадбиркорликка кирмайди.

Ижара даромадларига:

1. Квартиралар, гаражларни ижарага бериш;
- 2. Юк машиналарни, енгил машиналарни ижарага бериш;
3. Уй – анжомларини ва бошқа мулкларни ижарага беришлари киради.

Жисмоний шахсларнинг учинчи гуруҳ оладиган даромадларига тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадга яна товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, якка тартибда амалга ошириладиган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Солиқ объектини аниқлаш мақсадида чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган.

Даромадга қатъий солиқ солиш 2003 йилда ҳам қуйидагиларга давом эттирилади:

1. Юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга:

2. Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларга.

Қатъий солиқнинг чегара ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Аниқ фаолиятларнинг турлари ва жойлашган жойига қараб Қарақалпоғистон Республикаси Министрлари кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланади.

Қатъий солиқ бўйича тақдим, этилган ҳисоблардан ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланса солиқ объектини яшириш деб қаралади.

Жисмоний шахс бир неча фаолият тури билан шуғулланса ҳар бир фаолиятдан солиқни алоҳида – алоҳида тўлайди. Ишбилармонлик фаолияти бўйича ижарага олинган асбоб – ускуналар ва жойларидан фойдаланилса, шу жумладан ишончли қоғозли транспортда, ўзлари жойлашган солиқ идораларига ижарага берувчи ҳақида маълумотнома тақдим этишлари шарт.

3. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкалари.

Ўзбекистон республикаси Солиқ кодекси ва жисмоний шахсларнинг даромадига солиғи бўйича қонунчиликка биноан солиқ ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Жимоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларига солинадиган дифферинциал прогрессив солиқ ставкалари.

2. Жисмоний шахсларнинг резидентларнинг дивидент ва фоиз тарзида оладиган даромадига солиқ ставкалари.

3. Манбаида тўланадиган норезидент даромадига солиқ ставкалари.

4. Имтиёзли солиқ ставкалари (13, 20 ва 25 фоиз)

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлари ва бошқа даромадларидан солиқ қўйидаги миқдорда ундирилади.

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	Жами: даромад суммасининг 13 фоизи.
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан олинган солиқ плюс беш бараваридан ошган қисмидан 22 фоиз.
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ плюс ўн бараваридан ошган суммадан 32 фоиз

Солиққа тортиш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади (йил бошидан эътиборан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси йиғиндиси).

Жисмоний шахслар – резидентларнинг дивидендлар ва фоизлар даромадларига 2003 йилдан бошлаб Солиқ Кодексига биноан озод қилинадиганларидан ташқарисига тўлов манбаида 15 фоиз миқдорида солиқ ушлаб қолиш тартиби белгиланган. Давлат қимматли қоғозлари ва депозитларидан дивидент ва фоиз бўйича солиқ тўлаш бекор қилинган.

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаи чегирмасиз қўйидаги миқдорларда ставкалар бўйича солиқ ушланиб қолинади.

Дивидентлар ва фоизлар.

15 фоиз

Тавакалчиликни суғурталаш ёки қайта суғурталашга тўланган

суғурта мукофотлари	10 фоиз
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахта)	6 фоиз
Роялти, ижарадан олинадиган даромадлар хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар (даромад солиғи солинадиган даромад бунга кирмайди)	20 фоиз

Ушбу тўлов манбаида солиққа тортиш тартиби тўлов Ўзбекистон республикаси ичида ёки унинг ташқарисида амалга оширилганидан қатъи назар, тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зарарли ва оғир шароитда ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шунингдек табиий – иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар бўйича имтиёзли даромад солиғи ставкаларини белгилаган.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май 250 – сон қарорига киритилган 1, 2 ва 3 рўйхатдаги ходимларнинг ўта зарарли, ўта оғир шароитларда олган даромадларидан ушланган солиқ миқдори 25 фоиздан ошмаслиги кўрсатилган. Солиқ суммаси жами даромадларнинг 25 фоиз ставкасидан ошган қисми имтиёз тариқасида чиқариб ташланади. Оғир ва ўта оғир шароитларда ишловчи аёлларга имтиёзли 20 фоизли солиқ ставкаси белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 декабрь 562 – сон қарори). Масалан, фуқоро Обидовага 69 минг сўм январь ойи учун (2003 йил) иш ҳақи ҳисобланди. Бу фуқорога имтиёзли солиқ суммаси 13800 сўм тўлайди, яъний 69 минг сўмдан 20 фоиз. У 1704 сўм имтиёзга эга бўлади. Чунки имтиёзсиз унга 15504 сўм солиқ тўлаши зарур эди.

Белгиланган қонунчилик бўйича оғир табиий шароитларда ишловчиларга иш ҳақиға қўшимча суммалар, коэффицентлар (туман, тоғлик, саҳро ва сувсиз туманлар) учун кўрсатилган

суммалардан солиқ имтиёзли энг кам ставкада (13 фоиз) ҳисобланади. Демак, бу ерда қўшимча даромадларга энг кам ягона солиқ ставкаси қўлланилади.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортаётганда дивидент, фоиз даромадлари жами даромад таркибига киритилмайди, чунки улар бўйича солиқ алоҳида ҳисобланган бўлади.

4. Жисмоний шахслар даромадига солиқдан имтиёзлар.

Жисмоний шахслар даромадига солиқдан имтиёзларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари (солиқ солинадиган даромадга киритилмайди)

2. Солиқдан тўлиқ озод бўладиган жисмоний шахслар.

3. Солиқдан ҳар бир тўлиқ ой учун тўрт каррали минимал иш ҳақи миқдорида озод этилиш.

Солиққа тортилмайдиган жисмоний шахслар даромадлари қуйидагилардир (58 м).

а) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, хомиладорлик ва туғиш нафақаси, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаларидан) ташқари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқороларга пул ва натура шаклда бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари:

б) олинадиган алиментлар:

в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар техника ўқув юртлари, улар баъзасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабалари ва ўқувчиларига бериладиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари таъсис этган стипендиялар;

г) ҳунар техника билим юртларининг ҳамда улар баъзасида ташкил этилган бизнес мактабларининг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес мактаблари берадиган тўловлар; Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ДСҚ нинг 3 январь 2003 йилги хати билан бекор қилинган.

д) давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

е) шахслар қон топширганлиги учун, донорларнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлиги учун оладиган суммалар шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиқни бошқа тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, боқувчисини вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

з) фуқороларнинг хорижда ишлаши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларда чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол — мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорликда мулкни сотишдан ташқари;

к) фуқороларнинг ёрдамчи хўжалигида етиштирган қора мол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни тирик ва сўйиб махсулотларни хом ва қайта ишлаган ҳолда, шунингдек асаларичилик махсулотларини, хўжаликда етиштирилган деҳқончилик махсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Шахсий хўжалик мавжудлиги маҳаллий ҳукуматларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мабайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қиймати;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадия қилиш натижасида олинган суммалар ва мол — мулк қиймати. Фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи бундан мустасно

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

о) фуқороларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мабайнида берилган моддий ёрдам;

— Табиий офатлар, бошқа фавқулотда ҳолатлар муносабати билан берилганда — тўлалигича;

— Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам ши ҳақининг ўн бараваригача;

– Бошқа ҳолларда – 12 баравари миқдориди озод этилади.

р) Депозит сертификат бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқороларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларни давлат корхоналари мол – мулкани сотиб олиш хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуйжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй – жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўнатирилган суммалар, шунингдек акция сотиб олишга йўналтирилган дивидентлар. Мазкур мол – мулклар сотилганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосда солиқсолинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахсларнинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишидан, уларга лицензиялар сотишда, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромад суммаси;

– Ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича – 5 йилга;

– Ихтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан – 3 йил давомида;

– Селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича 3 йил давомида;

– Саноат намунасида патент бўйича – 3 йил давомида;

– Саноат намунасида дастлабки патент бўйича – 2 йил давомида;

– Фойдали моделдан гувоҳнома бўйича – 2 йил давомида озод этилади.

у) болалар лагерларига ва бошқа соғломлаштириш лагерлариларига, ота – оналарнинг болалари билан дам олишга махсус мўлжалланган санатория – курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларини амбулатория ва стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматидан тўлиқ ёки қисман компенсациялар тартибида юридик шахслар томонидан ўз ходимларига ёки улар учун тўланган суммалар. Юқоридагилар жумласига ногиронларга соғломлаштириш ва санатория – курорт муассасаларига бериладиган йўлланмалар қиймати доволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида тиклаш ва техника сотиб олиш харажатлари ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларда назарда тутилган нормалар доирасидаги товон тўловлари. Меҳнат шартномасининг бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган татил учун бериладиган товон тўловлари солиқдан озод этилмайди;

х) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга ошираётган бўлса;

Даромадга солиқдан тўлиқ озод этиладиган жисмоний шахслар ҳам мавжуд. Буларга қуйидагилар киради:

1. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса – Ўзбекистондаги олинган манбалардан. Дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлари озод этилмайди.

2. Дипломатик ва консуллик ваколатхоналарнинг ходимлари ва уларга ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистонда доимий яшамаса, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлардан ташқари барча даромадлари бўйича;

3. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – ўз хизмат юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистонда доимий яшамаса – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлар бўйича;

5. Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса, шу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6. Мудофаа, ички ишлар ва фавқулотда вазиятлар вазирликларнинг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга

мажбурлар — хизматни ўташ муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

7. Гастрол концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастрол — концерт фаолиятида олинган даромадлари бўйича;

Даромадга солиқдан қисман, яъний ҳар ойда тўрт каррали энг кам иш ҳақи миқдорида солиқдан озод этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардир:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йитлардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматни бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

2. Хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларида ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССР ни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жангавор операцияларнинг қатнашчилари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари;

3. Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1974й 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқоролар;

4. Ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

5. Болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари;

6. Қаҳрамон оналар, 10 ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

7. Собиқ СССР ни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ бўлган касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота — оналари ва рафиқалари;

8. Хизматни Афғонистонда ва жангавор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг нақланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

9. Чернобиль АЭС даги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

10. Икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

11. Икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотган — ким учун пенсия олмайдиган бева аёллар ва бева эркаклари;

12. Болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб уни тарбиялаётган ота — онасидан бири;

13. Корхоналар, муассасалар ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар — ишбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича тўрт каррали минмал иш ҳақи миқдоридида ҳар ойда имтиёзга эгадирлар.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларига бўлган ҳуқуқи улар қисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганда вужудга келади.

Тўрт каррали имтиёз қишлоқ хўжалигига жалб қилингандан ташқари, жисмоний шахсларнинг олган дивиденд ва фоиз даромадлари ва ижара даромадларига ҳам тегишли бўлади.

Агар имтиёз олувчининг ососий иш жойи бўлса, имтиёз шу ерда берилади, асосий иш жойи бўлмаса солиқ идораси томонидан декларация асосида йиллик даромадга қараб берилади. Имтиёзлар олиш учун жисмоний шахслар тегишли ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

4. Чет эллик жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари.

Чет эллик жисмоний шахслар — резидентлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари солиққа тортилади.

Чет эл жисмоний шахслари Ўзбекистон Республикасида солиққа тортилаётганда Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича бироқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларини эътиборга олиб солиққа тортилади.

Чет эллик жисмоний шахслар норезидентлар тўлов амалга ошган жойдан қатъий назар фақат Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларидан солиққа тортиладилар.

Солиққа тортиш мақсадида чет элик жисмоний шахслар — норезидентлар икки гуруҳга бўлинади: доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган ва доимий муассаса билан алоқаси бўлмаган норезидентлар.

Солиққа тортиш мақсадида доимий муассаса тушунчасига Ўзбекистон Республикасида даромад топиш учун ҳар қандай юридик шахслар орқали, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ваколатлик функциясини бажарувчи орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар тушунилади. Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахс, норезидент доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан жисмоний шахс даромадига солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади ва бунда улар Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича чегирмалар олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган жисмоний шахс — норезидент даромади Ўзбекистон Республикасида олган даромадидан ҳеч қандай чегирмаларсиз юқорида кўрсатилган ставкаларида солиққа тортилади.

Чет элик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар ундириш тегишли чет эл давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора — тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхталиши ёки чекланиши мумкин.

Чет элик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга оширадиган солиқ тўловчилари ҳамда бошқа шахслар чет элик жисмоний шахсларнинг солиқлари ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишни назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

5. Жисмоний шахсларнинг даромадга солиғини ҳисоблаш тартиби, ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва декларациялар тақдим этиш.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида олган меҳнат ҳақи даромадларидан солиқни тўлиқ тўғри ҳисоблаш жавобгарлиги юридик шахслар бўхгалтериясига юклатилган.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан олинган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлари календар йилининг бошидан бошлаб

ҳар ойда солиққа тортиладиган жами даромаддан ўсиб борувчи якун билан ҳисобланади. Юридик шахслар томонидан ҳамма ходимлар учун ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадлардан қайднома бўйича солиқ ушланади. Ушланган солиқ суммаси иш ҳақи учун чек билан б анкка мурожат этганда тўлов топшириғи билан тўлаб борилади.

Агар ой ичида вақтинча ишловчиларга фуқаро ҳуқуқий шартномалари бўйича меҳнат ҳақлари тўланган бўлса келгуси ойнинг 5 – санасигача ушланган солиқларни корхона давлат бюджетига ўтказиб боришлари шарт.

Меҳнат ҳақи бўйича солиқ ҳисоблашга мисоллар келтирамиз:

Мисол 1. Фуқаро Яхшиев О. Га 2003 йил январ – февраль ойларида жами бўлиб 75000 сўм иш ҳақи ҳисобланади (37500 + 37500). Шу даврда минимал иш ҳақининг якуний суммаси 9070 сўмни (4535 + 4535) ташкил этган. Шундан 5 каррали ойига, яъни 13 фоизли солиқ ставкасига тўғри келадиган 45350 сўмни ташкил этади. Унинг солиқ суммаси 5895.сўм 50 тийин. Январь ойи учун фуқорага 6209 сўм 25 тийин солиқ ҳисобланган.

1. Январь – февраль ойлари учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз. $12418,50 \text{ т. } (75000 - 45350) \times 22 = 5895,50 \text{ тийин} + 6323 \text{ сўм}$

2. Февраль ойи учун ҳисобланган солиқ суммаси 6209,25 тийинни ташкил этади. $(12418,50 - 6209,25 \text{ т})$.

Мисол 2. Фуқаро Якубов Солиқ кодексинининг 59 м. 2 бандига биноан 4 каррали минмал иш ҳақи миқдоридида ҳар ойга солиқдан озод этилади, чунки у 1941 – 1945 йиллар меҳнат фахрийси.

Унга январ – май ойларида 2003 йил 115 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлиб, ундан январ апрель ойлари учун 2527 сўм 20 т. солиқ ҳисобланган.

Январ – май ойлари мобайнида у 90700 сўмлик имтиёз олиш ҳуқуқига эга. (18140×5)

1. Унинг солиққа тортиладиган жами даромади 24300 сўмни ташкил этади $(115000 - 90700)$.

2. Январ – май ойлари учун солиқ суммаси 3159 с. 40 т. $(24300 \times 13\%)$.

3. Май ойи учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 631 с. 80 тийинни ташкил этади $(3159 \text{ с.} - 2527\text{с. } 20\text{т})$

Агар фуқаронинг йил ичида асосий иш жойи (ўқиш) ўзгарса у янги иш жойининг бухгалтериясига аввалги иш жойидан йил бошига ишдан кетгунга қадар даврга олинган даромадлар ва

ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома топширади.

Фуқаронинг янги иш жойи (хизмат, ўқиш) да солиқни ҳисоблаш календар йил бошидан аввалги иш жойи ва янги иш жойи (хизмат ўқиш)да олинган жами даромаддан амалга оширилади. Бу ерда тегишли имтиёзлар бўлса чиқарилади.

Агар фуқаро илгариги иш жойидан маълумотнома келтирмаган тақдирда солиқ максимал ставкаси (май 2003 йил учун 32 фоиз) бўйича ушланиб турилади. Маъ лумотнома тақдим этилиши билан солиқ қайта ҳисобланиб чиқилади.

Агар ходимнинг меҳнат мажбуриятлари бўйича аввалги иш жойидан мукофот ва бошқа даромадлар у ишдан бўшатиладиган сўнг тўланса, бу мукофот ва бошқа даромадлар тўланаётган даврда умумий қоида бўйича имтиёзларсиз солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси ва улардан ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бир ойда ичида ўзлари жойлашган жойдаги солиқ идораларига хабар беришлари зарур.

Асосий иш жойидан ташқарида олинган меҳнат ҳақи ва бошқа даромадлардан солиқ ҳисоблаш даромадлар тўланган манбанда ҳар ойда календарь йилининг бошидан ошиб борувчи якун бўйича имтиёзларсиз ҳисобланади.

Агар асосий иш жойидан ташқарида меҳнат ҳақидан даромад олувчи фуқаро ўзининг даромадидан максимал ставкада солиқ ушлаш ҳақида шу ерда ариза берса, даромад тўловчи корхоналар солиқ тўловчининг аризасига биноан солиқ ҳисоблашлари керак.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан ташқарида олган даромадларидан солиқ ушлаш уларнинг олган жами даромадлари ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги декларацияга қараб солиқ идоралари томонидан солиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

Асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистондаги, шунингдек унинг ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент – жисмоний шахс доимий жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этадилар.

Чет эллик жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган кундан эътиборан бир ой мобайнида мўлжалдаги даромадлар ҳақида декларация топширадилар. Уларнинг фаолияти календарь йили мабайнида тўхтаган ва у Ўзбекистондан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс олган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги декларацияни белгиланган тартибда қуйидаги муддатларда тақдим этади.

1. Шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтгандан кейин 5 кун ичида (дастлабки) декларация ва

2. Ҳисобот йили тугаши билан кейинги йилнинг 15 январига (охирги), якуний декларация тақдим этадилар.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ ҳисоби ҳамда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиш мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлари, солиқ ҳисоби ҳамда жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун топширилиши кўрсатилган бўлади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчи беш кун муддатда бу ҳақда солиқ органига ёзма равишда хабардор қилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоблар ҳамда даромадлар ҳақидаги декларацияни тақдим этиши шарт.

Юқоридаги ҳужжатлар қонунларда белгиланган шаклда ва тартибда тақдим этилади.

6. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни қуйидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

1. Ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ва фуқоролик – ҳуқуқий шартномалар бўйича тўловларни амалга оширувчи, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

2. Нодавлат пенсияларини тўловчилар;

3. Жисмоний шахсларга дивидентлар ва фоизлар тўловчилар, банклар, акциядорлик ва ҳиссадорлик жамиятлари.

4. Норизидентларга, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаганларга тўловларни амалга оширувчилар.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўз вақтида ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Манбаида ушлаб қолинган солиқлар қуйидаги муддатларда бюд.кетга тўланади:

1. Даромад тўловчи юридик шахслар томонидан ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади.

2. Тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушаган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган, ой тугагандан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилади.

Юридик шахслар жисмоний шахснинг талабига кўра унга унинг даромади суммаси ва тури, ушлаб қолинган солиқ суммаси кўрсатилган маълумотнома ёзиб берадилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахсларнинг рўйхат рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида топган даромаднинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномаси молия йили тугагандан сўнг 30 кун ичида солиқ идорасига тақдим этиш шарт.

7. Жисмоний шахслар даромадига солиқни тўлаш муддатлари.

Резидент жисмоний шахслар жами йиллик даромад ҳақидаги дакларация маълумотлари бўйича қайта ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай даромад солиғи йил мабайнида қайта ҳисобланганда эса, декларация солиқ идорасига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида тўланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғини қуйидаги тартибда тўлайдилар:

Тўловчи йилнинг ҳар чорагида ўтган йилги даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган йиллик солиқ суммасидан 25 фоизни солиқни

биринчи марта тўлайдиган тўловчи эса – жорий йилда олиш мўлжалланган даромад бўйича солиқ органи унга ҳисоблаб берган сумманинг 25 фоизини тўлайди. Йил мабайнида тўловчининг даромади анчагина кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўловчи солиқ тўлашнинг бошланмаган муддатлари бўйича даромад солиғи суммаларини қайта ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Йил туташи билан йиллик солиқ суммаси ҳақиқий олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ана шу сумма билан йил мабайнида тўланган сумма ўртасидаги фарқ кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай, тутаган даромад манбаи бўйича эса, 15 кунлик муддатда тўловчидан ундириб олиниши ёки унга қайтариб берилиши керак.

Жисмоний шахслар даромадига солиқнинг йил мабайнида тўлаб борган жорий суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Қатъий ставка билан солиқ тўловчи тадбиркорлар учун солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва фаолият бошланмасдан олдин солиқ суммасини тўлаб қўйган бўлишлари шарт. Акс ҳолда уларга фаолият юритиш учун рухсатнома берилмайди.

8. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 13 июн 208–сонли қарори ва «Алоҳида фаолият турлари бўйича тадбиркорликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги Низом». Молия вазирлиги ва ДСҚ нинг 2002 йил 7 август қарори).

1. Белгиланган солиқни жорий этилиши солиқ тўловчилар ва солиқ объекти.

Белгиланган солиқ юридик шахс бўмасдан тадбиркорлик билан шуғуланувчи жисмоний шахслар учун белгиланган даромад миқдорига (солиқ тўловчининг олиши мумкин бўлган ялпи даромадига) қараб жисмоний кўрсаткичлар бирлигига қараб ҳисобланади.

Бу солиқ умумдават солиқлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади. Жисмоний шахс тадбиркор мол – мулки ва ери бўлса уларнинг солиқларини тўлайверади. Аммо белгиланган солиқ тўловчилар учун қуйидагиларни тўлаш тартиби сақланиб қолинади.:

– жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик мақсадида товарларни четдан олиб киргандаги ягона божхона тўлови,

– давлат божи,

– савдо ҳуқуқи йиғими, шу жумладан алоҳида товарлар сотиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими

– давлат мақсадли фондларига ажратмалар,

– лицензия йиғими

– тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими.

Белгиланган солиқ тўловчиларига солиққа тортишнинг бошқа тизимини танлашга ҳуқуқ берилмаган.

Белгиланган солиқ тўловчилари қуйидаги сфераларда тадбиркорлик фаолият кўрсатувчи жисмоний шахслар ҳисобланади:

– сартарошлик хизматлари, шу жумладан маникюр, педикюр, косметик хизматлар билан,

– турғун савдо шахобчаларида чакана савдо билан шуғулланиш ва донабай махсулотлар (сомса, кабоб ва.б) бўйича умумий овқатланиш,

– ўйин автоматлари шу жумладан ютуқли ўйинлар,

– маиший хизматлар,

– ўз махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон булка махсулотларини тайёрлаш ва сотиш,

– автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш хизматлари,

– бошқа фаолият турлари (ижарадан ташқари)

Белгиланган солиқ объекти бўлиб даромад олиш билан боғлиқ бўлган аниқ фаолият турини кўрсатувчи жисмоний кўрсаткичлар ҳисобланади.

Буларга: қўйилган буюмлар сони, ўтказиш ўринлари сони, умумий фойдаландиган майдон ижарага олинганини қўшиб киради.

Чакана савдодан турғун шахобчалар орқали бўлса солиққа тортиш объекти бўлиб эгаллаган майдон ҳисобланади.

2. Белгиланган қатъий солиқни ставкаси, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Белгиланган солиқнинг базавий ставкаси, жисмоний кўрсаткичлар, ҳамда ўзгартириладиган коэффецентларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. (Вазирлар Маҳкамасининг 455 – сон қарорининг 9 – 10 сон иловалари).

Белгиланган солиқнинг аниқ ставкаси миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан белгиланади. Бунда савдо ташкилотининг жойлашган жойи эътиборга олинади.

Белгиланган солиқ миқдори жисмоний кўрсаткичлар (жиғозланган ўрин, эгалланган майдон миқдори) ва базавий ставкаларга қараб аниқланади.

Белгиланган солиқ суммаси қуйидаги шакл билан ҳисобланади:

Белгиланган солиқ суммасиқ $J_x \times C$. Бу ерда: J_x – жисмоний кўрсаткичлар; C – белгиланган солиқнинг маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган аниқ ставкаси.

Тошкент шаҳрида бир ой учун солиқ ҳисобини (шартли равишда тузамиз). Жисмоний шахс тадбиркор озиқ – овқат сотиш билан шуғулланади, турғун савдо шаҳобчалари орқали. Эгаллаган майдон 20 кв. метр. Тошкен шаҳри ҳокими томонидан аниқ белгиланган солиқ ставкаси 10 кв. метрга етти минимал иш ҳақи миқдорида: 10 кв. метрдан ортиқ қисмига 0,7 минимал иш ҳақи миқдорида.

1. Эгаллаган майдон	20 кв. метр
2. Минимал иш ҳақи	4535 сўм
3. 10 кв. метр учун белгиланган солиқ суммаси (4535 x 7 мин. иш ҳақи)	31745 сўм
4. Ҳар бир қўшимча кв. метр учун (4535 x 10 x 0,7)	31745 сўм
5. Умумий майдон учун ҳисоб – ланган солиқ суммаси	63490 сўм

Белгиланган солиқ суммаси жисмоний шахслар томонидан ҳисобот ойдан аввал, ҳар ойда солиқ идорасининг ёзиб берган тўлов хабарномаси асосида тўлаб борилади.

Бу солиқ суммаси маҳаллий бюджетга тушади.

Тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган жисмоний шахслар фаолият бошланишидан олдин белгиланган солиқ

ҳисобини тузадилар ва солиқ идораларининг хабарномалари асосида тўлайдилар.

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга Солиқ Кодексида белгиланган жами даромад ва ундан чегирмалар тартиби жорий этилмайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган жисмоний шахслар, юқорида кўрсатилган фаолиятлар бўйича солиқ идораларида ҳисобга ўтиши, рўйхатдан ўтиши зарур. Бунинг учун улар солиқ идорасига ариза билан мурожат этадилар. Солиқ идораси уни шу куни рўйхатдан ўтказиши шарт. Ҳозирги кунларда аризадан ташқари, товаланни келиб чиқиш жойини кўрсатувчи ҳужжатлар (божхона юк декларацияси ва импорт солиқларини тўлаганлиги тўғрисида ҳужжатлар, улгуржи савдо ташкилотларидан товарлар сотиб олганлиги тўғрисида ҳужжатлар) тақдим этилади. Шулар асосида тадбиркорлар даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритиш реестрларини тузадилар, яъний китоб ва касса дафтарлари бўлиши шарт.

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва бозорлар орқали амалга ошириш тартиби.

1. Юридик шахс бўлмасдан якка тадбиркорлик томонидан чакана савдони амалга ошириш.

Якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига руҳсат гувоҳномасини олган тақдирда шуғулланиши мумкин.

Руҳсат гувоҳномаси олиши учун тадбиркорлар турғун савдо шаҳобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур.

1. Тадбиркор чакана сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза,

2. Жисмоний шахснинг якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси,

3. Тадбиркорда чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун моддий техника базанинг мавжудлигининг тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари,

4. Назорат касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида солиқ идорасининг маълумотномаси,

5. Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси

Руҳсат гувоҳномаси тадбиркор томонидан чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, якка тадбиркорликни солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бўзганлик учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

Руҳсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана савдо қилишга руҳсат берилган товарлар туркимлари мажбурий тартибда кўрсатилиши керак. Гувоҳнома аризада кўрсатилган муддатга лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган даврга берилади.

Савдо қоидалари бузилса солиқ идорасининг тақдимномасига биноан гувоҳнома олиб қўйилади.

Савдо айланмаси бир ҳафта ичида мавжуд бўлмаса, нақд пулни инкассация қоидалари бузилса ДСИ тақдимномасига биноан гувоҳнома олиб қўйилади.

Чакана савдони турғун савдо тармоқлари орқали сотишда товарларни савдо шахобчаларидан ташқарида, шу жумладан дўкончалар орқали сотишга йўл қўйилмайди.

Чакана савдони амалга оширувчи тадбиркор:

1. Товарларни сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга,
2. Сотилаётган товарларни мувофиқлик сертификатиغا эга бўлиши шарт
3. Товарлар витриналарга қўйилган бўлиши, келиб чиққан мамлақати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи нархномаларда кўрсатилган бўлиши шарт.

2. Якка тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва буюм бозорларида амалга ошириш тартиби.

Юридик шахс бўлмасдан якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар буюм бозорларида чакано савдони фақат қуйидаги ҳолатларда амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар:

1. Ўзлари келтирган импорт товарлар,
2. Ўзлари тайёрлаган товарлар,
3. Бошқа тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар.

Буюм бозорида чакана савдони амалга оширолмаслиги бўлган тадбиркор руҳсат гувоҳномаси олиш учун буюм бозори жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидагиларни тақдим этади:

1. Чакана савдода сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳи кўрсатилган ариза

2. Тадбиркорнинг жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Буюм бозори маъмуриятдан тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома,

4. Чакана савдо ҳуқуқига маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати нусхаси.

Руҳсат гувоҳномаси тадбиркор томонидан чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, тадбиркорликни солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан сўнг берилади. Гувоҳномада сотишга руҳсат берилган товарлар гуруҳлари мажбурий тартибда кўрсатилади.

Руҳсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга берилади.

Буюм бозорларида товарларни чакана сотиш тадбиркорлар томонидан назорат касса машиналар қўллагандан даромадлар ҳисобини мажбурий равишда юритган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Буюм бозорларида чакана савдони амалга оширувчи тадбиркорларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Кимлар жисмоний шахслар даромадига солиғини тўловчилар бўлади? Солиқ объекти ва жами даромадга нималар киради?

2. Жисмоний шахслар даромадларига қандай солиқ ставкалари мавжуд?

3. Жисмоний шахслар даромадига солиқдан қандай имтиёзлар бор?

4. Кимлар даромадга солиқдан тўлиқ озод этилади ва кимларга 4 каррали минимал иш ҳақида имтиёз берилади?

5. Чет эллик жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг қандай хусусиятлари бор?

6. Жисмоний шахслар даромадига солиқ кимлар томонидан ва нималар асосида ҳисобланади?

7. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқни тўлов манбаида кимлар ушлаб қоладилар?

8. Жисмоний шахслар даромадига солиқни тўлаш муддатлари қандай?

9 Қатъий ставкада солиқ тўловчи жисмоний шахсларга кимлар киради?

10. Қатъий ставкадаги солиқ қандай ҳисобланади?

11. Турғун савдо шаҳобчаларида савдо қилувчиларни рўйхатга олиш тартиби қандай?

12. Буюм бозорларида савдо қилувчи тадбиркорларни рўйхатга олишда қандай ҳужжатлар талаб этилади.

2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ.

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчилари, объекти ва солиқ ставкалари

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчилари бўлиб солиқ солинадиган мол-мулкга эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Демак бу ерда мол-мулк солиқ объекти ҳисобланади. Аммо жисмоний шахсларнинг ҳамма мулки эмас, фақат қуйидаги мулклари мол-мулк солиғи объекти ҳисобланади:

а) уй-жойлари; б) квартиралари; в) чорбоғ ва боғ уйлари; г) гаражлар ва бошқа иморатлар; д) бинолар ва иншоатлар қиймати (инвентар қиймати) Қисқача қилиб айтсак иморатлар ва иншоатлар қиймати мол-мулк солиғи объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини ҳар йили келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрларида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор билан тасдиқланади.

Масалан: 2003 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг 30 декабр 2002 йил 455-сон қарори билан жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг қуйидаги ставкаси белгиланган.

	Ўлчов бирлиги	Солиқ ставкаси
Уй жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоатлар қийматидан 1 январь 1998 йилдан қайта ҳисобланган бўлса;	%	0,5
Қайта ҳисобланмаган бўлса	%	7

Жисмоний шахслар мулки қиймати қайта ҳисобланмаган бўлса, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида шартли равишда 1800 м. сўм; бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида 800 м. сўм қилиб олинади.

Масалан: фуқоронинг уй жойлари Тошкент шаҳрида жойлашган, 1998 йил 1 январдан қайта ҳисобланган қиймати 1200 минг. сўм. Бу фуқоро 2003 йилда 6 минг сўм мулк солиғи тўлаши керак. Бордию фуқоро мулкининг қиймати қайта ҳисобланмаган бўлса, Тошкент шаҳрида 1800 минг. сўм қилиб олинади ва бюджетга 9000 минг сўм мол — мулк солиғи тўлайди.

1. Жисмоний шахсларнинг мол—мулкига солиқдан имтиёзлар.

Қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкига (иморатлар, бинолар ва иншоотлар) солиқ солинмайди.

1. «Ўзбекистон қаҳрамони», Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонларига сазавор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг;

2. 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар. Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматини Афғонистон Республикасида ва жангавор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

3. Қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

4. Чернобиль АЭС даги авария оқибатларининг тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинчалик хизматга юборилганларнинг)

5. Пенсиянерларнинг, шунингдек 1 ва 2 гуруҳ ногироноларининг;

6. Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг хизматни ўташ даврида;

7. Ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли ортирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган

ҳарбий хизматчиларнинг ота — оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг).

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулотда вазиятлар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг ички ишлар органларининг хизмат вазифасини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг мулклари солиқдан озод этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар мол — мулк эгасининг танловига биноан мол — мулкнинг фақат бир объектига таалуқли бўлади. Масалан, иккита уй бўлса, биттасига берилади.

Йил мабайнида солиқ тўловчиларда мол — мулк солиғи бўйича имтиёз олиш ҳуқуқи пайдо бўлган, тақдирда уларга солиқ тўлашдан имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб берилади.

Йил ичида мол — мулк солиғи бўйича имтиёз йўқотилган ҳолатда мулкларни солиққа тортишдан имтиёз ҳуқуқи йўқотилган ойдан кейинги ойдан бошлаб солиққа тортилади.

Имтиёзлар фақат мол — мулк имтиёзига эга бўлган шахсларнинг мулки бўлгандагина берилиши мумкин.

3. Жисмоний шахсларнинг мол — мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

Жисмоний шахсларнинг мол — мулкига солинадиган солиқ солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун каммунал хизмат кўрсатиш идораларининг инвентаризация қиймати асос қилиб олинади. Бу ерда иморатлар, бинолар ва иншоатлар бўйича ҳар йил 1 — январ ҳолатидаги қиймат олинади. Каммунал идоралар инвентаризация қилмаган бўлса — мазкур объектларнинг қиймати Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган сумма атрофида солиққа тортилади (солиқ ҳисобланади)

Мол — мулк солиғи бўйича имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни солиқ идораларига тақдим этадилар.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоатлар учун мол — мулк солиғи ҳар бир мулкдорнинг мулкдаги улушига муносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоатлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол – мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Мол – мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол – мулк солиғи ундириш улар йўқ қилган ёки бўтунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол – мулкка мулк ҳуқуқи календарь йил давомида бир мулкдан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 – январидан бу мол – мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди янги мулкдор эса – мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди. Календарь йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда солиқ ана шу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол – мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга солиқ идоралари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солиқ тенг улушларда икки муддатда 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади. Солиқ ошиқча тўланган бўлса, келгуси давр қарзларига етказилади ёки ёзма аризасига биноан бошқа солиқ ва йигимлардан қарзи бўлмаса 30 кун ичида қайтарилади.

Қайтариш учун саволлар.

1. Жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғини тўловчиларга кимлар киради ва солиқ ставкасини ким белгилайди?
2. Жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғидан қандай имтиёзлар берилади?
3. Жисмоний шахслар мол – мулк солиғини ким ва нима асосида ҳисоблайди?
4. Жисмоний шахслар мол – мулк солиғи қачонгача тўланиши керак?

3–БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ. (Асос: Адлия Вазирлиги томонидан 1118–сон 27 март 2002 йилда рўйхатга олинган йўриқнома)

1. Ер солиғи тўловчилар ва жисмоний шахслар учун ер солиғи объекти.

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари бўлади.

Ер солиғи тўловчиларини солиқ идоралари ҳар йили йил бошига ҳисобини олиб боради.

Жисмоний шахслар учун ер солиғи объекти ер

участкаларидир. Қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади;

1. Турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ерлар;

2. Якка тартибда уй – жой қурилиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4. Хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

5. Мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олинishi натижасида уй – жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш учун ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалар;

Берилган ерлардан икки йил мабайнида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади.

2003 йилдан бошлаб агар ер участкаларига мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаса, солиқ бутун майдон учун қўйида кўрсатилган ошувчи коэффицентларини қўллаган ҳолда тўланади.

2. Ер солиғи ставкалари ва ер солиғидан жисмоний шахслар учун имтиёзлар.

Ер солиғи ставкалари ҳар йили янги йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади 2003 йилдан бошлаб ер солиғи ставкаси 1,2 коэффецент билан индексация қилинган.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифатида ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар ер солиғи бўйича имтиёзга эгаллиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар, майдони давлат ҳоқимияти органлари томонидан ажратилганидан кўп бўлган ер участкалари учун ер солиғининг 1,5 ошувчи коэффиценти билан тўлайдилар.

Ер участкасининг жойлашишига қараб қишлоқ жойлари учун ер солиғи ставкасига қўйидаги коэффецентлар қўлланилади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда — 1,30

Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ўн беш км радиусда — 1,20

Туманлар марказидан 10 км радиусда — 1,15

Бошқа шаҳарлар 5 км радиусда — 1,10

Агар ерлар Ўз. Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳоқимияти органларининг қарорига мувофиқ ижарага олинган бўлса, жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келушуви асосида белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиқ эҳтиёжлари учун фойдаланганда эса — бир ставка миқдорида бўлиши лозим. Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига ер сифатига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффицентлар қўлланилади:

— тупроқ бонитети 40 балгача бўлса — 0,75,

— тупроқ бонитети 41 балдан 70 балгача бўлса — 1,0

— тупроқ бонитети 70 балдан ортиқ бўлса — 1,25,

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақсадида фойдаланилаётган ерлар учун солиқ ставкаси юридик шахсларга белгиланган ставкада қўлланилади.

Ер солиғидан имтиёзлар икки гуруҳга бўлинади;

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган ер участкалари;

2. Ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод этилган жисмоний шахслар.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидагилар киради;

1. Якка тартибда уй — жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалиқ юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар — ер берилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

2. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоротив ҳолатни яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар —

лойиҳада назарда тутилган муддатга лекин ишлар, бошлангандан эътиборан беш йилгача.

3. Янги тут кўчати ўтказилган ер участкалари қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъий назар уч йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтказилган тут кўчатлари эгаллаган ерлар солиқ тўлашдан уч йилга озод этилади, бунга кўчат ўтказилган йил ҳам киради. Кузда ўтказилган кўчатлар ўтказилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади. Солиқ кодексининг 101 моддасида солиқдан озод этилган бошқа ерлар бор. Аммо, улар жисмоний шахсга тегишли эканлиги айтилмаган.

Агар ерлар ўз ўрнида фойдаланилмаса имтиёз йўқолади. Ер кодексининг 55 моддасига кўра қишлоқ хўжалик кооператив аъзоларига, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига шу ташкилотлар ерларидан деҳқон хўжалиги юритиш учун суғориладиган ерлардан 0,35 га. гача, лалмикор ерлардан 0,5 гача яйловлардан 1 га. гача меърларда ер ажотиб берилади. Бу фақат қишлоқ жойларида яшовчи деҳқон хўжаликларига берилади.

Ер кодексининг 27 моддасига биноан шаҳар ва қўғонларда яшовчиларга якка тартибда уй – жой қуриш учун 0,06 га ер ажратилиб берилади.

Ер солиғидан тўлиқ озод этиладиган жисмоний шахсларга қуйидагилар киради:

1. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2. Ўзбекистон Қаҳрамони: Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар. 1941 – 1945 йиларидаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3. Хизматни Афғонистон Республикасида ва жангавор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари – хизмат муддатига;

5. I ва II гуруҳ ногиронлари;

6. Ёлғиз пенсониерлар; уларга бир ўзи ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон бола билан бирга алоҳида уй, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсониерлар киради.

7. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар; Буларга ота – онадан бири ёки иккаласи вафот этган ва оилада 16 ёшга етмаган беш нафар ва ундан кўп болалар бўлган оилалар киради.

8. Концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари, Чернобил АЭС даги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9. Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган вақдан эътиборан беш йилгача;

10. Илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар.

Ушбу имтиёзлар якка тартибда уй жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан тадбиқ этилади. Меъёрдан кўп ерга эга бўлганлар шу қисмидан ер солиғини 1,5 ошувчи коэффициент билан тўлайдилар. Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озода этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оиллага тадбиқ этилади.

3. Жисмоний шахслар ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғининг ҳисоблаш учун солиқ идоралари шаҳар, туман ер фонди маълумотлари ҳокимликларнинг қорорлари асосида ҳамда уйма уй юриб ўтказилган текширишлар асосида ер участкалари майдонини аниқлаб чиқадиладар.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи ҳар йилнинг бошида солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва тўлов хабарномаси ёзилади.

Ер солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси ҳар йили солиқ идоралари томонидан 1майдан кечиктирмай жисмоний шахсларга етказилади. Улар жисмоний шахсларга шахсан топширилиши лозим.

Жисмоний шахслар ер солиғини жорий йилнинг 15 июнь ва 15 декабрига қадар тенг бўлиб тўлаб қўйишлари шарт. Акс ҳолда

солиқдан боқиманда пайдо бўлади ва солиқдан ташқари пеня (айбона) тўлашга тўғри келади.

Солиқ ўтган йилларда ундирилмаган бўлса солиқ идоралари аввалги уч йил учун солиқ ҳисоблаб ундириб олишга ҳақли. Ўтган йиллар учун ундирилмаган солиқ суммасига айбона ҳисобланмайди.

Қайтариш учун саволлар:

1. Кимлар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланади?
2. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи объектига нималар киради?
3. Ер солиқ ставкасини ким ва қачон белгилайди?
4. Ер солиғидан жисмоний шахслар қандай имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга?
5. Жисмоний шахслар ер солиғини ким ҳисоблай ва ер солиғини охириги тўлаш муддати қачон?

4. БОБ. МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркиби, ва уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибини ҳам белгилаб беради.

2003 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси, ҳокимиятлар ва Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти томонидан киритиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегара ставкалари:

Солиқлар тури	Чегара ставкалари
1. Инфраструктурани ривожлантириш солиғи	Корхонада қолган фойданинг 8 %
2. Жисмоний шахсларнинг истеъмоли солиғи: – транспорт воситалари учун дизел ёқилғиси ва бензин учун – транспорт воситаларига суюлтирилган газ.	1 литрига 30 сўм 1 кг учун 30 сўм
3. Савдо ҳуқуқи учун йиғим.	Бир ой савдоси учун 3,5
4. Савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим:	минимал иш ҳақи

– алкоголь махсулотларига	1 ой савдоси учун минимал иш ҳақи	5
– тамаки махсулотларига	1 ой савдоси учун минимал иш ҳақи	5
7. Ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими	5 минимал иш ҳақи	

1) Бу ставкалар бутун Республикада ягона белгилангандур.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги йўриқнома қуйидагиларга таъсир этмайди:

- Ягона солиқ тўловчиларига;
- Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига; улар ялпи тушумдан ягона солиқ тўлайди;
- Ягона ер солиғи тўловчиларига, алоҳида товарларга лицензия йиғимидан ташқари;
- Тадбиркорликнинг алоҳида турлари билан шуғулланувчи ва қатъий солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқ қилинмайди.

Ялпи тушумдан солиқ тўловчилар савдо бинолари, майдонлари ва асбоб ускуналарини ижарага берсалар ундан олган даромаддан ҳамма маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлайверадилар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) Мол – мулк солиғи;
- 2) Ер солиғи;
- 3) Инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- 4) Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ихчамлаштирилган солиқ.

5) Чакана савдо билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромаддан ягона солиғи;

6) Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилиш солиғи;

7) Ўз ичига алоҳида товарларга лицензия йиғимини қўшган савдо ҳуқуқи олиш йиғими;

8) Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими олинади.

Мол – мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан киритилади ва бутун республика ҳудудида ундирилади. Уларнинг солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби алоҳида йўриқномалар билан бошқарилади.

Инфраструктурани ривожлантириш ва транспорт ёқилғиларига истеъмол солиғи алоҳида йўриқнома билан белгиланади.

Мол – мулк ва ер солиғидан ташқари солиқларни киритиш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллий ҳокимият органлари томонидан олиб борилади. Солиқларни тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчиларга юклатилган. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўланганлигига асос бўлиб банклар томонидан берилган ҳужжатлар ҳисобланади.

2. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Бу солиқни тўловчилари бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар шу жумладан чет эл инвестицияси билан тузилганлар ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар таркибига тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган нотижорат ташкилотлари, ягона солиқ тўловчилар ягона ер солиғи тўловчилари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари белгиланган даромаддан ягона солиқ тўловчи чакана савдо билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда ҳукумат қарори билан ҳамма солиқлардан озод бўлганлар кирмайди.

Инфраструктурани ривожлантириш солиғи объекти бўлиб ҳамма солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг корхонада қолган соф фойда ҳисобланади.

У фойда корхонанинг молиявий якуни ҳисоботига солиққа тортилгунга қадар фойдадан (170 сатр) чегириб ташлаб аниқланади.

Шу соф фойдадан 2002 йилдан бошлаб саккиз фоиз миқдорида солиқ ҳисобланиб келинмоқда.

Агар корхона молиявий ҳисоботнинг 170 сатрида зарар кўрган бўлса корхона бу солиқдан озод бўлади.

Ҳар чорак ичидаги ойларда корхоналар жорий тўлов тўлайдилар. Бу тўлов суммасини аниқлаш учун аввалги чорақдаги ҳақиқий ҳисобланган суммадан келиб чиқиб тўланади. Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмай чорақлик солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб борилади.

Солиқ ҳисоби солиқ идораларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар топширилган кундан кечиктирмай топширилади. Солиқ ҳисоби ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб тузилиб натижа аниқланади.

3. Реклама солиғи, 2003 йилдан бекор қилинди.

4. Автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи, 2003 йилдан бекор қилинди.

5. Савдо ҳуқуқи олиш йиғими, алоҳида товарларга лицензия йиғими.

Савдо ҳуқуқини олиш йиғими ва олоҳида товарларга, шу жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларига лицензия йиғими тўловчилари бўлиб Ўзбекистон ҳудудида чакана савдо шахобчалари орқали савдо қилувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Чакана савдо шахобчалари магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари, савдо палаткалари ва лотоклар, киёскалар, прилавкалар, аптекалар ва бошқа объектлар давлат ҳокимияти органлари томонидан махсус ажратилган жойида савдо қилсалар киради.

Савдо ҳуқуқи олиш йиғими савдо қилиш учун берилган сертификат (гувоҳнома учун тўланади). У ҳар ойда уч ярим минимал иш ҳақи миқдорида (январь 2003 йил учун 15873 сўм) тўлаб борилади.

Алоҳида товарларга, шу жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларга лицензия йиғими алоҳида тўланади.

Сертификат савдо ҳуқуқи учун 1 ойдан 12 ойгача берилади. У маҳаллий ҳокимият органлари томонидан берилади.

6. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни рўйхатдан ўтказиш йиғими.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими тўловчилари бўлиб, юридик шахслар мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Давлат мулкчилиги асосида тузилган акционер жамиятлари ҳамда деҳқон хўжаликлари бу йиғимдан озод бўладилар.

Янги ташкил этилаётган юридик шахслар учун йиғимни уларни тасисчилари тўлаб юбориши мумкин.

Йиғим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади. У ҳар йилда бир марта беш минимал иш ҳақи миқдорида тўланади.

Бошқа даромадлар. Маҳаллий солиқ йиғимларида ташқари давлат бюджетига бошқа даромадлар ҳам тушади. Буларга конфискация қилинган (суд қарори билан) мулкларни сотишдан тушум, темир йўл, ҳаво йўли, ва алоқа идораларида эгасиз, сўраб олинмаган буюмлар юкларни сўров муддати тўтагандан сўнг сотиб юборишдан тушумлар киради. Уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш алоҳида тартиб қоидаларга асосан амалга оширилади.

Қайтариш учун саволлар:

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга нималар киради?
2. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?
3. Реклама солиғи тўловчилари кимлар ва бюджетга бу солиқни кимлар ўтказиши?
4. Автотранспорт воситалари солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?
5. Савдо ҳуқуқи ва йиғимини ким тўлайди?
6. Рўйхатдан ўтказиш йиғимини кимлар тўлайди?

5–БОБ. СОЛИҚ ХИЗМАТИ ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИ.

1. Солиқ хизмати идоралари тизими – бу солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш ва тўлиқ бюджетга (бюджетдан ташқари фондларга) тушишини назорат қилувчи давлат солиқ хизмати идоралари йиғиндисидир. Давлат солиқ хизмати идоралари уч звенодан ташкил топган:

- 1) Давлат солиқ қўмитаси;
- 2) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармалари;
- 3) Шаҳарлар ва туманлар Давлат солиқ инспекциялари.

Солиқ хизмати идоралари тизимида қуйи звено – давлат солиқ инспекциялари бўлса, юқори звеноси Давлат солиқ қўмитасидир. Ҳар бир звено ўзининг бошқарув аппаратида эга.

Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни билан 29 август 1997 йилда қабул қилинган (Қонуннинг 3 – маддаси).

2. Давлат солиқ хизмати идораларининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- 1) Солиқлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, уларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

2) Солиқ тўловчиларига қонун ҳужжатларга риоя этилиши учун зарур шарт – шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажарилишида ёрдам кўрсатиш;

3) Солиқ сиёсатини рўйбга чиқаришда бевосита қатнашиш;

4) Солиқ объектлари ва субъектларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

5) Солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдир.

3. Давлат солиқ хизмати идораларининг ҳуқуқлари.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунда солиқ идораларининг ҳуқуқлари 14 пунктдан иборат қилиб кўрсатилган. Булар асосан юридик ва жисмоний шахслардан солиқларга тегишли барча ҳужжатларни олиш, солиқ тўловчилари солиқ объектларини яширганда ҳужжатларни ва ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини бузган жисмоний шахсларни лицензияларини патентлари ёки гувоҳномаларини олиб қўйиш, уларни шуғулланишга рухсат берган идораларга топшириш, кассалар ва товар – моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш, товарлар ва материаллар намуналарини, ҳужжатларини олиб қўйиб экспертизага юбориш, солиқ тўловчиларда ҳужжат асосида текширув ўтказиш ва бошқа ҳуқуқлар мавжуд.

Такидлаб ўтиш лозимки, уларнинг асосий вазифаси солиқ тўловчиларнинг файриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво қўзғатиш, даромадлар ва бошқа объектлар яшириш ҳоллари қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағларни давлат даромадига ўндириш ҳақида уларга суриштирув ўтказиш, жиноий иш қўзғатиш ва тергов ўтказиш ҳуқуқларига эга.

4. Давлат солиқ хизмати идораларининг мажбуриятлари қонун бўйича 16 та пунктдан иборат қилиб белгиланган. Улар асосан қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари шарт:

1) Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларни тўғри ҳисоблаб, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши назорат қилишни таъминлаш;

2) Солиқ тўловчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

3) Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларни қўллаш бўйича йўриқнома, услубий қўлланмалар ишлаб чиқишлари ва нашр этиш мажбуриятини олганлар;

4) Солиқ тўловчиларига уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушинтириш;

5) Солиқ тўловчиларига солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказиш ва бошқа мажбуриятлар юклатилган. (Қонуннинг 6 – моддаси).

5. Солиқ назорати турлари. Солиқ назоратининг турлари уч гуруҳга бўлинади:

1) Дастлабки назорат (режа – прагнозлар тузиш, маълумотлар йиғиш ва бошқалар);

2) Жорий назорат (молиявий, солиқ ҳисоботлар, ҳисобларни қабул қилиш текшириш шу ерда дастлабки, режалар бажарилишини таҳлил қилиш ва бошқалар);

3) Сўнгги назорат (жойларга бориб текширишлар ўтказиш, аудит, инвентаризация ва ҳар – хил ревизиялар ўтказиш).

Давлат солиқ хизмати идоралари ҳамма турдаги назоратларни амалга оширадилар. Амалиётда эътиборни кўпроқ ҳужжатлар асосида ревизиялар, тезкор текширишлар ўтказишга қаратилган. Аммо дастлабки назоратга эътибор кучайтириш талаб қилади.

Қайтариш учун саволлар.

1. Солиқ хизмати идоралари тизими нима ва у неча звенодан иборат?

2. Давлат солиқ хизмати идораларининг қандай асосий вазифалари мавжуд?

3. Давлат солиқ идораларининг асосий ҳуқуқлари қандай?

4. Давлат солиқ идораларининг қандай мажбуриятлари мавжуд?

5. Солиқ назоратининг қандай турлари бор?

Қайтариш учун тестлар.

Тест – 1

Солиқ нима?

1. Бу аҳолидан олинадиган йиғим
2. Бу давлат томонидан қонун асосида олинадиган юридик ва жисмоний шахслардан йиғим.
3. Бу қонунчилик асосида миллий даромадни қайта тақсимлаш услуги.
4. Бу қонунчилик асосида давлат томонидан ташкил этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджетига мажбурий тўловларини ифода этувчи пул муносибатларидир.
5. Пул маблағлари фондидир.

Тест – 2.

Солиқлар тизими қандай ҳуқуқий ҳужжатда асосланади?

1. Солиқларни тузилиши ва ундиришнинг аниқ услубларига асосланади.
2. Молия ресурсларни қайта тақсимлашга асосланади.
3. Республика Конституциясига асосланади.
4. Тўғри жавоб йўқ.
5. Солиқ кодекси ва бошқа солиқ соҳасига оид қонунларга асосланади.

Тест – 3.

Солиқ субъекти нима?

1. Қонун бўйича солиқ тўлаш юклатилган юридик ва жисмоний шахслар?
2. Солиқ олينيши лозим бўлган буюм.
3. Солиқ олينيши лозим бўлган даромад.
4. Махсулот (иш, хизмат) сотиш обороти
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 4.

Солиқ оғирлигини ҳақиқий елкасида олиб борувчи ким?

1. Юридик жиҳатидан солиқ тўловчи шахс.
2. Даромаддан солиқ тўловчи шахс.
3. Солиқ оғирлиги қонун асосида юклатилган истеъмолчи шахс.
4. Солиқни манбаида ушлаб қолувчи шахс.
5. Солиқни бюджетга тўловчи шахс.

Тест – 5

Солиқ объектлари нима?

1. Солиқ ҳисобланадиган даромад, харажат, оборот ёки мулклар қиймати.
2. Иш ҳақи, кўчмас мулклар.
3. Махсулот сотиш (иш, хизматлар) обороти.
4. Фақат кўчмас мулклар.
5. Корхонанинг тушуми.

Тест – 6.

Солиқлар манбаи корхоналарда нима?

1. Солиқ тўланадиган даромад.
2. Тўлашга тегишли бўлган даромад миқдори.
3. Банк даромадига тегишли бўлмаган харажатлар.
4. Товарлар сотиш обороти.
5. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган ялпи тушум

Тест – 7.

Солиқ ставкаси нима?

1. Даромаднинг пул бирлиги.
2. Умум даромад суммасидан солиққа тортиш бирлиги миқдори.
3. Мулкдаги (даромададаги) давлатнинг қатъий белгиланган ҳиссаси.
4. Солиқ ундиришнинг фоизи.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 8.

Ўзбекистонда қандай солиқ ставкалари турлари амал қилади?

1. Пропорционал, пропорционал – регрессив, прогрессив ва ноли ставкалар.
2. Қатъий, фискал, тўғри ва эгри ставкалар.
3. Прогрессив, қаттиқ пропорционал ставкалар.
4. Ҳар хил ставкалар.
5. Ягона ставкалар.

Тест – 9.

Солиқларнинг қатъий ставкалари (ўтказиш услубига қараб) нимани билдиради?

1. Мажбурий тартибда белгилашни билдиради.
2. Даромад миқдоридан қатъий назар абсалют (сўм ва тийин) суммада белгиланганлигини билдиради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини томонидан белгиланганлигини билдиради.

4. Қонунчилик асосида белгилашни билдиради.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 10.

Пропорционал солиқ ставкалари нимани билдиради?

1. Қиймат ифодлашда даромад ва мулкка нисбатан белгиланганлигини билдиради.

2. Солиқ тўловчининг даромадига пропорционал (тенг ўсиш) белгиланган фоизни билдиради.

3. Солиқ объектига бир хил фоиз миқдоридан белгиланганлигини билдиради.

4. Тўғри жавоб йўқ.

5. Даромад ошиши билан солиқ фоизини ошишини билдиради.

Тест – 11.

Прогрессив солиқ ставкаси нимани билдиради?

1. Даромад ўсиш билан солиқ ставкаси ўсиб боради.

2. Мулкнинг кўпайиши билан солиқ ставкаси ўсиб боради.

3. Солиқ ставкаси ўзгармайди.

4. Объект ўсиб борса солиқ ставкаси камайиб боради.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 12.

Ноли ставкани ҚҚС солиқ да қўллаш имтиёздан қандай фарқланади.

1. Иккала ҳолатда ҳам корхона имтиёз олади.

2. Ноли ставкада солиқни бюджетга тўлашдан ҳам, маҳсулот етказувчига тўлашдан ҳам озод этилади.

3. Ноли ставкада фақат бюджетга солиқ тўлашдан корхона озод этилади.

4. Ноли ставкада корхона фақат маҳсулот етказувчига солиқни тўлашдан озод этилади.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 13.

Регрессив солиқ ставкаси нимани билдиради?

1. Даромад камайиши билан солиқ ставкаси ўсиб боради.

2. Солиқ объекти (даромад) ўсиши билан солиқ ставкаси камайиб боради.

3. Даромад ўсиши билан солиқнинг ўртача ставкаси ўсиб боради.

4. Ҳар қандай ҳолатда солиқ ставкаси ўзгармайди.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 14

Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади.

1. Прогрессив ва регрессив солиқларига.

2. Тўғри ва пропорционал солиқларга.

3. Эгри ва прогрессив солиқларга.

4. Тўғри ва эгри солиқларга.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 15.

Қандай солиқларни тўғри солиқлар деб аталади?

1. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни.

2. Юридик шахслардан олинадиган солиқларни.

3. Ҳам ҳуқуқий, ҳам ҳақиқий тўғридан – тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзидан олинадиган солиқлар.

4. Ҳақиқий солиқ оғирлиги бўлиб тўланадиган солиқлар.

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 16.

Қандай солиқларни эгри солиқлар деб аталади?

1. Ҳуқуқий тўловчиси бошқа, ҳақиқий тўловчиси бошқа бўлган товар, ишлар хизматлар истеъмолчиларига тушадиган солиқлар.

2. Ҳуқуқий жиҳатидан тўланадиган юридик шахслар солиқлари.

3. Ҳуқуқий жиҳатидан тўланадиган жисмоний шахслар солиқлари

4. Давлат ташкилотлари хизматлари учун йиғимлар (Давлат божи).

5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 17.

Солиқ орқали бошқариш нимани ўз ичига олади.

1. Меҳнат муносабатларини ўз ичига олади.

2. Давлатнинг хўжалик фаолияти, шахсий истеъмолни ўз ичига олади.

3. Юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасидаги иқтисодий (пул) муносабатларни ўз ичига олади.

4. Ички ва ташқий муносабатларни ўз ичига олади.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 18

Солиқ сиёсати нима?

1. Бу солиқларни ҳисоблаш ва ундириш.
2. Бу солиқ бўйича боқимандаларни ундириш ва молиявий чора – тадбирлар қўллаш.
3. Бу давлатнинг солиқ соҳасидаги ҳамма чора – тадбирлари йиғиндиси.
4. Бу молиявий ресурсларни топиш ва тақсимлашдир.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 19.

Солиқлар давлат бюджетининг қайси қисмига тушади?

1. Солиқлар давлат бюджетига кирмайди, бюджетдан ташқари фондларга тушади.
2. Бюджетнинг даромад қисмига тушади.
3. Бюджетнинг харажат қисмига тушади тушади.
4. Бюджетнинг мувофиқлаштириш қисмига тушади.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 20.

Солиқлар қайси бюджет турларига тушади?

1. Фақат умудавлат (Республика) бюджетига
2. Фақат маҳаллий бюджетларга.
3. Фақат туман бюджетига
4. Умумдавлат солиқлари Республика бюджетига маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларга тушади.
5. Тўғри жавоб йўқ.

1–вариант.

Тест – 1.

Қуйидагилардан умумдавлат солиғини белгиланг.

1. Кичик корхоналарнинг ягона солиғи
2. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи.
3. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи
4. Тадбиркорларнинг фаолият турларига қараб олинадиган қатъий ставкадаги солиғи
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 2.

Қуйидагилардан умумдават (Республика) бюджети манбаи бўлган тўловни аниқланг.

1. Жисмоний шахсларнинг сув солиғи (тадбиркор)
2. Тадбиркорликни рўйхатга олиш йиғими
3. Жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғи.
4. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 3.

Қуйидагилардан маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларни аниқланг.

1. Савдо ҳуқуқи олиш йиғими.
2. Алкогол махсулотлар сотиш ҳуқуқи олиш лицензия йиғими.
3. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи
4. Акциялар чиқаришни рўйхатга олиш йиғими.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.
6. Фақат 1,2,3 жавоблар тўғри.

Тест – 4

Юридик шахсларнинг даромадига солиқ бўйича солиқ юки кўпроқ бўлувчи солиқ тўловчиларни белгиланг.

1. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи саноат корхонаси.
2. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи қурилиш корхонаси.
3. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи норезидент корхонаси
4. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи ва чет – элда филиаллари бўлган резидент юридик шахс.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 5

Қуйидагилардан қайси бир юридик шахс даромадга (Ф) солиқ тўламайди.

1. Ялпи тушумдан солиқ тўловчи савдо, умумий овқатланиш ва видеокасеталар сотувчилар
2. Марказий банк ва Халқ банклари
3. Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ва ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар.
4. Жазони ижаро этувчи ташкилотлар.
5. Ҳаммаси даромадга (ф) солиқ тўламайди.
6. 2 ва 4 жавоблар тўғри.

Тест – 6

Солиқ амалиётида юридик шахсларнинг даромадига (ф) солиғи объекти қандай ҳуқуқий қужжат асосида аниқланади.

1. Корхона устави
2. Солиқ кодекси
3. Махсулот харажати таннарихи ва молиявий фаолият якуни тўғрисидаги ҳисобот бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февраль 54 – сон қарори билан тасдиқланган низом.
4. Корхона баланси
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 7

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 5 февралда 54 – сон қарори билан тасдиқланган низоми юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахснинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини белгилай оладими?

1. ҳа, шу Низомга асосан белгилаш лозим
2. йўқ белгилай олмайди.
3. қатъий ставкада солиқ тўловчилар белгилайди
4. тўғри жавоб учунчиси
5. тўғри жавоб йўқ

Тест – 8

Юридик шахсларнинг жами даромадига кирадиган даромадларни белгиланг.

1. Илгари олинган зарар қопланади
2. Депонент қарзлар ҳисобдан чиқарилади.
3. Фоизлар туридан даромад олинди
4. Валюта курси тариқасида мусбат фарқ чиқди
5. Жавоблар бари тўғри
6. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 9

Юридик шахсларнинг даромадга (фойда) солиғида жами даромаддан чегириладиган даромадларни тўғри белгиланг.

1. Кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди
2. Қайтармаслик шарти билан олинган мулк
3. Лизинг тўлови
4. Асосий фондларни таъминлаш харажатлари
5. Фақат 1 ва 2 жавоб тўғри
6. Фақат 3 ва 4 жавоб тўғри

Тест – 10

Банклардан жами даромаддан чегириб ташланадиган харажатларни белгиланг.

1. Банк ходимларининг иш ҳақи харажатлари
2. Жисмоний шахслар счётлари бўйича тўланган фоиз тўловлари
3. Хавф – хатар операциялари бўйича резерв ҳисобидан чиқариб ташланган умидсиз қарзлар
4. Тўғри жавоб йўқ
5. Тўғри жавоб 2 ва 3.

2 вариант.

Тест – 1

Юридик шахсларнинг даромадига (ф) солиқда амартизация харажатларини чегириш нима асосида бўлади. Асоси кўрсатилмаганини кўрсатинг.

1. Номоддий активлар бўйича амартизация нормаси йўқ
2. Номоддий активлар бўйича тайёр амартизация нормалари бор.
3. Фойдаланиш муддати аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амартизация ҳисобланмайди
4. Тўғри жавоб йўқ
5. Иккинчи жавоб тўғри.

Тест – 2

Юридик шахснинг жами даромадидан геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик учун харажати амартизация сифатида чегирилса, тўғри миқдорни белгиланг.

1. Ҳамма харажатлар чегирилади
2. 50 % харажатлар чегирилади
3. 15% харажатлар чегирилади
4. умуман чегирилмайди
5. тўғри жавоб йўқ

Тест – 3

Юридик шахснинг жами даромадидан ижтимоий эҳтиёжларга чегирмаларни тўғри белгиланг.

1. Давлатга қарашли бўлмаган пенсия фондларига ажратма
2. Ихтиёрий тиббий суғуртага ажратма
3. Ихтиёрий мулкий суғуртага ажратма
4. Пенсион фондга 35 фоизли ажратма
5. Тўғри жавоб йўқ
6. Тўғри жавоб тўртинчи

Тест – 4

Агар чет эл инвестициялари иштирокидаги янги корхоналар ташкил этилиб экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган махсулотлар шилаб чиқарса улар қачондан бошлаб имтиёз олади.

1. Қўшма корхона тузилди деб эълон қилингандан бошлаб
2. Қўшма корхона рўйхатдан ўтгандан бошлаб
3. Ишлаб чиқариш бошланган пайдан эътиборан
4. Тўғри жавоб 1
5. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 5

Солиққа тортиладиган базани камайтирилишини юридик шахслар даромадига солиқдан тўғри белгиланг

1. Табиатни муҳофоза қилишга кетган ҳамма харажатлар
2. Табиатни муҳофаза қилишга кетган харажатларнинг солиққа тортиладиган базадан 30 фоизи
3. Табиатни муҳофаза қилишга кетган харажатларнинг 30 фоизи
4. Ҳамма жавоблар тўғри
5. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 6

Юрик шахсининг тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссиясининг солиқ идорасига қарорнинг тўғриси бeлгиланг.

1. Ўн кун ичида солиқларни ундириб олади
2. Солиқларни кечиб юбориш ҳақида қарор чиқаради
3. Бир ой муддатга солиқларни тўлашга муддат белгилайди
4. Беш кун муддатда бу ҳақда солиқ инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
5. Ўн кун ичида корхонани ёпишга қарор қабул қилади

Тест – 7

Юридик шахсларнинг товар – моддий бойликларини қийматини қайта ҳисоблашдан чиққан ортиқ суммаси қайси счёта олиб бoрилади, тўғри белгиланг.

1. Фойда ва зарар счётига олиб бoрилиб умумий тарзда солиққа тортилади.

2. У қайта баҳолаш резерв счётига олиб борилиб солиққа тортилмайди
3. У қайта баҳолаш резерв счётига олиб борилиб қайтадан солиққа тортиладиган базага товар сотилганда қўшилади
4. Тўғри жавоб йўқ
5. Тўғри жавоб 1

Тест – 8

Қандай юридик шахслар бюджетга ҚҚСолиқ тўловчилари бўлмайдилар?

1. ҚҚСолиқ бўйича ҳисобга тўрган тадбиркорлар фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.
2. Товар (иш, хизматларнинг) импорт қилувчи юридик шахслар
3. Ҳама юридик шахслар
4. Имтиёз олган юридик шахслар
5. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 9

ҚҚСолиқ бўйича на бюджетга на бошқа корхоналарга солиқ тўламайдиган юридик шахсларни белгиланг.

1. Ҳамма юридик шахслар
2. Солиқдан имтиёз олган юридик шахслар
3. Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтган юридик шахслар
4. Нолли ставкада солиқ тўловчилар
5. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 10

Воситачи ташкилотлар ҚҚСолиқ ни қайси оборотдан тўлашини белгиланг.

1. Воситачилик ҳақи суммасидан
2. Сотилаётган махсулотнинг (иш, хизмат) жами оборотидан
3. Махсулот етказувчидан олган товар боҳосидан
4. Тўғри жавоб йўқ
5. Тўғри жавоб 2

3-вариант.

Юридик шахслар солиқлари.

Тест – 1

Ҳисобланган солиқ суммаси қайси ҳисоб варақ дебетда акс эттирилади?

Сув ресурслари, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ ва чакана савдо билан шуғулланган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромаддан ягона солиғида:

- а) Давр харажатларида (26. Сч.)
- б) фойдадан солиқлар ва йиғимлар тўлашга фойдаланиш счётида (81)
- в) реализация счётида (46)
- г) махсулот таннархида (20)

Тест – 2

ҚҚС, акциз солиғи бўйича ҳисобланган суммаси қайси ҳисобварақ дебетида акс эттирилади?

- а) давр харажатларида счётида
- б) товарлар, ишлар, хизматлар реализацияси счётида
- в) фойдадан солиқлар ва йиғимлар тўлашга фойдаланиш счётида
- г) махсулот таннархи счётида

Тест – 3

Ушбу солиқлардан қайси бирида бўнак жорий тўловлар йўқ?

1. ҚҚС.
2. Акциз солиғи
3. Импорт божи
4. Фойдадан солиқ
5. Мол – мулк солиғи

Тест – 4

Акциз солиғи тўлашдан озод этиладиган товарларни белгиланг.

1. Товарлар экспортга ортилса
2. Ноозиқ – овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сарфласа
3. Тамаки ва заргарлик ноозиқ – овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфласа.
4. Юқоридагиларни ҳаммаси озод этилади.
5. Фақат биринчи ва иккинчиси озод этилади

Тест – 5

ҚҚСда хизматлар сотишда солиқ объектини белгиланг.

1. Хизматлар обороти
2. Хизматлар сотишдан тушум
3. Хизматлар қиймати
4. Ҳамма хизматлар солиқ объекти бўлолмайди
5. Хизматни сотишдан тушган фойда

Тест – 6

Қуйидагилардан қайси хизматлар ҚҚСсолиқ объекти бўлаолмайди?

1. Йўловчи ва юк транспорти хизмати
2. Кўчмас мулкларни ижарага бериш
3. Воситачилик хизмати
4. Лизинг хизмати
5. Ҳаммаси ҚҚСсолиқ объекти бўлаолмайди.

Тест – 7

Юридик шахсларнинг даромадига фойдасига солиғида солиққа тортиладиган даромадларни камайтиришда шу даромаддан ҳисобланадиган тўғри миқдорларни белгиланг.

1. Инвестицияга олган кредитларни қайтариш харажатлари суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, аммо элик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда.
2. Шу ҳолатни ўзида ўттиз фоиздан кўп бўлмаган миқдорда
3. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 8

Юридик шахсларнинг даромадига солиғида дивидент, даромад қайси ҳолларда солиқдан озод этилади.

1. Дивидент тариқасида олинган даромад, дивидент тўлаган корхонанинг устав капиталига йўналтирилса.
2. Субъектларнинг устав капиталига ҳиссали қатнашишдан олган даромад, даромад берган корхонанинг устав капиталига йўналтирилса.

Тест – 9

Қайси юридик шахс ер учун ижара ҳақи ёки солиғини тўлмайди.

1. Ҳамма юридик шахслар
2. Эгри солиқ тўловчилар

3. Тўғри солиқлар тўловчилар
4. Савдо ва умуми овқатланиш корхоналари
5. Тўғри жавоб йўқ

Тест – 10

Қуйидаги солиқлардан қайси бирлари 1 декабрь 2002 йилдан бекор қилинган.

1. Импорт товарлар бўйича ҚҚСолиқ (юр.шахс)
2. Экспорт товарлар бўйича ҚҚСолиқ (юр.шахс)
3. Импорт божи (юр.шахс)
4. Экспорт божи (юр.шахс)
5. Божхона йиғими (асосий йиғим) – жисм.шахс.
6. Божхона йиғими (асосий йиғим) – юр.шахс

Тест – 11

Жисмоний шахслардан 2 йил мабайнида ердан фойдаланмаса ер солиғи қандай миқдорда ундирилади?

1. Бир ярим коэффицент қўлаб
2. Икки коэффицент қўлаб
3. Уч баробар миқдорда
4. Икки баробар миқдорда
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 12

Қайси ҳолатда янги тутзорлар ўтказилган ер участкалари учун қанча муддатга ер солиғидан имтиёз берилади?

1. Тутзорлар оралиғидан 2 йил муддатга фойдаланилмаса
2. Тутзорлар оралиғидан 3 йилга фойдаланилмаса
3. Тутзорлардан тўлиқ барг олабошлаганга қадар

Тест – 13

Тутзорлар эгаллаган ерларга имтиёз бериш қачондан бошланади?

1. Тутлар баҳорда ўтказилса – ўтказилган йилдан бошлаб 3 йилга.
2. Тутлар кузда ўтказилса – шу йилдан бошлаб 3 йилга
3. Тутлар кузда ўтказилса ўтказилгандан кейинги йилдан бошлаб 3 йилга
4. Тўғри жавоб 2 – си
5. Тўғри жавоб 1 ва 3.

Тест – 14

Дехқон хўжалиги қайси ҳолатдан бошлаб 2 йилга имтиёз олади?

1. Юридик шахс бўлса, ер участкаси берилган пайтдан бошлаб
2. Юридик шахс бўлмаса, ер участкаси рўйхатдан ўтгандан бошлаб
3. Юридик шахс бўлса давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб
4. Юридик шахс бўлмаса ер участкаси берилган пайтдан бошлаб
5. Тўғри жавоб 1 ва 2
6. Тўғри жавоб 3 ва 4

Тест – 15

Қуйидаги ҳолларда ер солиғидан юридик шахсларга тўғри имтиёзни белгиланг.

1. Болалар боғчаси корхона қошида тузилган ерга эга.
2. Кутубхона мустақил маданият бўлимига итоат қилади
3. Интернатнинг икки хонаси ижарага берилган.
4. Тўғри жавоб 1 ва 2.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест – 16.

Жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғи йўриқно – масида кимларга имтиёз кўрсатилмаган.

1. Пензионерларга
2. Қаҳрамон оналарга
3. Илгариги шахсий пенсионерларга
4. Меҳнат қаҳрамонларига
5. 1 ва 2 жавоблар тўғри
6. 3 ва 4 лар тўғри

Тест – 17

Мол – мулк солиғидан нотўғри берилган имтиёзни аниқланг

1. Чернобиль АЭС га хизмат сафарига юборилган фуқоролар мулки
2. Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқоролар мулки
3. Ҳарбий хизматни бажаришда орттирган кассаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг турмуш қурган рафиқаси мулки
4. Олтига боласи бўлган аёллар мулки
5. Ногиронлар мулки.

6. 1 ва 2 жавоблар тўғри
7. 3, 4 ва 5 жавоблар тўғри

Тест – 18

Мол – мулк солиғидан жисмоний шахсларга имтиёзлар қайси ҳолатда берилади?

1. Имтиёз олувчи оила аъзоси бўлса
2. Имтиёз бутун оиллага берилади
3. Мол – мулк имтиёз олувчининг мулки бўлса
4. Тўғри жавоб йўқ.

Асосий тушунчалар

Умумий бўлим

Солиқлар билан боғлиқ бўлган учта тизим бор:

1. Солиқлар тизими;
2. Солиқ хизмати идоралари тизими;
3. Солиқларнинг тузилиш тизими.

Солиқлар давлат мулки бўлганлигидан учала тизим олдида ҳам давлат сўзи амалиётда ёзилади, аммо тушунишга осон бўлсин учун уларни ихчамлаштириб берилган.

Солиқ тўловчиларга юридик шахслар ва жисмоний шахслар киради.

Юридик шахслар таркибига: корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар киради.

Жисмоний шахслар таркибига: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет мамлакатлар фуқароси ва фуқаролиги булмаганлар киради.

Мавзу: «Солиқларнинг моҳияти, зарурлиги ва функциялари»

1. Солиқлар — бу ташқи кўриниши жиҳатидан ҳукуматнинг бажарган хизматлари учун ҳақдир. Аммо моҳияти жиҳатидан солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини билдирувчи, давлат пул фондиди шакллантирадиган тўловдир.

2. Солиқларнинг белгилари: мажбурийлик, қатъийлик, доимийлик, тўловчининг шахсан ўзига қайтиб келмаслигидир. Аммо

мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқлар ижтимоий хизматлар тариқасида ҳамма солиқ тўловчиларга қайтиб келади.

3. Давлат бюджети — давлатнинг энг марказлашган пул фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни ифода этувчи пул муносабатларини англатади. У иқтисодий категориядир. Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар баланси шаклида тузилади. Даромадалар асосан солиқлар ва йиғимлардан ташкил топади. Харажатлар эса ижтимоий, тарбия соҳаларига (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, кадрлар тайёрлаш, социал таъминот), меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишга, марказлашган инвестицияларга, давлат хавфсизлигини сақлашга, мамлакат ичида тартибни сақлашга, давлат бошқарувини ташкил этиш, мудофаа ва бошқа мақсадларга йўналтирилади.

4. Бюджетдан ташқари фондлар — бу давлатнинг бюджетидан ташқарида мажбурий ташкил этадиган фондларидир. Бундай фондларга: ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан ташкил этиладиган пенсия фонди, бандлик фонди, касаба уюшмалари фонди, йўл фонди ва Давлат мулк қўмитаси фондалари киради.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар макроиқтисодий фондлар бўлиб давлатнинг жамланган (консолидированный) бюджетини ташкил этади.

5. «Ижтимоий товарлар (хизматлар)» — бу ҳамма жамият аъзолари томонидан истеъмол қилинадиган, лекин харажатлари ўта қимматлигидан бозор «қабул қилмайдиган» товарлар ва хизматлардир. Бу хизматлар жамиятга қимматга тушади. Уларни алоҳида олганда жисмоний шахслар у ёқда турсин юридик шахслар ҳам тўлай олмайдилар ва ишлаб ҳам чиқара олмайдилар. Шунинг учун уларни ишлаб чиқаришни давлат ўз бўйнига олган. Шунга қарамасдан уларни ҳамма юридик ва жисмоний шахслар истеъмол қиладилар. Бу ерда уларнинг солиқ тўловчими, йўқми эканлигига эътибор берилмайди. Шунинг учун «ижтимоий товарлар (хизматлар)» харажатлари ҳамма солиқ тўловчиларга солиқ тариқасида тақсимлаб берилади. Шунда харажатлар оғирлиги камаяди. Бундай ижтимоий товарлар ва хизматларга бюджет ҳисобидан таъминланадиган ижтимоий — маданий харажат — лар, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳуқуқ идоралари, бошқарув идоралари, бозор инфратузилмасини яратиш, марказлашган инвестиция харажат — лари, мудофаа, фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа харажатлар киради.

6. Иқтисодий категориялар функцияси – бу доимий қайтарилиб, узлуксиз ҳаракатда бўлган воқеъликни ифодалайди. Воқеълик муҳим бўлганидан категориянинг моҳиятини очиб беради. Функциясиз категория, категориясиз функция бўлмайди. Воқеъликларни фақат англаш мумкин, куз билан кўриб бўлмайди. Шунинг учун функциялар тўғрисида баҳс бўлиб туради.

7. Солиқларнинг функциялари тўғрисида ягона фикр йўқ. Чунки функция абстракт воқеълик бўлганлиги учун ҳар бир иқтисодчи ўзининг дунёқарашига қараб функция тўғрисида сўз юритади. Функция тўғрисида баҳслашув давом этмоқда. Биз ўз ҳуқуқимиздан фойдаланиб солиқларнинг қуйидаги функцияларни мавжудлигини тан оламиз: хазина (тақсимлаш), назорат ва харажатлар тўғрисида ахборот функцияларидир. Бошқа функцияларга ўз фикримизни кейинроқ билдирамиз.

8. Солиқларнинг хазина функцияси – бу амалиётчилар учун тушунарли ва улар томонидан тан олинган функциядир. Ҳақиқатдан ҳам солиқлар ва йиғимлар охир оқибатда бюджетга (хазинага) тушади. Бу тўғри. Бироқ солиқлар бюджетга тушгунга қадар улар ташкил топган манбаларида (юримдик ва жисмоний шахсларда) уларни тақсимлаш лозим бўлади. Яъни даромадларни бир қисмини давлат ҳиссаси деб ҳисобланиб мажбуран олинаётган вақтда тақсимлашда қатнашаётган давлат ва солиқ тўловчиларнинг иқтисодий манфаатини тўғри эътиборга олиш керак бўлади. Айниқса даромад ишлаб топаётган солиқ тўловчиларни ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини сундириб қўймаслигимиз лозим. Шу ерда солиқлар олинаётганда хазинавий самарадорликни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Яъни арзимаган солиқ олиб солиқ тўловчини ортиқча харажат қилишга ундаслик лозим.

9. Солиқларнинг назорат функцияси – бу солиқ тўловчилар даромади, маҳсулот сотиш обороти, мулк қийматини тақсимлаш жараёнида уларни қонунийлигини, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини солиқлар орқали текшириб, назорат қилиб бориш жараёнидир. Бу жараён солиқларнинг тақсимлаш (хазина) функцияси билан ёнма – ён бирга бориб бажаради. Назоратсиз тақсимлаш бўлмайди. Тақсимлаш бор экан албатта назорат бўлади. Назорат функцияси мавжудлиги махсус солиқ назорати хизмати идоралари бўлишининг назарий асосидир.

10. Солиқларнинг харажатлар тўғрисида ахборот функцияси. Бу солиқларни ўз вақтида, тўлиқ тушганлиги ва тўлиқ сарфланиши тўғрисида доимий ахборот бериб туришдир. Масалан,

Республикамиз бўйича 1999 йилда жами бюджет даромадалари 620,2 млрд. сўм бўлиб ҳаммаси харажат қилинган ва 47 млрд. сўм харажатга даромад етмаган, 2000 йилда эса 2 млрд. сўм бўлиб 34 млрд. сўм харажатга даромадлар етмаган. Демак солиқлар доимо давлат қанча сарфлаётганлиги тўғрисида ахборот бериб шу функцияни бажаради.

11. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси. Бир гуруҳ иқтисодчилар солиқларга рағбатлантириш функция хос деб ёзадилар. Бу солиқ имтиёзлари орқали ишлаб – чиқариш, меҳр – мурувват фондлари тузиш ва ижтимоий мақсадларга маблағ йўналтириш ва қизиқтириш жараёнидир деб тасдиқлайдилар. Аммо бу воқеъликни ривожлантириш яъни имтиёзларни тўлиқ бера борилса бизнинг фикримизча солиқнинг ўзи тугаб кетиш хавфи бор. Бу воқеълик вақтинчалик бўлиб солиқларнинг функциясини эмас, бизнинг фикримизча вазифасини бажаради. Умуман давлатнинг ҳар қандай солиқ олдиға қўйган вазифаларини солиқ бажара олади. Аммо у функция эмас солиқ вазифаларидан бириға киради. Вазифалар хилма – хил бўлиб бир вақт бўлса, бошқа вақт тугаб кетади.

12. Солиқларнинг иқтисодиётни бошқарув функцияси. Иккинчи бир гуруҳ, иқтисодчилар солиқлар имтиёз бериш ва ҳар хил жазолар қўллаш йўли билан иқтисодиётни бошқариб борадилар деб айтадилар. Иқтисодиётни ҳақиқатдан ҳам пул, кредит ва солиқлар орқали бошқарилади. Бу бошқариш бизнинг фикримизча доимий бўлмаганлигидан солиқларнинг вазифаларига киради.

13. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). Бу маълум бир даврда (йил) мамлакат ичида бозор баҳосида яратилган ҳамма товарлар ва хизматларнинг қийматидир.

Такрорлаш учун совоплар.

1. Солиқлар нимани англатади?
2. Солиқларнинг қандай белгилари бор?
3. Давлат бюджети нимани ифода этади?
4. Бюджетдан ташқари фондлар нимани ифода этади ва улар таркибига нималар киради?
5. «Ижтимоий товарлар (хизматлар)» тушунчаси нимани англатади?
6. Иқтисодий категориялар функцияси нимани ифодалайди?

7. Солиқларнинг функциялари нималардан иборат?
8. Солиқларнинг хазина функцияси нимани кўрсатади?
9. Солиқларни назорат функцияси нимани англатади?
10. Солиқларнинг харажатлар тўғрисидаги ахборот функцияси нима?
11. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси нима?
12. Солиқларнинг иқтисодийда бошқарув функцияси нима?
13. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нимани ифода этади?

Мавзу: «Ўзбекистонда солиқларнинг тузилиш асослари»

1. Солиқ тузилиш тизими – бу солиқларни ташкил қилишнинг услублари, элементлари ва тамойиллари йиғиндисидан иборатдир.

2. Солиқларнинг ташкил қилиш услублари – икки хилдир: ихчамлаштирилган ва умумий тартибда ташкил қилиш.

1) Ихчамлаштирилган солиқларни ташкил қилиш Ўзбекистон солиқ сиёсатида 1998 йилдан бошланган услубдир. Бундай услубда ташкил қилинган солиқларга: кичик корхоналарнинг ягона солиғи, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва савдо ҳамда умумий овқатланиш ташкилотларининг ихчамлаштирилган (ялпи тушумдан) солиқлари киради.

2) Умумий тартибдаги солиқларни (ихчамлашма – ган) ташкил қилиш. Бу усулга ихчамлаштирилмаган солиқларни ташкил қилиш киради.

3. Солиқ элементлари. Бу солиқларнинг бирон – бир томонини кўрсатувчи қисмидир. Солиқ элементларига солиқ субъекти, объекти, ставкаси, имтиёзлари, манбаи, юки (оғирлиги) ва бошқалар киради.

4. Солиқ субъекти. Бу солиқ муносабатларида қатнашувчи томонлардир. Бизнинг солиқ қонунчилигимизда солиқ субъекти солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслардир. Лекин солиқ муносабатларида албатта бир томонда давлат (унинг номидан солиқ хизмати идоралари) қатнашади ва у солиқларни йиғиб ўзининг пул фондига тушишини назорат килади.

5. Солиқ объекти. Бу солиқ тўловчилар ихтиёрида бўлган даромадалар, харажатлар, мол – мулклар, товарлар (ишлар, хизматлар) оборотидир. Солиқ кодексда ҳар бир солиқнинг ўз объекти алоҳида кўрсатиб берилган.

6. Солиқ ставкаси — солиқни ҳисоблашда қўлланиладиган меъёр (нормадир). У солиқ тўловчининг даромади, мулки, оборотидаги давлатнинг ҳиссаси (улушидир). Солиқ ставкаси Республикамиз солиқ қонунчилигида пропорционал, прогрессив, нолли ва қисман регрессив ставка турларига бўлинади.

7. Солиқ имтиёзлари. Бу солиқлардан қисман, тўлиқ, вақтинчалик энгиликлар бериш ва солиқ базасини камайтириш йўли билан имтиёзлар беришни ифода этади.

8. Солиқ манбаи. Солиқ нимадан тўланса, ўша нарса солиқ манбаи бўла олади. Тўғри солиқларда солиқ манбаи даромадлардир. Эгри солиқларда эса манбаи товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш обороти тушуми бўлади.

9. Пропорционал солиқ ставкасида ставка ўзгармасдан даромад, оборот, харажат ошган тақдирда ҳам ставка пропорцияси ўзгармайди. Масалан, қўшилган қиймат солиғида, мол — мулк солиғида объект 10 м. сўм бўлса ҳам, 100 м. сўм, 1 млн. сўм бўлса ҳам ставка 20 фоиз ёки 5 фоиз сақлашиб қолаверади, яъни пропорция ўзгармайди.

10. Прогрессив солиқ ставкаси. Бў ставкада даромад ёки бошқа объект қиймати ошиб бориш билан бирга солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Масалан, бизнинг солиқ қонунчилигимизда жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича шундай ставка қўлланилади.

11. Регрессив ставка. Бу солиқ ставкасида даромад ошиши билан ёки солиқ объекти ўзгариши билан солиқ ставкаси камайиб боради. Мустақиллик йилларининг бирида (1995 й.) ҳар бир фоиз ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига қараб 0,3 фоиз солиқ ставкаси камайтирилган эди. 2001 йилдан бошлаб эса чет эл инвестицияси билан тузилган қўшма корхоналар маҳаллий хом — ашёдан фойдаланиш ҳиссасига қараб фойдага солиқдан камаювчи коэффициентлар белгиланган.

12. Нолли солиқ ставкаси. Бу бизнинг қонунчилигимиз бўйича фақат ҚҚС бўйича экспортга товар ортса (қатъий валютага сотса), қишлоқ хўжалиги учун ёқилғи — мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотилганда ҳамда чет — эл элчихоналарига, уларда ишлайдиган хорижий давлатлар фуқароларига товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганда қўлланилади. Яъни бу ерда сотиш оборотида ставка қўйиб солиқ ҳисобланмайди, бюджетга ҳам шу товарлар бўйича солиқ тўланмайди. Шу товарларни ишлаб чиқариш учун ишлаган хом — ашё, материаллар, ёқилғиларга тўланган ҚҚС ҳисобга олинади ва йил охирида қолса кайтариб берилади.

13. Солиқ декларацияси. Бу солиқ тўловчилар –нинг солиқ идораларига ўзларининг жами олган даромади, қилган харажатлари ва қонун бўйича солиқдан имтиёзларини кўрсатувчи ёзма равишда берилган ҳужжат – баённомадир. Бу ҳужжат солиқни ҳисоблаш учун солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати идораларига ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмай топштирилади. Ундан чиққан қўшимча солиқ суммаси 1 июнгача бюджетга тўланиши шарт, акс ҳолда ҳар бир кун ўз вақтида тўланмаган суммага (боқиманда) 0,15 фоиз пеня ўндирилади.

14. Солиқ тамоиллари. Бу солиқлар бўйича қатъий бажарилиши лозим бўлган тартиб ёки иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб солиқларнинг қонуни деса бўлади. Солиқ кодексида солиқ қонунчилигининг 5 тамоили кўрсатилган (4 модда). Бобокалонимиз Амир Темур, иқтисодий назариянинг отаси Адам Смитлар ва ҳозирги замон иқтисодчилари (Йоҳим Ланг) ўзларининг такомиллашган солиқ тамоилларини ишлаб чиққанлар. Бу тамоилларга риоя этишлик иқтисодий ривожлантиришни тезлаштириш, бозор иқтисодиётини тўғри тушунишга имкон яратади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ тузилиши тизими нимани англатади?
2. Солиқларни қандай ташкил қилиш услублари мавжуд?
3. Солиқ элементларига нималар киради?
4. Солиқ субъекти?
5. Солиқ объекти нима?
6. Солиқ ставкаси нима?
7. Солиқ имтиёзлари нимани билдиради?
8. Солиқ манбаи нима?
9. Пропорционал солиқ ставкаси қандай ставка?
10. Прогрессив солиқ ставкаси нимани билдиради?
11. Регрессив солиқ ставкаси нимани билдиради?
12. Ноли солиқ ставкаси қайси солиқда қўлланилади?
13. Солиқ декларацияси қандай ҳужжат?
14. Солиқ томонлари нимани ифода этади?

Мавзу: «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати»

1. Давлат сиёсати — давлатнинг ижтимоий — иқтисодий, сиёсий соҳаларида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чора — тадбирлар йиғиндисиدير.

2. Давлатнинг солиқ сиёсати — бу солиқ соҳасидаги давлатнинг аниқ мўлжалланган ҳуқуқий меъёрлар ва амалга ошириб бораётган чора — тадбирлари йиғиндисиدير. Солиқ сиёсатида ҳам давлат ислоҳотларни аста — секин, босқичма — босқич олиб бормоқда.

3. Солиқ стратегияси — бу давлатнинг ўзоқ йилларга мўлжалланган солиқ соҳасидаги йўналишлар йиғиндисиدير. Бу стратегия одатда 5, 10, 15 йилларга мўлжаллаб тузилган концепциялар йиғиндиси шаклида ташкил топади. У узоқ вақтлар ўзгармайди.

4. Солиқ тактикаси — бу давлатнинг солиқ стратегиясини маълум қисқа муддатларда (чорак, йил) ҳаётга тадбиқ қилиш чора — тадбирларидир. Бу тадбирлар одатда солиқлар бўйича қонунлар ишлаб чиқиш ва уларга керак бўлган вақтда ўзгартиришлар киритишдан иборат. Солиқ тактикаси мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига қараб ўзгариб туриши мумкин. У стратегияни бажарилишини амалда бошқариб боради.

5. Солиқ концепцияси — бу солиқларни ташкил қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишдир. Бу ҳам узоқ йилларга (5, 10, 15) мўлжалланган бўлади. Солиқ концепциялари асосида солиқ стратегияси — яъни ҳамма йўналишларни ўзида мужассамлаштирган ягона стратегия тузилади.

6. Солиқ механизми — бу субъектив тушунча бўлиб, ўз ичига солиқ турлари, элементлари, ташкил қилиш усуллари, солиқ қонунчилиги, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш устидан давлат назоратини ўтказишни олади. Бошқача қилиб айтсак, солиқ механизми солиқлар тизими, солиқларни тузилиш тизими, солиқ идоралари хизмати тизими ва солиқ соҳасидаги ҳамма хужжатларни ўз ичига олади. Бу тушунчадан фойдаланиш солиқларни ҳар томонлама такомиллаштирилган, самарали ташкил қилишни мақсад қилиб қўяди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Давлат сиёсати нимани ифода этади?
2. Давлат солиқ сиёсати нимани билдиради?
3. Солиқ стратегияси нима?
4. Солиқ тактикаси нима?
5. Солиқ концепцияси нима?
6. Солиқ механизми нима?

Мавзу: «Ўзбекистон Республикасининг солиқлар тизими»

1. **Солиқлар тизими** — бу бир — бири билан ўзаро боғлиқ бўлган солиқ турларининг йиғиндисидир. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида (6, 7, 8 моддалар) солиқлар тизими — умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборатлиги кўрсатилган. Аммо солиқ ислохотларини давом эттириш солиқларни баъзи соҳаларда ихчамлаштирди, баъзида солиқлар (тўловлар) турларини кўпайтирди.

2. **Солиқларни гуруҳлаш** — бу илмий услуб бўлиб солиқларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш мақсадида ажратиб чиқишдир.

Солиқларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- а) иқтисодий моҳиятига қараб: тўғри ва эгри солиқларга;
- б) солиққа тортиш объектига қараб: даромад, оборот, харажатлар ва мулк қийматига қараб олинадиган солиқларга;
- в) бюджетларга тушиш йўналишига қараб: умумдавлат (Республика) ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга;
- г) тўловчилар турига қараб (манбаи нуқтаи назаридан): юридик шахслардан олинадиган солиқлар ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар.

3. **Тўғри солиқлар** — бу тўғридан — тўғри солиқ туловчиларнинг даромадидан олинадиган солиқлардир. Бу солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахсдир: ё юридик, ё жисмоний шахс. Бу солиқлар фойда (даромад) ҳисобидан, харажатлар (тўлиқ таннарх — экология солиғида), давр харажати, мулклар қиймати, сув ва ер ости бойликлари ҳажми ҳисобидан бўлса ҳам солиқ даромаддан тўланади. Солиқ оғирлиги (юки) бошқаларга юклатилмайди. Бу солиқларнинг ставкасини кўпайиши ёки камайиши солиқ тўловчилар фаолиятининг молиявий якунига (фойдага) тўғридан — тўғри таъсир кўрсатади. Бу ерда

солиқлар ставкаси оширилса молиявий фаолият қисқаради, аксинча камайтирилса солиқ тўловчиларнинг молиявий фаолиги ошади ва ишлаб — чиқаришни ҳар томонлама ривожлантиришга интилади, чунки шунга имконият яратилади. Бундай солиқларга юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ, мол — мулк солиғи, ресурс солиқлари ва бошқа солиқ ҳамда йиғимлар киради.

4. Эгри солиқлар. Бу ортилган (сотилган) маҳсулот (иш, хизмат). оборотидан олинадиган солиқлардир. Бу солиқларни истеъмолчилар солиқлари ёки устама солиқлар деса бўлади. Чунки улар маҳсулот баҳоси, хизмат тарифи устига қўйиладиган солиқлардир. Бу солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот ишлаб чиқарган, олиб келтирган, иш ва хизмат кўрсатган юридик шахслардир. Лекин уларнинг ҳақиқий тўловчиси маҳсулот (иш, хизматларни) истеъмол қилувчилар, сотиб олувчилардир. Чунки улар маҳсулот баҳоси, иш, хизмат тарифи устига устама тариқасида қўшилиб уларни сотиб олувчилардан, яъни истеъмолчилардан ўндирилади. Бу ерда солиқ оғирлиги (юки) истеъмолчиларга юклатилади. Улар товарлар (ишлар, хизматлар) обороти таркибида бўлади. Эгри солиқларга ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи ва йиғими, реклама солиғи киради. Бу солиқлар моҳияти жиҳатидан юридик шахсларнинг молиявий фаолиятига нисбатан бетараф (нейтрал), кўп босқичли бўлиб, ҳазинавий самарадорлиги баландлиги билан ажралиб туради. Масалан, 2002 йил Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромдаларининг салкам 59,6 фоизи эгри солиқлар ҳисобига шаклланиши мўлжалланган. Бундай солиқлар солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига тўғридан — тўғри таъсир этмайди, фақат солиқ ставкалари ошиб борса маҳсулот (иш, хизмат) сотиш обороти секинлашиши мумкин. Улар истеъмолчиларнинг реал даромадларини пасайтириши мумкин. Бу солиқларнинг ижобий томонларидан бири товар (иш, хизмат) таклифи ҳажмини оширади, талаб билан мувозанатланишига ёрдам бериб, муамаладаги ортикча пулларни қисқартиради, пул муомаласини мустаҳкамлайди.

5. Солиқларни бюджет турларига қараб бўлиниши. Солиқлар бюджет турларига қараб: умум — давлат (Республика) солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларга бўлинади. Умумдавлат бюджети солиқлари Солиқ кодексининг 6 — моддасида, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эса 7 — моддасида кўрсатилган ва уларга киритилган ўзгартиришларда бериб борилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқлар тизими нима ва таркибига нималар киради?
2. Солиқларни гуруҳлаш нима ва қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Тўғри солиқлар нимани ифодалайди ва таркибига қандай солиқлар киради?
4. Эгри солиқлар нимани ифодалайди ва таркибига қандай солиқлар киради?
5. Солиқларни бюджет турларига қараб бўлиниши қандай бўлади?

Мавзу: «Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари»

Маълумки, солиқ муносабатларида икки томон қатнашади: солиқ тўловчилар (бизнинг солиқ қонунчилигимизда улар юридик ва жисмоний шахслар) ва солиқ ўндирувчилар (солиқ хизмати идоралари).

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг учинчи бобида аниқ кўрсатиб берилган.

Солиқ хизмати идораларининг ҳуқуқ ва вазифалари эса «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни билан амалга оширилади. Бу қонун 1997 йил 29 августда «Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган.

1. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари — Солиқ кодексининг 11 – моддасида 7 та пункт билан аниқлаб берилган. Улар қўйидагилардир.

1) Солиқ тўловчилар солиқ идораларидан солиқ қонунчилиги бўйича ахборотлар ва маслаҳатлар олиш;

2) Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларда белгилаб берилган тартибда ва асосларда имтиёзлар олиш;

3) Бюджетга ортиқча тўланган солиқлар ва йиғимлар сўммасини қайтариб бериш тўғрисида ёзма ариза билан мурожат қилиш;

4) Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ идораларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) Солиқ идоралари ўтказган текширув ҳужжатлари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширув

натижасидан норози бўлса солиқ идорасига ўзининг ёзма эътирозларини 10 кун муддат ичида тақдим этиш;

6) Солиқ идораларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳатти – ҳаракатлари устидан юқори солиқ идораларига ёки судга шикоят қилиш;

7) Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тугатиш ҳуқуқларига эгадирлар. Солиқ тўловчилар бошқа қонун ҳужжатларида (Фуқаролар кодексига) кўрсатилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

2. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари.

Солиқ тўловчилар ўзларининг ҳуқуқларини яхши билишдан ташқари, уларга солиқ соҳасида юклатилган мажбуриятларни ҳам яхши билишлари жуда зарурдир. Чунки улар ўз мажбуриятларини тўлиқ билсалар маъмурий, молиявий ва жинойий жазолардан ҳоли бўладилар.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари Солиқ кодексига (12 – модда 7 та пункт билан) белгиланган. Улар қуйидагилардир:

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса бу ҳақда солиқ идорасига 10 кун ичида ҳабар бериш;

2) солиқлар ва йиғимларни тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш. Шу ерда айтилмаган бўлса ҳам ўз – ўзидан келиб чиқадик тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш учун ўз вақтида ва тўлиқ уларни ҳисоблаб бериш жавобгарлиги ҳам солиқ тўловчиларга юклатилган.

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига биноан юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисобларни ёки даромадлар бўйича деқларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ идорасига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, улардан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ идораларига тақдим этиш;

6) солиқ масалаларини теқшириш учун солиқ идораларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ биноларга қиришга руҳсат бериш;

7) солиқ идораларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш мажбуриятлари юклатилган.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари шарт қилиб белгиланган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ тўловчиларнинг қандай ҳуқуқлари бор?
2. Солиқ тўловчиларнинг қандай мажбуриятлари мавжуд?

**Мавзу: «Солиқ хизмати идоралари тизими.
Солиқ идораларининг асосий вазифалари,
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари»**

1. Солиқ хизмати идоралари тизими — бу солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш ва тўлиқ бюджетга (бюджетдан ташқари фондларга) тушишини назорат қилувчи давлат солиқ хизмати идоралари йиғиндиси. Давлат солиқ хизмати идоралари уч звенодан ташқил топган:

- 1) Давлат солиқ қўмитаси;
- 2) қорақолпағистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармалари;
- 3) Шаҳарлар ва туманлар Давлат солиқ инспекциялари.

Солиқ хизмати идоралари тизимида қуйи звено — давлат солиқ инспекциялари бўлса, юқори звеноси Давлат солиқ қўмитасидир. Ҳар бир звено ўзининг бошқарув аппаратига эга.

Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни билан 29 август 1997 йилда қабул қилинган (қонуннинг 3 — моддаси).

2. Давлат солиқ хизмати идораларининг асосий вазифалари. Бундай вазифалар қуйидагилардир:

- 1) Солиқлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, уларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- 2) Солиқ тўловчиларга қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт — шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажарилишида ёрдам кўрсатиш;
- 3) Солиқ сиёсатини рўёбга чиқаришда бевосита қатнашиш;
- 4) Солиқ объектлари ва субъектларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;
- 5) Солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва баргариф этишдир.

3. Давлат солиқ хизмати идораларининг ҳуқуқлари.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунда солиқ идораларининг ҳуқуқлари 14 пунктдан иборат қилиб кўрсатилган. Булар, асосан юридик ва жисмоний шахслардан солиқларга тегишли барча ҳужжатларни олиш, солиқ тўловчилар солиқ объектларини яширганда ҳужжатларни ва ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини бузган жисмоний шахсларни лицензияларини, патентлари ёки гувоҳномаларини олиб қўйиш, уларни шуғулланишига рухсат берган идораларга топшириш, қассалар ва товар – моддий бойлиқлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш, товарлар ва материаллар намуналарини, ҳужжатларни олиб қўйиб экспертизага юбориш, солиқ тўловчиларда ҳужжат асосида текширув ўтказиш ва бошқа ҳуқуқлари мавжуд.

Тақидлаб ўтиш лозимки, уларнинг асосий вазифаси солиқ тўловчиларнинг гайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ўндириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво қўзғатиш, даромадлар ва бошқа объектлар яшириш ҳолларида қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жинорий иш қўзғотиш ва тергов ўтказиш ҳуқуқларига эга.

4. Давлат солиқ хизмати идораларининг мажбуриятлари – қонун бўйича 16та пунктдан иборат қилиб белгиланган. Улар асосан қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари шарт:

1) Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларни тўғри ҳисоблаб, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишни таъминлаш;

2) Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

3) Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома, услубий қўлланмалар ишлаб чиқишлари ва нашр этиш мажбуриятини олганлар;

4) Солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушинтириш;

5) Солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказиш ва бошқа мажбуриятлар юқлатилган. (қонуннинг 6 моддаси).

5. Солиқ назорати турлари. Солиқ назоратининг турлари уч гуруҳга бўлинади:

1) Дастлабқи назорат (режа – прогнозлар тузиш, маълумотлар йиғиш ва бошқалар);

2) Жорий назорат (молия, солиқ ҳисоботларини текшириш, режалар бажаришини таҳлил қилиш ва бошқалар);

3) Сўнгги назорат (жойларга бориб текширишлар ўтказиш, аудит, инвентаризация ва ҳар хил ревизиялар ўтказиш).

Давлат солиқ хизмати идоралари ҳамма турдаги назоратларни амалга оширадилар. Аммо асосий эътиборни жойларда ҳужжатлар асосида текширишга, тезкор текширишга қаратганлар. Аммо дастлабки ва жорий назорат тўлиқ ва сифатли ўтказилса солиқ бўйича қонунбузарликларни тезроқ олди олинади.

Такрорлаш учун саволлари.

1. Солиқ хизмати идоралари тизими нимани англатади?
2. Давлат солиқ хизмати идораларининг қандай асосий вазифалари бор?
3. Давлат солиқ идораларининг қандай ҳуқуқлари бор?
4. Давлат солиқ идораларининг қандай мажбуриятлари бор?
5. Солиқ назоратининг қандай турлари бор?

Мавзу: «Юридик шахслар солиқлари таснифи»

1. Юридик шахслар. Ўз мулкига эга бўлган ва ўз мажбуриятларини шу мулклар билан бажарадиган, солиқ идораларида рўйхатдан ўтган, банкда ҳисоб счега, мустақил бухгалтерия балансига эга бўлган корхона, ташкилот, бирлашма ва уларнинг мустақил шохобчаларига юридик шахслар деб аталади.

2. Солиқ тўловчиларнинг рўйхат рақами (идентификацион номер) — солиқ тўловчининг солиқ идораларидан рўйхатдан ўтганлигини кўрсатувчи далилдир. Бу рақам солиқ тўловчининг тегишли ҳисобот ва ҳисобларини, бошқа ҳужжатларини тез топишда ёрдам берувчи сондир.

3. Солиқ қонунчилиги бузилганда қўлланиладиган жазолар (санкциялар) — бу имтизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ қонунчилиги бузилганда бериладиган жазолардир. Улар уч хил бўлади: маъмурий, молиявий ва жиноий.

Маъмурий жазолар юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилади. Молиявий жазолар ҳам юридик шахслар ҳам жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади. Солиқ кодексининг 135—моддасида молиявий жаҳолар таркиби 9 та бандлар билан баён этилган. Молиявий жазонинг энг бошланғич

турига солиқни ўз вақтида тўламай боқимондага йўл қўйган вақтларда 0,15 фоиз ҳисобланадиган айбона (пеня), даромадлар ва бошқа солиқ объектлари яширилганда қўлланиладиган жарималар (штрафлар) қиради. Молиявий жазолар қўллаб бўлингандан сўнг жиноий жазолар қўллаш мумкин. Жиноий жазо солиқ объектларини атайлаб, қасдан солиқ тўламаслик мақсадида, йирик ва ўта йирик суммаларда яширилганда қўлланилади. Бу жазолар Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексининг бир неча баёнларини қўллаш йўли билан энг кўпи билан беш йил қамоқ жазосигача ҳар хил шартлар билан амалга оширилади. Жиноий жазо текширув идораларининг берган ҳужжатлари асосида судлар қарорлари билан белгиланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Юридик шахслар деб қимларга (нималарга) айтилади?
2. Солиқ тўловчиларнинг рўйхат рақами (идентификацион номер) нимани ифода этади?
3. Солиқ қонунчилиги бузилганда қандай жазолар (санкциялар) қўлланилади?

Мавзу: «Қўшилган қиймат солиғи»

1. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС). корхона, ташкилот ва бирлашмаларда янги яратилган (қўшилган) қийматнинг бир қисмини бюджетга мажбуран олишдир. ҚҚСнинг учта томони бор.

Биринчи томони. корхона маҳсулот (иш, хизмат) сотиб олганда, маҳсулот (иш, хизмат) сотувчиларга тўланадиган ҚҚС суммаси.

Иккинчи томони. Маҳсулот, товар (иш, хизмат) ортувчи (сотувчи) корхоналар ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) қиймати устига қўйиб маҳсулот (иш хизмат) олувчилар, яъни истеъмолчилардан ўндириб олинадиган ҚҚС суммаси.

Учинчи томони. Маҳсулот ортган (иш, хизмат) кўрсатган корхонанинг истеъмолчилардан олган ҚҚС суммасидан, шу маҳсулот (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш учун маҳсулот етказувчилардан олган, маҳсулот (иш, хизматларга) қўшиб тўланган ҚҚС суммасини ажратиб олган фарқи сифатида аниқлаб бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасидир.

2. ҚҚСнинг объектлари турлари — товар ортиш, ишлар ва хизматлар сотиш оборотларидир.

3. ҚҚСдан имтиёзлар. Бу корхонанинг истеъмолчиларга товар ортганда, иш, хизмат сотганда ҚҚСни ҳисобламаслик ҳамда бюджетга солиқ тўламасликни ифодалайди. Бундай имтиёзларни Солиқ кодексда 40 яқин тури бор. Аммо, корхона бу солиқдан имтиёз олганда унинг маҳсулот етказувчиларга тўлаган ҚҚС суммаси ўзининг ишлаб чиққан товарлари (ишлари, хизматлари) харажатига қўшилиб кетади (ҳисобга олинмайди).

4. ҚҚСдан бўнак (аванс) тўлови — бу ҳар ойнинг ичида аввалдан бюджетга ун кунликларда ўтказиб бериладиган суммадир. У жорий ойнинг 15, 25 кунларигача ва кейинги ойнинг 5—санасигача тўланиши шарт. Унинг ҳар сафари бўнак суммаси ўтган ҳисобот ойдаги сумманинг учдан бир бўлаги миқдорида аниқланади.

5. ҚҚС тўловчилари — бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар товарлар импорти бўйича юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади (СКнинг 66 моддаси).

6. Счет-фактура — маҳсулот сотаётган, иш бажараётган ва хизмат кўрсатаётган корхонанинг ортилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларни қабул қилувчи истеъмолчига ёзиладиган ҳужжатдир. Бу ҳужжатни ҚҚС тўловчилар, уни тўламайдиганлар, солиқдан имтиёз олганлар ҳам ёзаверадилар. Солиқ тўламайдиганлар (имтиёз олганлар) счет-фактура шаклининг 6 ва 7 сатрлирада «солиқдан озод» деган белги қўйиб юборадилар.

7. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС — бу сумма корхонанинг маҳсулотни (иш, хизматларни) истеъмолчига сотиб у билан бирга олган ҚҚС суммасидан, унинг ўзига маҳсулот етказувчиларга, иш, хизмат кўрсатганларга маҳсулот (иш, хизматлар) билан бирга тўланган ҚҚС суммасини чегириб ташлаб (ҳисобга олиб) фарқи бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси бўлади.

8. ҚҚС бўйича ҳақиқий ҳисоблашиш — ҳар ойнинг ҳақиқий оборотидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу ерда ҳар ойлик солиқ ҳисоби ўсиб борувчи якун билан кейинги ойнинг 15—санасидан кечиктирмай солиқ тўловчилар жойлашган солиқ идорасига топширилади. Агар солиқ ҳисобида ҚҚС суммаси қўшимча тўлашга тегишли бўлиб чиқса, бу сумма 5 кун ичида бюджетга ўтказилиши шарт.

9. ҚҚС бүйича ҳисобга олинмайдиган ҳолатлар – бу солиқ тўлашдан озод этилган ёки истеъмолчилардан олинган суммадан камайтирмасдан, яъни ҳисобга олмасдан тўлиқ бюджетга ўтказиладиган ҚҚС суммасидир. қуйидаги ҳолатларда солиқ суммаси камайтирилмайди, ҳисобга олинмайди:

1) Сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан ҚҚС тўлашдан озод этилган корхоналар фойдаланса, масалан, ягона солиқ тўловчи кичик қорхоналар, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар, ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, тўлиқ имтиёз олувчи юридик шахслар;

2) ҚҚС тўлашдан озод этилган товарлар (ишлар, хизматлар) сотилса;

3) Сотиб олинган товарлар (иш, хизматлар)ни ишбилармонлик фаолиятига боғлиқ бўлмаган нарсаларга фойдаланилса. Масалан, маориф, соғлиқни сақлаш, социал таъминот ва бошқалар;

4) Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олинса ҚҚС суммасини ҳисобга олишга рухсат этилмайди.

10. ҚҚС суммасини ҳисоблаш. Истеъмолчилардан олинадиган ҚҚС суммаси қуйидаги шакл билан ҳисобланади:

$$1) ++C \text{ суммаси} = \text{СТО} \times H : 100$$

Бу ерда СТО = солиққа тортиладиган оборот;

H = солиқ ставкаси;

100 – фоиз.

2) Агар товарлар (ишлар, хизматлар) баҳоси ўз ичига ҚҚС суммасини ҳам олган бўлса,

$$\text{ҚҚС суммаси} = \text{СТО}' \times H : (H + 100)$$

Бу ерда СТО' – ҚҚС суммаси қўшилган солиққа тортиладиган оборотдир.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) нимани ифода этади ва унинг қандай томонлари бор?

2. ҚҚС нинг қандай объект турлари бор?

3. ҚҚС ни қандай имтиёзлари мавжуд?

4. ҚҚС ни қандай бўнак (аванс) тўловлари бор?

5. ҚҚС тўловчилари кимлар бўлади?

6. Счет – фактура нимани ифода этади?

7. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС қандай аниқланади?

8. ҚҚС бўйича ҳақиқий бюджет билан ҳисоблашиш қандай ҳужжат асосида бўлади?

9. ҚҚС бўйича қандай ҳолатлар ҳисобга олинмайди?

10. ҚҚС суммасини ҳисоблашнинг қандай шакллари мавжуд?

Мавзу: «Юридик шахслар даромадлари (фойда)га солиқ»

1. Юридик шахслар — бу ерда солиққа тортиш мақсадида корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар (шу жумладан уларнинг мустақил шохобчалари) ўзида, ихтиёрида мулки бўлиб, ўз мажбуриятларини шу мулклар билан қайтара оладиган, банкда ҳисоб счегага эга бўлган ва мустақил бухгалтерия баланси булган корхона ва ташкилотлардир.

2. Резидентлар — Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар ёки бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган бўлиб, Ўзбекистондан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслардир. Резидентлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида ҳам чет элда олган даромадларидан солиқ тўловчилардир.

3. Норезидентлар — Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилмаган ёки бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашмаган юридик шахслардир. Норезидентлар фақат Ўзбекистон ҳудудида олган даромадларидан солиқ тўлайдилар.

4. Роялти — бу интеллектуал мулклардан келган даромадлардир. Интеллектуал мулкларга янгилик яратилганлиги тўғрисидаги патент, лицензия, товар белгиси ва бошқалар киради.

5. Инвестиция — корхонанинг ўзи амалга оширган қуйидаги сарфиётлар киради:

а) янги қурилиш шаклидаги капитал қурилишга, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, кенгайтириш ва техникавий қайта қуролантиришга сарфланган маблағлар;

б) иморатлар, иншоотлар, асбоб — ускуналар, транспорт воситалари (уларнинг қисмларини) ишлаб чиқариш мақсадлари учун сотиб олишга сарфланган маблағлар.

6. Жорий тўловлар — даромадга солиқдан ҳар ойнинг 10 ва 25 саналаригача чорак тўлови суммасининг олтидан бир қисми миқдорида тўланадиган бўнак (аванс) тўловлардир. Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ бўйича жорий тўловлар кутилаётган чоракнинг даромади ва солиқ ставкасини қўллаш йўли билан аниқланади ва олтига бўлиш билан белгиланади. Демак бу

ерда жорий тўлов ҳар ойда икки марта чорақлик кутилаётган даромаддан тўланадиган бўнак тўловлардир. Уни аниқлаш учун ҳар чорақнинг 5—санасига қадар солиқ тўловчилар солиқ идораларига баённома топширадilar.

7. Солиқ ҳисоби — бу ҳар чорақда бир марта ўсиб боровчи якун билан ҳақиқий топилган даромаддан келиб чиқиб тузиладиган ва бухгалтерия ҳисоботи топширган кунда солиқ идорасига топшириладиган, корхонанинг ҳақиқий бюджетга тўланиши лозим бўлган даромадга солиги суммасини билдирадиган ҳужжатдир. Йил тугаши билан йиллик солиқ ҳисоби тузилади ва бу ҳужжат корхона билан бюджет ўртасидаги муносабатларни охирига етказди, яъни ҳисобот даври охирида ким кимга қарздорлиги қолганлиги аниқланади.

8. Юридик шахслар даромадлари (фойда)га солиқ — бу юридик шахсларнинг ҳамма фаолиятдан олган даромадларидан (фойда) бир қисмини бюджетга мужбурий тўловидир.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Юридик шахсларнинг қандай таърифи бор?
2. Резидентлар кимлар ва нимани ифодалайди?
3. Норезидентлар кимлар ҳисобланади?
4. Роялти нимани ифодалайди?
5. Инвестицияга нималар киради?
6. Жорий туловлар нимани ифодалайди?
7. Солиқ ҳисоби қандай ҳужжат?
8. Юридик шахслар даромадлари (фойдага) солиқ нимани билдиради?

**Мавзу: «Савдо ташкилотларининг ялпи
Тушумидан ягона солиғи»**

Эслатма. Савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари солиқ тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимига ўтиши муносабати билан, 2002 йилдан бошлаб, умум давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига битта солиқ тўлайдиган бўлдилар. Бу ялпи тушумдан ягона солиғидир. Давлат божи, божхона божи, лицензия йиғимлари ва бюджетдан ташқари фондларга тўлов ҳам бу ташкилотлар учун сақланиб қолинган.

Савдо ташкилотлари фаолият тўрига қараб рўйхат билан коди белгиланган. 71000 дан бошланиб 72100 гача бўлган кодлар савдо ва умумий овқатланишни билдиради.

1. Савдо ташкилотларининг тушумдан даромади –

- а) товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушум
- б) бошқа тушумлардан даромадлар;
- в) молиявий фаолият даромади ва харажати қолдиғи;
- г) фавқулодда даромадлардан ташкил топади.

2. Тикланадиган харажатлар – бу солиққа тортила – диган базани кўпайтирадиган қуйидаги харажатлардир:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот ставкаси атрофида ва ундан ортиқ миқдорда тўланган ссуда ва займ фоизлари;

б) Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

3. Товароборот таркибига кирувчи счетларнинг кредит оборотлари. Буларга «Маҳсулот реализацияси», «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқариш», «Бошқа активлар реализацияси» счетлари ва «Фойда ва зарар» счетининг жарима, пеня ва қатиятсизликдан тушумлари киради.

4. Даромадлилик даражаси – савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг соф даромадини товароборотга нисбати билан аниқланади.

5. Ялпи тушумдан ягона солиқни тўлаш муддати – ҳисобот ойдан сўнги ойнинг 15 – санасига солиқ ҳисоби топширган кун ҳисобланади. Бўнак тўловлар бўлмайди.

6. Савдо ташкилотларининг ялпи тушумидан ягона солиқ. Бу савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятидан олган ялпи даромадининг бир қисмини мажбурий бюджетга тўловидир.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1. Савдо ташкилотларининг қандай кодлари бор?
- 2. Савдо ташкилотларининг ялпи даромадига нималар киради?
- 3. Савдо ташкилотларида қандай тикланадиган харажатлар мавжуд?
- 4. Товар оборот таркибига қайси счетларнинг кредит оборотлари киради?
- 5. Савдо ташкилотларининг даромадлилик даражаси қандай аниқланади?

6. Ялпи даромад солиғини тўлаш муддатлари қандай?
 7. Савдо ташкилотларининг ялпи даромаддан солиғи нимани ифодалайди?

Мавзу: «Акциз солиғи»

1. **Акциз солиғи** — бу ишлаб чиқариш корхоналарида яратилган ёки экспорт ва импорт қилинган баъзи товарлар қийматининг бир қисмини мажбурий бюджетга тўловдир.

2. **Акциз солиғи объекти** — бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар, экспорт ва импорт қилинган баъзи товарлар обороти ҳисобланади. Акциз солиғи тўланадиган товарлар турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили қайта кўриб чиқиб тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган товарлар қиймати ҚҚСни қўшмасдан, акциз солиғи суммаси қўшилиб шартномавий эркин баҳода ҳисобланади.

Шартномавий эркин баҳо корхонанинг ҳисобли баҳосини (ўз ичига таннарх ва фойдани олади) 100 фоизга кўпайтирилиб, 100 фоиздан акциз солиғи ставкасини камайтирилган суммага бўлиш билан аниқланади:

$$\text{Ш.э.баҳо} = \frac{C \times 100}{100 - A_{\text{ст}}}$$

Бу ерда C — корхонанинг ҳисобли баҳоси;

$A_{\text{ст}}$ — акциз солиғи ставкаси.

3. **Акциз солиғини ҳисоблаш.** Товарларнинг шартномавий эркин баҳосини оборотини (Ош.э.баҳо) акциз солиғи ставкасига кўпайтириб 100 га бўлиш билан аниқланади.

$$A \text{ суммаси} = \frac{\text{Ош.э.баҳо} \times A_{\text{ст}}}{100}$$

Импорт товарлар учун солиқ объекти божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қиймати ҳисобланади.

4. **Акциз солиғи тўлаш муддатлари** — товар сотилгандан бошлаб 10 кун тутагандан кейин 3 кундан кечиктирмай тўланади;

Яъни биринчи ўн кунлик учун — жорий ойнинг 13 — санасигача, иккинчи ўн кунлик учун — жорий ойнинг 23 — санасигача ва учинчи ўн кунлик учун — ҳисоботдан кейинги ойнинг 3 — санасигача тўланади.

Реализация (маҳсулот сотиш) куни деб товар жўнатиш хужжатларида кўрсатилган товар ортилган кун ҳисоботланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Акциз солиғи нимани ифодалайди?
2. Акциз солиғи объектига нималар киради?
3. Акциз солиғини ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
4. Акциз солиғини тўлаш муддатлари қандай?

Мавзу: «Юридик шахсларнинг мол–мулк солиғи»

1. Юридик шахсларнинг мол–мулк солиғи – бу корхоналар мулкларининг дастлабки қиймати, ўрнатилмаган мулклар қийматидан ҳисобланиб уларнинг даромадидан бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлардир.

2. Солиқ тўловчилар. Мол – мулк солиғини тўловчилар бўлиб, ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Солиқ тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимига ўтган юридик шахслар ва имтиёз олган юридик шахслар бу солиқни тўламайдилар.

3. Ўртача қиймат. Бу асосий воситалар, номоддий активлар, лизинг шартномаси бўйича сотиб олинган воситаларнинг ҳамда ишга туширилмаган мулклар қийматининг йил боши ва охиридаги суммаларини ярми, бошқа ойлар бошидаги баланс қийматнинг тўлиқ суммалари йиғиндисини 12 – га бўлиш билан аниқланадиган қийматдир. Бу қиймат чораклик ва йил бўйича аниқланади.

4. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун бухгалтерия балансининг қуйидаги счётлари суммалари тўпланиб олинади:

01 – асосий воситалар;

03 – «Узоқ муддатли ижарага берилган (лизинг) мулклар»;

04 – номоддий активлар

– ўрнатилмаган, фойдаланилмаган активлар.

5. Солиқдан жорий тўловлар – суммаси бюджетга ҳар ойнинг 20 – санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 12 – дан бир қисми сифатида тўланади.

6. Бюджетга ҳақиқий тўловлар – чорак, ярим йиллик, 9 – ойлик ва йил туташли билан солиқ тўловчилар ҳисобот давридаги мулкларнинг ҳақиқий ўртача қийматидан келиб чиқиб йил бошидан ошиб борувчи ҳисобот бўйича солиқ ҳисоби тузадилар ва ҳисобдан фарқи чиқса ҳисоб тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун ичида солиқни тўлайдилар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Юридик шахсларнинг мол — мулк солиғи нимани билдиради?
2. Мол — мулк солиғи тўловчилар кимлар бўлади?
3. Ўртача қиймат қандай белгиланади?
4. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун қандай ҳужжатлардан фойдаланилади.
5. Солиқдан жорий тўловлар суммаси қачон бюджетга тўланади?
6. Бюджетга ҳақиқий тўловлар қачон тўланади?

Мавзу: «Экология солиғи ва у билан боғлиқ бўлган тўловлар»

1. **Экология солиғи.** Бу юридик шахсларнинг ишлаб чиқарган, иш, хизмат бажарган ишларнинг тўлиқ таннарх харажатидан ҳисобланиб уларнинг даромадларидан бюджетга тўланадиган мажбурий тўловдир.

2. **Экология солиғи тўловчилари.** Бу товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслардир.

3. **Солиқ объекти.** Бўлиб товарлар ишлаб чиқариш, (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) таннархи ва давр харажатлари ҳисобланади.

4. **Солиқ тўлаш муддатлари.** Солиқ-йилнинг ҳар чорагида, шу солиқдан солиқ ҳисоби топширилган кундан кечиктирмай тўланади.

5. **Экология билан боғлиқ бўлган тўловлар.** Бундай тўловларга атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган буюмлар чиқариб ташлаш учун ҳақ, 1 тонна мотор ёқилғисини ёқилгандаги чиқинди учун ҳақ, сув объектларига ва Республика ҳудуди рельефига ифлослантириладиган чиқиндиларни чиқариб ташлаш учун ҳақ ва Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлар киради. Бу тўртта тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабр қарорига 20 — 1, 20 — 2, 20 — 3 ва 20 — 4 иловалар билан киритилган. Бу тўловлар 2003 йилдан бошлаб бекор қилинди.

- Такрорлаш учун саволлар.

1. Экология солиғи нима?
2. Экология солиғи тўловчи бўлиб қандай юридик шахслар ҳисобланади?
3. Экология солиғини тўлаш муддатлари қандай?
4. Экология билан боғлиқ бўлган тўловларга қандай тўловлар киради?

Мавзу: «Кичик корхоналарнинг ягона солиғи»

1. Ягона солиқ тўловчилар. Бундай солиқ тўловчиларга корхоналарда ишловчилар сони чекланган меъёрдан ошмаган юридик шахслар киради. Бу меъёр қуйидагичадир:

Микрофирмаларда:

- ишлаб чиқариш соҳалари учун – 10 киши;
- савдо, хизмат ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 5 киши.

Кичик корхоналарда:

- саноатда – 40 кишигача;
- қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;
- фан, илмий хизмат қилиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 10 кишигача ишловчи бўлиши шарт.

2. Солиқ объекти. Ягона солиқ объекти 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) Савдо ташкилотлари (харид қилувчи, воситачилик, улгуржи – таъминлов, таъминлов) учун – ялпи даромад;
- 2) Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун – ялпи тушум.

3. Солиқни тўлаш – Ҳар чорақда солиқ ҳисоби топширган кунгача тўланади.

4. Солиқ ставкаси:

- 1) Савдо ташкилотлари (харид қилиш, воситачилик, улгуржи – таъминлов, таъминлов) – ялпи даромадидан 25 фоиз;
- 2) Нотариус (шахсий амалиёт бўйича), брокерлик фирмалари, лотерея ўйинлари ўтказувчи корхоналар – товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан 25 фоиз;
- 3) қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларидан ташқари – сотиш ҳажмидан 5 фоиз;
- 4) Итқисодиётнинг бошқа соҳа корхоналари – сотиш ҳажмидан 10 фоиз солиқ тўлайдилар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ягона солиқни қандай юридик шахслар тўлайди?
2. Солиқ объекти неча гуруҳга бўлинади?
3. Солиқни тўлаш муддати қандай?
4. Солиқнинг қандай ставкалари мавжуд?

Мавзу: «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ»

1. Солиқ тўловчилар. Бу солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчи, ер остидан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

2. Солиқ объектлари — фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажми, техноген ҳосилаларнинг ҳажми, рангли тошлар хом — ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қазри участкаси майдонлари ҳисобланади.

3. Солиқни тўлаш муддатлари қуйидагичадир:

а) фойдали қазилмалар қазиб олганда — ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20 — санасигача;

б) ер қазридан фойдаланганлик учун — 1 йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш кунидан бошлаб 10 кун ичида;

в) қолган ҳолатларда — йилнинг ҳар чорагида, йил чорақлари бўйича ва йиллик ҳисобот топшириш муддатида тўлайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ тўловчиларга кимлар киради?
2. Солиқнинг қандай объектлари мавжуд?
3. Солиқнинг қандай тўлаш муддатлари бор?

Мавзу: «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ»

1. Солиқ тўловчилар — ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи юридик шахслардир.

2. Солиқ объекти — ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадлар учун ер ости ва ер усти манбаларидан фойдаланган сув ресурсларининг ҳажми (куб метр) солиқ объектидир.

3. Солиқни тўлаш муддатлари — амалда фойдаланилган сувнинг ҳажмидан келиб чиқиб ҳар ойда бир марта, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 — кунига қадар тўланади. Чорак давомида солиқнинг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлган корхоналар солиқни йилнинг ҳар чорагида бир марта тўлайдилар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни қандай юридик шахслар тўлайди?
2. Солиқ объектига нималар киради?
3. Солиқни қандай тўлаш муддатлари бор?

Мавзу: «Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини даромад (фойдаси)ни солиққа тортиш»

1. Чет эл юридик шахслари резидентлар ва норезидентларга бўлинади. Резидентлар Ўзбекистондаги юридик шахслар каби солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи норезидент юридик шахслар икки гуруҳга бўлинади:

— доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи ва — доимий муассасаси бўлмасдан фаолият кўрсатувчи юридик шахслар.

Биринчисининг Ўзбекистонда олган даромадалари уларнинг солиқ идораларига тақдим этадиган декларациялари орқали солиқ идоралари томонидан ҳисобланиб чиқилиб солиққа тортилади.

Иккинчи гуруҳ норезидентларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги корхона ва ташкилотлардан олган даромадлари манбаида жами даромаддан ҳеч қандай чегирмасиз солиққа тортилади (ушланиб қолинади).

2. Солиқ тўловчи норезидент юридик шахс доимий муассаса орқали Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб, шу ердаги манбаалардан олган фойда (даромад)дан солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Бу юридик шахслар чет эл қонунчилиги асосида тузилган юридик шахслардир.

3. «Доимий муассаса» тушунчаси — солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида даромад олиш учун фаолият кўрсатаётган ҳар қандай жой ҳамда ҳар қандай ташкилот ёки ваколатли функцияни бажараётган жисмоний шахсдир. Бу тушунча ўз ичига: бошқарув ўрни, бўлим, офис, идора, фабрика, устахона,

шахта, нефть ёки газ, қувури, тош қазииш ёки ҳар қандай фойдали қазилмалар қазиб олувчи жойларни олади.

4. Солиққа тортиладиган базани ҳисоблаш усули — икки хил бўлади: тўғри ва ҳисобли усуллари.

Тўғри усулда солиққа тортиладиган даромад доимий муассасанинг Ўзбекистонда олган жами даромади билан, чет эл юридик шахсининг шу ердаги жами харажатлари (чегирмалари), шу жумладан Ўзбекистонда ва чет элда амалга оширган бошқарув ва маъмурий харажатларини қўшиб **фарқи** сифатида аниқланади.

Ҳисобли усулда эса солиқ базаси даромадни олишдаги харижатлар салмоғига қараб нисбатан ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Солиққа тортиладиган даромадни ҳисоблаш солиқ идоралари томонидан ҳисобот йили учун уларга топширилган даромадлар ва харажатлар декларациясига биноан амалга оширилади.

5. Чет эл юридик шахсининг доимий муассасасини даромад солиғини тўлови муддати.

Солиқ идораси даромадлар ва харажатлар декларациясини қабул қилган кундан бошлаб 10 кун ичида чет эл юридик шахсининг даромад солиғини ҳисоблайди ва тўлов хабарномасини ёзиб беради. Хабарномада солиқни тўлаш муддати хабарнома ёзилган кундан бошлаб бир ой ичида амалга ошириш белгиланган.

6. Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган чет эл юридик шахсининг Ўзбекистонда олган даромади даромад манбаида ҳеч қандай чегирмасиз жами даромаддан Солиқ кодексига белгиланган ставкалар билан тўланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Чет эл юридик шахсларига кимлар киради?
2. Солиқ тўловчи норезидентларга кимлар киради?
3. «Доимий муассаса» тушунчасига нималар киради?
4. Солиққа тортиладиган базани қандай ҳисоблаш усуллари мавжуд?
5. Чет эл юридик шахсининг доимий муассасасини даромад солиғини тўлаш муддатлари қандай?
6. Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган чет эл юридик шахси солиқни қандай тўлайди?

Мавзу: «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи»

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини ошириш ва солиқларни соддалаштириш мақсадида 1999 йилдан бошлаб улар учун ихчамлаштирилган солиқ тизими жорий этилди. Бу тизимга мувофиқ қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар илгариги жами умум давлат солиқлар ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ягона ер солиғи тўлайдиган бўлдилар. Аммо бу юридик шахслар учун агар ишлаб чиқараётган товари акциз ости товарига тўғри келса акциз солиғини ҳам тўлаш тартиби белгиланди. Булардан ташқари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, бадаллар, бож тўлови, давлат божи тўлаш тартиби сақланиб қолди. Ушбу тартибнинг ишга солиниши хўжалиқларни ёрдамчи касбкорлик ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ундаши керак, чунки бундай фаолиятлар натижасида олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

1. Ягона ер солиғини тўловчилар — бўлиб қишлоқ хўжалиғи кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Бу корхоналар ўз хоҳишлари бўйича бюджетга ёки ягона ер солиғи тўловчилар ёки қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ягона солиқ тўловчилари бўлиши мумкин.

2. Солиқ объекти — ягона ер солиғида солиқ объекти хўжаликларнинг ихтиёрларида бўлган ер майдонларидир.

3. Солиқни ҳисоблаш — ягона ер солиғи тўловчилари томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида балл — бонитетига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиғи суммаси қуйидаги шакл билан ҳисобланади:

$H = S_m \times C_b \times K_x$: Бу ерда H — ягона ер солиғи суммаси, S_m — ер майдони, $га$ да; C_b — $1 га$ ерга ер учун солиқнинг базавий ставкаси, сумларда; K_x — тузатиш коэффициентлари.

Суғориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқалар учун ер турларига қараб базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади. Улар Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган бўлади.

4. Солиқни тўлаш муддатлари. Ягона ер солиғи бир йилда икки марта тўланади:

– 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи миқдориди ва 1 декабргача қолган солиқ суммаси тўланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ягона ер солиғини тўловчи юридик шахсларга кимлар киради?

2. Ер солиғи объектига нималар киради?

3. Ер солиғини ҳисоблаш тартиби қандай?

4. Ер солиғини тўлаш тартиби қандай?

Мавзу: «Юридик шахсларнинг (ноқишлоқ хўжалик) ер солиғи»

1. Ер солиғини тўловчилар. Ўзининг мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик шахслар ер солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари, ягона солиқ тўлаш белгиланган кичик корхоналар ва ихчамлаштирилган солиқ тўлаш тизимига ўтган савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари бу солиқни тўламайдилар.

2. Ер солиғи объекти. Юридик шахслар (ноқишлоқ хўжалик) учун ер солиғи объекти бўлиб қуйидаги ер участкалари ҳисоботланади:

– қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб олинган ер участкалари;

– ўрмон хўжалиги учун эгалик қилишга берилган ерлар;

– корхона қуришга, иморатлар, иншоотлар қуришга ёки бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга берилган ерлар;

– мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш ва ундан ҳуқуқий фойдаланиш корхона, иморат ва иншоотлар билан бирга ерга ҳам жорий этилади.

Юридик шахслар учун фойдаланилмаган ер участкалари учун ер солиғи ставкаси икки коэффицентни қўллаб ундирилади.

3. Ер солиғини ҳисоблаш. Ер солиғи тўловчилар томонидан мустақил равишда 1 январ ҳолатига қараб ҳисоблаб чиқилади ва солиқ ҳисоби ер участкаси жойлашган туман солиқ инспекциясига

жорий йилнинг 1 – февралигача топширилади. Бунда ер майдони га ларда ва солиқ ставкаси сумларда ҳисобланади.

4. Ер солиғини тўлаш. Ноқишлоқ хўжалик юридик шахслар ер солиғини хар чорақда бирм арта иккинчи ойнинг 15 – санасигача тўлаб борадилар (15 – феврал, 15 – май, 15 – август, 15 – ноябр).

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ер солиғини тўловчи юридик шахсларга кимлар киради?
2. Ер солиғи объектига нималар киради?
3. Ер солиғини ҳисоблаш қандай?
4. Ер солиғини тўлаш тартиби қандай?

Мавзу: «Тижорат банкларининг солиқлари»

Тижорат банкларининг солиқлари Солиқ кодекси, Марказий банк тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунлар, йўриқномалар ва «Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари томонидан солиқлар тўланиши Тартиби» билан олиб борилади. Бу «тартиб» ЎЗР Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 18 март 677 – сон билан рўйхатга олинган.

1. Тижорат банклари тўлайдиган солиқлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) Даромадга солиқ
- 2) ҚҚС
- 3) Экология солиғи
- 4) Мол – мулк солиғи
- 5) Ер солиғи
- 6) Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- 7) Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи

Тижорат банклари бюджетдан ташқари фондларга ҳам тўловларни тўлайдилар.

2. Солиқ тўловчилар. Юридик шахс мақомини олган тижорат банклари солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Тижорат фаолияти билан шуғуланмайдиган Марказий банк, Халқ банки муассасалари солиқ тўловчи бўлаолмайди.

3. Банкларда даромадга солиқ объекти. Тижорат банкларида солиқ объекти бўлиб банкнинг жами даромади билан унинг фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботи бўйича чегириладиган харажатлар фарқи ва унга тартибнинг 1 – иловаси (икки қисм) бўйича қайта қўшиладиган харажатлар йиғиндисидан иборатдир.

4. Банклар даромадлари таркиби фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар ва бошқа даромадлардан иборат.

5. Солиқ ҳисоби. Тижорат банкларининг солиқ ҳисоби ўсиб боровчи якун билан чорақлар ва йилга тузилади. Тўлаш муддатлари юридик шахслар фойдасига солиққа ўхшашдир.

6. Банкларда ҚҚС объекти. Тижорат банкларида ҚҚС объектига қуйидагилар киради:

1) Инкассация хизматлари (корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан наҳд пулларни йиғиш ва уларни банк кассаларига етказиш);

2) Қимматли қоғозларни сақлаб бериш (депозитарий);

3) Банкнинг маслаҳат ва ахборот хизматлари;

4) Ижара ва лизинг хизматлари;

5) Асосий воситалар ва номоддий активлар сотилиши.

Тижорат банкларида солиқларни тўлаш муддатлари, солиқни ҳисоблаш, тақдим этиш, солиқларни тўлаш тартиби Солиқ кодексида ва шу солиқлар тўғрисидаги йўриқномалар асосида олиб борилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тижорат банклари қандай солиқлар тўлайдилар?

2. Қандай банклар солиқ тўловчилар ҳисобланади?

3. Тижорат банкларида даромадга солиқ объектига нималар киради?

4. Банклар даромадларининг таркиби нималардан ташкил топган?

5. Солиқ ҳисоби қандай даврларга тузилади?

6. Банкларда ҚҚС объектига нималар киради?

Мавзу: «Жисмоний шахслар солиқлари»

1. Жисмоний шахс тушунчаси. Жисмоний шахслар юридик шахслар мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган ёки ҳар хил сабабларга кўра ишламаётган (пенсионер, нафақахўр ва бошқа) шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради.

2. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар хусусияти шундан иборатки, солиқлар жисмоний шахснинг ўзи томонидан,

ўз даромадидан тўланади (импорт товарларга ҚҚС жисмоний шахслар томонидан тўлангани бундан мустасно).

Солиқлар ва йиғимлар бу ерда (меҳнат ҳақидан даромад солиғидан ташқари) нақд пулда тўланади. Бу ерда солиқ тўловчи жисмоний шахс билан солиқ ундирувчи (назорат қилувчи) идоралар ўртасида юзма – юз келадиган пул муносабатлари мавжуд. Бу муносабатлар жараёнида солиқ ундирувчи нихоятда маданиятли, хуш муомула бўлса, солиқ қонунчилиги, солиқ муносабатлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларни (масалан, бюджет харажатлари таркибини) яхши билса солиқ идорали катта мувоффақиятга эришади.

3. Жисмоний шахслар солиқлари таркиби уларнинг тўлайдиган солиқларини 100 фоиз деб ҳисобласак, шундан тахминан; 65 фоизини жисмоний шахслар даромадига солиқ; 3 – 4 фоизини ер солиғи; 3 – 3,5 фоизини мол – мулк (транспорт эгалари солиғини қўшиб); 2 фоизга яқинини ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, импорт товарларига ҚҚС, баъзи импорт ва экспорт товарларига акциз солиғи, реклама солиғи, тадбирқорлиқни рўйхатдан ўтказиш йиғими, автотранспортни қайта сотиш солиғи ва бошқалар ташқил этади.

4. Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш – икки йўл билан амалга оширилади:

1) Даромад тўловчи юридик ва тадбиркор жисмоний шахслар томонидан;

2) Солиқ хизмати идоралари томонидан декларацияга асосан ҳисобланади.

5. Жисмоний шахслар солиғини ўз вақтида тўламаса қўлланадиган жазолар:

1) Боқимонда суммасига хар кунига 0,07 фоиз пеня ҳисобланади;

2) Ёзма равишда огохлантириш зарур;

3) Мол – мулки рўйхат қилиниб ҳужжатлар халқ судига берилади.

Бордию ер солиғидан 3 йил солиқ тўланмаган бўлса, унга пеня ҳисобланмасдан ундирилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Жисмоний шахс тушунчасига кимлар киради?

2. Жисмоний шахслар солиқларининг қандай хусусияти бор?

3. Жисмоний шахслар солиқлари таркиби қандай?
4. Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш йўллари қандай?
5. Жисмоний шахслар солиғини ўз вақтида тўланмаса қандай жазо чоралари қўлланилади?

Мавзу: «Жисмоний шахслар даромадига солиқ»

1. Жисмоний шахсларнинг даромадлари таркиби:

- 1) Меҳнат ҳақи шақлида олинадиган даромадлари;
- 2) Жисмоний шахснинг мулкӣ даромадлари (мулкларни ижарага бериш, ихтиролар бўйича патент ва лицензиялардан);
- 3) Жисмоний шахсларнинг ҳар хил тадбиркорлик фаолиятдан даромадлари.

2. Солиқ тўловчи жисмоний шахс. календар йилда солиққа тортиладиган даромади бўлган ҳар қандай жисмоний шахс даромад солиғи тўловчи бўлиб ҳисобланади.

3. Жисмоний шахсларнинг гуруҳланиши солиққа тортиладиган даромади ва фаолият даврига қараб жисмоний шахслар резидентлар ва норезидентларга бўлинади. Бир йилда Ўзбекистон ҳудудида 183 кун ва ундан ортиқ вақт яшовчи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси резиденти деб аталади. Юқорида кўрсатилган вақтдан қам яшаган жисмоний шахслар норезидент деб аталади.

Резидентлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида олган даромадидан, ҳам Ўзбекистондан ташқарида олган даромадидан солиқ тўлайдилар. Солиқ ставкаси меҳнат ҳақи бўйича 13 фоиздан 32 фоизгача табақалашган, имтиёзли солиқ ставкалари мавжуд. Норезидентлар фақат Ўзбекистонда олган даромадлари бўйича чегирмаларсиз даромад солиғи тўлайдилар.

4. Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи тарзида олган даромадлари турлари. Бу турлардаги даромадлар уларнинг асосий даромадларидир. Бундай даромадларга уларнинг меҳнат шартномаси бўйича ишлардан ва фуқаролик – ҳуқуқий характерга эга бўлган шартномалар бўйича олинган даромадлари киради. Булардан ташқари яна қуйидаги даромад турлари киради:

1) Ишловчиларга сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати билан шу товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ёки сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси (манфий фарқ);

2) Юридик шахснинг ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатларини қоплаш суммалари;

3) Ишчининг корхонадан қарзи суммасини кечиб юбориш;

4) Иш берувчи томонидан ўз ходимлари соғлиги ва ҳаётининг ихтиёрий суғуртаси бадалларини тўлаш харажатлари;

5) Иш берувчи томонидан жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган тўловларни тўлаб юборган суммалари;

6) Иш берувчининг ўз ходимларига тўғридан – тўғри ёки эгри йўл билан даромадларини ташкил этувчи харажатлари. Бундай харажатларга юридик шахс томонидан қилинган коммунал хизмат тўловлари, давлат пенсияларига устама пенсия бериш, йўл билетлари қиймати, озиқ – овқатга қўшимча тўлаб юборишлар, рўзнома ва ойномалар учун тўлаб юбориш, туристик йўлланмалар, спорт клублари абонентлари тўловлари қиради.

Жами даромадга ишловчининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёردаги сафар суммалари қирмайди. Меъёрдан ортиқ сафар харажатлари қисми жисмоний шахснинг жами даромадига қўшилади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган жами даромадига қонунларда руҳсат этилган, ўзининг мулкий жавобгарлиги асосида актив фаолиятидан, товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган ҳамма тушумлар қиради. Аммо ҳозирги тартиб бўйича тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс даромадга қараб эмас, балки фаолият турлари, жойларига қараб Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган солиқни тўламоқдалар.

5. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкалари.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг унга киритилган ўзгаришлари бўйича 2003 йил ҳолатига қуйидаги гуруҳ ставкалари мавжуд:

1) Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофатлар ва бошқа даромадлари – дифференциал ставкалари;

2) Жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизларига ставкалари;

3) Манбаида тўланган норезидентлар даромадларига солиқ ставкалари;

4) 13, 20 ва 25 фоизли имтиёзли солиқ ставкалари.

Жисмоний шахснинг иш ҳақи, тақдирлашлар ва бошқа даромадлари суммасидан 2003 йилдан бошлаб қуйидаги миқдорда солиқ ушлаш жорий этилган:

Ялпи даромад миқдоридан	Солиқ суммаси
Беш каррали минимал иш ҳақиғача	13 фоиз
Беш карралидан ўн каррали минимал иш ҳақи миқдоригача	Беш каррали минимал иш ҳақидан солиқ суммаси + ошган қисмидан 22 фоиз
Ўн каррали минимал иш Ҳақидан ошган қисмига	Ўн каррали минимал иш ҳақидан солиқ суммаси + ошган қисмидан 32 фоиз

Жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизларига солиқ ставкаси 15 фоиз қилиб белгиланган ва улар солиқ тўлаш манбаида ушлаб қолинади.

6. Норезидентларни солиққа тортиш ставкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олинган даромадлари, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаса манбаида ҳеч қандай чегирмаларсиз қуйидаги ставкаларда солиққа тортилади.

Дивидендлар ва фоизлар	15 фоиз
Тавакалчиликни суғурта қилишга ёки қайта суғурта қилишга туланган суғурта мукофотлар	10 фоиз
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда Халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрактдан даромад)	6 фоиз
Роялти, ижарадан олинган даромадлар, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув, маслаҳат хизматлари кўрсатишдан ва бошқа даромадлардан	20 фоиз

7. Имтиёзли ставкалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 12 майдаги 250 – сон қарорига киритилган 1, 2 ва 3 – рўйхатдаги ходимларнинг ўта зарарли, ўта оғир ва оғир шароитларда олган даромадларидан ушланган солиқ миқдори жами даромадининг 25 фоизидан ошмаслиги зарур. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 17 март 117 – сон қарорига кўра оғир шароитларда ишлайдиган 1 – рўйхатга III бўлим, 2 – рўйхат 1 – бўлимга киритилган аёлларга 1999 йил 1 – апрелдан бошлаб даромадларидан ушланадиган солиқ суммаси 20 фоиздан ошмаслиги зарур.

Оғир табиий шароитларда ишловчиларга иш хақиға қўшимча суммалар, коэффициентлар (туманли, тоғли, сахро ва сувсиз жойларда) учун берилган даромадлардан солиқ 13 фоиз ставкада ҳисобланади (Ўзғариш ВМ 2000 йил 26 декабр 500 – сон қарори).

8. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларға солиқ ставкаси қатъий ставкаларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 декабр 2002 йил 455 – сон қарори билан икки гуруҳ ставкалар белгиланган. Биринчиси тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун (қарор иловасининг 9 – жадвали). Иккинчиси тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг баъзи фаолиятлари учун (9 – жадвал).

9. Солиқдан тўлиқ озод этиладиган жисмоний шахслар – улар Солиқ кодексининг 59 моддаси 1 – қисмида берилган.

10. Солиқдан қисман тўрт қаррали минимал иш ҳақи миқдорида озод этиладиган жисмоний шахслар таркиби Солиқ кодексининг 59 модда, 2 – қисмида берилган.

11. Солиқ декларацияси. Бир ва ундан ортиқ жойларда ишлаб даромад топувчи жисмоний шахслар, четдан бир марта (ёки бир неча марта) товар келтириб сотишдан даромад олувчи жисмоний шахслар солиқ декларациясини ёзишлари шарт. Унда жамъи даромад ва қилинган харажатлар кўрсатилган бўлади. Декларация жисмоний шахс яшайдиган ҳудуддаги солиқ идорасига 1 йилда 1 марта 1 апрелгача ёки хар бир четдан товар олиб келтирилгандан сўнг тўлдирилади ва инспекцияға тақдим этилади.

Такоррлаш учун саволлар.

1. Жисмоний шахсларнинг қандай даромадлари бўлиши мумкин?
2. Кимлар солиқ тўловчи жисмоний шахс ҳисобланади?
3. Жисмоний шахслар нимаға қараб гуруҳланади?
4. Жисмоний шахслар меҳнат ҳаққи тарзида қандай даромадлар олади?
5. Жисмоний шахслар даромадига қандай солиқ ставкалари қўлланилади?
6. Норезидент жисмоний шахсларға қандай солиқ ставкалари мавжуд?
7. Қандай имтиёзли ставкалар мавжуд?
8. Тадбиркорлик биноан шуғулланувчи жисмоний шахсларға қандай солиқ ставкалари қўлланилади?

9. Қандай жисмоний шахслар солиқдан тўлиқ озод этилади?
10. Солиқдан қисман 4 каррали минимал иш ҳақи миқдориди қимлар озод этилади?
11. Солиқ декларацияси нима ва у солиқ идорасига қачон топширилади?

Мавзу: «Жисмоний шахсларнинг мол–мулк солиғи»

1. **Солиқ тўловчилар.** Солиқ ҳисоби олинаётган йилда (жарий йилда) мол – мулкга эга бўлган жисмоний шахслар мулклар қийматидан келиб чиқиб солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

2. **Солиқ объекти** – бу жисмоний шахсларнинг мулкларидир. Бундай мулклар икки гуруҳга бўлинади:

1) Жисмоний шахсларнинг уй – жойлари, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар киради;

2) Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолетлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари двигателларининг қуввати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

3. **Солиқ ставкаси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Масалан иморатлар бўйича 2003 йилга уларнинг қийматидан 0,5 фоиз қилиб белгиланган. Транспорт воситаларига эса уларнинг турига қараб хилма – хил солиқ ставкалари ўрнатилган.

4. **Солиқни тўлаш муддатлари.** Жисмоний шахслар мол – мулк солиғини тенг улушларда икки муддатларда тўлайдилар:

50 фоизини 15 июнгача ва қолган қисмини 15 декабрдан кечиктирмай тўлашлари шарт. Бу ҳақда солиқ идоралари томонидан ёзилган хабарномада кўрсатилган бўлади. Бордию солиқ уч йил ичида тўланмаган бўлса пеня ҳисобланмасдан олинади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мол – мулк солиғи тўловчи жисмоний шахсларга қимлар киради?
2. Мол – мулк солиғи жисмоний шахсларда неча гуруҳга бўлинади?
3. Мол – мулк солиғи ставкаси қандай ва қим томонидан белгиланади?
4. Жисмоний шахслар мол – мулк солиғини тўлаш муддатлари қандай?

Мавзу: «Жисмоний шахсларнинг ер солиғи»

1. Ер солиғи тўловчилар. Ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилар бўлиб хисобланади.

2. Солиқ объекти — бу жисмоний шахсларнинг ер участкаларидир. Улар қуйидагича хилма — хил объектларга бўлинади:

1) Турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб умрбод эгалик қилишга қолдирилган ерлар;

2) Якка тартибда уй — жой қурилиши учун мерос қилиб умрбод эгалик қилишга берилган ерлар;

3) Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4) Хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлари;

5) Мерос бўйича ҳады қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй — жой, дала ховли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ерлар;

6) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари ер солиғининг объектларидир.

3. Солиқ ставкалари. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Улар шаҳар ва қўрғон ерларида 4 — зонага, қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган жойлар, улардан ташқарида, лалмикор ерлар, коллектив боғдорчилик ва полизчилик ерларига қараб белгиланади.

4. Ер солиғи тўлаш бўйича жавобгарлик. Ажратиб берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи 1,5 баробар миқдорда ундирилади.

Маъмурий жавобгарлик кодексига биноан (60 — модда) ерларни ўз хоҳиши бўйича эгаллаб олган фуқароларга 5 каррадан 10 каррали минимал иш ҳақи миқдорда жарима солинади.

Жиноий жавобгарлик кодексига биноан эса (224 — 1) маъмурий жавобгарлик тайинлангандан сўнг фуқаро ўз хоҳиши билан ерни эгаллаб олса, 50 каррадан 100 каррагача минимал иш ҳақи

миқдорида ёқи 3 йилгача тарбиялаш ишларига ёки 3 йилгача эркинликдан маҳрум этилади.

5. Ер солиғини ҳисоблаш — солиқ идоралари томонидан амалга оширилади. Бунда шахар ва қўрғонларда зоналарга қараб квадрат метрда, қишлоқ жойларда 0,01 га (сотихда) майдонни солиқ ставкасига қўлайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

6. Ер солиғини тўлаш. Ер солиғини тўлаш тўғрисидаги хабарномани солиқ идоралари хар йили 1 майдан кечиктирмай жисмоний шахсларга шахсан етқазилари шарт. Жисмоний шахслар ер солиғини 15— июнгача 50 фоизини ва 15— декабргача қолган қисмини тамомила тўлаб қўйишлари шарт. Акс ҳолда ҳар бир тўланмаган кун учун боқимонда суммага 0,15 фоиз пеня ҳисоблаб ундириб олинади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Кимлар ер солиғи тўловчилар бўлаолади?
2. Солиқ ставкалари қандай ва ким томонидан белгиланади?
3. Ер солиғи тўлаш бўйича жисмоний шахслар қандай жавобгарликлари бор?
4. Ер солиғини ҳисоблаш тартиби қандай?
5. Ер солиғини тўлаш муддати қандай?

Мавзу: «Бюджетдан ташқари фондлар» (давлат мақсадли фондлари)

1. Бюджетдан ташқари фондлар ёки мақсадли фондлар таркибига пенсион фонд, бандлик фонди, йўл фонди, Давлат мулк қўмитасига ажратма ва касаба уюшмалари Федерациясига ажратмалар киради.

2. Бюджетдан ташқари фондларга бадаллар ва ажратмалар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 30 декабрдаги 455 — сон қарори билан белгиланган:

а) Мулк шаклидан қатъий назар ҳамма юридик шахслар меҳнат ҳақи фондидан қуйидаги бадалларни тўлайдилар.

Пенсион фондга — 35 фоиз;

Касаба уюшмалари Федерациясига — 0,7 фоиз;

Бандлик фондига — 1,5 фоиз.

б) Ҳақиқий маҳсулот сотиш (иш, хизмат) ҳажмидан 0,7 фоиз
Пенсион фондга ажратма тўлаш тартиби белгиланган.

в) Фуқоролар иш ҳақидан мажбурий суғурта ажратмаси – 2,5
фоиз

3. Республика йўл фондига ажратмалар миқдори –
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил
31 декабр 490 – сон қарори билан қуйидагича белгиланган:

корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларнинг ишлаб чиққан маҳсулотлари (иш, хизматлари) ҳақиқий ҳажмидан	– 1,5 %
Тайёрлов, воситачилик, савдо ва умумий овқатланиш, таъминлов – тайёрлов корхоналарининг ҳақиқий товар оборотидан	– 1 %
Банклар (Марказий Банкдан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казино ва бошқа оммавий тамошо ташкилотлари ҳақиқий даромадидан	– 1,5 %
Қурилиш, қурилиш монтаж илмий текшириш ишларининг бажарилган ҳажмидан ажратма.	1,5 %
Автотранспортга эга бўлган хамма корхоналар даромадларидан	– 2,5 %
Автомобил сотиб олганда сотиш қийматидан:	
– енгил автомобил сотиб олган баҳосидан	– 6 %
– юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар сотиб олганда	– 20%
«Ўзавтойўл» корхоналарнинг мулкани сотишдан бюджетга бериладиган суммасидан	– 50%
– Қорақолпоғистондаги ёқилғи – мойлаш маҳсулотлари ҳажмидан	– 7%
– Ўзбекистон ҳудудига кирган чет эл автотранспорт воситаларидан 1 автотранспорт учун	– 400 АҚШ долларида

Такроралш учун саволлар.

1. Бюджетдан ташқари фондларга нималар киради?
2. Бюджетдан ташқари фондларга бадаллар ва ажратмаларнинг қандай миқдорлари бор?
3. Республика йўл фондига ажратмалар миқдори қандай?

Мавзу: «Инфратузилмани ривожлантириш солиғи»

1. Солиқ тўловчилар. Бу солиқни тўловчилар бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестицияси билан ташкил этилган юридик шахслар ҳисобланади.

2. Солиқ объекти. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг объекти бўлиб ҳамма даромадидан (солиққа тортилгунга қадар бўлган даромад) солиғини тўлаб бўлиб **қолган сумма** ҳисобланади. Агар корхона «Молиявий якунлар ҳисоботи»нинг 170 – сатрида зарар кўрсатилган бўлса, бу корхона бундай солиқни тўлашдан озод этилади.

3. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Солиқ ҳисоби хар чорақда, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик қилиб тузилади ва солиқ идораларига молиявий ҳисоботлар топширадиган кунларда топширадидлар.

Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25 – санасидан кечиктирилмай чораклик солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдоридан тўлаб борилади. Чораклик (ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик) молиявий ҳисоботлар тузиш билан корхоналар шу даврлар учун солиқ ҳисобларини ҳам тузиб ва ҳақиқий ахволдан келиб чиқиб солиқни тўлайдилар.

4. Солиқ ставкаси. корхонанинг даромадидан даромад солиғини тўлагандан сўнг қолган суммадан 8 фоиз миқдоридан белгиланган. Бунда корхона социал – маданий тадбирларга маблағ харажат қилса, шу сумма солиқ базасидан чегириб ташлаб солиқ ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қандай юридик шахсларга бу солиқни тўловчиси бўладилар?
2. Солиқ объекти нимадан иборат?
3. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?
4. Солиқ ставкаси қандай?

Мавзу: «Бошқа солиқлар ва йиғимлар»

1. Автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи. Жисмоний шахслар автотранспорт воситаларини олиб сотсалар сотиш битими суммасидан 17 фоиз солиқ тўлайдилар. 2003 йилдан бекор қилинди.

2. Реклама солиғи тўловчилар. Ўз товари, хизмати ва ишларини реклама қилувчи юридик ва жисмоний шахслар реклама хизмати қийматидан 15 фоиз солиқ тўлайдилар. 2003 йилдан бошлаб бекор қилинди

3. Савдо ҳуқуқи олиш йиғими. Ўзбекистон ҳудудида чакана савдо тармоқлари орқали савдо қилувчи жисмоний шахслар савдо ҳуқуқи олиш йиғими тўловчилардир. Йиғим ставкаси ҳар бир савдо қилинган ой учун 3,5 минимал иш ҳақи миқдорида белгиланган.

Алкогол маҳсулотлари ва тамаки маҳсулотлари сотиш ҳуқуқи олиш учун лицензия йиғимлари ҳар бир савдо қилинган ой учун 5 минимал иш ҳақи миқдорида белгиланган.

4. Ишбилармонлик фаолият билан шуғулланувчи-ларни рўйхатдин ўтказиш йиғими 5 минимал иш ҳақи миқдорида бир йилга белгиланган.

5. Автотранспорт турар жойи йиғими – ҳар бир тўхтаб турган соат учун 75 сўм миқдорида белгиланган. 2003 йилдан юридик шахсларга бекор қилинди.

Такрораш учун саволлар.

1. Автотранспорт воситаларини қайта сотиш солиғини қандай жисмоний шахслар тўлайди?

2. Реклама солиғини қандай юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар?

3. Савдо ҳуқуқи олиш йиғимини қандай жисмоний шахслар тўлайдилар?

4. Ишбилармонлик фаолият билан шуғулланувчиларни рўйхатдан ўтказиш йиғими қандай миқдорда тўланади?

5. Автотранспорт турар жойи йиғими қандай миқдорда тўланади?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент «Ўзбекистон», 1997 йил
3. Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза «Халқ сўзи», 2000 йил 23 январь.
4. Каримов И.А. «2001 йилда Республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якуналари, иқтисодий ислоҳатларни боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида» сўзлаган нутқи. «Ишонч» газетаси 2002 йил. 15 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент 1997й
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун, «Халқ сўзи», 1997 йил 29 август.
7. Конституция Республика Ўзбекистон. 8 декабрь 1992 йил.
8. Постановление КМ от 31. 12.2001 год. N – 490 «Опрогнозе основѹх макроэкономических показателей и параметрах государственного бюджета Республики Узбекистан на 2002 год.
9. Постановление КМ РУ от 6 мая 2002 год. N – 154 «Обупорядоченых в воза товаров физическими лицами на территорию РУ». («Нарочное слова» N-95 (2917) за 7 мая 2002 г)
10. Инструктивнѹе материалѹ по исчислению и уплатѹ налогов и сборов вѹшедшие в 2002 годи.
11. Абдуллаев Ё.А. Яхѹев Қ. Солиқ ҳақида 100 савол ва жавоб. Тошкент «меҳнат» 1997 йил ва 2000 йил.
12. Акрамов Э.А. Тапров А.Э. Экономические реформѹ Республики Узбекистан. М. Тошкент «Люкс – арт», 1998 йил.
13. Гадоев Э.Ф. Ўзбекистон Республикасида солиқлар. Иқтисодиѹт ва ҳуқуқ дунѹси уйи. Тошкент. 1996 йил.
14. Гадоев Э.Ф. Югай Л.П. Солиққа оид хатолар. Тошкент 1996 йил.
15. Йўлдошев М. ,Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. «Молия» 2000й.
16. Маликов Т. Солиқ ва имтиѹз диалектикаси. «Иқтисод ва ҳисобот» 1996 йил.

17. Маликов Т. ва бошқалар. Солиқ тизими талаблари: уни тўғри тушунишми? «Иқтисод ва ҳисобот» 1996 й 3 – сон
18. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. «Академия» нашриёти. Тошкент – 2002 йил.
19. Шарифхўжаев Мурод. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2002 йил.
20. Черник Д.Г. Налоги. Уч.пособие. «Фис».М. 1998 йил.
21. Медведов АН. Как планировать налоговые платежи? М. Информ. 1996 йил.
22. Собиров Х.Р. Ўзбекистоннинг давлат молияси тарихи. «Фан» Тошкент. 1966 йил.
23. Яхёев Қ.А. Қўлланмалар. Ўзбекистоннинг солиқлари. 1993 йил Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари 1999 йил; Ўзбекистонда солиқ тизими. Тошкент «Меҳнат» 1998 йил; Ўзбекистонда солиқлар тўғрисида асосий тушунчалар «ОБОН» Тошкент. 2001 йил
24. Яхёев Қ.А. Дарслик. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Ғ.Фуллом номли адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 2000 йил.
25. Яхёев Қ.А. Солиқларнинг заруриги, моҳияти ва вазифалари «Солиқ тўловчилар журнали» 1996 йил 3 сон
26. Яхёев Қ.А. Необходимость, сущность и функции налогов. «Журнал налогоплательщика» N 5–6, 1996 год.
27. Яхёев Қ.А. Нужна ли льготы по налогообложению? «Журнал налогоплательщика» N 8, 1996 год.
28. Яхёев Қ.А. Солиққа тортишда имтиёзлар керакли? СТЖ, N8, 1996 йил.
29. Яхёев Қ.А. Бремя налогов и их собираемость «Журнал налогоплательщика» N 4, 1996 йил.
30. Яхёев Қ.А. Следует обосновать и экономически. «Ж Н» 1997 йил.
31. Яхёев Қ.А. Иқтисодий жиҳатидан шам асослаш зарур. «СТЖ», N3, 1997 йил
32. Яхёев Қ.А. НДС и его особенности. «ЖН» N 8, 1997 йил
33. Яхёев Қ.А. Причина возникновения и проблемы ликвидации недоимки «ЖН» N4, 1998 год.
34. Яхёев Қ.А. Принцип обязательного налогообложения как они действуют? «ЖН» N9, 1998 год.
35. Яхёев Қ.А. Солиқларнинг мажбурийлик принципи, «СТЖ», N9, 1998 йил.

36. Яхёев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида солиқ тизими. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. N5 – 6, 19998 йил.

37. Яхёев Қ.А, Жамолов У. Боқимандалик илдизи: уни қандай киритиш мумкин? «СТЖ» 5 – сон 1999 йил

38. Яхёев Қ.А. Корень недоимки: как его уничтожить? «ЖН», N5, 1999 йил.

39. Яхёев Қ.А. Солиқ инспектори қандай бўлиши керак? «СТЖ» N – 9, 1999 йил.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I Бўлим. Солиқ назарияси.....	6
1 – БОБ. Фанинг предмети ва вазифалари.....	6
2 – БОБ. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва функциялари.....	
3 – БОБ. Ўзбекистонда солиқларнинг тузилиш асослари.....	17
4 – БОБ. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати.....	27
5 – БОБ. Солиқлар тизими таркиби.....	38
II Бўлим. Юридик шахсларни солиқлари.....	45
1 – БОБ. Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ.....	50
2 – БОБ. Қўшилган қиймат солиғи.....	72
3 – БОБ. Акциз солиғи.....	88
4 – БОБ. Юридик шахсларнинг мол – мулк солиғи.....	95
5 – БОБ. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи.....	102
6 – БОБ. Юридик шахсларнинг ер солиғи.....	108
7 – БОБ. Табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ.....	115
8 – БОБ. Экология солиғи.....	118
9 – БОБ. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи.....	121
10 – БОБ. Кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи.....	125
11 – БОБ. Савдо ва умумий овқатланиш соҳаси солиқлари.....	130
12 – БОБ. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларини даромад (ф) ни солиққа тортиш.....	139
III – Бўлим. Жисмоний шахслар солиқлари.....	144
1 – БОБ. Жисмоний шахслар даромадига солиқ.....	148
2 – БОБ. Жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғи.....	171

3 – БОБ. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи.....	174
4 – БОБ. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.....	179
5 – БОБ. Солиқ хизмати идоралари тизими.....	183
Қайтариш учун тестлар.....	186
Асосий тушунчалар:.....	200
Фойдаланилган адабиётлар.....	243
Мундарижа.....	246

Буюртма № 44.
Адади 2000. Босма табоғи 15,5.
Фан ва технологиялар марказининг
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор 171-уй.